

худойберди Тўхтабоев



(саргузашт-фантастик роман)

Тошкент
«Чўлпон»
1991 й


Худойберди Тўхтабоевнинг «Сехрли қалпоқча» китобини ўқигансиз. Эсингизда бўлса, ўша китоб қаҳрамонлари орасида Ақром деган бола ҳам бор эди. Ҳа, ҳа, Ҳошимжон Рўзиёвнинг ақин дўсти, бўри боласини ченага қўшиб томоша кўрсатмоқчи бўлган бир оз хаёлпараст, бир оз ўйинқароқ Ақромжон. Ушбу фантастик-саргузашт романида Ақромжон ўз саргузаштларини давом эттиради — Ширин қовунлар мамлакатини ҳар хил иллатлардан тозалаш мақсадида Сехргар Иблис билан жанг қилади. Бу курашда унга устози профессор Дар Даража ва Сехрли Қалпоқча яқиндан ёрдам беришди...

4803620201 — 26
Т _____ 29 — 91
360 (04) — 91

© Худойберди Тўхтабоев, 1991.

ISBN 5-8250-0252-0

Ширин қовунлар мамлакати



І БОБ

МЕН АКРОМ ҚОВУНЧИ БҰЛАМАН

Г ап қўшмай турсангиз, ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бераман, бўлган воқеа қандай юз берган ўлса, қасам ичиб айтаманки, ҳеч нарса қўшмасдан, ҳеч нарсани олиб ташламасдан шундайлигича айтаман. Елғончи эмасман. Елғон гапирган одамни кўрсам, мени етти кун ҳиқичоқ тутади. Уёғини сўрасангиз, елғон гапиришни, бирга ўнни қўшиб сўзлашни Ҳошимга чиқарган. Ҳошимни танийсизми? Рўзивой аканинг сартарош ўғлини танимайсизми? Йўқ, танийсиз. Ҳозир эсингизга тушираман. Унинг тўғрисида Тўхтабоев деган ёзувчи китоб ҳам ёзган. Уша китобни мақтанчоқ ўртоғим Ҳошим яна ҳам мақтаниб юриш учун атайлаб ёздирган. Ёзувчи амаки отпускасини ўтказиш, ширин-шакар мевалардан еб, сойларда маза қилиб чўмилиш учун қишлоғимизга меҳмон бўлиб селувдилар. Ҳошим унинг соч-соқолини текинга олиб қўйган, атирларнинг ҳам энг тозаси, энг хушбўйларидан сепган бўлса керак. Бундан ташқари, ўша пайтда Ҳошимларнинг ола сигири туққан эди, ёзувчига қаттиқ олиб ўтганини қишлоқдаги болалар бир неча бор кўришган экан. Бўлмаса, шунча аълочи болалар буёқда қолиб, бориб-бориб мақтанчоқ Ҳошим ҳақида китоб ёзармиди? Бундан ташқари, диққат қилган бўлсангиз, ўша китобдан янги ивитилган қаттиқнинг ҳиди келиб гуради. Мен ҳидни яхши биламан, минг бир нарсанинг ҳидини минг метр наридан туриб фарқлай оламан. Ҳошим роса мақтанган бўлса керак. Ҳатто менинг ҳам номимни ўша ёзувчи бир неча бор тилга олиб ўтган. Уқиган бўлсангиз, эсингиздадир, ўша китобда «Акрём бўри ушлабди» деган боб ҳам бор. Бўрининг бо-

ласини ушлаб олганим тўғри, уни аравачага қўшиб цирк томошаси кўрсатмоқчи бўлганим ҳам рост. Лекин Ҳошимнинг, шу бўри боласига маҳлиё бўлиб Акром яхши ўқий олмай, олтинчи синфдан қолиб кетди, дегани ғирт ёлгон. Тўғри, мен ўша йили олтинчи синфда қолиб кетганман, лекин ёмон ўқиганим учун эмас, йўқ, зинҳор бундай деб ўйламанг. Ўша йили, сизга очигини айтсам, бутун мактабимиз бўйича тўрт ва беш баҳолар запаси камайиб шунақа баҳолар солинадиган халтачалар бўшаб қолган экан. Шунинг учун муаллимлар менга нуқул ё уч, ё икки қўйишаверган. Ўқитувчилар: «Акромжон, сен ўзи ажойиб боласан-у, лекин бари бир сенга икки қўйишга тўғри келади-да», деб бир неча бор узр сўрашган. Хуллас, айб менда эмас эди. Ҳошим қурғур бутун айбни мен билан бўрининг боласига тўнкаб, ўзини оппоқ қилиб кўрсатмоқчи бўлган. Хуллас, мана шунақа гаплар. Хўп, нима деяётган эдим? Ана холос, ҳаммаси эсимдан чиқди-қолди! Уф, ўзи мен сал шунақароқман. Бир нарса ҳақида гапириб тураман-у тўсатдан эсимга бошқа нарса келиб қолади. Кейин ўша ҳақда хаёл суриб кетаман. Мана масалан, география дарсида ўтирибмиз дейлик. Муаллим йўқламани қилиб бўлгач, ўтган дарсда қайси мавзунини ўтган эдик, деб сўрайди, ҳамма қўл кўтаради, мен ҳам кўтараман. Муаллим: «Акром Мадумаров, доскага чиқ», дейди. Чиқаман. «Демак, «Гибралтар бўғозини» ўтганмиз, шундайми?» «Шундай», дейман, «Қани, бошла», дейди муаллим. Кўзларимни хиёл қисиб, чаккамни қашлаб, бир оз жим тураман-да, бошлаб юбораман. Гибралтар бўғозининг қайси денгизларни туташтириб тургани, бу денгизлар қайси мамлакатга қарашли эканлиги, бўғознинг юк ташинишдаги аҳамияти, бу бўғоз туфайли... дейман-у, кейин миямда бўғоз деган сўз айланаверади... Тўсатдан, сигиримиз бу йил бўғоз эмас, эсизгина, қисир қолди-я, деб ўйлайман. Кейин ўйимни давом эттириб, энди сут-қатиқ масаласи чатоқ бўлади-да, ширгуруч қилмоқчи бўлсак, товоқ кўтариб Ҳошимларникига чиқишга тўғри келади. Мақтанчоқ Ҳошимнинг бувижониси сут бергунча, ландовур даданг битта сигирниям қочиролмабди-да, деб шунақа дийдиё қиладики, охири шу сутни ичгандан заҳар ичган маъқул деб қайтаётганда сут тўла идишларни ерга ургинг келади... Ана шунақа гапларни ўйлаб кетаман. Қанча ўйласам, ўйим шунча чувалашиб кетаверади...

— Нега жим қолдинг? — деб сўрайди муаллим.
— Жим бўлганим йўқ, — дейман ҳамон ўйга толиб.

— Гапир бўлмаса, — дейди муаллим яна.

— Сигиримиз бўғоз эмас, — дейман.

— Нима?! — дейди муаллим ўрнидан хиёл қўзғалиб.

— Энди сут масаласи чатоқ бўлади-да.

— Нима-нима?! — деб муаллим ўрнидан туриб кетади.

— Ҳошимнинг бувисидан сут сўрагандан кўра... — дея дудуқлана бошлайман.

— Тавба! — дея муаллим ёқасини ушлаб қолади.

— Маҳалламизда яхши буқа йўқ, — дейман-у, гапимнинг уёғини айтолмайман. Нега десангиз синфда гуриллаб кулги кўтарилади. Муаллим ҳам кула бошлайди. Кўпчиликдан қолиш яхшимас деб ўзим ҳам жўр бўламан. Мириқиб-мириқиб куламиз. Муаллим кулгидан тўхтаб, қовоғини уйиб:

— Ўтир, — дейди, — баҳонг — икки!

Мана шунақа камчилигим бор. Зарур гапни ўрнида айтолмайман. Шунинг учун ҳам тенгқурларим менга «Қовунчи» деб лақаб қўйишган. Яъни мен тез-тез қовун тушириб турармишман. Лақабим қовунчи бўлгунга қадар қовун туширди деган гапнинг мазмунига унча тушунмас эдим. Кейин ўйлаб кўрсам, ўрнида айтилмаган ҳар бир гап, ўрнида бажарилмаган ҳар бир юмуш кераксиз жойга қовун туширгандек бир гап экан... Хуллас, мана шунақа гаплар... Уёғини суриштирсангиз, ўзим ҳам қовунни ўлгудай яхши кўраман. Лақабим Акром қовунчи бўлгани учун эмас, йўқ, йўқ, ундай деб ўйламанг, қовун ширин бўлгани, боз устига еяётганда тани-жоним яйраб кетгани учун яхши кўраман. Қовунни кўп еганим ва яна шу ҳақда кечасию кундузи ўйлаганим учунми, унинг ҳақидаги маълумотим энг зўр муаллимларникидан ҳам кўпроқ. Елғон сўзлаётганим йўқ, рост айтаяпман. Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади, деган мақол бор, тўғрими? Хўш, тўғри бўлса айтинг-чи, нега унинг уруғи кўп бўлади, нега? Ана, билмас экансиз-ку! Мен билман. Айтиб берайми? Қулоқ солинг бўлмаса. Қовун гул ташлагандан кейин бош бармоқдеккина хамакча пайдо бўлади. Хамакча янги туғилган бузоқча онасининг эмчагини сўргандек палакни сўриб катта бўлади. Томирларда пайдо бўлиб, палаклар орқали оқиб ке-

лаётган оппоқ сут хамакчанинг оғзига қуйилиб туради. Ана шу сутни уруғлар кўпроқ сўрса, улар кўпайиб кетади-ю, қовуннинг эти бемаза бўлиб қолади. Қалай, билар эканманми? Мен яна қовунларнинг етмиш олти хилини ҳидига қараб ажрата оламан. Кўзимни етти қават дока билан бойлаб, қовунни орқангизга беркитсангиз:

— Бу босволди, бу чала пишган бегимсуйди, бу банжида бўлган оқ уруғ, бу бир ёнига офтоб тегмаган қизилуруғ,— деб беҳато айтавераман.

Маҳалламизда Саври хола деган кампир бор. Бир куни кўчамиздаги болалар билан баҳс бойлашиб, бир арава қовун ютиб олганимни кўриб: «Суф-суф, болам, кўз тегмасин. Одамларнинг ақли калласида бўларди, сенинг ақлинг бурнингда экан, бурнингни эҳтиёт қил», деб насиҳат қилгани ҳали-ҳали эсимда. Ишонсангиз, бу кўздан буён гоҳо ёмон болалар билан муштлашиб қўлдан бўлсам калламни эмас, бурнимни эҳтиёт қиламан. Менинг бошқаларда учрамайдиган яна битта фазилатим бор. Айтиб берардим-у, лекин бари бир ишонмайсиз-да. Ҳа майли, ишонмасангиз ҳам айтаман. Мен қовунни қўлимга олишим билан унинг ичида неча дона уруғ борлигини ҳам беҳато айта оламан. Қовунни кафтимга қўйиб кўзимни юмишим билан кўз ўнгимда телевизор экранига ўхшаш сарғиш бир лаган пайдо бўлади-ю, шу лаган сатҳида уруғлар дона-дона бўлиб бир томонга сурилиб ўтаверади. Эҳ-ҳе, бу ҳақда аввал кўчамизда, кейин мактабда, ундан кейин район марказида ўтказилган катта қовун сайлларида неча-неча марталаб баҳс бойлашлар бўлиб ўтмади дейсиз! Фақат бир мартагина хато қилиб қўйганман холос. Қирқма қовунни қўлимга тутқазиб:

— Айт! — дейишди.

Кўзимни чирт юмиб, сарғиш экранда намоён бўлган дона-дона уруғларга бир нигоҳ ташладим-да:

— Етти юзу қирқ! — дедим.

— Сўй! — дейишди.

Сўйиб, санаб кўришсаки, етти юзу қирқ битта уруғи бор экан. Роса хафа бўлдим, дунё-дунём қоронғи бўлиб кетди. Уруғларни ўзим қайтадан санай бошладим. Эҳ-ҳа, мана, хато қаерда экан. Уруғлардан бири эгизак, яъни мақтанчоқ ўртоғим Ҳошимжоннинг тили билан баён қиладиган бўлсак, Ҳасан-Ҳусан экан. Ҳасани яхши ривожланиб, Ҳусанини тагига босиб олгани учун кўз ташлаганимда яхши илғамай қолган эканман...

Хуллас, мана шунақа гаплар... Хўп, нима деяётган эдим, ҳа, эсимга келди. Хуллас, ўртоғимнинг ёлгон-яшиқ гаплари орқали мен ҳам сизга қисман танишман. Ўзимни қайтадан таништириб ўтиришимнинг ҳеч ҳожати йўқ демоқчиман-да. Мабодо тоғ орасидаги мана шу Сойбоши қишлоғига йўлингиз тушиб, эгрибугри кўча-кўйдами, сурнай чалиниб зиёфат берилаётган тўй-маъракадами ўрта бўй, гуппа семиз, чўзиқдан келган юзи сарғайиб пишган ҳандалакка хиёл ўхшаб кетадиган, қоп-қора кўзлари ҳамиша кулиб, чарақлаб, сергўшт лаблари қизиқ бир нарса айтмоқчидай табассумга мойилнамо қимтиниб турадиган йигитчага дуч келсангиз — бу менман! Мана, қаршингизда ўтирибман. Ҳикояни давом эттираверайми? Хўп бўлмаса, жиндай сув ичиб олай, сув ичсам гапим равоноқ кетади-да. Сизга айтадиган энг катта ҳикоямни бошладан олдин яна бир воқеа эсимга келиб қолди. Рухсат берсангиз шуни ҳам тугатиб олсам. Сизга Катта тағоблик Ҳошимжон билан қандай танишлигимни айтдим-у, ундан қандай ажралганимни ва ажралишганимизни, сўнг бошимдан нималар ўтганини айтмабман. Шуларни айтиб берсам майлими, шошаётганингиз йўқми?

II БОБ

ОЙИЖОНИМ БУРНИМНИ КЕСИБ ТАШЛАМОҚЧИ БЎЛГАНИ

Тўғри, олтинчи синфда қолиб кетдим, буни ҳеч кимдан яширмайман. Лекин, сабаби, ҳали айтганимдек ёмон ўқиганим эмас. Балки мактабимизда яхши баҳолар тугаб қолгани учун шунақа бўлди. Ахир ёмон баҳоларни ҳам кимдир олиши керак-ку. Илгари ҳам бир шунақа бўлувдим. Тўртинчи синфда ҳам икки йил ўқиб, бошланғич таълим пойдеворини обдан мустаҳкамлаб олганман. Олтинчида ҳам шундай қиларман деб ўйладим-у, унча хафа бўлмай қўя қолдим. Лекин бу ниятим амалга ошмай қолди. Нега десангиз, қишлоғимиздан уч чақирим юқорироқдағи, тўрт томони баланд тоғлар билан ўралган Сойбоши деган қишлоққа кўчиб кетдик. Дадам асли ўша ерлик экан-у, бундан йигирма йилми, ўттиз йилми олдин буёққа келиб қолган, ойим икковлари шу ерда топишиб, шу ерда турмуш қуришган экан. Катта бобомдан қолган

боғ, олти хонали уй, йигирмата мол сиғадиган оғил-хона дадамга мерос бўлибди. Ушалар хароб бўлмасин, энг муҳими — бегона одамлар қўлига ўтиб кетмасин деб, дадам ўша ёққа кўчишга қарор қилган экан...

Бу ерда ишларимиз жуда гумбур бўлиб кетди. Дадам магазинга мудир, ойим сотувчи, ўзим бўлсам саккизинчи синфга эсон-омон жойлашиб олдим. Кўчиб келган кунимиз эртасига Ортиқали деган чап қўлида олтита бармоғи бор ўзим тенги бир бола билан танишган эдим, кейинчалик дўст бўлиб кетдик. Ортиқали, саккизинчи синфга кириб ўқийвер, нега десанг бу ерда муаллимлар ўқувчиларнинг билимига қараб эмас, далада қандай ишлаганига қараб баҳо қўйишади. Сен жуссаликкина экансан, кучинг ҳам бор шекилли, қара, билагингдаги мушакларинг ўйнаб турибди, ҳашар пайтида ўзингни бир кўрсатсанг, эҳтимол аълочи ҳам бўлиб кетарсан, олти-етти дея бошингни оғритиб юрма, деб маслаҳат берди.

— Демак, бизнинг мактабга ўхшаркан-да,— дедим хурсанд бўлиб.

— Энг муҳими, прогул қилмасанг бўлгани,— деб тушунтирди янги дўстим,— синфдан синфга ўзлари ўтказиб қўйишаверади... Лекин, Акромжон, битта нарса сўрасам йўқ демайсан, хўпми?

— Истаганингча сўрайвер,— деб қўйдим.

— Сенинг бурнинг яхши ҳид олармиш, шу ростми?

— Рост.

— Исковуч итдан ҳам зўрмишсан, тўғрими?

— Тўғри.

— Фақат қовуннинг ҳидини яхши фарқлай ола-санми?

— Нега энди фақат қовунникини бўларкан?

— Шундай деб айтишди-да.

— Бўлмаган гап,— дедим негадир шу пайтда жуда мақтангим келиб,— мен минг хил ҳидни бир-бирдан фарқлай оламан.

— Йўғ-э! — деди Ортиқали ишонқирамай.

— Ишонмайсанми?

— Ишонай деяпман-у, ахир негадир ишонгим кел-маяпти.

— Уч чақирим наридаги нарсанинг ҳам ҳидини сеза оламан.

— Сен... ғалати экансан-ку! — деб қўйди Ортиқали ҳайрати ошиб.

Ўша куни суҳбатимиз роса қизиб кетди. Лекин

қизигани ҳам яхши бўлди, нега десангиз кўчиб келганимизга ўн кунча бўлган бўлса ҳам ҳали биронта бола билан дурустроқ танишиб, мириқиброқ суҳбатлашганим йўқ эди. Шунақа суҳбатни жуда, жуда ҳам кўмсаб юрган эдим. Суҳбатимиз бориб-бориб Шокирали бобога тақалди. Биз кўчиб келмасимиздан бир кун олдин уйини ўғри уриб кетибди. Иккита ўғли армияда хизмат қилаётган экан. Келишса иккисининг тўйини бир кунда ўтказамиз, деб икки сандиқни тўлатиб молдунё йиғиб қўйишган экан. Помбархит, мачалкабархит деган ялтироқ матолардан нақ ўн етти кийимлик экан, ҳаммасини уриб кетишибди. Милиция кепти, тополмабди, ром очишибди — фойдаси бўлмабди, қишлоқ эркакларини йиғиб, обдастагардон қилдиришибди — нафи тегмабди... Чолу кампир ҳозир сал ғалатироқ бўлиб қолишган эмиш...

— Акром, — тўсатдан жонланиб кетди Ортиқали нимадир эсига тушгандек.

— Нима дейсан? — бирон гап бўлдимикан деб уёқ-буёғимга бир қараб олдим.

— Наҳотки чол-кампирга ачинмасанг?

— Ачинаман, — деб қўйдим.

— Ачинсанг нарсаларни топишга ёрдамлашиб юбор. Хўп дегин, жон ўртоқ, мен учун хўп дегин. Агар ёрдамлашсанг, жонажон ўртоқ бўлиб қоламиз. Иншоларингга ёрдамлашиб юбораман, ўзим мана шу қўлларим билан ёзиб бераман.

Уйланиб қолдим. Мен милиционер ҳам, изқувар ҳам эмасман. Буларнинг ишига аралашсам қалай бўларкин? Лекин чол бувага ҳам ачиниб кетяпман. Кампири чилдирма чалиб, ўйинга тушиб юрган эмиш. Демак, сал анақароқ бўлиб қолгани аниқ. Хўп ана, аралашдим ҳам дейлик, бирор иш чиқара олмасам-чи? Ахир, ўғрилар ҳам анойи эмас. Аллақачон нарсаларни гум қилиб қўйган бўлишлари мумкин... Борди-ю ваҳима кучайиб, нарсаларни қишлоқдан ташқарига олиб чиқиб кетишга улгурмаган бўлишса-чи, ахир ўғрилиқ кундузи юз берган-ку?.. Агар яқин ўртага беркитилган бўлса... бемалол топса бўлади... Нега десангиз, ҳар бир нарсанинг ранги, шакли бўлганидек, унинг уфуриб турган ҳиди ҳам бўлади. Рангни, шаклни беркитса бўлади, ҳидни беркитиб бўлмайди. Кўмсангиз тупроқдан баҳра олиб, яна тиниқлашади, пуфласангиз ҳаво билан қўшилиб, яна кучаяди. Рост айтяпман, буни мен ҳам бир неча бор синаб кўрганман. Ҳатто ўзимча

битта ҳикматли гап ҳам тўқиганман. Ранг кўркамлик аломати, ҳид ошкорлик аломати, деган гапни ўзим ичимдан тўқиб чиқарганман... Лекин қалай бўларкин, илгари ҳеч ўғирлик мол орқасидан қувмаганман. Ҳид билишимни қовун сайлидан бошқа жойда ишлатиб ҳам кўрмаганман. Тўғри, бир марта сигиримиз адашиб бошқа қишлоққа ўтиб кетганда, эмчагидан таралаётган сут ҳидини ҳидлай-ҳидлай адашмасдан орқасидан етиб борганман.

— Кетдик,— дедим аста ўрнимдан туриб.

— Ёрдам берасанми? — шошилиб сўради Ортиқали.

— Бир унаб кўраман,— ланжроқ жавоб қайтардим. Нега десангиз ўзим унча ишонмаётган эдим-да.

Шокирали бува ҳовлисидаги катта нок салқинида эски тўшакка ёнбошлаб ётган экан. Уй суришга шунанга берилиб кетибдики, ҳатто кирганимизни ҳам пайқамай қолди. Яқинроғига бориб, томоқ қириб йўталдик. Йўқ, ухлаб қолганга ўхшайди, кўзини очмади.

— Бува, мен Ортиқалиман,— деди ниҳоят шеригим келганимизни сездириш учун.

Шокирали бувам уйғоқ экан, ёшовраб турган нурсиз кўзларини хиёл очиб:

— Имм,— деб қўйди.

— Ўзи тузукмисиз, бобо? — негадир бу гал шошилиб сўради Ортиқали.

Бобо жавоб қайтармади-ю, ўрнидан қўзғалиб, чордана қуриб олди, қўлидаги чорси билан хира пашшаларни ҳайдаган бўлди:

— Нима қилиб юрибсанлар?

— Сизга ёрдам бергани келдик.

— Ёрдам бергани? — назаримда Шокирали бобонинг нурсиз кўзлари каттароқ очилгандай бўлди, бир нафас бизга тикилиб турди-да,— Қанақа ёрдам? — деб сўради.

— Ўғриларни тутгани,— қатъий бир оҳангда деди шеригим.

— Нима?!— Шокирали бобо ўнг қўлини ўнг қулоғи супрасига карнай қилиб биз томонга хиёл бургандек бўлди.

— Шеригимнинг бурни жуда зўр,— тушунтира бошлади Ортиқали.

Бобо қўлидаги чорси билан яна пашшасини қўриб:

— Ёрдам бермаган икковинг қолувдинг,— деди-да, бошини яна тиззасига солинтириб олди. Ортиқали

бидирлаб, бу ўртоғимнинг бурни яхши ҳид олади, бу хусусда энг зўр итларни ҳам йўлда қолдириб кетади, деган мазмунда гапира бошлаган эди, чол бобо қўли билан «даф бўлинглар» дегандек ишора қилиб қўйди. Жуда ноқулай аҳволда қолдик. Тураверишни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмаймиз денг. Худди шу пайтда бурнимга ғалати-ғалати ҳидлар гупиллаб урила бошлади. Куядорининг гаранг қилувчи аччиқ ҳиди, хушбўй ялпизнинг димоқни эркаловчи атри, яхши пишган нон беҳининг иштаҳа қўзғаб, оғиздан сўлак оқизувчи ҳидига қўшилиб, аралашиб, тўлқин-тўлқин бўлиб димоғимга урилаверди. Миямга ғалати бир фикр келди-ю, кўзларим чарақлаб очилиб кетгандай бўлди. Рўпарадаги икки қаноти ланг очиқ турган уйга қараб юра бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Шеригимнинг, ўғирланган моллар мана шу уйда сақланарди, деган палағда товуши қулоғимга ё кирди, ё кирмади. Ҳа-ҳа, деган ўй яшин тезлигида ўта бошлади бошимдан, келин-куёвларга аталган қимматбаҳо кийимликлар мана шу туясандиқларда сақланган. Кампир холамиз бу сандиқларда энг олдин беҳи сақлаган бўлса ҳам ажаб эмас. Кейинчалик кийимларини жойлаган. Уларга куя тушмасин деб олдин ялпиз уруғини сепган, бўлмагандан кейин район марказидан куядори олдириб келган... Отилиб ташқарига чиқдим. Ичкарида туйганим аралаш ҳидлар кўринмас ипдек чўзилиб, эшилиб-буралиб боғ томонга ўтиб кетгандек бамисоли бурнимга буровиқ солиб ўша томонга қараб тортаётгандек. Орқамдан ҳаллослаб келаётган Ортиқалининг: «Қаёққа» югуряпсан, эшик буёқда-ку», деганини ё эшитдим, ё эшитмадим. Назаримда, мана шу ҳидлардан яралган йўлакча мени тўппа-тўғри ўғирланган моллар беркитилган томонга олиб борадигандек. Ҳа-ҳа, худди шундай бўладиганга ўхшайди! Бўш келма, ўзингни кўрсат, қадрдон бурним! Сени ҳар куни эрталаб илиқ сувга чайганим бўлсин, устингдан вазелинга ўхшаш юмшоқ мойлардан суртганим бўлсин, лекин мени шарманда қилма. Мана шу дақиқаларда эгангнинг тақдири ҳал бўлади, ё ўғирланган молларни топиб Сойбоши қишлоғи болалари ўртасида номи шону шухратга кўмилади, ёки... мени, қадрдон буригинам! Мана шу орқамдан тилини осилтириб югургилаб келаётган оққўнгил Ортиқали олдида юзимни ёруғ қил, иншоларимни ёзиб бераверсин...

Боғ деворидан ошиб ўтиб, юзасини сариқ жангалу

пакана ўсган ҳар хил буталар қоплаб ётган, шунинг учун ҳам югуриш хийла қийин бўлган пасту баланд адирлардан чопқиллаб борардим. Гоҳо пастликка тушиб кетаман, тушишим билан аралаш ҳидлар пасайиб, бурнимнинг ичи бўм-бўш қолгандек сезилади. Югуриб юқорига чиқаман-у, тўхтаб, худди чегарачиларнинг итига ўхшаб иягимни юқори кўтариб, куядори, беҳи ва ялпизнинг аралаш ҳиди уфуриб турган изни қайтадан топиб оламан. Олтинчи тепаликдан ўтганимдан кейин энди ҳалиги аралаш ҳидлар орасидан резинка калишнинг ҳиди ҳам кела бошлади. Резинка офтобда куйганда қанақа ҳид чиқарса, бора-бора атрофни шундай ҳид қоплаб олди, бошқа ҳидларни босиб кетгандек бўлди. Поёнсиз сайҳонликда беҳисоб янтоқ ғарамлари турибди. Қишда қўйларга едириш учун колхозчилар чопиб, уюб кетишганга ўхшайди. Ғарамлардан бирининг ёнига бориб тўхтадим. Ўғирланган мол шу ерда, дедим ўзимга ўзим ва чуқур-чуқур нафас ола бошладим. Ҳар гал нафас олганимда, ишонсангиз, аввалги ҳидлар ёнига яна бошқалари келиб қўшилаверади. Мана буниси амиркон маҳсига сурилган лакнинг ҳиди, мана буниси попукли жун рўмолга ишлатилган бўёқники, дея кўнглимдан ҳам ўтказиб турибман денг.

— Жуда чопоғон экансан-ку! — деб қўйди Ортиқали етиб келгач.

— Хид олувчилар чопоғон бўлади ўзи, — деб кулдим, — ўғирланган мол мана шу ерда, ғарам остида.

— Янглишаётганинг йўқми? — сўради шеригим қувончдан кўзлари парпираб ёниб.

Ғарамнинг ён томонидан ярмигача очиб, тўртта шакар қоп бир-бирига суяб қўйилганини кўрдик.

— Шу, — деди Ортиқали ирғишлаб. Сўнг гап йўқ, сўз йўқ қишлоқ томонга қараб ўқдек учиб кета бошлади. Бир маҳал чопишдан тўхтаб, кафтларини оғзига кўзача қилди-да, сен қимирламай тур, дея бақирди.

Кўз юмиб-очгунча ҳаммаёқни одам босиб кетди. Шокирали бобо, кампири, иккита куёвию қизлари... Бир маҳал қарасам, янтоқ ғарамлари орқасидан ҳал-лослаганича дадам ҳам чиқиб келяпти. Шокирали бобо шакар қоплар атрофида гир-гир айланиб, ҳалол эди, ҳаммаси пешона терга келган эди, ўттиз йил йиққанман-а, ўттиз йил деса, кампири чўкка тушиб, ҳўнг-ҳўнг йиглаб, худога шукур, ўғилларимнинг пешонаси ярқираган экан, дейди денг. Бошқа бир хотин бўлса, вой айланай ромчи бувимдан, мол ташқарига чиққани йўқ,

дедилар-а, кароматларидан ўргилай, деб жавраяпти.

Уша куни ҳеч кимнинг мен билан иши бўлмади, ҳатто Ортиқали ҳам унутиб юборгандек бўлди. Лекин эртасига, ҳай-ҳай, бурнимнинг ҳид олиш хислати ҳақда миш-мишлар шунақанги кучайиб кетдики, ишонсангиз, томоша қилгани келган одамлар дастидан кўчада ҳам юролмай қолдим. Индинисига эса мени бутунлай сеҳргарга чиқариб қўйишди. Миш-мишнинг учқур қаноти бор деганлари паққос рост экан. Қишлоқдан қишлоққа учиб ўтиб, охири район марказига ҳам бориб етибди. Газетадан фотомухбир келиб, бурнингни суратга олиб, газетда босиб чиқараман, деб туриб олса бўладими! Ҳай-ҳай, ўша кунлари бемаъни савол-жавоблардан қийналганим. Лекин булар ҳам ҳали ҳолва экан. Машмашанинг энг каттаси шу воқеадан ўн кун ўтгандан кейин бўлди.

Кечки пайт эди. Дадам магазинга савдо қилгани кетган. Ойим супрани кенг ёзиб, майдалаб угра кесаётганди. Мен бобомиздан мерос теккан катта ҳовлини чангитиб супураётган эдим. Милиция формасини кийган, ўрта ёшлардаги, дадамдек норғул бир одам кулимсираганча кириб кела бошлади.

— Акромжон Мадумаров ўзингиз бўлсангиз керак? — деб сўради қаршимда тўхтаб.

— Ўзимман, — деб қўйдим.

— Қани бир омонлашиб қўйлик-чи.

Мен билан, негадир, жуда илиқ сўрашди. Сўрашаётганда кўзлари кулиб, юзларидан нур ёғилиб тургандек бўлди. Сўнг ойижоним уйдан олиб чиққан синиқ курсига ўтириб, ўзини танитгач, гапни жуда узоқдан бошлади. Мендек ўғилни тарбиялаб, вояга етказётгани учун ота-онамга раҳматлар айтди. Шу билан бирга район милицияси жиноят қидирув бўлими ихтиёрида ғоят зотдор, ғоят ақлли бир исковуч ит бор экан. Бундан олти ой олдин тўсатдан ўлиб қолибди. Уша ўлгандан буён ўғирланган молларни топиш мумкин бўлмаётган эмиш. Агар менинг ойим, яъни Сарвинисо Мадумарова рози бўлса, мени, яъни Акром Мадумаровни милиция капитани ўртоқ Эргашев саксон сўм маош билан ўзига ишга олмоқчи экан...

Ойижонимнинг қошлари пасту баланд бўлиб кетди. Юзларида ғалати-ғалати тугунчалар пайдо бўлди, лаблари пирпираб уча бошлади. Қўлидаги зувалани таппиллатиб супрага урди-да, шартта ўрнидан туриб:

— Итингиз ўлиб қолибди-да? — деб сўради.

— Ҳа, ўлиб қолди,— деди капитан ачиниб,— кўп ажойиб ит эди-да.

— Демак, менинг ўғлимдан унинг ўрнида фойдаланмоқчи экансиз-да?

— Агар рози бўлсаларинг...

— Демак, мен бола эмас, ит туққан эканман-да! Йўқолинг ҳозир, бўлмаса мана шу пичоқ билан,— ойижоним энгашиб ошпичоқни қўлига олди-да, капитаннинг устига бостириб кела бошлади,— мана шу пичоқ билан аввал сизни, кейин ўзимни чавақлаб ташлайман. Тилаб-тилаб олган боламни исковуч ит ўрнида ишла тармиш! Йўқолинг, ҳозир йўқолинг деяпман!

Ойижоним мақсадини яхши англатолмай ҳангу манг бўлиб қолган капитанни гоҳ биқинидан, гоҳ елкасидан туртиб нақ кўча эшиккача итар-итар қилиб борди-да, ўша ерга етганда шунақанги қаттиқ итардики, капитан ўзини тўхтатолмай, дадам ишлаётган магазиннинг ҳовлисиғача югуриб борган бўлса ҳам ажаб эмас. Сўнг... уф, буёғини айтгани тилим бормайди... Қўлидаги ошпичоқни ўқталиб, бошимни ғалвадан чиқармаётган ўша бурнингни кесиб қутулмасамми, дея мени қувлаб кетди. Ҳар қалай, ўша куни бурним кесилмади-ю, лекин қаттиқ қўрққан эканман, бир ойгача ухласам икки қўллаб бурнимни чангаллаб ётадиган бўлдим.

III БОБ

ШИША ИЧИДАГИ ЖИНЛАР

Х али айтганимдай, бу ерда ишларимиз гумбур бўлиб кетди, дадам магазинни қабул қилиб олгандан кейин ойижонимни ўзига ёрдамчи қилиб олди. Нега десангиз, дадам уёқ-буёққа кетганда магазин беркилиб қолса, харидорлар хафа бўлар экан. Катта укам Акбар жуда уйқучи денг. Овқат еб ўтирганда ҳам кўзи уйқуда бўлади. Далага мол олиб чиқса, дарахтга боғлаб қўяди-да, марзага бош қўйиб кун ботгунча ухлайверади. Дарс пайтида ҳам ухлагани-ухлаган. Кўпинча охириги кўнғироқни эшитмай, синфда эртасиғача қолиб кетади. Ойижоним жиғибийрони чиқиб:

— Наҳотки қечаси уйғонмаган бўлсанг?— деб сўраса, укам бир эснаб олади-да:

— Нега уйғонмас эманман, — деб тўнғиллаб қўяди.
— Нега бўлмаса уйга келмадинг? — ер тепиниб дейди ойижоним.

— Эртага тагин қайтиб келгандан кўра шу ерда ухлаганим яхши-да, — дейди Акбар. Ана шу укамни, бешинчи синфга қабул қилишди. Йўқ, энг муҳими бу эмас, муҳими уни тозалик комиссиясига раис қилиб қўйишди. Мактабдан кела солиб папкани ҳовлидаги сўрига ирғитди-да, бир умр сув тегмагандан қасмоқ боғлаб кетган қўлларини совунлаб ювишга тутинди.

— Бетингни ҳам ювгин, — деб маслаҳат берган эдим:

— Бари бир кир бўлиб қолади, яхшиси уни эрталаб ювман, — деб жавоб қайтарди.

Ундан кейинги укамнинг исми — Асқар. У шунақанги қайсарки, таърифига сўз тополмайсиз. Нима десангиз, ўшанинг аксини қилади.

— Юр! — десангиз,

— Бормайман! — дейди.

— Хўп, шу ерда ўтириб тур бўлмаса, — десангиз:

— Йўқ, энди орқангдан боравераман, — дейди. Дадам негадир уни ҳаммамиздан ортиқ севади. Гоҳо елкасига қоқиб, катта бўлса колхозга бош бухгалтер бўлади, деб қўяди. Хуллас, колхознинг бўлажак бош бухгалтери учинчи синфга қатнай бошлади. Муаттар синглимни дадам уйимизнинг булбули деб атайди. Ўзим бирам ширинки, ойижоним уни шунақа ясатадики, худди магазинларда сотиладиган елим қўғирчоқнинг ўзгинаси дейсиз. Уни гапга солганимиз-солган. Етти ухлаб тушунгизга кирмайдиган ғалати-ғалати сўзларни топиб айтади. Ҳой, Муаттар, кўзингга қараб юр, десангиз, юришдан тўхтаб, ака, кўзимга қарасам, юр-майман-ку, деб қўяди. Ҳой, булбулча, оғзингга қараб гапир, десангиз, ака, бўлмаса қўлимга ойна бериб қўйинг, ўшанда оғзимга қараб гапираман, дея сизни мот қилиб қўяди. Ана шу қақажон синглимнинг ёши етмаган бўлсаям бари бир биринчи синфга қабул қилишди. Ўзим бўлсам ҳали айтганимдай саккизинчига қатнай бошладим.

Ўқишнинг биринчи куни хонанинг бир чеккасида ўзимни камтар қилиб кўрсатиш мақсадида худди уят жи қилиб қўйган боладай қимтинибгина ўтирган эдим, синф раҳбари менга бир оз тикилиб турди-да:

— Янги меҳмон келибдими? — деб сўради.

Ортиқали шошилиб ўрнидан турди:

— Магазинчининг ўгли, — дея менинг ўрнимга жавоб қайтарди.

— Отинг нима? — деб сўради муаллим.

— Акром.

— Акромжон дегин, яхши. Фамилиянг?

— Мадумаров.

— Яхши, қайси мактабда ўқигансан?

— Макаренкода.

— Яхши, еттинчини табелини олиб келдингми?

— Йўқ.

— Яхши, эртадан қолмай, албатта олиб келгин, хўпми?

— Хўп.

— Яхши, Сойбошида яшаётганларинг ҳақида қишлоқ советидан справка ҳам келтирасан.

— Хўп.

Худди шу пайтда Ортиқали яна дик этиб ўрнидан турди:

— Домла, бунга справканинг кераги йўқ.

— Нега? — ҳайрон бўлди муаллим.

— Сойбошида яшаётганини мен тасдиқлаб беришим мумкин.

— Яхши, — деб хиёл кулимсирагандай бўлди синф раҳбаримиз, — бўлмаса сенинг ўзингни справка сифатида Мадумаровнинг делосига тириклай ёпиштириб қўяман.

Эртасига табел ҳақида ҳам, Ортиқалини менинг деломга тириклайин ёпиштириб қўйиш ҳақида ҳам бир оғиз сўз бўлмади. Нега десангиз бутун мактаб бўйича катта ҳашарга катта сафарбарлик эълон қилинди. Колхозимизнинг чўл қисмидаги пахтасини йиғиштириб олиш учун мен тенги-мен тенги азамат йигит-қизлардан икки юзтаси еттиштирилган экан. Қиш тушгунча мазза қилиб ўша ёқда яшадик. Ортиқали ўртоғим тўғри айтган экан. Менга ўхшаган меҳнатсевар, гап қайтармайдиган, эсли-хушли болаларнинг қадри бу ерда жуда баланд экан. Нормани ортиқ бажарсанг — беш, хирмондаги пахтани қоплашга ёрдамлашсанг — беш, эрталаб барвақт туриб бак қайнатсанг — беш, тушликда муаллимлар яхши овқат еётганини кўриб ҳеч кимга айтмасанг — беш, йигирма саккизинчи декабргача шунақанги аълочи бўлиб кетдимки, беш баҳоларим шунақанги кўпайиб кетдики, каттатагоблик ўртоғим Ҳошимга ўхшаган дангаса ўқувчилардан ўнтасига улашсанг ҳам яна уч кишилиги ортиб қоларди. Йўқ, ўлай агар, рост

гапиряпман, чиндан ҳам бешларимнинг ҳисоби йўқ эди. Хуллас, ишларимиз гумбур бўлиб кетаётган эди... Лекин тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан дадам ичкиликка шунақанги ружу қилиб қолдики, асти қўяверасиз. Йўқ-йўқ, мен дадажонимни ҳечам ёмонламоқчи эмасман. У киши жуда меҳрибон, байрамларда ҳаммамизга янги кийимлар олиб беради, бўлар-бўлмасга уришиб-сўкавермайди ҳам.

Кийим-бошидан терлаган отнинг ҳиди келиб турадиган участка бошлиғи Қўзиев амаким, урушда бир оёғини ташлаб келган, қўлтиқтаёқли Аливой тоға учовлари ичишади. Гоҳо уйга ярим кечаси бир-бирини қўлтиқлашиб, ашула айтиб келишади. Бечора ойижоним йиғлаб-йиғлаб тонг отгунча уларга хизмат қилади. Кейин... Уёғини айтгани, ишонсангиз, тилим бормайди. Ҳа, майли, кейин бири кўча эшикнинг остонасига бошини қўйганча, бири ҳовлидаги сўрига чалқанча тушиб, учинчиси ўчоқбошидаги кир пўстакка думалаб ухлаб қолишади. Гоҳо ойижоним куйиб кетганидан:

— Шишадаги жин бир кунмас-бир кун дадангни бошини ейди-да! — деб зорланади.

Қақажон Муаттар:

— Ойижон, чиндан ҳам шишанинг ичида жин борми? — деб сўрайди.

— Бор, — дейди ойижоним маъюс тортибш

— Уша жиннинг ола-була кўзлари ҳам борми?

— Бор, қизим.

— Кейин қўл-оёқлари ҳам борми, дадажонимни бўғиб оладими?

Ойим жавоб қайтармайди. Хўрсиниб қўяди. Тўққизинчини битираётган пайтим эди. Уқишлар таққа тўхтаб, яганага чиқиб кетган эдик. Магазинга тўсатдан ревизия келиб қопти. Дадам, ҳисоб-китобга қарашиб юборсин, деб синф раҳбаримиздан мени сўраб олди. Қалта сочлари найзадек тик ўсган, пешонаси кенг, ияги беҳад ингичка, шунинг учун ҳам юзи уясидан мўралаб турган типратиконга жуда ҳам ўхшаб кетадиган бир амаки ревизор бўлиб келган экан. Ун бир кун давомида роса текшир-текшир қилди. Мен омбордаги қийшайиб қолган яшикларни пулга ўтказиш учун уёқ-буёғини тиклаш билан машғул эдим. Тўсатдан дадам икковлари ўртасидаги қисир-бўғоз овозларни эшитиб қолдим:

— Уҳ-ҳў, Мадумаров ака, ишлар чатоқ-ку! — деди ревизор амаки.

- Очиқроқ айтаверинг, — шивирлади дадам.
- Камомат жуда катта.
- Йўғ-е!
- Мана, ўзингиз қўл қўйган актлар.
- Қайтадан чўтга солинг-чи.
- Эллик марталаб солиб кўряпман, бари бир жуда

катта.

— Сал пасайтиришнинг иложи йўқми? — деди дадам ёлвориб.

— Бу сизга боғлиқ... — негадир ревизор амаки томоғини қириб, йўталиб олди.

— Кўп керакми?

— Минг сўмсиз битмайди.

— Э, сал инсоф қилинг-да, — дадам қўлини кўксига қўйиб яна ёлворишга тушди, — ахир мен ҳам бола-чақалиман, тўрттаси ейман-ичаман деб турибди.

— Актни топширсам... Сизни қамашади.

— Уф! — деди дадам. — Пулни кейинроқ берсам ҳам бўлаверадими?

— Йўқ, ҳозир берганингиз маъқул... Мадумаров ака, мени тўғри тушунинг. Бераётган пулингиздан учдан бири ҳам менга тегмайди. Мен ҳам катталарнинг томоғини мойлаб тураман. Яна ихтиёр ўзингизда. Ҳар эҳтимолга қарши актларни икки хилда тузиб борган эдим. Биттасини танланг. Е уёғлиқ бўласиз, ё... Ҳар қалай бола-чақангиз бор, яхшилаб ўйлаб кўринг.

Мен илгари пора деган сўзни эшитар эдим-у, қанақа бўлишини, қай шароитда, қанақа топширилишини билмас эдим. Пора узатаётган кишининг кўзлари билинлар-билинмас ёшовраб тураркан, хўрлиги келиб, билинар-билинмас уф тортаркан. Олаётган одам, хай-хай, кўзлари қувончдан чақнаб, юзлари гулгун яшнаб кетаркан... Ғалати аҳволга тушиб қолдим. Қўл-оёғим музлаб кела бошлади, ич-ичимдан қалтироқ турди. Дадамга, худди аждаҳо қаршисида турган қуён боладек довдираб, ожиз, нотавон бўлиб қолган меҳрибон дадажонимга ич-ичимдан ачиниб кетдим. Чиндан ҳам типратикон бошли ревизор кўзимга худди эртактлардаги аждаҳога ўхшаб кўрина бошлади. У ҳозир дадажонимни тириклай ютади, кейин мени, магазиндаги молларни юта бошлайди, деб ўйладим-у, ичимдаги ҳалиги кўрқув аралаш қалтироқ ҳиқичоққа айланиб, томоғига дон тиқилган жўжахўроздай нағма қила бошладим. Йўлакдаги синиқ яшикни жаҳл билан тепиб, кўчага чиқиб кетдим. Кечгача йиғладим. Йўқ, кечаси уйқум-

нинг ичида ҳам йиғлаб чиқдим шекилли... Бир маҳал уйғониб кетдим. Қарасам, дадам билан ойижоним ух-лашмабди. Назаримда, магазиндаги саккиз минг сўм-лик камоматнинг ўрнини тўлдириш учун кимдан қарз сўрасак экан, деб маслаҳат қилишаётганга ўхшайди.

— Айтмадимми, мана шу ароқ зорманда бир куни бошингизни ейди деб, — куйиниб шивирляпти ойижоним.

— Ўх! — деди дадам. — Яна дийдиёнгни бошладинг-а. Ичсам бир бутилка ичарман, икки бутилка ичарман, айтдим-ку, пулни ўрнига қўйиб борганман, деб. Уф, мени Ҳамдам чўлоқ чув туширганга ўхшайди. Пақтурани ҳамиша қалбаки ёзади у.

Ҳамдам чўлоқ... танийман уни. Матлубот жамиятида омборчи бўлиб ишлайди. Дадам иккимиз мол олгани борганда неча бор кўрганман. Кўзлари қисик, юзи думдумалоқ, ўнг оёғини силтаб-силтаб ташлайди. Лекин ўзи жуда ширинсухан, сўзлаганда тилидан чакиллаб бол томади, дадамга ҳамиши «акажон» деб мурожаат қилади. Фактурага саккиз юзта пахта гулли пиёла ёзади-ю, юзтасини бермай туриб олади. Уч юз метр атлас ёзса, албатта ўттиз метр кам бўлади.

— Уф, — дейди дадам бош қашиб.

— Ундай деманг, жон ака, — дейди Ҳамдам чўлоқ йиғламсираб, — менга ҳам осон эмас. Малол келса олмай қўя қолинг.

— Ахир мен ҳам план бажаришим керак-ку, — дейди дадам тутақиб.

— Беш-ўн қол туз беришим мумкин, — бўш келмайди Ҳамдам чўлоқ.

— Сойбошида туздан бошқани ейишмайдими?

— Бўлмаса кир совун олақолинг.

— Хўп, неча яшик беришингиз мумкин?

— Аввал сиз айтинг, акажон, яшигига неча сўмдан берасиз?

— Уч сўмдан.

Омбор мудури икки қўлини баравар кўксига қўяди...

— Ундан камига бўлмайди.

— Ҳа, майли, уч яримдан бераман.

— Сиз ўзимнинг акамсиз. Майли, тўққиздан бера қолинг.

— Тўрт сўмдан.

— Еттитадан камига бўлмайди.

— Бешга ҳам йўқми?

— Оббо, акажон-эй, кулиб турганингизни яхши

кўраман-да, ҳа, майли. Лекин сизни яхши кўраман. Ҳалол йигитсиз, пок йигитсиз, лекин менга ҳам осон эмас. Тепамдаги аждаҳолар ютаман деб турибди. Жон ака, яна эллик тийинлик қўшинг!

— Уф!— дейди дадам манзилга аранг етиб келган паровоздек узоқ дам чиқариб...

Уй-хаёлларим худди шу ерга келганда мени яна уйқу элита бошлади. Кўз олдимни қоп-коронғи туманлик қоплаб келди. Туманликлар орасидан олдин типратикон бошли ревизор амаки, кетидан қўлини кўксига қўйиб илжайганча омборчи чиқиб келди-да, қизиқ, бир нафасда даҳшатли аждаҳога айланиб, дадажонимни икки томондан исканажага олишди. Кейин нима бўлганини билмайман, ухлаб қолибман.

Ревизор амаки кузга бориб яна келди. Неча кун текширгани аниқ эсимда йўқ. Лекин кетаётган куни дадамнинг пул ахтариб, уйма-уй юргани ҳали-ҳали эсимда. Кейин... Кейин дадажоним қамалиб кетди. Тағинам судья амаки инсофли экан. Тоғамдан уч минг сўм олиб, қамоқ муддатини анчага камайтириб берди. Яна ҳам камайтирса бўларди-ю, лекин пуллари жуда оз экан, дебди.

IV БОБ

ИМТИҲОНДА ОЁғИМ ОСМОНДАН КЕЛГАНИ

Л ақабим қовунчи эканлигига энди ишонч ҳосил қилгандирсиз. Ростини айтсам, шу одатим ўзимга ҳам ёқмайди. Зарур гаплар буёқда қолиб, ҳамиша нозарур гапларни айтиб, дакки эшитганим-эшитган. Бўлмаса бурнимни ишга солиб ўғирланган молларни топганиму дадамнинг қамалганини айтишнинг нима ҳожати бор эди, тўғрими? Аслида мен сизга Ширин қовунлар мамлакатига сафар қилганим, у ерда кўрган ажойиб ва ғаройиб ҳодисалар ҳақида сўзлаб, бордингки медицина фанлари доктори, профессор Акром Акромиёв дея улуғланганим, бурнимга ҳайкал қўйганлари ҳақида гапириб бермоқчи эдим, тўғрими? Мана, тағин қовун тушириб қўйдим. ~~Ҳафиз амаки сизни? Унда яна давом этаман... Уша кунлари, яъни шийша ичидаги жинлар дадамнинг қўл-оёғини боғлаб қамонхонага судраб кетган пайтлари бутун олим~~ **КОНТЕКСТ** **КОЛЛЕЖ** **ИМТИҲОНДА**

ликка тушиб қолдик. Роса уҳ тортдик. Уҳ тортиш ас-лида бизга дадамдан юққан. Ойижоним билан укаларимни айтмайман-у, аммо мен жуда қувноқ боламан. Ғаму ташвишни тез унутадиган одатим бор. Тўғри-да, кўз ёши тўкиб, қовоқ-тумшуқ қилиб ўтиришнинг нима хожати бор. Унингчини битириш арафасида эдим, давлат имтиҳонларига яқин қолганди. Эҳтимол, сизларда бошқачароқдир. Лекин бизда имтиҳонлар очик ҳавода, яъни дала шийпонида бўлади. Лекин бир жиҳатдан шуниси ҳам яхши. Нега десангиз, синфхонада ўтирган-да одамнинг юраги сиқилиб кетади. Кейин имтиҳонни далада топширишнинг яна бир яхши томони шундаки, фанлардан қўйиладиган баҳоларни кўпинча табелчи билан бригадирлар ҳал қилишади. Назаримда унча тўғри айтмадим шекилли, сал бошқачароқ. Яъни айтмоқчиманки, баҳолар ўшаларнинг маслаҳати билан қўйилади. Бундан ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, кечга яқин шийпоннинг қоқ ўртасига учта стол қўйилади, ўртасидагига бригадир, чап томонга табелчи, ўнг тарафга муаллим ўтиради. Биз қуйироққа чўкиб, биримиз чордана қуриб, биримиз ёнбошлаб оламиз. Тоғ томондан ғир-ғир шаббода эсиб, танимизга роҳат бағишлаб, руҳимизни эркалаб туради.

— Абдуллаева,— дейди рўйхатга қараб муаллими-миз.

Арофат шошилиб ўрнидан туради. Бригадир амаки унга бошдан-оёқ разм солиб чиқади. Сўнг негадир ёнбошини пайпаслаб:

— Бобонг ҳалиям нос қилиб сотяптими? — деб сўрайди. Кейин ҳалиги пайпаслаган жойидан шишача чиқариб, кафтига қоқади.

— Сотяптилар,— секингина дейди Арофат.

— Эртага менга бир шиша олиб келгин. Хўпми, қизим?

— Хўп.

— Домласи, шу қизимга яхши баҳо қўйворинг. Ғўзани ягана қилишга уста экан, иши тоза.

Навбат бошқа ўқувчига келади.

— Воймирзаев,— дейди яна рўйхатга қараб муаллим.

Собитали дик этиб ўрнидан туради.

— Қўлингдаги нима? — сўрайди бригадир.

— Дафтар,— дейди Собитали икки қўлини орқасига беркитиб.

— Дафтар, қанақа дафтар, нос ўрайдиганми?

— Йўқ, алгебра дафтар.

— Нега пайкалнинг ичида уни кўтариб юрибсан?

— Чарчаганимда ўқийман-да.

— Чарчаганимда ўқийман? — бригадиримиз жаҳли чиққаннамо ўрнидан бир қўзгалиб қўяди. — Бекор айтибсан. Уч-тўрт марта кўрдим, кесак устида чўнқайиб ўтирганингни. Сен бу ерга дафтар ўқигани келганмисан, ёки ҳашарга келганмисан? Ишни ишдек қилиш керак-да. Олтмиш гектар яганасиз ётибди, пастки пайкалларни ўт ўраб кетган, буёқда пилла шошириб турибди. Э, ўрилдим-э, сендақа ёрдамчилардан. Нима, мен кузга бориб мажбуриятга алгебра топшираманми. Биз ҳам ўқиганмиз ўша алгебрангни. Лекин биз кечаси ҳаммани ухлатиб қўйиб ўқирдик. Икки қўйинг бу болага!

Муаллим ўртага тушади. Собитали ҳиқиллай-ҳиқиллай кечирим сўрайди. Бир амаллаб унга ҳам уч қўйиб юборишади. Мен эса, ўзи омадли боламан-да, ҳамма фанлардан ё тўрт, ё беш оламан. Нега десангиз, бригадиримизнинг айтганини жойида ҳозир қиламан.

Тўсатдан қалбимга ўқиш иштиёқи тушиб қолди. Институтни битириб, фан кандидатими ёки сал бошқачароқми, ишқилиб, катта олим бўлгим келиб қолди. Соё кўчада Умар ака деган йигит бўларди. Ҳозир шаҳарди туради. Катта олим бўп кетган. Қариб қолган онасига ойига юз сўмдан жўнатиб туради. Мен ҳам катта олим бўлиб кетсам қулоғидан қарзга ботиб ётган ойижонимга ёрдамлашаман, уйқучи укам Акбарга, қайсар Асқарга, тили ширин синглимга ҳар хил кийим-бошлар, қимматбаҳо совға-саломлар жўнатиб тураман, дея ширин-ширин орзуларга берилдим-у, ўртоқларимга қўшилиб шаҳарга отландим. Аввалига ойижоним кўнмади. Энди сен ҳам мени ташлаб кетасанми, деб йиғлади, тўйиб-тўйиб йиғлади. Кейин тўсатдан инсофга келиб қолди шекилли, кечаси билан ухламай сутли патир ёпди, данак чақиб, бир халта мағиз ҳам қилиб берди.

Ортиқалининг энгашиб юрадиган кампир аммаси бор эди, ўшаникига тушдик. Ўртоғим танишганимиздан буён мол доктори бўламан деб юрарди. Ҳужжатларини ветеринария техникумига топширди. Мен бўлсам қайси институтни танлашни билмай, гаранг эдим.

— Бирон фанга қизиқасанми ўзи? — охири жеркиб берди ўртоғим.

— Қизиқаман.

— Қайсинга ахир?

— Тарихга дедим-ку!

— Бўлмаса ҳужжатиңни пединститутга топширамиз.

— Пединститутми, мединститутми менга бари бир.

— Мединститутда тарих ўтмайди-ку? — яна жигибийрони чиқди ўртоғимнинг.

— Эҳтимол ўтар.

— Йўқ, ўтмайди,— деди ўртоғим қўлимдан тортиб,— қани кетдик, пединститутга топширамиз.

Ҳужжатларни эсон-омон топшириб олгандан кейин, оқ-оқ менда шунақанги бир ширин кайфият, кўтаринки руҳ пайдо бўлдики, назаримда қанот боғлаб енгил-енгил учиб юргандекман. Ҳаммага яхши гапиргим, кимларгадир яхшилиқ қилгим келарди. Сочимни «полбокс» қилдириб, юзларимга атир-упалар ҳам септириб олдим. Пулим озроқ экан, ойижоним бериб юборган мағизни ҳам сотиб, қўшиб-чатиб жинси шим олдим. Ҳошим ўртоғимга ёлғон-яшиқ гапириб, одамларни лақиллатиб юргунча, битта-яримта институтни битириб олсанг ўласанми, деган мазмунда хат ҳам жўнатиб юбордим.

Лекин кетма-кет ишимнинг чатоғи чиқа бошлади. Яъни айтмоқчиманки, қовун тушира бошладим. Қаёқдан ҳам шу энгашиб юрадиган кампирнинг уйига тушган эканмиз. Ҳовлисининг орқасида кичгинагина боғчаси бўлиб, ичи тўла шафтоли денг. Марғилон луччаги, ойлар шафтоли, лоладай қип-қизариб пишадиган, пўстини артиб, танглайингизга босиб сувини қулт-қулт ютса бўладиган оқ шафтолилар... Бир-биридан тотли, ҳидини айтмайсизми, маст қиламан дейди-я! Дарс қилиш баҳонасида ўша боғчага кўрпа-тўшак қилиб ётиб олиб, шафтолилардан еяберибман, еяберибман. Охири совуқлигим шунақанги ошиб кетибдики, гапирай десам, сўлагимни бошқаролмайман. Шунақанги уйқучи бўлиб қолдимки, асти қўяберасиз. Китобни олдим дегунча, икки кўзим баравар юмилиб келади, консультация пайтида орқа партага ўтириб олиб, гумбурлатиб хуррак отаман. Институтдан қайтаётганда автобусда ухлаб қолиб, икки марта шаҳардан ташқарига чиқиб кетибман денг. Булар ҳам ҳали ҳолва экан, энг хунуги имтиҳон пайтида бўлди. Менга ўхшаб илм талаб бўлиб келган бир юзу йигирма болани катта бир залга тўплаб, доскага иншо мавзуини ёзиб қўйишган. Хоҳлаганимизни танлар эмишмиз. Хўш, хоҳламасак-чи? Ана, хоҳладик ҳам дейлик, лекин хоҳлаганимизни ёзолмасак-чи, унда бешнинг тескариси бўлади, шундайми?.. Лекин шимнинг хўп чиройлисидан олдим-да, деган фикр ўта

бошлади бошимдан. Хайрият, тезгина ўзимни тўхтатиб олдим-у, шоша-пиша яна доскага тикилдим.

1. Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» пьесасидаги Ғофир образига характеристика.

2. Ойбекнинг «Фанга юриш» шеърининг ғоявий мазмуни.

3. Эркин тема.

Бор-йўғи шу. Хўш, мен булардан қайси бирини билман? Билган тақдиримда ҳам қандай қилиб ёзаман? Умримда бир марта иншо ёзганман, униям ўртоғим Ортиқалидан кўчирганман... Ҳамза Ҳакимзода... Тўғри, шунақа ёзувчи бор, ўтганмиз, диндорлар уриб ўлдирган... Нега энди шеър ёзавермасдан пьеса ёзди экан? Ғофир образи... Ҳеч эслай олмаяпман. Ғофирбой тоғани биламан, сувчилик қилади. Қачон қарасанг қумғон қайнатиб, пўриллатиб чой ичгани-ичган... Йўқ, мен бу мавзуни ёзолмайман. Яхшиси иккинчи мавзуни танлайман. Э, ана буни қаранг! Домла хато ёзиб қўйибдилар-ку! «Панага юриш» дейиш ўрнига «Фанга юриш» деб ёзибдилар-а. Фанга юрса, уни оёқости қилса, увол бўлади-ку, наҳотки шуни ҳам тушунмаган бўлсалар. Демак, катта муаллимлар ҳам хато қилар экан-да. Ҳа, майли. «Ойбек ўзининг «Панага юриш» деган шеърида, — деб ёза бошладим, — панага юришнинг фойдаси ҳақида гапирган. Масалан, даладан макка ўғирлаб келаётганингизда бригадир кўриб қолмаслиги учун атайлаб панадан юрасиз. Ёки бўлмаса аскарлар разведкага кетаётганида душман сезиб қолмасин учун қамишзорлар оралаб паналаб боришади. Демак, Ойбек панага юришнинг фойдаси ҳақида ёзган».

Тамом, уёғига сўз тополмай қолдим. Уқимаганингдан кейин ичингдан тўқиб чиқариш жуда қийин бўлар экан. Лекин одам астойдил ўйласа, эсидан чиқиб кетган нарсалар ҳам хотирасида қайтадан жонланиши мумкин экан. Тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан «Бой ила хизматчи» пьесасини ўтганимиз эсимга келиб қолди. Ушанда муаллима қўлидаги бир даста садарайхон билан юзини елпиб-елпиб сўзлаган эди. Қаранг, шу пайтда олдин димоғимга гупиллаб райхон ҳиди урилди, кейин пьесани эслаб кетдим.

— Иккинчи мавзу. Ғофир образига характеристика, — деб иншомнинг давомини ёзишга тушдим, — тўғри Ғофир сувчи эмас, балки бойнинг хизматчиси бўлган. Ғўзасини чопади, ягана қилади, ўтдан тозалайди, хул-

лас роса абжағи чиқади. Бунинг эвазига бой уни уйлан-тириб қўяди. Кейин хотинини тортиб олмоқчи бўлади. Икковлари роса муштлашишади. Охири бой зўр келиб, Ғофирни қаматмоқчи бўлади. Ғофирнинг хотини Жамила келинойим йиғлаб эрининг бўйнига осилади. «Дадажониси, сизсиз мен бу тўртта болани қандай катта қиламан, магазинчи бўлмай кетинг, арақ бошингизни еди-ку», дейди. Ғофир хотинининг бошини оҳиста-оҳиста силаб: «Йиғлама, онаси,— дейди,— қаддингни тик тут, дадил бўл. Беш йил нима бўпти, бирпасда ўтадикетади. Аммо эсон-омон келсам, мана шу кунларни бошимга солган порахўр ревизору чўлоқ омборчи билан бошқача гаплашаман, ўттиз иккита тишини қоқиб оламан. Йиғлама, онаси, йиғлама»... Шу ерга келганда ўйланиб қолдим. Қизиқ, бу гапларни Ғофир айтганмиди, ёки қамалиш олдидан дадам айтганмиди? Иккилана бошладим. Йўқ, яхшиси эркин мавзуда ёзганим маъқул. Ҳа-ҳа, эркин мавзу кишига эрк беради.

Эркин мавзу. Келажакда ким бўлмоқчиман, дея шошилиб иншонинг давомини ёзишга тутиндим. Келажакда олим бўлмоқчи эканлигимни олдин сизга ҳам айтувдим шекилли. Эҳтимол шунинг учундир, руҳимдаги иккиланиш йўқолиб, дадиллик пайдо бўлди. Миям ҳам ёгланган мотордек гупиллаб ишга тушиб кетди. Тўққизинчи бетни тўлдириб, навбатдаги варақни энди очаётган эдим, муаллим келиб, вақт тугади, дея ёзганларимни йиғиштириб олди. Хурсанд эдим. Ҳа-ҳа, шодман. Шерикларим тўрт-беш қоғоздан оширолмабди. Мен бўлсам... Тўққиз қоғоз-а! Демак, беш тайин. Оғзакисидан ҳам бир амаллаб бешга тўғрилаб олсак... Оббо, ўзим ҳам хўп бахти кулган боламан-да! Ўша куни шафтолизорга чиқиб мазза қилиб луччаклардан сўрдим. Тўйиб-тўйиб ухладим.

Оғзакига атайлаб кечикиброқ кирдим. Муаллимлар чарчаб қолса, савол-жавобни камроқ қилишармикан, деб шундай қилдим.

— Фамилиянгиз? — сўради ўртада ўтирган кўзойнакли муаллим.

— Мадумаров.

— Отингиз?

— Акромжон.

— Варақа номерингиз?

— Икки юзу қирқ.

Уч муаллим худди елимлаб ёпиштириб қўйилгандек ёнбош ўтиришган экан. Иншомни қўлдан-қўлга

Ўтказиб, хохолаб кула бошлашди. Чап томондаги пака-на муаллим қорнини силкита-силкита, оғзини катта очиб, овоз чиқармасдан куларкан. Қайфиятлари яхшига ўхшайди, демак буёғи ҳам зўр бўлади шекилли, деб ўйладим-у, хурсандчилигимни ичимга сиғдиролмай мен ҳам хохолаб кула бошладим. Уртадаги муаллим, ўти ўчиб қолган мотордек тўсатдан жим бўлди-да, кўзойнагини қўлига олиб, менга тикилиб қолди. Бир оз боқиб турди-да, яна кулиб юборди:

— Демак, Ойбек «Панага юриш», деб ёзган экан-да?

— Ҳа, шунақа деб ёзган,— дея дадил жавоб қайтардим.

— Демак, Ғофирнинг хотини Жамила сизга келин-ойи бўлар экан-да?

— Ҳа, бизда ўзидан катта аёлларни келин-ойи деб чақиришади.

— Демак, Ғофир эсон-омон қайтиб келсам, ревизор билан омборчини савалайман, дебди-да?

— Ҳа, шундай деган.

— Менга қаранг, ўртоқ Мадумаров, институтга ҳужжат топшираётганда соғлигингиз тўғрисида справкани ҳам қўшиб топширганмисиз?

— Қўшиб топширганман.

— Справка беришдан олдин докторлар текширишганмиди?

— Текширишган.

— Миянгизни рентген ҳам қилишганми?

— Қилишган.

— Ҳммм... Мабодо, болалигингизда йиқилиб, миянгиз лат емаганмиди?

— Йўқ.

— Ҳммм, қани, менинг орқамдан юринг-чи.

Кўзойнакли муаллим мени «Қабул комиссияси»нинг раисига рўпара қилиб, болани қабул қилаётганда уёқ-буёғига қараб олиш керак-да, қип-қизил жинни-ку бу, деб ёзган иншоми унинг олдига отиб, тап-туп қадам ташлаб чиқиб кетди. «Жинни эмишман,— дея қалтираб ўйлай бошладим,— уч-тўрт қоғоз ёзганлар соғ эмиш-у, тўққиз қоғозни қойиллатиб қўйган мен жинни эмишман! Эҳтимол... ўзинг жиннидирсан».

ЭШАК — «ЖИГУЛИ» ЭМАС

Х айрият, ойижоним хафа бўлмади. Назаримда андак хурсанд ҳам бўлди шекилли. Елкамни силаб, қайтага даданг келгунча ёнимда бўлганинг маъкул, ўқиш бўлса бир гап бўлар, деб қўйди. Айтувдим-ку, Сойбошининг одамлари жуда меҳрибон, жуда раҳмдил деб. Ойижонимни қишлоғимиздаги аралаш боғчага мудир қилиб ўтказишибди. Марҳаматларини мендан ҳам аяшмади. Тўқсон беш сўмлик ойлик билан почтачи этиб тайинлашди. Узи аслида дунёда почтачиликдан яхши касб йўқ экан. Эрталаб марказий почтахонадан газета, журналларни, хат-хабарларни оласиз-да, уйма-уй тарқатиб бўлгач, хоҳласангиз ухлайсиз, хоҳласангиз Ҳошимжоннинг сартарошхонасига бориб, лақиллашиб ўтираверасиз. Хатларни адаштириб қўйсангиз ёки пенсия пули кечикиб қолса, кампирлар онда-сонда:

— Дадангга ўхшаб сен ҳам пиёниста бўп қолдингми, пулни қачон берасан? — деб номигагина хархаша қилиб қўйишади. Бошқа вақтда нуқул мазза. Лекин яна ишнинг чатоғи чиқди... Эҳ, айтгандай, сизга айтмабман... Сойбоши қишлоғига олиб борадиган йўл шу йил қишда жарга ўпирилиб тушгандан буён буёқларга машина қатнамайдиган бўлиб кетган. Асосан транспорт — эшак. Эҳтимол шунинг учундир тоғ қишлоқларда эшак қиммат туради. Сойбошида эшак кўп бўлгани ва кўпинча бир-бирига ўхшаш бўлгани учун адаштириб қўймайлик дея одамлар ўз эшагининг пешонасига худди «Жигули»никига ўхшатиб номер осиб қўйишади. Уйини ўғри уриб кетган Шокирали бобо нарсаларини топиб берганим учун мени яхши кўриб қолган экан, битта эшагини бериб:

— Лекин болам, бу «тулпор»ни эҳтиёт қил, — деб тайинлади. «Тулпор» хийла қариб қолган бўлишига қарамай ҳали бақувват. Ўзиям нақ туяча келади. Қулоқлари узун, оёқлари йўғон, йўргасини кўрсангиз! Халани қаттиқ босиб, биқинига иккита ниқтаб қўйсангиз, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тўртинчи скоростда келатган «Жигули» ҳам етолмай қолади. Ақллилигини айтмайсизми, қайси ҳовлига хат ташламоқчи бўлганимни олдиндан сезиб, ўша ерда тўхтаб, қанграб, уй эгасини чақириб беради денг... Мен бора-бора тоғ ора-

сидаги қишлоқларда, эшак «Жигула»дан яхши экан, деган фикрга бориб қолдим. Бензин сўрамаса, мени мойлаб қўй демаса, ремонт талаб қилмаса, энг муҳими миниб олганингиздан сўнг устида мудрашингиз ёки истаганча хаёл суришингиз мумкин. Марказий почтахонага кетаётганда устига чўзилиб ётиб қўлларимни осилтириб оламан, қайтаётганда осмонга қараб ётиб, ширин-ширин хаёллар сураман. Қани энди, дейман ўзимга ўзим, эшагим ҳозир вертолёт бўлиб қолса-ю, ўнг қулоғини бураб осмонга кўтарилсам, олис-олис элларга саёҳат қилсам, ўртоғим Ҳошим кўрмаган нарсаларни кўрсаму, унга айтиб бериб, ҳавасини келтириб, оғзидан сўлақларини оқизиб юборсам... Қани энди, дея ширин хаёлларимни яна давом эттираман. Ҳў, жар тубидаги улкан чинорларга оқуруғ қовунлардан пайванд қилсанг, ҳар биттаси тандирдек келадиган қовунлар пишса, оҳ, мазза бўларди-да, ярмини ёзда еб, ярмини қишга қоқи қилиб қўярдим-да.

Лекин ҳали айтганимдай, ишнинг чатоғи чиқиб қолди. Ёзнинг қоқ ўртасида «тулпор»имнинг устини оппоқ яра қоплаб кетди. Етаклаб мол докторига олиб борган эдим, уёғини кўриб, буёғини кўриб, иссиғини ҳам ўлчандан кейин:

— Кўрқма, — дея менга далда берган бўлди, — яғир бўпти. Қадим замонлардан буён ота-боболаримиз эшак яғир бўлса, ёнғоқ чайнаб босишган. Уйда ёнғоқ борми?

— Қўшнилардан суриштираман, — дедим шоша-пиша.

— Битта ёнғоқни олгин-да, чақиб ярмини ўзинг егин, — маслаҳатини давом эттирди доктор, — ярмини чайнаб яғир бўлган жойга босгин. Бир ҳафтада ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади.

«Тулпор»имни етаклаб уйга қайтдим-да, Шокирали бободан бир этак ёнғоқ олиб чиқиб, худди доктор айтгандай қилиб, яғир босган жойларига юмшоқ-юмшоқ малҳам қўйдим... Эрталаб ўрнимдан турсам, йўғ-э, наҳотки туш кўраётган бўлсам, анграйганимча қотиб қолдим. Кўзларимга ишонмай ишқалаб кўрдим, йўқ, ўнгим экан. Югуриб укаларимни чақириб чиқдим. Улар ҳам худди жин чалиб кетгандай оғизлари бир томонга қийшайиб, таррақдек қотиб қолишди... Эшагимнинг устидан катта бир ёнғоқ ўсиб чиқибди. Яна-тагин шигил ҳосил тугибди денг. Ёнғоғи рostaкамми ёки кечаси жинлар пластилиндан ясаб, осиб кетишганмикан дея, билмоқчи бўлиб эшагимни етаклаб ҳовлимиз орқасида-

ги шудгорга олиб ўтдим-да, энгимни шимариб, дарахтга қараб кесак ота бошладим. Қизиқ, на ёнғоқ тушади, на кесак. Икки пайкал ернинг кесагини отиб бўлдим ҳамки, на унисидан дарак бор, на бунисидан. Қани, тепада нима ҳодиса юз бераётган экан билай-чи, деб ёнғоқнинг устига чиққан эдим, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тепада икки пайкал ер пайдо бўлиб, шарқираб сувлар ҳам оқиб ётибди. Ҳаяжондан терлаб кетган эканман, артиниб олай деб чўнтагимдан рўмолчамни чиқараётган эдим, билмадим қачон солиб қўйган эканман, икки дона қовун уруги илашиб чиқиб ерга тушиб кетди. Шу заҳотиёқ униб чиқиб палак ота бошлади. Ё навзамбилло, деб ёқамни йиртвормудай қилиб ушлаб турибман. Палак етти метрга етганда қовунчалар туга бошлади. Кўзимни юмиб очишимни биламан, ҳар қовунлар пишибдики, энг кичкинаси юз литр сув элтадиган ёғоч бочкача келади денг. Бунақанги бочкалар дадамнинг магазини олдида қалашиб ётарди. Чўнтагимдан пичоқчамни олиб чакмоқлаб кўрмоқчи бўлувдим, чўлп этиб ичига тушиб кетса бўладими? Қани, нима бўлар экан деб энгашиб қарамоқчи бўлувдим, ўзим ҳам оёғим осмондан бўлиб, ичига йиқилиб тушдим.

Билмадим, бир кун саланглаб учдимми, икки кун учдимми, эҳтимол бир ой учгандирман, нега десангиз ўша пайтда мен қаттиқ қўрққаним учунми ўзимдан кетиб қолган эдим. Бир маҳал кўзимни очсам, номаълум шаҳар чеккасидаги ташландиқ уйнинг томида ётибман. Хайрият, уй ёнида ўсган олманинг шохлари томга ёпирилиб тушган экан. Эмаклаб тагига кириб олдим. Меваси овқату шохлари бошпана бўлди. Баргидан сидириб остимга тўшаб ҳам олдим. Бу ўлкада ўтказганим бир йилдан ортиқ вақт ичида бошимдан кечган ажойиб ва ғаройиб воқеаларни сизга сўзлаб ўтирмайман. Нега десангиз, кейинги саргузаштларим улардан ўн чандон қизиқарлироқ бўлди. Шаҳарнинг номи Тарвуз деб аталиб, одамлари ҳам бамисоли тарвузга ўхшаб думдумалоқ бўларкан. Қимга асранди ўғил бўлганим, очдан ўлмаслик учун қанақанги юмушларни бажарганимни ҳам айтиб ўтирмайман. Бир йил ўтар-ўтмас тилларини ўрганиб олдим. Сўзлари жуда осон, содда, ё бир, ёки икки бўғиндангина иборат бўларкан. Та, ту, ки, пи... хуллас мана шунақа сўзлар. Одамлари негадир бизнинг қишлоқдагиларга жуда-жуда ҳам ўхшаб кетади денг. Гавдаси, ранги-рўйи, гоҳо кийинишларида ҳам жуда кўп ўхшашлик бор. Фақат еганлари

тарвузу ичганлари қовун шарбати бўлгани учунми, диққат қилиб карасангиз, бири, ҳали айтганимдай тарвузгаю бошқаси қовунга ўхшаб кўринарди. Лекин ҳаммалари ҳам ширин, есангиз... Кечирасиз, адашиб кетдим, суҳбатлашсангиз мазза қиласиз. Вировлар мамлакати ҳар қанча гўзал бўлмасин бари бир туғилиб ўсган юртингни қўмсайверар экансан. Бир йилдан кейин ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим. Қочиш учун тайёргарлик кўрай десам, уддасидан чиқолмасдим. Ана шундай кунларнинг бирида шаҳар марказидаги катта яланликда қовун-тарвузлар кўрғазмаси бўлиб қолди. Бу мамлакатда биргина қовуннинг ўзидан етти юз хили ўстириларкан. Кўрғазмага ангишвонадек келадиган хамакчадан тортиб катталиги росмана уйдек келадиган қовунлар ҳам қўйилган денг... Томоша қилиб юриб, тўсатдан бир қовун олдида тўхтаб қолдим. Ҳай-ҳай, тепасига қарасангиз дўппингиз тушиб кетаман дейди. «Сеҳрли қовун», дея тахтача ҳам осиб қўйишибди. Сеҳрли деган сўз миямга қаттиқ ўрнашиб қолди. Мен ичига тушиб кетган қовун ҳам, назаримда, сеҳрли эди шекилли. Демак, икковининг уруғи бир, амаллаб ичига тушиб олсам ўз мамлакатимда пайдо бўлиб қолишим ҳам мумкин.

Кечаси эл ётар пайтида қўшнимизнинг ўн етти поғонали нарвони бор эди, ўшани келтирдим-да, сеҳрли қовун устига чиқиб, гўшт чопадиган ўткир болта билан (ўша кунлари мен кушхонада қассобга ёрдамчи бўлиб ишлаётган эдим) уриб бир амаллаб туйнукча очдим. Нима бўлса пешонамдан кўрдим дедиму ўзимни туйнукча ичига отдим. Қовун чиндан ҳам сеҳрли экан. Ичига тушишим билан осмондек кенгайиб кетди. Қушлардек енгил уча бошладим. Одам боласининг қўллари зарур бўлганда қанотга айланар, оёқлари эса бирлашиб, яхлит бир дум ҳолига келаркан. Поёнсиз фазода бир неча кун парвоз қилганимдан сўнг, ниҳоят чарчадим шекилли, дум ва қанотларим ишламай қолиб, бошим билан пастга шўнғиб кета бошладим. Кейин... Ҳар қалай йиқилган бўлсам керак, анча маҳал беҳуш ётгандек бўлдим. Аста-секин ўзимга келаётганимни сезиб турардим. Лат емадиммикан, деб энг аввал оёғимни, кетидан қўлларимни силкитиб кўрдим, йўқ, ҳаммаси жойида. Хафа бўлишимни ҳам, хурсанд бўлишимни ҳам билмасдим. Туриб беихтиёр атрофга тикилдим. Кўз ўнгимда гоят гўзал манзаралар намоён бўла бошлади. Поёнсиз бўшлиқ, майсалар гуркираб ўсиб ётибди. Ос-

монда қушчалар учиб чарх уришади. Ҳў наридаги боғлардан бўлса керак, гул ишқида маст бўлган булбулларнинг овози келяпти. Борлиқни етилиб пишган ананас қовуннинг хиди қоплаб кетибди. Ранг-баранг капалакчалар қувлашиб, гулдан-гулга қўнишади. Ёнгинамдаги ариқда шарқираб оқаётган сув бамисоли ёқимли куй чалаётганга ўхшайди. Ажойиб водий экан, деб ўйладиму бошим оққан томонга қараб кета бошладим. Қанча юрганам эсимда йўқ, бир маҳал мол боқаётган болалар қаршисига бориб қолибман. Қизиқ, бу ерда болалар молнинг устига миниб олиб боқишаркан. Ўзбекчалаб сўрасам тушунишармикан дея бир оз турдим-да, сўнг Тарвуз шаҳрида ўрганган тилим-да:

— Эй бола,— дея қўрқиброқ мурожаат қилдим.

Сигир устидаги бола мен томонга хиёл бурилгандек бўлди.

— Бу қайси мамлакат? — деб сўрадим яна.

— Узинг билмайсанми? — тўсатдан мен ўрганган тилда сўзлаб юборди бола.

— Йўқ, билмайман.

— Нега билмайсан?

— Эсимдан чиқиб қолди.

— Билмасанг, билиб қўй,— бола гапнинг қолган қисмини дона-дона қилиб айта бошлади,— бу мамлакатни Ширин қовунлар мамлакати деб аташади.

Бари бир бегона юртдан чиқиб кетолмабман-да, деб ўйладиму хафа бўлганимдан андак бўлмаса йиғлаворай дедим. Сеҳрли қовун мени мамлакатнинг у чеккасидан бу чеккасига келтириб ташлабди, кўрсатган каромати бор-йўғи шу бўпти холос... Эҳтимол, бола янглишаётгандир, деган фикр ўтди бошимдан. Ҳар эҳтимолга қарши:

— Ширин қовунлар мамлакати дедингми? — деб сўрадим.

— Ҳа,— яна ўз тилида жавоб қайтарди бола.

— Мазза экан-ку?

— Бўлмаса-чи.

— Отинг нима? — дея сўрадим суҳбат бошланиб кетганига хурсанд бўлиб.

— Ха Мак.

— А?!

— Қулоғинг карми, Ха Мак деяпман.

— Нега Ха Мак бўларкан?

— Узинг билмайсанми?

— Йўқ.
— Аслида қаерликсан?
— Осмондан тушганман.
— Осмондан? — Назаримда бола қўрқиб кетгандай бўлди.

— Ҳа.
— Ие, у ерда қанақа мамлакат бор?
— Сойбоши деган мамлакат.
— Ҳеч эшитмаган эканман.
— Ҳошимжон Рўзиев деган болани эшитганмисан?
— Унияма эшитмаганман.
— Мен ўшанинг ўртоғи бўламан, — шошмасдан ўзларининг тилида дона-дона қилиб тушунтира бошладим, — унинг тўғрисида китоб ҳам ёзишган. Эҳтимол ўқигандирсан?

— Ўқиганим йўқ.
— Нега ўқимадинг?
— Биз китоб ўқиш ўрнига телевизор томоша қиламиз.

— Яхши эмас, — насихат қилган бўлдим, — китоб — билим манбаи-ку. Китоб ўқиган бола ақлли бўлади. Телевизорни кўп томоша қилсанг дангаса бўп қоласан, билдингми?

— Билдим.
— Отинг нега Ха Мак эканлигини айтмадинг-ку?
— Айтдим.
— Айтганинг йўқ.
— Айтдим.
— Айтганинг йўқ.

Нақ ярим соат чамаси тўртишди. Бу бола ҳам менинг нариги дунёда қолиб кетган укам Асқарга ўхшаб а десанг, бе дейдиган хилидан экан. Охири бир амаллаб кўндирган эдим:

— Ҳа, майли, яна бир марта айтсам айта қолай, — дея розилик билдирди, — бизда болаларнинг номи ёнига Мак сўзи қўшиб айтилади. Мак дегани бола дегани, ёўр дегани, билдингми?

— Билдим. Фамилиянг нима?
— Қо Қи.
— А?!
— Қармисан? Қо Қи деяпман.
— Фамилиянг ширингина экан.
— Биз ҳаммамиз ширинмиз.
— Лекин қишда учраганинга еб қўярдим-да, — дедим лабимни чапиллатиб.

— Нима, сен одамхўрмисан?

— Баъзан, битта-иккитасини еб тураман.

Бола мендан шубҳалана бошлади шекилли, тескари ўгирилиб, миниб турган сигирини ниқтаб нари кета бошлади. Менинг эса ундан ажралгим йўқ, тўйиб-тўйиб гаплашгим, бегона мамлакат ҳақидаги кўп нарсаларни ундан сўраб билгим келарди.

— Ха Мак, жон ука, тўхта,— деб ёлвордим,— яна битта нарса сўрай.

Бола сигирнинг бошини тортиб, елкаси оша менга хўмрайиб қаради:

— Еб қўяман деяпсан-ку.

— Ўлай агар, ҳазиллашдим.

— Нимани сўрамоқчисан ўзи?

Ростдан ҳам энди нимани сўрасам бўлар экан? Кўп нарсани билгим бор-у, лекин шу пайтда эсимга ҳеч нарса келмаётганини қаранг. Епирай, энди нима қилдим...

— Сен... сен жуда яхши Ха Мак экансан,— дея дудқлана бошладим,— нега сигирингни миниб олдинг?

— Миниб олмасам қочиб кетади-да.

— Минганингдан сўнг опқочиб кетса-чи?

— Баҳонада катайса қилиб келаман.

— Яхши, яхши. Сен, Ха Макжон, нечанчи синфда ўқийсан?

— Олтинчида.

— Уй вазифаларини бажариб қўйганмисан?

— Бизда уй вазифалари берилмайди.

— Ие, нега?!

— Муаллимларнинг ўзлари ишлаб, ўзлари баҳо қўйишаверади.

— Яхши экан. Айт-чи, мана бу катта йўл қаёққа олиб боради?

— Шаҳарга.

— Шаҳарнинг номи нима?

— Ҳандалак.

— Ўзиям ширингина бўлса керак-да?

— Илгари ширин бўлган дейишади.

— Ҳозир-чи?

— Пишиб ўтиб кетган дейишади.

— Демак, ачқимтирроқ экан-да?

— Шунақа бўлса керак.

Димоғимга наҳорда узилган хушбўй ҳандалакнинг ҳиди гупиллаб урилгандай бўлди. Таним яйраб кетди. Кўзимни юмиб, ширин-ширин энтика бошладим. Тасав-

вуримда олдин еган ҳандалакларим жонланди-ю, оғзимдан сўлак ҳам оқа бошлади... Кўзимни очиб бундай қарасам... Э товба, э товбангдан кетай, бу қанақаси бўлди-а? На бола бор, на сигир бор, на яшнаб турган ўтлоқ! Яйдоқ даштда сўппайиб бир ўзим турибман. Яна сеҳрли воқеа юз берганга ўхшайди деб ўйлаб қўриб кетдим.

— Ха Мак, қаердасан укажон?— ваҳима ичида қичқира бошладим.

VI БОБ

ҲАНДАЛАК ШАҲРИ

Э нди кимсасиз даштда бақириб-чақириб ўтиришдан ҳеч фойда йўқ. Кеч пайтгача Ҳандалак шаҳрига етиб олишим зарур, деб ўйладим-да, катта асфальт йўлга тушиб олдим. Йўқ, асфальт эмас, йўқ-йўқ, хато қилдим, шишадан ишланганга ўхшайди. Шунақа силлиққи, бамисоли хоккей майдони дейсиз. Шунақа тиниққи, қарасангиз аксингиз кўринади. Энгашиб сочларингизни ҳам бемалол тараб олишингиз мумкин. Бир оз юрган эдим, орқамдан ёқимли куй эшитилгандай бўлди. Ўгирилиб қарадим. Қизиқ, орқамда улкан бир қовун турибди. Қовуннинг резинка ғилдираклари ҳам борга ўхшайди. Яна ҳам синчиклаброқ боққан эдим, қовун шаклида ишланган автобус эканлиги маълум бўлиб қолди.

— Ҳурматли йўловчи, қаёққа бормоқчилар?— яна ёқимли куй эшитилгандай бўлди. Демак, ҳалиги куй машинанинг сигнали экан, бизга ўхшаб дидитлатишмас экан. Сўнгги ёқимли куй ҳойнаҳой шофёрнинг овози бўлса керак, деб ўйладим-у:

— Ҳандалакка бормоқчи эдим,— деб қўйдим ўзларининг тилида.

Автобуснинг эшиги овозсиз очилди:

— Марҳамат, чиқсинлар.

Чиқиб, ўтириб олдим.

Беш-олти аёл, етти-саккиз эркак бор. Аёллари ойижонимгаю эркаклари дадамга жуда, жуда ҳам ўхшаб кетади. Фақат фарқи шундаки, худди тўйга бораётгандай башанг кийиниб олишган. Бирининг ёнида челақда узум, бошқасида бир тоғора помидор, ёшгина жувон тўртта товукни оёғидан боғлаб, бошини ерга қилиб,

осилтириб кетяпти. Бозорга боришаётганга ўхшайди, дея ўйлаб қўйдим. Худди шу пайтда хайдовчи ўтирадиган кабина очилиб, қўғирчоқдеккина бир қиз чиқиб кела бошлади. Қўлида патнис, патнис устидаги стаканларда шарбат борга ўхшайди. Қаршимда тўхтаб, хиёл табассум қилгандай бўлди:

— Кечирасиз, қайси биридан ичадилар?

Юрагим така-пука бўлиб кетди. Қиз гоят кўркам бўлгани учун эмас, йўқ, овози беҳад даражада ёқимли, бамисоли кумуш қўнғироқнинг жарангидек майин бўлгани учун ҳам шундай бўлдим шекилли. Ўлай агар, бошқа бир пайт бўлганда мен мана шу қизни севиб қолган бўлардим. Лекин ҳозир тўғри келмайди. Ўзим қай аҳволдаман-у, яна севгига бало борми?

— Қай биридан ичадилар? — такрор сўради қиз.

Ўй суриб кетганим учун хижолат чекканнамо:

— Кечирасиз, бу ўзи нима? — деб сўрадим атайлаб билиб турган бўлсам ҳам.

— Шарбатлар.

— Ниманинг шарбати?

— Мана буниси — қовунники.

— Буниси-чи?

— Тарвузники.

— Буниси-чи?

— Олманики.

— Пулим йўқ-да, бўлмаса ҳаммасидан ҳам оз-оз татиб кўрган бўлардим, — дея очиқ иқрор бўлдим. Рост гапирганим қизга маъқул бўлди шекилли, яна табассум қилди. Табассум эмас, йўқ, бамисоли юзида чиройли бир гул очилгандай бўлди:

— Чанқоқбосди учун бизда ҳақ олинмайди.

— Автобусга қанча тўлайман?

— Ҳандалакка борасизми?

— Ҳа.

— Йигирма тийин.

Бир тангани узатиб, тўрт стаканни пок-покиза туширдим-да, дадамга ўхшаб кафтим билан лабларимни артиб олдим. Автобуснинг ичини томоша қила бошладим. Автобус эмас, келинчакларнинг ясатилган уйига ўхшайди. Деразаларга оқ, кўк шойилардан пардалар тутилган, оёқ остига гулдор гиламлар тўшалган, ўриндиқларнинг юмшоқлигини айтмайсизми, сунчиқлар пар солинган парку болишдек, сал орқага ташлансангиз ичига ботиб кетасиз. Оқ садафдан ясалган тугмачани боссангиз, шойи пардалар бир томонга шириллаб сурилиб, ташқаридаги гўзал манзаралар

кўз ўнгингизда намоён бўлади. Кўк тугмани босган эдим, приёмник экан, аллақайси хонанданинг «Ўйла-сам бу дилбарим маккорга ўхшайди-ку!» деган овози гуриллаб эшитила бошлади. Йўқ, қўшиқнинг сўзлари бутунлай бошқача эди, мен сизга уни атайлаб ўзбек-чалаб тушунтиряпман. Бейхтиёр бошқа бир кишига шарбат ичираётган ҳалиги қизга кўз ташладим. Чиндан ҳам маккорага ўхшайди, юракдан ёмон олди-ку, севиб қолсам-я!.. Бировга айтманг-ку, лекин ўзим ҳам пинҳона ана шундай бир қизни севсам дея ширии-ширин орзулар қилиб юардим. Ҳамонки шу мамлакатда қолиб кетадиган бўлсам, ахир мен ҳам биронтасига уйланиб олишим керак-да, шундай эмасми?

— Гол!!! — орқамда ўтирган киши бақириб юборди.

Эътибор бермабман, рўпарамдаги, ҳайдовчи ўтирган ойнабанд кабинетининг шундоққина орқасига телевизор ўрнатилган экан, экрани унча катта эмас, ҳалиги қиз кўтариб юрган кумуш патнисча келади холос. Футбол ўйини кетаётибди. Жони-дилим футбол эмасми, қизни ҳам унутиб, бутун хаёлим ўйинда бўлиб қолди...

— Кечирасиз, қаерда тушмоқчилар? — кумуш қўн-ғироқ яна нозик жаранглагандай бўлди.

Эс-хушим, ҳозир айтганимдай, футболда эмасми, ўзимга аранг келдим. Жодугар қиз тепамда кулимсираб турарди.

— Нима? — деб сўрадим.

— Қаерда тушмоқчилар?

— Менми?

— Ҳа, сиз.

— Мен мусофирман.

— Мусофир бўлсангиз ҳам, бари бир, бирон жойда тушинингиз керак-ку ахир? — шундай деяётганида назаримда қизнинг юзу кўзларида ачиниш аломати пайдо бўлгандек бўлди. Эй худойим, уям мени севиб қолганда қандай яхши бўларди-я, деган фикр ўтди бошимдан.

— Борадиган жойим йўқ.

— Ўзи қаердан келяпсиз?

— Нариги дунёдан.

Қизгина менга қайта бошдан разм сола бошлади. Мийиғида кулиб қўйди. Қоп-қора кўзларида ғалати бир нур барқ урди. Назаримда унинг ҳам қалбида илиқ ҳислар тўлқин ураётганга ўхшайди. Овози ҳам янада майинлашиб қолди.

— Ҳандалакда қариндошингиз йўқми?

- Йўқ.
- Бўлмаса... Меҳмонхонага бора қолинг.
- Яхши бўларди.
- Яна беш тийин тўлайсиз.
- Жоним билан.

Автобусдан ҳамма тушиб кетиб бўлди. Холи қолганимиздан фойдаланиб, қизни гапга солмоқчи бўлдим. Биласиз-ку, биз қишлоқ йигитлари бунақа пайтда оғзимиздан бол томиб, ўзимиз ҳам эшилиб-буралиб кетамиз. Отини сўраган эдим, ё Гу Ли деди ёки Гу Ла деди, ҳаяжонланган эдим-да, яхши эшитолмай қолдим. Навбат эндигина турар жойини аниқлашимга келган эди. ҳамки:

— Меҳмонхона бекатига келдингиз, — деб сўнгги саволимга негадир зардали жавоб қайтарди.

Меҳмонхонага жойлашим анча қийин бўлди. Нега десангиз, бу ерда ҳужжат талаб қилишаркан. Тарвуз шаҳрида бир амаллаб тўғрилаб олган эдим, шошилишда эсимдан чиқариб келибман. Сойбошида меҳмондан ҳужжат талаб қилишмас эди. Бу ерда, уф, тартиб шунақа қаттиқ эканки, асти қўяберасиз. Мадумаров магазинчининг тўнғич ўғлиман десам ҳам, ҳеч ишонилмади. Хайрият, чўнтагимда Тўлғон холамнинг пенсия дафтари бор эди, бу мамлакатга келганимдан буён уни эҳтиётлаб юрувдим, ўшани кўрсатиб, мана шу кампирнинг набираси бўламан деб туриб олдим. Биласиз-ку, биз бутун авлодимиз билан қайсармиз, ўлсак ўламиз-ку, ammo гапимиздан қайтмаймиз.

— Ҳа, майли, — деди ниҳоят администратор аёл, — фамилиянгни айт.

— Отахонова, — дедим шоша-пиша.

— Исминг?

— Тўлғон кампир.

— Ахир бу аёл кишининг исми-ку?

— Эркак кишилигимга ишонмасангиз... нима қилай бўлмаса?

Аёл дадамга ўхшаб бир уф тортиб олди. «Отахонова Тўлғон кампирга ўн иккинчи хонадан жой берилсин», деб ёзиб берди. Эсон-омон жойлашиб олгач, овқатланиш ва бегона шаҳарни бир айланиш ниятида ташқарига чиқдим. Энди нима десам экан, йўқ, бари бир, мен гапга нўноқман, таърифлай олайман. Кўчаларнинг озодлиги, йўлакчаларнинг саришталиги, иморатларнинг кўркамлиги... унисини айтсам, буниси эсдан чиқиб қолади. Ҳар иморат қаршисида ярим гектарча гулзор, гулзор-

лар ўртасига рангли фавворалар ўрнатилган, фаввора эмас, йўқ, ер остида кимдир сеҳрли куйлар чалаётгандек тепага рангли сув эмас, куй, оҳанг отилиб чиқаётгандек. Дам олиш учун қўйилган столлар, нима бало, шамшод ёки ёнғоқ дарахтидан ишланганми, хушбўй ҳид таратиб турибди. Газ будкаларидан сув эмас, шарбат оқаяпти. Машиналар... машиналар ҳали айтганимдай, бири қовун, бошқаси тарвуз нусхали. Қизиги, юриб эмас, думалаб борётгандек таассурот қолдиради. Ундан ҳам муҳими, энергияни тўппа-тўғри қуёшдан олаётгани учун орқасидан тутун ҳам чиқармас экан. Сигнал ўрнига ҳали йўлда кўрганимдай, нуқул ёқимли куйлар чалиняпти денг! Шаҳар кўчалари, иморатлар ҳар куни икки марта хлор аралаштирилган совунли сув билан ювилгани учун ярақлайди, на чанг, на ёқимсиз ҳид бор. Кўчалардан ўтиб борар экансиз, бамисоли гулзор ичида ўтириб, тўйиб-тўйиб нафас олаётгандек ўзингизни енгил ҳис қиласиз...

Бу ерда навбатда туриш деган нарса йўққа ўхшайди. Нега десангиз, магазинлар олдидан ўтиб қолсангиз, сотувчилар югуриб чиқиб:

— Ҳурматли харидор, молни биздан харид қилинг!— дея ёлвориб йўлингизни тўсишади.

— Менга ҳеч нарса керак эмас,— дейсиз, чўнтагингиз қуп-қуруқ эканлигини эслаб.

— Илтимос, ярим баҳосига берамиз,— дея илтижо қила бошлашади яна,— ой охирлаб қолди, планни бажаролмай турибмиз, ул-бул нарса олсангиз, ажойиб массажчимиз бор. Қўл-оёғингизни уқалаб ҳам қўяди, қушдек енгил бўлиб чиқасиз.

Саноат моллари магазинидан бир сўм етмиш тийинга битта нейлон пайпоқ сотиб олган эдим, гаплари рост экан, массажчи тахта каравотга ётқизиб олиб суякларимни қисирлатиб роса уқалаб, сўнг ҳаммом-часига олиб кириб ювинтириб ҳам қўйди. Елкамга шапатилаб-шапатилаб, тез-тез келиб туринг, дейди денг!

Лекин бу мамлакатда ҳам кетма-кет қовун тушира бошладим. Ўзи шунақаман. Яхшилик қилган одамга билмасдан ёмонлик қилиб қўявераман. Хурсанд қилган кишини, кўпинча, дилини хуфтон қилиб юбораман. Таксида шаҳар айланган эдим, тушаётганда бир сўм қирқ тийин ўрнига икки сўм бериб юбордим.

— Қайтимини олинг,— деди ҳайдовчи йигит танга узатиб.

Узимизни мамлакатда юрганимда дадам билан гоҳо район марказига борардик. Қайтаётганда таксига ўтирсак, масалан, уч сўм кўрсатса, ҳайдовчи тўққиз сўм қилиб олмагунча эшикни очмай, мабодо бир амаллаб тушиб олсак, остонамизгача орқамиздан қувиб борар эди. Шуни ўйладиму чўнтагимдан яна эллик тийинни чиқариб:

— Бор пулим шу, — деб қўйдим.

— Қайтимини олинг деяпман, — сал қалтирагандай бўлди таксичининг овози.

Икки қўлимни баробар кўксимга қўйдим:

— Йўқ, мен розиман.

— Ол деяпман!

— Розиман, деяпман-ку. Бола-чақангизга морозе-ное-пороженое олиб берарсиз.

— Олмайсанми?

— Йўқ.

— Шунақами ҳали?

— Манг, мана бу эллик тийинни ҳам олинг-да, менга жавоб беринг.

Шундай дейишимни биламан, таксичи эшикни қарсиллатиб очди-ю, икки ҳатлаб ёнимга келди. Ёқамдан сиқиб, жони-жаҳди билан силкита бошлади:

— Сен мени тиланчи, пасткаш деб ўйладингми, гапир!

— Майли, яна бир сўм бераман, — дедим аранг нафас олиб.

— Нима?!

— Бир сўм, ўлай агар бор-йўқ пулим шу, мен мусофирман, жон амаки!

— Мени шунақа разил деб ўйладингми-а!

— Ундай эмассиз.

— Қароқчи, ўғри, мутаҳҳам эканман-да бўлмаса! Куппа-кундуз куни йўловчини талайдиган аблах эканман-да! Йўқ, сен мени ҳақорат қилдинг, судга бераман сени...

Таксичининг тутқаноғи бор экан, оғзидан кўпик келиб, кўзлари орқасига тортиб кета бошлади. Томоғимда турган қўли тарашадай қотиб қолди. Бир силтаниб ёқамни бўшатдим-да, яшил рангга бўялган кўп қаватли иморат орқасига ўтиб, уёғига, яшириб нима қиламан, жуфтакни ростлаб қолдим.

Бу шаҳарда уч-тўрт йил яшаганимдан кейин билсам, мен бечора таксичини беҳад ҳақорат қилган эканман. Одамлари шундай пок, шундай ҳалол яшар эканки,

бировнинг ҳақиға бир тийин хиёнат қилиш — кечирилмас гуноҳ, чойчақа олиш хўрлик ҳисобланиб, аёллар бирон киши билан уришиб қолса, худоё бошинг чойчақа олишдан чиқмасин, деб қарғар экан. Буни мен, ҳали айтганимдай, кейинроқ билдим. Ҳозир эса яшил иморат орқасига ўтиб ит қувган соқовдай қочиб борар эдим. Хайрият, қувламаётганга ўхшайди. Қанча югурганим эсимда йўқ, бир маҳал катта гулзор ўртасидаги ошхона ёнига келиб қолибман. Лаззатли таомлар ҳиди димоғимга урилиб, иштаҳамни қитиқлаб юборди. Ўзиям ҳали автобусда ичиб олганим аралаш шарбатларни ҳисобга олмаганда, бу дунёга келганимдан буён туз тотганим йўқ.

Ошхона гулзорларининг қоқ ўртасида, столлар устига ҳар биттаси чинни косадай бўлиб очилган оқ, сариқ атиргуллар шундоққина эгилиб турибди. Қизил атиргул салом бериб турган столга чўкиб, официантка келишини кута бошладим. Хўрандаларнинг мен билан иши йўқ, еб-ичиб чақчақлашиб ўтиришибди. Гоҳо-гоҳо столларига эгилиб турган гуллардан ҳидлаб-ҳидлаб ҳам қўйишяпти денг. Утирган столимда афтидан мендан олдин безорилар овқатланишганга ўхшайди. Устига «кабоб», «қовурилган жўжа», «қайнатма шўрва», деб еган таомларининг номини қаламтарош билан ўйиб ёзиб кетишибди. Безорилар ҳамма жойда ҳам топиларкан-да, шундай чиройли столни бузишганини қаранг, деб ўйладим-да, чўнтагимдан нариги дунёдан эсдалик сифатида олиб юрганым конверт қирқадиған қайчи бор эди, ўшани чиқариб, безориларнинг дастхатларини бир бошдан қириб ўчира бошладим.

Бараварига икки аёл югуриб келиб:

— Нима қилиясиз! — дея сўрашди ранги-қутлари ўчиб.

— Безориларнинг хатини ўчиряпман, — деб тушунтирдим.

— Қанақа хат?

— Мана кўринглар, ҳаммаёққа ёзиб кетишибди.

Икки аёл бараварига кулиб юборди. Кула-кула столдаги ёзувлар сизга тавсия қилинаётган таомларнинг номи, ёзувларни безорилар эмас, бизнинг ўзимиз ёзганмиз, — дея тушунтиришган бўлди-да, ориқроғи:

— Хўш, қанақа таом емоқчисиз? — дея мурожаат қилди.

— Қайнатма шўрва, — дедим шу эсимга келганидан хурсанд бўлиб.

— Қайнатма шўрва деган ёзувни босинг, — тушунтирди семизроғи.

Айтган ёзувини босган эдим, столнинг чап томонидаги қопқоғи овозсиз очилди-ю, буги кўтарилиб турган сергўшт шўрва пайдо бўлиб қолди.

— Яна, нимани хоқлайдилар? — кесатгандай бир оҳангда сўради ориғи.

— Қовурилган жўжа, — мен ҳам худди ўша оҳангда жавоб қайтардим.

— Энди мана бу ёзувни босинг.

Айтганини қилдим. Киприк қоққунча фурсат ичида столнинг ўнг томонидаги қопқоғи бир кўтарилиб-ёпилгандай бўлди. Қип-қизил қилиб қовурилган жўжа тарелкаси билан мен томонга сурилиб келмоқда эди. Таомлар ердан чиқдим, осмондан тушдим билолмай қолдим. Демак, ҳамма нарса механизациялашган экан, мен бўлсам уни тушунмай аппаратни ишдан чиқариб қўяётибман. Яъни қишлоқчасига айтадиган бўлсак, яна битта қовун туширибмиз. Лекин шундай бўлса ҳам сир бой бергим келмай:

— Таомни чайнаб берадиган аппаратларинг йўқми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — деди семиз аёл.

— Чайналган таомни ютишга ёрдамлашадиган аппарат-чи?

— Униси ҳам йўқ ҳали, — деди ориқ аёл.

— Орқада қопсизлар, — дея тўнғиллаб қўйдим.

V I I Б О Б

АДОЛАТЛИ КОНКУРСЛАР

Эртасига шаҳар айланишни давом эттирдим, бу ерда томоша қилсанг арзийдиган, кўрганингни бировга айтиб берсанг, оғзи очилиб қоладиган нарсалар кўп эди. Айланиб юриб, тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан «Ростгўйлик ва ҳалоллик тажриба институти» қаршисига келиб қолибман. Ростгўйлик ва ҳалоллик... Бу қанақаси бўлди экан-а, деб ўйладим, мединститутмикан, пединститутмикан? Лекин қанақа бўлсаям менбоп экан. Нега десангиз нариги дунёда мендан ростгўй, мендан ҳалол бола йўқ эди. Биласиз-ку,

бутун орзум институтга кириб ўқиб, катта олим бўлиш. Эҳтимол бу ерга кириб олсам, аълочи ҳам бўлиб кетарман. Ана унда Ҳошимнинг қалбига ўт ёқиб, бир куйдирган бўлардим-да! Дарвозадан ўтиб, қайси факультетга кирсам экан дея уёқ-буёққа разм сола бошладим. Чиндан ҳам бу ерда ростгўйлик ва ҳалоллик тантана қиладиганга ўхшайди. Ҳамма нарсани очиқ-ойдин қилиб ёзиб қўйишибди. Қўш қанотли бир эшикнинг тепасига «Дадаси амалдорлар тажриба факультети», иккинчисига «Чўнтаги чуқурлар тажриба факультети», учинчисига эса «Билимдонлар тажриба факультети», деб ҳозир айтганимдай, очиқ-ойдин ёзиб қўйишибди. Ҳар ёзувларки, боқсанг кўзинг яйрайди. Қалбим қувончларга тўлиб кетди. Тўғри-да, ёзиб қўйишмаганда, менга ўхшаб чекка қишлоқдан келган болалар янглишиб бошқа факультетга кириб қўйиши, оёғи осмондан келиши ҳеч гап эмас-да. Дадам амалдор эмас, дея ўйлай бошладим, бор-йўғи магазин сотувчиси, яна-тагин тавбахонада ётибди. Йўқ, буниси бизга тўғри келмайди. Чўнтаги чуқурлар факультети-чи? Буни қишлоқча тилда таржима қилсак, пули кўплар факультети бўлиб чиқади. Шундайми? Э, аттанг, участка бошлиғимиз Анорбой тоғанинг қизи Арофат келганда мазза қиларкан-да. Одамларнинг айтишича, дадаси пулнинг сассигига ётолмай, кечалари юриб чиқармиш... Демак, мулла Акримий пулдорлар факультетига ҳам киролмайди. Арақхўр дадасининг камомади туфайли оиласи қулоғидан қарзга ботиб ётибди.

Бундай ўйлаб қарасам, мен учун энг ўнғайи, «Билимдонлар факультети» экан. Сизга айтувдим шекилли, йўқ, айтмаган эканман, ҳа майли, кейинроқ айтиб берарман. Хуллас, бригадиримизнинг фикрича, мактабимиздаги энг аълочи ўқувчи мен эканман. Шундай бўлгач, билимдонлар факультетига кирганим маъқул, тўғрими? Лекин ишим яна юришмайдиганга ўхшайди, бу факультетдаги имтиҳонлар ҳафтанинг охирида бўларкан. Ўша кунгача кўнглим совуб қолса, унда нима бўлади, шуни ўйлаб қўрқиб кетдим. Йўқ, деб ўзимга далда бердим яна, унгача бошқа факультетдаги имтиҳонларни кузатиб, кўзимни пишитиб оламан. «Отаси амалдорлар тажриба факультети» қабул комиссияси катта залга жойлашган экан. Худди нариги дунёдаги Омон бригадирнинг дала шийпонича келади денг. Уёқ-буёққа аланглаб турган эдим,

кимдир ваҳимали овозда: «Шар Манда машинадан тушдилар», деб шивирлади. Ҳаммаёқ олатасир бўп кетди. Менга ўхшаб меровсираб турганлар ўзини панага олди. Ҳужжатларни қабул қилаётган қизчалардан бир хили энгашиб стол остига кириб кетишди. Ҳалидан буён кеккайиб кириб-чиқаётганлар билан димоғида гаплашиб ўтирган, ёши дадам тенги келадиган бир киши, шу залнинг бошлиғи бўлса керак, Шар Манда дейишлари биланоқ тарракдек қотиб қолди. Беркинган жойимдан аста мўралай бошладим. Аввалига одамлар юзида ўрмалаб юрган ваҳимани кўриб одамхўр дев келаетган бўлса, битта яримтасини ютса керак деб ўйлаган эдим. Хайрият унақа бўлмади. Эшикдан чиройли кийинган, ўрта бўй, мой суртилган сочлари силлиқ таралган, юзларида табассум ўйнаб турган, паришталигина бир киши кириб кела бошлади. Шунақанги хушрўй, шунақанги ёқимтойки, югуриб бориб орқасидан ачомлаб, бўйнидан ўпиб олгинг келади. Ҳали тарракдек қотиб қолган бошлиқ аста-секин ўзига келиб бошини гулофтобпарастга ўхшаб эгди-да:

— Ассалому алайкум,— дея қўлтиғи тагидан овоз чиқарди.

— Ваалайкум...— деб алиқ олди Шар Манда,— хўш, ишлар қалай?

— Ҳаммаси жойида, хўжайин.

— Бизнинг қўзичоқ ҳужжат топширдими?

— Топширдилар, хўжайин.

— Хўш, қалай?

— Буюк истеъдод эгаси эканлар. Асло ташвишланмасинлар,— «Гулофтобпараст» аста-секин қаддини ростлай бошлади. Юзи ҳам, ўхшатишни тўғри қилган эканман, гуллаган гулофтобпарастдек қип-қизариб кетибди,— худо хоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади. Муаллимларга махсус кўрсатма берилди. Ўғлингиз имтиҳонларга келаетганларида чарчаб қолмасинлар деб алоҳида машина ажратдик. Кун иссиқ, мабодо терлаб қолсалар елиб турсин деб бир аёлни биркитиб қўйдик. Ўтиришлари эҳтимол тутилган курсиларга ўғлингизнинг юмшоқ жойларига озор етмасин деб тўрттадан пар ёстиқ қўйдик. Чанқаб қолсалар танлаб-танлаб ичсинлар деб ўн тўрт хил шарбат келтириш ҳақида буйруқ берилди. Шарбатлар, албатта, кумуш қадаҳларда берилади. Иншо ёзаётганларида қўллари толиқиб қолиши мумкин. Буни ҳам ҳисобга

олдик. Энг тажрибали массажчимизни навбатчи этиб тайинладик.

— Менга қаранг,— тўсатдан қовоғи уюлиб кела бошлади Шар Манданинг. Лекин қовоқ солганида ҳам ҳар қандай кулиб турган кишидан чиройлироқ кўринар экан,— ортиқча савол бериб, уни қийнаб кўйманглар тагин.

— Ҳеч ташвиш тортмасинлар,— «Гулофтобпараст»нинг қадди яна эгилиб туша бошлади.

Шар Манданинг юзини тўсатдан даҳшат қоплади, кўрқинчли бўлиб қолди. Қисилган кўзлари ўқланган милтиқнинг оғзидай бўлиб кўрина бошлади. Ютиниб ер тепинди:

— Савол берган муаллимнинг тилини суғуриб оламан!

— Асло ташвишланмасинлар!

— Ўттиз иккита тишини ҳам қоқиб оламан,— шундай деб Шар Манда аста бурилиб, чиқиб кета бошлади. Эшик олдига етганда тўсатдан тўхтаб орқасига ўгирилган эди, ҳай-ҳай, юзлари яна табассум нуридан гул-гул яшнаб кетибди. Кўзларида мулойимлик, самимият чироғи парпираб ёниб турибди. Яна, ишонсангиз, югуриб бориб ачомлаб олгим келиб қолди.

— Хўш, бизга қанақа илтимос бор? — сўради орқасидан эргашиб келаётган «Гулофтобпараст»дан.

— Яккаю ягона илтимос шуки...

— Хўш?

— Бахтимизга узоқ яшасинлар.

— Яна?

— Уй ичлари билан саломат бўлсинлар.

— Бўладиган гапни айтсангиз-чи?

— Тилим бормайди-да, хўжайин.

— Айтаверинг.

— Ёшим ҳам ўтиб қолди. Мабодо қазо куним етиб... — «Гулофтобпараст» бир хўрсиниб олди,— оламдан кўз юмсам, эгаллаб турган камтаргина лавозимим ўғлимга қолса девдим. Кўриб турибсиз, бу дунёда мендек адолатли, мендек ҳалолу покиза одам бўлмаса керак. Шу ҳалоллигу поклик яна давом этса...

— Бу лавозим аслида катта бувингиздан қолганмиди? — мой сурилган чиройли қошларини ғалати чимириб сўради Шар Манда.

— Йўқ, катта бобомдан мерос тегувди.

— Энди набирамга қолса дейсизми?

- Йўқ, ўғлимга қолса девдим.
- Демак, васиқа керак, шундайми?
- Агар малол келмаса...

— Яхши, васиқани шу бугуноқ оласиз. Қабулхонам котибасидан бериб юбораман, — гапининг уёғини худди қасамёд қилаётгандай бир оҳангда давом эттирди Шар Манда. — Юз йилгача сизнинг авлодингизга биров ғинг демайди. Ғинг деганнинг тилини суғуриб, ўттиз иккита тишини қоқиб оламан.

— Олам тургунча туринг! — қўл очиб дуо қилди «Гулофтобпараст».

Қизик қаерда турганим эсимда йўқ, мен ҳам ҳовучимни очиб фотиҳа ўқиб юборибман денг, «Гулофтобпараст» васиқанинг дарагини эшитиб, беҳад хурсанд бўлиб кетди шекилли, миннатдорчилигини ифодалаш мақсадида бўлса керак, хўжайиннинг орқасидан кўчагача эмаклаб чиқиб бети билан туфлисининг юзини ҳам артиб қўйди. Шар Манда ўғлини «Қўзичоқ» деб атаганда мен ҳайрон бўлудим. Лекин янглишган эканман. Чиндан ҳам, бир хил онасидан эрта ажралиб, сутга тўймай қолгани сабаб танаси кичрайиб, жуни ўсиб кетадиган қўзичоқлар бўлади-ку, ана ўшанга ўхшаркан. Соч демагани ўсиб бўйнини қоплаб тушибди. Вильвет шими думбасининг икки палласини тарвуздек дўппайтириб турибди. Бел ингичка, оёқ қалта, йўқ, тўғри айтибди, баайни сутга тўймаган қўзичоқнинг ўзи, фақат бўйнида қўнғироғи йўқ холос.

Конкурс қатнашчилари бўлмиш ота-болалар ойимчақовоқнинг ярим палласига ўхшаб кетадиган шинам машинага ўтириб жўнаб кетишгач, «Гулофтобпараст» қаддини ростлаб, ичкарига кириб кетди. Энди уёққа киришга ҳеч қизикмай қолдим. Хўш, кирганимда ҳам нимани кўрардим. Амалдор бўлганидан кейин дўқ уради-да. Дўқ урмаса уни ким амалдор деб ҳисоблайди, тўғрими? Ундан кўра чўнтаги чуқурлар конкурсини томоша қилганим яхши эмасми? Эҳтимол, мен учун фойдали бирон гап ўша ердан чиқиб қолар.

Нариги бинога ўтиб, аввал кўрганимдан ҳам катта-роқ бир залга кирдим. Залнинг ўн тўрт жойига ўн тўртта стол қўйишибди. Ҳар бир стол қаршисида қиёфалари жиддий, башанг кийинган, нуроний қиёфали, олимнамо кишилар савлат тўкиб ўтиришибди. Бир-биридан улуғсифат денг. Қўзлари шундай мулоийм боқяптики, худди кўринмас қўл билан бошингизни оҳиста-оҳиста силаётгандек. Овозлари ҳам майин,

эркаловчи. Эшитсангиз яйраб кетасиз. Имтихон олувчилар бўлса керак, деб ўйладим-у, негадир яқинроқ боргани юрагим дов бермай, шундоққина эшик олдида тўхтаб қолдим. Қизик, ҳар бир муаллимнинг столи устида дорихоналарда ишлатиладиганга ўхшаш кичкина-кичкина тарозилар ҳам турибди, бир килолик, ярим килолик, икки юзлик, юз граммлик тошлари ҳам бор. Адашиб бозорга кириб қолдим шекилли, деб ўйлаб эндигина бурилиб чиқиб кетмоқчи бўлувдим, қулоғимга ғалати бир суҳбат чалиниб қолди. Ёнгинамдаги стол қаршисида ўртоғим Ҳошимжоннинг бувижонисига ўхшаб бошига оқ рўмол ташлаб олган бир кампир тик туриб столнинг нариги томонидаги Оқ Сочли деган киши билан қаттиқ-қаттиқ гаплашяпти.

— Жон бувижон, тушунсангиз-чи,— деяпти Оқ Сочли ўзини ғоят сипо тутиб.

— Тушуниб турибман,— деяпти бувижон.

— Айтаяпман-ку, танга пул конкурсга қабул қилинмайди, деб.

— Вой болам, нега ундай дейсиз? Мен бу пулларни қатиқ сотиб, қаймоқ сотиб нақ ўн икки йил йиққанман-а.

— Тўғри, лекин, бувижон, бари бир танга пул конкурс шартига тўғри келмайди.

— Хўш, қанақаси тўғри келади бўлмаса?

— Уф, оббо бувижон-ей, минг марта айтяпман, бели синмаган қоғоз пуллар тўғри келади.

— Бўлмаса, жон болам, қоғоз пулларимни яна тортиб кўр, онагинанг ўргилсин. Уғлингга тўй қилсанг, келиб ёр-ёр айтиб бераман. Қара, бир халта келади-я. Неварагинам бу пулни тўплагунча нақ адойи тамом бўлди-я. Икки йил новвос боқди. Бирам сузонғич эканки, арқонни узиб андак бўлмаса ҳаммамизни чавақлаб қўяёзди. Вой қуриб кетмагурнинг шохи, шох эмас ханжар экан!.. Жон болам, пулни яна бир тортиб кўр.

— Тортдим, бувижон.

— Хўш, қанча экан?

— Бор-йўғи тўққиз юз грамм, холос.

— Шунча пул етмаяптими?

— Етмайди, бувижон, етмайди. Институтга кириш учун, конкурс шартига кўра, набирангиз йигирма бал олиши керак.

— Ҳой болам, онагинанг ўргилсин, менга сал тушунтириброқ айт. Ҳозиргина пул деяётган эдинг шекилли, энди бол деяпсан.

— Бол эмас, бувижон, бал деяпман!
— Ишқилиб асал сўраяпсанми, ахир?
— Э, асалингизни бошимга ураманми! Қанақа саводсиз ўзи бу кампир. Бал билан болнинг фарқига бормайди-ю, яна набирасини ўқишга киритмоқчи эмишлар.

— Вой, нега тушунмас эканман, болам? Мен ҳам жуда орқада қолган аёллардан эмасман. Автобусда етти йил паттачилик қилганман. Саноқ комиссиясига икки марта раис бўлганман. Президиумларда ўтираддим. Унақа дема, болам. Ҳа, майли. Пулнинг устига яна ўқишни битиргунча сенга қаймоқ жўнатиб турман.

— Нима?!

— Қаймоқ деяпман. Сигирим туққан, болам. Қаймоғим бирам ёглики.

— Менга пора тавсия қилмоқчимисиз? Ҳақорат қиляпсиз мени.

— Вой болам, нега қизишасан. Қизишма. Қаймоқ егинг йўқ бўлса, майли. Дуо қиламан. Улгунимча дуо қиламан.

— Дуолар замони ўтиб кетган, тушунсангиз-чи, кампир.

— Хўп. Уша конкурсингга яна қанча пул керак?

— Яна тўққизта новвос боқасиз.

— Вой болагинам-ей, энди сен мени тушунмаяпсан. Ҳозиргина айтдим, оғилхонамиз тор деб. Битта мол аранг сиғади. Бўйгинангдан ўргилай...

Бувижоннинг кўзларида ёш айланиб қолди. Биласиз-ку, кўз ёшига тоқат қилолмайман. Ўзим ҳам кўшилиб йнглаб юборадиган одатим бор. Энди чиқиб кетаётган эдим, эшикнинг тепасида турган микрофондан қиз боланинг:

— Ёгоч базасининг совриндор директори ташриф буюрдилар,— деган майингина овози эшитилиб қолди. Ун тўрт имтиҳончи барабар ўрнидан туриб, бараварига қўлини кўксига қўйди. Бир хиллари ширин таомнинг номини эшитган чақалоқдек лабларини чапиллатиб ҳам қўйишди. Ҳов чеккада ўтирган иккитасининг оғзидан аллақачон сўлаги ҳам оқа бошлади. Лекин бағоят маданиятли кишилар экан. Чўнтакларидан шоша-пиша атир ҳиди уфуриб турган рўмолчаларини чиқариб, лаб-лунжларини артиб олишди. Учтаси югургилаб келиб, эшик олдида бир-бирини турта бошлади. Итар-итар қилаётганларнинг юзларидаги ҳозиргина

мен кўриб турган сиполикдан, ўрмалаб юрган улугворликдан асар ҳам қолмади. Қимдир қўли билан сидириб олгандек бўлди.

— Бу меники бўлади,— дейди биттаси ёш боладай иргишлаб.

— Сенда ўзи инсоф борми? — дейди иккинчиси йиғламсираб.

— Икковингни ҳам ҳозир бўғизлаб ташлайман,— деди Оқ Сочли,— кўриб турибсизлар-ку, эрталабдан буён қуруқ ўтирибман.

Худди шу пайтда ёғоч базаларида сотиладиган ҳар биттаси тўққиз кубметрдан келадиган ғўлалар бўлади-ку, ана ўшанга ўхшаб кетадиган, оёғидан тортиб бошигача бир текис семирған, катта юзи ҳам худди ёғочдан йўнилгандай сип-силлик, борингки, болаларнинг тушига кириб чиқадиган девларга ўхшаш баҳайбат бир киши эшикдан ёнбош ўтиб, аста-секин кириб кела бошлади. Кўзлари ҳам катта, ҳар биттаси чинни косадай келади денг. Мўйловини айтмайсизми. Бай-бай, буралиб-эшилиб бўйин томонига ўтиб кетибди. Лекин қориндан ҳам берған экан. Хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг, худди мен ичига тушиб кетган сеҳрли қовунча келади-я! Орқасидан хушбичим, хушрўйгина, бўйни тўла шода-шода оқ марварид бир аёл босайми-босмайми дея таманно билан юриб келяпти. Товус патидан ясалган ихчам елпигичи билан гоҳо чиройли юзини елпиб-елпиб қўяди. Елпиётганда оламни атир-упа ҳидлари қоплаб кетгандек бўлади. Аёлнинг бошқа қўлида бизнинг қишлоқларда эндигина расм бўлиб келаётган ва номини негадир дипломат деб аташадиган тўрт бурчакли яшил чамадонча. Опамиз оёқ ташлашларига мослаб ана шу чамадончани силкитиб-силкитиб қўйяптилар.

— Қадамларига ҳасанот, азизим Чинор Чинорий,— таъзим бажо келтирди Оқ Сочли. Сўнг девқоматли кишининг қўлтиғига кириб, ўзи ўтирган ўринга қараб сургай бошлади.

— Ҳа, сен ҳам шу ердамисан? — деб қўйди Чинор Чинорий.

— Қани, марҳамат қилиб, мана бу курсига ўтирсинлар.

— Курсинг кўтаролмайди мени.

— Бўлмаса тағларига кўрпача солиб бераман. Ҳар эҳтимолга қарши уйдан кўрпача олиб келадиган ода-тим бор. Сизга ўхшаган азизлар келганда шошиб қолмай дейман-да. Қани, ёнбошласинлар.

— Енбошласам туролмайман.
— Йўқ-йўқ, ўзим турғазиб қўяман.
— Оббо, қўймадинг-да, Оқ Сочли.
— Оёқларини иккита сиқиб қўяйми? Енгил тор-тадилар. Қани, қизим, сиз ҳам ўтиринг, ўтирсинлар. Оббо оппоқ қизим-эй.

Оқ Сочли гапга чечан десам, қўли-оёғи ҳам чаққон-гина бир киши экан. Массажга шунақа уста эканки, ҳаммомдаги ходимлар унинг олдида ип эшолмайди десам ишонаверинг. Чинор Чинорийнинг бор вужудини эринмасдан бир бошдан уқалаб чиқа бошлади.

— Лекин, азизим, қизалоқни бизга олиб келиб кўп яхши қилибсиз-да. Имтиҳон пайтида ўзим оталик қилиб тураман. Кўринишларидан чинакам ҳуқуқшунос чиқадиганга ўхшайдилар. Қизим, яйраброқ ўтиринг. Хомиладорга ўхшайдилар. эсон-омон кўз ёриб олсалар, худо хоҳласа фарзандларини ҳам ўзим кўтариб катта қилиб бераман. Лў-лў-лў... Бола юпатишга жуда устаман-да...

— Бу менинг хотиним бўлади,— деб қўйди Чинор Чинорий.

— Қаранг-а,— ўнғайсизланиб бир оз жим қолди Оқ Сочли,— лекин жуда ёш кўринадилар. Майли, аёл кишининг кечроқ бўлсаям ўқигани яхши. Ҳуқуқ илмини эгалласалар, нур устига аъло нур! Рўзгорда адолатли тартиб ўрнатилади.

— Ҳой, Оқ Сочли, бунча булбулигўё бўп кетдинг, бу ўқимайди деяпман-ку сенга.

— Унда, азизим, ўзларини ўқитар эканмиз-да. Оҳ-оҳ, қандай соз, ёғоч базасининг шавкатли директори сиртқи бўлим талабаси бўлса. Ахир, бу биз учун обрў-ку, фахр-ифтихор-ку. Лекин офарин, минг офарин! Ҳуқуқшунос бўлсалар ёғоч базасидаги маҳсулотлар ҳам адолат нуридан баҳраманд бўлади.

— Кармисан, мен ўқимайман деяпман.

— А?!

— Қизим ўқийди.

— Э, ҳа, шундай демайдиларми, азизим.

Имтиҳончи ғўлани думалатгандай Чинор Чинорийни уёқ-буёққа ағанатиб, обдан уқалаб бўлгач, елкасига беозоргина қилиб бир-икки шапатилаб ҳам қўйди.

— Қизимиз ташқаридадилар?

— Уйда,— яланғоч елкасига кителини ташлаб давом этди Чинор Чинорий,— ухлаб ётибди.

— Лекин ухлаганлари кўп яхши бўпти,— яна гапга

тушиб кетди Оқ Сочли, — қиз бола кўп ухласа, юзи ширмондай қип-қизил бўлади. Хўш, конкурсга қатнашадиларми?

— Қатнашаман.

Чамадончадаги пулларни торозига қўйишган эди, тош етишмай қолса бўладими, ўн тўрт курсида ўтирган ўн тўрт имтиҳончи ў-ўлаб ўрнидан туриб кетишди. Сўнг, энг юқори бални сизнинг қизингиз олди, дейишиб кетма-кет келиб Чинорий билан хотинини қутлай бошладилар.

VIII Б О Б

ТЕМИР ОДАМ БИЛАН КАЛЛА УРИШТИРГАНИМ

Нихоят, мен имтиҳон топширадиган муддат ҳам келди. Лекин негадир куннинг иккинчи ярмига қўйишибди. Аслида эрталабга қўйилганда соз бўларди. Нега десангиз менинг миям эрталаб яхши ишлайди. Бир неча бор синаб кўрганман. Ўзимни чарчатиб қўймаслик учун бир хаёлим имтиҳон пайтигача ётиб ухлайберай ҳам дедим. Лекин уйқуси қурғур ҳам ҳадеб келавермас экан. Ўн олти соатдан ортиқ ухлай олмайдиган бўлиб қолганман. Кийиниб шаҳарга чиқиб кетдим. Уёққа алангладим, буёққа алангладим. Охири оёқларим толиб, гўзал хиёбонлардан бирига бурилдим. Андак истироҳат қилмоқчи эдим. Кимдир узун скамейкага газета ёзиб ўтирган экан, думбасининг изи тушиб қопти. Эсидан чиққанми, ҳар қалай, газетани ташлаб кетибди. Олиб уёқ-буёғини кўра бошладим. Шу ерда чиқадиغان «Ҳандалак оқшоми» газетаси. Миямни чарчатмаслик учун ўқимоқчи эмас эдим-у, аммо жони-дилим спорт хабарлари. Футбол, хоккей, баскетбол ҳақидаги ахборотларни ўқиганда танам яйраб кетади. Тўртинчи бетини очаётиб, эълонларга ҳам кўзим тушиб қолди. Ўқидим, яна ўқидим. Уф, иш чатоқ бўпти. Наҳотки шу гаплар рост бўлса? Такрор ўқий бошладим.

Э Ў Л О Н

Гулгун яшнаётган шаҳримизнинг барча пок виждонли фуқаролари диққатига! Ўтган чоршанба кунги Писта-пўчоқ кўчасининг муюлишида қуйидагича воқеа содир бўлган. Таксида келаётган номаълум

йўловчи тушиб кетаётганда ҳайдовчи Шамол Шамолийга бир сўм қирқ тийин ўрнига икки сўм узатган. Қайтимини олинг, деганда, зарда қилиб яна эллик тийин ташлаб, кўп қаватли иморат орқасига қочиб ўтиб кўздан ғойиб бўлган. Ўттиз йил давомида ҳалол ишлаб, бировнинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмаган Шамол Шамолий йигитчанинг бу ҳаракатини ўзи учун ҳақорат деб билган. Ҳақорат азобига чидай олмай ўзини ёнғоқ дарахтига осиб ўлдирган. Пок виждонли, ҳалқуми тоза дўстимиз Ширин қовунлар дунёсидан кўз юмиш олдидан: «Дўстлар, мени ҳақорат сиртмоғига осган келгинди мақтанчоқни ушлаб, ўчимки олинг, бўлмаса то қиёматгача гўримда тик тураман, алвидо», деб жон берган. Аниқланишича, покдомон таксичимизни ҳақоратлаган номаълум шахснинг ёши ўн олти-ўн еттиларда, сариққа мойил юзи етилиб пишган ҳандалакдай дум-думалоқ, бурни анғишвонага ўхшаш, кўзлари кулиб турувчи бир йигитча бўлган. Кўрганлар ёки қаерда яшаб турганини эшитганлар бўлса, зудлик билан бизга хабар қилишларини сўраймиз.

Ҳандалак шаҳар соқчилар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими.

Газета қўлимдан сирғалиб тушиб кетди. Бу қанақаси бўлди-а, қанақа дунёга келиб қолдим ўзи? Буёқда порани килолаб олиб туришса, уёқда олтмиш тийин учун ўзини осиб туришса, ҳеч тушунолмайд қолдим. Демак, мени қидиришаётган экан-да, қўлга тушиб қолсам-а! Қочаймикан, хўш, қочганимда нима қилардим, қаёққа бораман, кимдан паноҳ сўрайман!.. Лекин Шамол Шамолий ажойиб инсон экан. Ўлмаганда оёғига йиқилиб, кечирим сўрардим. Сиз ўлгунча мен ўлай, деб ўша ёнғоққа ўзимни осган бўлардим... Йиғлагим келяпти, йўқ, аллақачон йиғлаб ҳам юборган эканман. Кўзларимдан шовиллаб ёш қуйила бошлади. Йиғла, йиғлайвер, мулла Ақром. Қаёқларга келиб қолдинг ўзи, на бир меҳрибонинг, кўнгил сўровчи на бир қариндошинг бўлмаса, йиғла, тўйиб-тўйиб йиғлаб ол.

Лекин булардан нима фойда тонг отгунча йиғлаганимда ҳам у қайтиб келмайди-ку энди. Эсон-омон институтга кириб олсам, ҳаммаси, эҳтимол, унут бўлиб кетар. Ахир мен бу дунёга нуқул қовун тушириш учун келмаганман-ку, ҳозир сен ёнимда бўлганимда дар-

димни олардинг. Туф бунақа гапларга, дея кўнглимни кўтарардинг... Йўқ, ўзимни қўлга олишим керак.

Шартта ўрнимдан туриб, кўз ёшларимни арта-арта имтиҳон сари отландим. «Билимдонлар факультети» дарвозасидан киришим билан яна бир қизиқ ҳодисага дуч келдим. Хафа бўлишимни ҳам, хурсанд бўлишимни ҳам билмасдим. Ҳайратдан ёқа ушлаб, беш минут чамаси ўтириб қолдим. Бу ерда кириш имтиҳонларини темир одамлар — роботлар олар экан. Тўғри, илгари роботлар ҳақида кўп эшитганман, икки марта кинофильм ҳам кўрганман. Лекин бир вақт келиб ўшалар билан юзма-юз бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Омадинг келди-ку, мулла Ақром, дейман ўзимга ўзим, қишлоққа эсон-омон қайтиб борсанг, ҳўп мақтанадиган бўлдинг-да, оғайни. Роботларнинг кўриниши сиз билан мендан ҳам фарқ қилмайди. Юради, гаплашади. Ҳатто биттаси бир-икки марта «ап-чу» дея чучкуриб ҳам олди шекилли. Шунақанги башанг кийинишибдики, ҳай-ҳай, нақ куёвболами дейсиз. Юрганда сал чайқалиброқ юришаркан. Лекин хонани, электр сими замекания бўлганда ғалати бир ҳид чиқаради-ку, ана ўшанга ўхшаш ҳид қоплаб кетибди. Кейин билсам, роботларнинг ошқозонига, қишлоқ кўчаларида тариллаб юрадиган мопет велосипедлар бор-ку, ўшаларга қўйиладиган гугурт қутисидек келадиган аккумулятор бўлади, ана ўшандан биттадан жойлаб, ҳар куни эрталаб зарядлаб қўйишаркан. Демак, биронтасининг ошқозонида замекания бўлаётганга ўхшайди. Ўйланиб турувдим, пешонаси йилтироқ робот мен томон назаримда юриб эмас, сурилиб кела бошлади:

- Хуш кўрдик, йигитча, — деди қаршимда тўхтаб.
- Ваалайкум ассалом, — деб юборибман денг.
- Қайси факультетга кирмоқчисиз?
- Билимдонлар факультетига.
- Қайси бўлимига?
- Тарих бўлимига.
- Фамилиянгиз?

Суҳбатимиз мана шу ерга келганда ўйланиб қолдим. Нима деб жавоб қайтарсам экан. Сизга ҳам айтувдим шекилли, Ҳандалакка келганимдан буён ёнимда ҳужжатим йўқ. Тўлғон холамнинг пенсия дафтарчаси билан юрибман. Ўз исми-фамилиямни айтсам, ҳойна-ҳой уни тасдиқлайдиган ҳужжат сўрашади. Ҳандалак — ҳужжатлар шаҳри. Усиз бир одим ҳам юрол-

майсиз. Болалар отасига мурожаат қилишдан олдин аввало шу одамнинг ўғли эканини тасдиқлайдиган ҳужжат кўрсатиши шарт, эри ишдан қайтаётганда уйига киришдан олдин хотинига никоҳ гувоҳномасини кўрсатмаса ичкарига қўймас экан.

— Фамилиянгиз,— яна сўради робот.

— Отахонова,— дедим бошқа иложим қолмагач.

— Исмингиз?

— Тўлғон кампир.

— Тўлғон кампир Отахонова, имтиҳонга тайёр-мисиз?

— Тайёрман.

— Марҳамат қилиб орқамдан юринг.

Пешонаси йилтироқ робот мени қоронғи коридорга киритиб юборди. Хаёлимда шув этиб ер остига тушиб кетгандай бўлдим. Беҳисоб лампочкалар ёниб-ўчяптими, ёки кўзларим ичида нурлар чақнаяптими билолмасдим. Назаримда аввал мени тортиб кўришди, кейин бўйимни ўлчашди, қорнимга лента ўраб, яна ечиб олишгандай бўлди. Турган жойим қоп-қоронғи, шундай бўлса ҳам пешонам билан орқа миямни рентген нурлари орқали қайта-қайта суратга олаётганларини пайқаб турибман... Кейин тўсатдан мен турган кабина шунақанги ёришиб кетдики, қорнимдаги ичак-чавоқларимни, томирларимда чопиб юрган қонларимни аниқ кўргандай бўлдим. Қўрқиб кетганимдан шоша-пиша кўзимни юмиб олдим. Очсам, яна дастлабки кирганим катта залда пайдо бўлиб қолибман. Қаршимда тиржайганича пешонаси йилтироқ робот турибди. Ҳали диққат қилмаган эканман, юзлари сип-силлиқ, худди тошдан ясалганга ўхшайди. Кўзлари ҳам ўлган сигирнинг кўзидан ҳаракатсиз.

— Мана олинг,— шундай деб робот кўлимга бир varaқ қоғоз тутқизди.

— Имтиҳондан ўтдимми? — шошилиб сўрадим.

— Ўқинг,— буюрди робот.

Ҳойнаҳой имтиҳондан ўтганлигим тўғрисидаги справка бўлса керак деб севинганимдан, ишонсангиз, роботни ачомлаб олибман денг. Бадани қаттиқ ва яна муздеккина экан, қишлоқчасига бир-икки кўтариб ташлайман деган эдим, ўрнидан қўзғата олмадим. Қизиқ, негадир шу пайтда ойижоним билан Ҳошимжон ўртоғим кўз ўнгимдан ўтгандай бўлди-я, тавба. Нега бунақа бўлди экан?

— Ўқинг,— буйруғини такрорлади робот.

Уқий бошладим.

РОБОТЛАР КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Исми, фамилияси — қалбаки. Асли исми — Акром.

Фамилияси — Мадумаров.

Еши — ўн еттида.

Бўйи — бир юзу олтмиш икки сантиметр.

Оғирлиги эллик тўрт килограмм.

Жисмоний ривожланиши — ёшига мос.

Ақлий ўсиши — олтинчи синф даражасида.

Фанларни билиши — тўртинчи синф ҳажмида.

Имтиҳондан ўтмади.

Бекор айтибсан, дея қоғозниғижимлай бошладим, бекорларни айтибсан! Сенинғ ўзинг ҳали ривожланмагансан. Ақлинг паст, миянғ ёғочдан, қалбинг темирдан! Тўртинчи синф даражасида эмиш, ёлғон! Фанларни қанчалик чуқур ўзлаштирганимни бригадиримиз биладими ё сен биласанми? Дала фанларининг ҳаммасидан беш олганман, беш!

— Эшикни тополмаяпсизми? — темирдек совуқ бир оқангда сўради робот.

— Ёлғон? — қичқириб юбордимү пешонаси йилтироқнинг ёқасидан сиқиб олдим. Ҳозир бўлганимча бўламан. Мен ҳам ҳақоратни кечириб кетадиганлардан эмасман, мени Акром қайсар дейдилар. Юзига мушт тортиб юбордим, қўлим зирқираб кетди. Буниси билан урган эдим, тирқираб қон чиқди. Йўқ, ўлсам ўламанки, аммо ҳақорат учун ўч олмагунимча қўймайман. Юғуриб келиб қорнига калла солган эдим:

— Бом-м,— этган овоз эшитилди.

Ҳа-ҳа, ўзингнинг ичинг бўш экан-ку, ўзинг қуп-қуруқ экансан-ку! Яна калла солишга чоғланаётган эдим бошқа роботлар чопқиллаб келишиб мени ҳар томондан қуршаб олишди.

— Акт тузилсин,— деди соч қўйган бадбашара робот.

— Беш йилга кетасан энди, аҳмоқ,— деди соқоли кўксига тушиб турган робот.

— Бош бошқармага телефон қилинсин,— деди торгина жинси шим кийиб олган урғочи робот.

Беш йил дегандаёқ ўзимга кела бошлаган эдим. Тутқаноғим тутган экан, босилди-ю, кўзларим ярақлаб очилиб кетгандай бўлди. Қовун тушириб қўйдинг,

мулла Акром, деган фикр ялт этиб ўтди бошимдан, қоч, жуфтакни тезроқ ростла энди!

Давра олиб турган роботлар орасидан лип этиб ўтдим-да, ўзимни эшикка урдим. Лекин ўша куни ўзиям бошқача бўлиб кетдим-да. Бошқа бир пайтда ўшанақанги куч, ўшанақанги шижоат билан югурсам, ўлай агар, дунё чемпиони бўлиб кетишим ҳеч гап эмас эди.

IX БОБ

ПРОФЕССОР ДАР ДАРАЖА БИЛАН УЧРАШДИМ

Нимани ўйлай, охирида, йўқ, бари бир ўзимни ўлдираман, жонимга тегиб кетди бу диққинафас дунё, деган ўй бошимга келаверди. Тўғри-да, бегона мамлакатда сарсон бўлиб юраверишнинг менга нима кераги бор, бунинг устига ишим қовун тушириш бўлса! Буёқда соқчилар қидирув бошқармаси эълон қилган, уёқда меҳмонхона мудир, қарзингни тўла-масанг кўтар кўрпангни, деб қисталанг қилиб турибди. Ёнимда бир чақа ҳам йўқ. Будкалар ёнига бориб, текинга қовун шарбат ичиб кун кўряпман. Бунинг устига, мана, кўриб турганингиздек, роботларни ўзимга ёв қилиб олдим. Ҳаммасига ҳам чап бериб яшайверар эдим-у, аммо ишқ дардига мубтало бўлиб қолганга ўхшайман. Автобусда танишганим анови кунги қизни ҳеч унутолмаяпман. Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам ўша. Ё чалари шундай қаттиқ оҳ ураманки, кўксимдан узилиб чиққан олов меҳмонхона шифтини куйдириб юборай дейди. Гаму ташвишлар оёғимга чирмовикдай ўралиб олган. Ширин қовунлар мамлакатидан чиқиб кетишнинг эса ҳеч иложи йўқ. Дарвозаси борми, туйнуги қаерда — билмайман. Йўқ, бари бир ўзимни ўлдираман! Сувга ташласаммикан, ёки арқонда бўғилиб ўлганим маъқулми, қизиқ, қайси бирида жон қийналмас, экан? Йўқ, ўзимни арқонга осолмайман, томоғимда қитиғим бор. Яхшиси сувга! Лекин буниси-ям бўлмайди шекилли. Ташлаганимдан сўнг, мабодо ўлгим келмай қолса, сузишни билмайман, қайтиб чиқолмай, ўлиб қолишим мумкин.

Лекин ўлгандан ўлмаган яхши, шундай эмасми? Ўлганимни эшитса, ойижоним роса йиғлайди. У кишининг кўз ёшларига ҳеч тоқат қилолмайман. Меҳрибо-

ним ҳозир нима қилаётган экан, укаларим-чи? Сизларни соғиндим, ўлиб ўлолмайман, юриб юролмайман, бегона юртларда сарсону саргардонман. Қорним оч, уч кундан буён шарбат ичавериб ичим шилдирайдиган бўлиб қолди. Бўйнимда қарз, орқамдан соқчилар қувиб юрибди... Йўқ, яхшиси ўлдираман!...

— Ўлдирмайсан,— деган овоз эшитилди ёнгинамдан. Бир чўчиб тушдим. Гоҳи аччиқ, гоҳо ширин хаёлларга берилиб, ёнимга келиб ўтирган оппоқ сочи жўжанинг патидек майингина бир кишини сезмай қолибман. Соқол-мўйлови йўқ, эғнида кетворган костюм-шим, қўлида дастаси кумушли ҳасса, ҳассага иягини тираганча менга қараб жилмайиб турибди. Қизик, қўлида ҳассаю ўзи қирчиллама йигитлардек кўринади, овози ҳам ёш, худди дадамникига ўхшайди. Сергўшт юзида битта ҳам ажин йўқ, пишай-пишай деб турган ҳандалакдай сип-силлиқ, лабида табассум бўлгани учунми, юзи ғоят ёқимли кўриняпти. Бутун борлигидан гупиллаб хушбўй атирнинг ҳиди ҳам келиб турибди. Сал нарироқ сурилиб олдим.

— Ўлдирмайсан, бўтам,— шундай деб чол бир қўлини елкамга ташлаб олди,— қайтар дунё деб шуни айтар эканлар-да. Бундан етмиш йил олдин мен ҳам худди мана шу ёнғоқ остида ўтириб, унда бу дарахт анча ёш эди, ўзимни осганим маъқулми ёки сувга ташлайми, деб хаёл қилувдим. Яшагим келмай қолувди-да. Назаримда юрган йўлим фақат тўсиқлардан иборат, одамларда раҳм-шафқат тугаб кетгандек, ҳаммаси ўзим бўлсам деётгандек, ишим ҳеч ўнгидан келмай қолган эди ўшанда. Тўғри йўлда ҳам қоқиладиган бўлиб қолувдим. Ўзимни ўлдиришга қарор қилдим арқон олиб, мана шу ёнғоқ остига келиб узоқ ўтирдим. Қариндошларимни, негадир, аллақачон оламдан ўтиб кетган бобомни ҳам эслаб кетдим. Ўшанда донишманд бобомнинг, агар омад сенга кулиб боқмаса ишни қайтадан бошла, иккинчи бор ҳам омадинг келмаса, унда бахтли бўлишнинг биттаю битта йўли қолади, яъни ҳаммасини қайтадан бошлайсан, деб айтган ҳикмати ёдимга тушди-ю, қўлимдаги жун арқонни отиб юбориб, ҳаёт учун жанг қилишга қайтадан энг шимардим. То шу кунгача энгим шимарилган. Ҳаёт учун ҳар куни, ҳар соатда жанг қиламан. Аслида, бўтам, насиҳат тариқасида шуни сенга айтиб қўяй, бу дунё жангчилар дунёси, унинг шавқи-завқи, лаззати

учун курашмаган инсон бу дунёда яшамагани ҳам маъқул. Лекин шуни ҳам таъкидлаб қўяман, бўлар-бўлмасга жанг қилмаслик керак, олий ниятлар учун, юксак мақсадлар учун курашган инсон ўзи ҳам олий, ҳаёти ҳам мазмундор бўлади... Юксаклик ва тубанлик... икковининг бошланиши бир жойдан, аммо бири юксакка, бошқаси тубанликка кетади. Сен, бўтам, ҳозир жарга қулаш олдида турибсан.

— Бобожон, сиз ўзи ким бўласиз? — дедим қўрқан-писа.

— Мени бобо дема. Ҳали унча қариганимча йўқ, эндигина тўқсонга кирдим холос, — қорнини билинар-билимас силкитиб кулди номаълум киши.

— Тўқсонга? — дедим ҳайратим ошиб. — Мен бўлсам сизни олтмишларга кирган деб ўйлабман.

— Демак, хато қилибсан, бўтам, сенда синчковлик этишмас экан.

— Бўлмаса, сизни амаки деб чақирсам майлими?

— Амаки ҳам дема. Бугундан бошлаб менга шогирд тушадиганга ўхшайсан. Устоз деб мурожаат қилабер, хўпми?

— Хўп.

— Хўш, отинг нима?

— Отим... сал анақароқ-да.

— Қани, айтавер-чи.

— Асли исмим Акрамжон.

— Бизнинг юртдаги номларга ўхшамас экан.

— Ўзим ҳам бошқа мамлакатдан келиб қолганман.

— Саёҳатчимисан?

— Йўқ. Адашиб келиб қолдим шекилли.

— Хўш, қаердан адашиб келиб қолдинг?

— Сойбоши мамлакатидан.

— Эшитмаган эканман.

— Улка географиясини ўқимаганмисиз?

— Э, бўтам, ўқингга ўқиганман, аммо бунга саксон йилларча бўлди-ёв. Эсда қолибди дейсанми? Хўш, ҳали нима ҳақда гаплашаётган эдик?

— Эсимда йўқ.

— Инсон ўз олдига қўйиши керак бўлган юксак мақсадлар ҳақида сўзлашаётган эдик шекилли, шундай, бўтам, мақсад қанча юксак бўлса, парвоз ҳам шунча юксак бўлади. Мақсад паст бўлса, одамнинг ўзи ҳам кун сайин пасайиб бораверади. Тушунарлими?

— Сал... тушунмайроқ турибман.

— Инсонни кучли қиладиган, уни безайдиган нарса

мақсади тўғрироғи мақсадлар бирлиги. Гўзал орзулар билан яшаган одам ҳамиша гўзал бўлади. Энди тушундингми?

— Йўқ,— дедим атайлаб чол бувани кўпроқ гапга солиш мақсадида.

— Хўп, майли, бу гапни ҳозирча қўятурайлик. Қани, Акром Акротий, менга очиқ айт-чи, нега ўзингни ўлдирмоқчи бўлдинг?

— Ўлдирмоқчи бўлганимни сиз қаёқдан билдингиз?

— Билдим-да.

— Жон амаки, очиқ айтинг, сиз очиқ айтсангиз, менам ҳаммасини айтиб бераман.

— Мен, бўтам, сеҳрли бир илм эгасиман.

— Роботмисиз?

— Ундай дема, худога шукур, мен ҳали қалбимни йўқотганим йўқ. Сенга ўхшаган бир инсонман. Тўғрироғи, сенга ўхшаб адашганларни тўғри йўлга солиш учун енг шимарган бир кишиман.

— Мен йўлдан адашганманми?

— Ҳа, сени адаштиришган.

— Сиз буни дарров қаёқдан била қолдингиз?

— Шошмасанг, бўтам, ҳаммасини тушунтириб бераман. Айтдим-ку, унча-мунча сеҳргарликдан хабарим бор деб.

Бу одамга нисбатан миямда ҳар хил мулоҳазалар туғила бошлади. Афти-ангори қишлоғимиздаги пенсионер чолларга жуда ўхшаб кетади. Аммо мулоҳазаларига... ҳеч тушунмаяпман. Эҳтимол соқчиларга хизмат қиладиган яширин агентдир, алдаб-сулдаб ушлаб олса-я! Жуфтакни ростлаб қолсаммикан? Лекин унчалик ёвуз ниятлига ўхшамайди, юзидан нур ёғилиб турибди, сўзларида меҳр-шафқатнинг ҳиди бор. Эҳтимол у роботдир?.. Аввалги куни улардан бирига калла солганман, беш йилга қаматиб юбормоқчи бўлишувди. Мени ушлагани келган бўлса-я! Қочиб қолсаммикан?

— Йўқ, бўтам, қочишни ўйлама,— сўзида давом этди чол.— Мен сен ўйлаётганингдек соқчининг яширин агенти ҳам, робот ҳам эмасман. Аслида уларни унча хушламайман, кўргани кўзим йўқ.

— Мен ҳам уларни ёмон кўриб қолдим,— деб юборибман денг беихтиёр.

— Ана, фикримиз бир жойдан чиқяпти.

— Амаки?

— Амаки дема, устоз де.

— Устоз... кечирасиз, устоз амаки, менинг миямдаги фикрларни сиз қандай билиб оляпсиз?

— Мен бировларнинг фикрини ўқий оладиган сеҳрли илм эгасиман.

— Сеҳргармисиз?— шундай деб сал нарироқ ўтириб олдим.

— Бутунлай бўлмаса ҳам, ҳар қалай унча-мунча хабарим бор. Қани, бирор нарса ўйлагин, топа олармиканман.

— Ўйладим.

— Бу чол барибир робот бўлса керак, деб фикрингдан ўтказдинг.

— Вой, топдингиз, худди шундай деб ўйлаётувдим,— ҳам қўрқув, ҳам севинч вужудимни қамраб олди. Беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим,— яна ўйлайми?

— Ўйла, хоҳлаганингча ўйлайвер.

— Ўйладим.

— Оҳ, шу илмни мен ҳам ўргансам қандай соз бўларди-я, деган фикр ўтди бошингдан. Топдимми?

— Амакижон!— шу дақиқаларда мен ҳайрат ҳам қувончим ошганидан бўлса керак, ўзимни йўқотгудек бир аҳволга туша бошлаган эдим. Қотиб қолдимми, сакраб туриб, чол бувани ўлиб олдимми, аҳтимол, унисиям, бунисиям бўлиб ўтгандир, ростини айтсам, билолмай қолдим.

— Етмиш йилдан буён ҳар куни шу ёнғоқ тагига бир келиб кетишим бор,— елкамдан оҳиста-оҳиста силаб давом этди чол бува,— чуңки, бўтам, шу ёнғоқ остида мен қайтадан туғилганман. Қалбимда умид чироқари қайтадан ёнган. Бугун ҳам бир келиб, янгитдан туғулишимга гувоҳ бўлган сеҳрли дарахтни бир тавоф қилай дедим. Келсам, сен ўтирибсан. Ёнингга чўкканимни сезмадинг. Миянгдан лов-лов этиб ҳовур кўтариляпти. Мен, бўтам, инсон вужудидан ажралиб чиқадиган биологик энергияни ўрганиш илми бўйича ҳам мутахассисман. Тўғрироғи, эшитяпсанми, тўғрироғи шу илмга асос солганлардан бири бўламан. Юзга яқин илмий ишларим эълон қилинган. Ҳойнаҳой, эшитмагандирсан?

— Тўғри айтдингиз, мутлақо эшитганим йўқ.

— Кейинчалик бу китобларни сенга бераман, ўқиб чиқасан... Одам боласи фикрлаётганда, фикрлаш маркази, яъни мияда жуда кўп энергия сарфланади. Ана шу энергиянинг бир қисми мияда қат-қат бўлиб тахланиб ётган сўзларни қўзғаш, бир-бирлари билан қў-

шиш, ажратиш учун сарфланади. Энергиянинг бошқа бир қисми эса миядан юқорига кўтарила беради. Кўтарилаётганда сўзларнинг шакли билан аралаш-қуралаш бўлиб кўтарилади. Тушуняпсанми?

— Ҳеч нарса тушунмаяпман,— дедим баттар хижолат бўлиб.

— Сен, Акромий, ростгўй бола экансан. Тушунмаганингни очиқ айтяпсан. Мана шу фазилатинг менга маъкул келяпти. Умр бўйи ростгўй одамларни ахтараман. Ростгўйлик қалбнинг поклиги, шахснинг камолоти белгиси. Ростгўй одамлар билан яшаш — қувончли бўлади, ҳузур қиласан. Хўш, нима деётган эдим?.. Уша миядан кўтарилаётган энергия ўзи билан бирга миядаги сўз шаклларини ҳам ташқарига олиб чиқади, чиқади-ю, дарҳол сўна бошлайди. Диққат қилган одам бу сўзларни бемалол ўқиса бўлади. Лекин, бўтам, бу хусусият, яъни ҳовурга аралашиб кўтариладиган сўзлар шаклини ажрата билиш хислати ҳаммада ҳам учрай бермайди. Худога минг қатла шукур, табиат шу фазилатни менга ато қилган экан. Лекин инсон боласидаги ҳар қандай фазилат ҳам тинимсиз машқу эринмасдан ўтказиладиган тажрибалар туфайли камол топади. Уттиз йил машқ қилдим, тушуняпсанми, бўтам?

— Уттиз йил деганингизга тушундим-у, бошқасига ақлим етмайроқ турибди.

— Яна ҳақ гапни айтдинг,— кулиб ҳикоясини давом эттирди чол бува,— оққўнгиллик ҳам ростгўйлик сингари инсондаги энг яхши фазилатлардан. Бундай кишилар ҳамиша ёқимтой, ҳамиша суюкли бўладилар.. Шундай қилиб, ёнингга келганимни сезмай қолдингш Ичинга ўт кетганми, бошингдан лов-лов аланга кўтариляпти. Аланга аралаш чиқаётган сўзларни ўқий бошладим. Ўлишим керак, ўлишим керак, деб такрорляяпсан. Бир маҳаллар ўзим ҳам мана шунақа аҳволга тушган эмасманми, сенга раҳмим келиб кетди. Бу йигитчани оғир аҳволдан қутқаришим зарур, деб ўйладим. Бахтсизликка учраган бир инсонга ёрдамим тегмаса менинг олимлигимдан нима фойда... Қани энди, бўтам, менга нега ўзингни осмоқчи бўлганлигингни бир бошдан сўзлаб бер-чи. Сўзлайсанми?

— Жоним билан,— дедим шошилиб.

Қасам ичиб айтаманки, мен бу чолни астойдил яхши кўриб қолдим. Сеҳрли илм эгаси бўлгани учун эмас, йўқ, бу илмга ҳали мен унча тушунмайроқ турибман,

роботларни ҳушламагани учун ҳам эмас, йўқ-йўқ, юзидан нур ёғилиб турган бу амакини мендан кўнгил сўрагани, ўзимга ўхшаб ростгўю очиқкўнгил бўлгани, мени ўзига тенг олиб сўзлашаётгани учун ҳам яхши кўриб қолдим. Бирон кишини хуш кўриб қолсам, қулфи дилим очилиб кетади. Уртоғим Ҳошимжонга ўхшаб булбулигўё бўлиб қоламан. Эсимни таниганимдан бери хотирамда нима сақланиб қолган бўлса, ҳаммасини бир бошдан сўзлашга тушдим. Ҳеч нарсани яширмадим, ўзимдан ҳеч нарса қўшмадим ҳам.

— Ачинарли, ғоят ачинарли кечинмалар,— деб сўзимни тугатишим билан Дар Даража, бу мўътабар кишининг исми шарифлари ана шунақа экан, елкамни силаб қўйди,— лекин бўтам, бунинг учун ўзингни осийнинг шарт эмас эди.

— Унда нима қилишим керак эди?

— Ёрдам сўраб, менинг хузуримга бормабсан-да.

— Мен сизни танимас эдим.

— Лекин буёғи ҳам бор.

— Амаки?

— Мени ҳамма устоз деб чақиради.

— Менда ҳам ажойиб бир фазилат бор.

— Қани, эшитайлик-чи.

— Бурним ғоят ривожланиб кетган.

— Яъни?

— Яъни, масалан, минг хил ҳидни бир-бирдан ажрата оламан.

— Йўғ-э!

— Ўлай агар, рост айтяпман. Ҳатто милицияда мени исковуч ит ўрнида хизматга ҳам олмоқчи бўлишган. Ойим кўнмаган. Ишонмасангиз синаб кўришингиз мумкин. Айтайми?

Ўрнимдан сакраб туриб, ўн метр нарига бордим-да, икки кўзимни чирт юмиб, бурним орқали чуқур-чуқур нафас олдим:

— Чап елкангиз остига чипқон чиққанга ўхшайди. Яра мадда олиб, патосга айланибди. Маддадан қўланса ҳид таралаяпти.

— Лекин, бўтам, тўғри айтдинг. Э, товба!

— Яна айтайми?

— Қани-қани.

— Костюмингизнинг ўнг чўнтагидан тахи бузилмаган қоғоз пулларнинг ҳиди уфурапти.

— Офарин!

— Шимингизнинг чап чўнтагида атир сепилган рў-молча борга ўхшайди.

— Епирай!

— Икки пой пайпоғингиз бир-бирига сира ҳам ўхшамайди, — дея яна тўйиб-тўйиб ҳаво симирдим, — бир оёғингизда ип пайпоқ, кеча ювилган бўлса керак, кир совуннинг ҳиди бор. Бошқасида нейлон. Нейлон билан тернинг қоришган ҳидини сезяпман.

Дар Даража шошилиб ботинкасини ечди-ю, қишлоқ-часига қилиб айтадиган бўлсак, тарракдек қотиб қолди. Сўнг аста-секин ўзига келиб, қичқириб юборди:

— Ўғлим, бўталоғим, — қулочини кенг ёзганча ялангоёқ ҳолида менга қараб ташланди, — кел, бир бағримга босай, келақол, ўғлим. Худо ҳаққи, бунақа фазилат эгасини мен салкам ўттиз йилдан буён ахтардим. Топдим уни ҳа-ҳа, топдим! Ўғлим, биз биргалашиб ишлаймиз энди. Менинг биоток ўқиш қобилиятим билан сенинг ҳид олиш ҳолатинг қўшилса буюк кашфиётлар туғилади. Инсоният энгил нафас олади энди. Қани, кетдик бизникига. Бугундан бошлаб менга ҳам суюкли ўғил, ҳам тиришқоқ шогирд бўласан. Истикболнинг порлоқ, бурнинг қурмағур! Бир эмас, бир неча фанлардан доктор бўласан, профессор бўласан!

— Меҳмонхонадаги қарзим нима бўлади? — тортиibroқ сўрадим ўрнимдан тураётиб.

— Ўзим тўлайман, ташвишланма, Тўлғон кампир! Қани кетдик, бизникига борамиз. Бирга яшаймиз.

Х Б О Б

УМРНИ УЗАЙТИРАДИГАН ИНСТИТУТ

Х аლოსкорим профессор Дар Даража чиндан ҳам ажойиб одам экан. Меҳмонхонадаги қарзимни тўлаб, Тўлғон кампир Отахонованинг пенсия дафтарчасини қайтиб олгач, уйига олиб кетди. Шаҳар чеккасида тураркан. Тўрт хонали уй, пишиқ ғиштдан тикланган, кўримсизгина. Аммо ярим гектарча келадиган боғига, ҳай-ҳай, гулларни шунақа кўп экибдики, шунақанги хиллабдики, бу дунёда қанча нави бўлса, ҳаммасидан кўкартирибди десам ишонаверинг. Йўқ, бари бир таърифлай олмайман. Кўз кўрган билан, тил ожиз бўлгандан кейин одамнинг қўлидан нима ҳам келарди.

Бамисоли гул баргидан атир тайёрлайдиган заводга кириб қолгандай бўлдим. Хушбўй ҳиднинг мўллигидан ҳам одам боласи маст бўлишини мен ўшанда кўрдим. Руҳимга чароғонлик, қалбимга қувонч қуйила бошлади. Ширин-ширин энтикяпман. Энтикканим сари назаримда ёшариб бораётгандекман. Гуллар ҳидидан одам ёшарар экан-да, деган фикр ҳам ўтди бошимдан. Чақчақлашиб сайраётган қушларни айтмайсизми. Мен уларнинг номларини билмайман. Овозини ҳам илғари эшитмаганман. Қизиқ, қушлар овозига диққат билан қулоқ солсангиз, бора-бора ўзлигингизни унутиб, уларнинг дунёсига кетиб қолар экансиз. Худди хаёлдек енгил қанот боғлаб, учаётгандек, ўшаларга қўшилиб чақчақлашаётгандек ҳис қиларкансиз ўзингизни. Ойижоним, одам боласи бегуноҳ бўлса ўлганда албатта жаннатга тушади, жаннатда анвойи гуллар очилиб, илоҳий қушлар сайраб турармиш, деган эди. Ким билади дейсиз, мен ўлгандирман-у, жаннатга тушиб қолгандирман. Дар Даража жаннат маликаларининг катта бобосидир-у, мени ўйнатиб юргандир...

Иўк, бу гаплар ҳаммаси афсона, ёлғон. Мен ўлган эмасман. Халоскорим ўз қўли билан яратган гўзал боғда сайр қилиб юрибман. Ширин-ширин энтикяпман. Мана, энтикаётганимни сезиб турибман-ку, ахир.

Устозимнинг жуфти ҳалоли бундан ўн йил олдин рашк касалига чалиниб, оламдан кўз юмган экан.

— У пайтда,— дея негадир изоҳ бера бошлади устозим,— ҳали рашк касалининг давоси топилмаган эди.

— Ҳозир-чи,— дея сўрадим гарчи бу касалнинг маъносига тушунмасам ҳам.

— Ҳозир... ҳал қилганмиз,— ўйчан жавоб қайтарди устозим.

Саксон ёшлиги нишонланаётган куни устозим бегона бир кампир билан бир-икки бор кўз уриштирибди, ўша кампир бир қучоқ гул келтирган экан. Устозим совғанг учун катта раҳмат, деган маънода кўз қисган экан. Хотини, унинг исмини сўраб ўтирмадим, зимдан кузатиб турган экан, сен чол ўлгур, мана шу кампир билан юрасан шекилли, кўпинча чўнтагиндан кинонинг қўшалок билетини топиб олардим. Яшамай ўлгур, мени ўша тиши тушган кампирдан қаерим кам, деб жанжал кўтарибди. Бўпти жанжал, бўпти тўполон, юбилей азага айланибди. Рашк ўти ёмон бўларкан-да. Кампир ўша ўт ичида ёниб ўлибди.

Устозим яккаю ёлғиз қизи ва яккаю ёлғиз Му Ти

исмли набираси билан тураркан. Буларнинг отаси менинг дадамга ўхшаб арақхўр экан. Дадам-ку, ошкора ичарди-я, у бўлса яшириб ичаркан. Дадам ичгандан сўнг ҳовлини бошига кўтариб ашула айтарди. Бу одам бўлса, ичгач ҳидини бировга сездирмаслик учун бўлса керак, кафти билан оғзини беркитиб, бақрайганча, миқ этмай ўтиравераркан. Бир кун худди шу аҳволда — бақрайганча ўлиб ҳам қопти. Бу воқеани мен анча кейин эшитганман. Лекин, гап навбати келиб қолгани учун айтаяпман-да, мавруди келиб қолгани учун яна битта гап айтсам хафа бўлмайсизми? Му Ти ҳақида сўзламоқчи эдим. Шу қизча мени ўлдириб қўяёзди. Эртаси шунақа яхши кўрарканки, ишдан қайтишим билан, қани бошланг, дейди. Овқатга ўтирсам, йўқ, кейин ейсиз, дейди. Ҳатто, кечалари ҳам турткилаб уйғотиб, давомини айтасиз, деб туриб олади. Гоҳ сиз яшаган мамлакатда қурутни текинга улашишадими, морожнийнинг килоси неча пул, қўғирчоқлар ашула айтишни билладими, дея саволга тутиб жиғи-бийронимни чиқариб юборади. Лекин, ўзи жуда ширин. Худди нариги дунёда қолиб кетган уйимизнинг булбулчаси Муаттар синглимнинг рассомлар томонидан ишланган нусхасими дейсиз. Кунбўйи бобосининг гулзорида булбулдай чаҳчаҳлаб юради.

Унинг онаси Хол Дор келинойим ҳақида ҳеч нарса айтмайман. Келган куним эртасига қошиқ билан вилкани ишлатишни билмас экансан, деб биқинимни шунақанги қаттиқ чимчиладики, ҳалигача ловуллаб турибди. Шунинг учун ҳам унинг ҳақида ҳечам гапирмайман, ўла-ўлгунимча ҳам гапирмайман.

Хуллас, тўртовлон яшай бошладик.

Эртасига нонуштадан сўнг устозим ишлаётган илмий-текшириш институтини томон йўл олдик. Илм даргоҳига биринчи бор йўл олишим, биринчи мустақил қадам ташлашим. Эҳтимол, шунинг учундир, кайфим чоғ, ўзим ҳам қушдек енгил, назаримда юриб эмас, учиб бораётгандекман. Йўл четидаги гуллар эгилиб менга салом бераётгандек, йўловчилар оқ йўл тилаётгандек.

Ашула айтгим кела бошлади:

*Олим бўлсанг, олам сеники,
Тақир-туқур меҳнат йўқ.
Ҳурмат-эъзоз жойида,
Устинг буту қорнинг тўқ.*

— Нима деб гингшияпсан? — деб сўраб қолди бир маҳал устозим.

— Ашула айтяпман шекилли, — дея очиқ иқроп бўлдим.

— Ашулага ҳали эрта эмасмикан?

— Хурсанд бўп кетяпман-да, устоз.

— Яхши ният ҳамиша хурсандчилик келтиради, — дея мийиғида кулиб қўйгандек бўлди устозим.

Институт дарвозаси пештоқиға «ИНСОН» деб олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишибди. Йўқ, олтин суви югуртирилган ҳарфлар эмас, ҳарфларни росмана олтиндан қуйдиришибди. Қуёш нури тушиб, худди машъалдек ловиллаб ёниб турибди. Дарвозадан ичкари киришимиз билан устозим бир бошдан тушунтира бошлади:

— Институтнинг асл мақсади инсон умрини узайтириш йўллари ахтариб топишдан иборат. Тушунарлими? — сўради устозим.

— Тушундим, — деб қўйдим. Нега десангиз, чиндаи ҳам тушунган эдим.

Инсон умрини узайтириш йўллари кўп экан. Одам умрига завол бўладиган, яъни ажалдан беш кун олдин ўлдириб юборадиган сабаблар ундан кам эмас экан. Лекин ўша йўللари ўша сабабларнинг ҳаммасини бир йўла ўрганиш қийин, ҳатто мумкин ҳам эмас экан. «Инсон» институтнинг илмий ходимлари ҳозирча умрни узайтиришнинг бешта усули устида тажриба олиб боришни маъқул кўришибди. Шаҳар маъмурияти жуда катта маблағ ажратибди. Кўк рангга бўялган бино қаршисида тўхтадик.

— Профессор Дар Моннинг лабораторияси, — таништиришни бошлаб юборди устозим, — бу ерда инсон умрини узайтиришда витаминларнинг қанчалик рол ўйнаши муаммолари ўрганилади.

Икки бети нақш олмадай қип-қизил, дўмбоқ-дўмбоқ одамлар ҳар хил машғулотлар билан банд. Бирови саватда янги узилган олма кўтариб ўтяпти, бирови сабзи арчиб ўтирибди, яна биттаси бақлажонни сиқиб сувини чиқаряпти. Чиройлигина бир аёл қовуннинг шарбатини шишага солиб, силкитаётган экан:

— Қойил, — дедим лабимни чапиллатиб. Нега десангиз шу пайтда қовун егим келиб қолса бўладими?

— Нимаси қойил? — сўради устозим.

— Мазза қилиб ейишади-да.

Устозим қўл силтади:

— Таом ейиш билан умр узаядиган бўлса, мечкай-

лар энг узоқ умр кўрган бўларди.

Гап тамом. Бошқа саволга ўрин қолмади. Нар и кета бошладик. Сарик рангли бино олдида, умрида овқат емагандек қотма, ёғочоёқдек новча, лекин шундай бўлса ҳам ранглари тоза, ҳаракатлари енгил одамлар қаршисида тўхтадик. Биринчи қаватдаги катта залда ёшларини аниқлаб бўлмайдиган кампиру чоллар ҳар хил машқлар бажаришяпти. Битта кампир велосипед миниб юрибди. Иккита чол, косовдек ориқ қўллариди чарм қўлқоп, бокс тушаётган бўлса керак, бир-бирларининг юзини мўлжалга олиб туришибди. Бошқа бир кампир ҳалиги велосипед минган кампирнинг ёнига келиб, ҳов овсин, тушинг энди, навбат менга келди, деяётганини аниқ эшитдим.

Лабораторияга машҳур спортчи, доврўғи оламга кетган катта олим Чақ Қон раҳбарлик қиларкан. Унинг, яъни мана шу доврўғи оламга кетган олимнинг фикрича, инсон умрини узайтиришнинг бирдан-бир йўли спорт билан мунтазам шуғулланиш экан. Чақ Қон халқаро симпозиумда сўзга чиқиб, соғ танда соғ ақл бўлади. Соғлом тана ҳар қандай касалликни тез енга олади. Жисми соғлом кишининг дили ҳам равшан бўлади, руҳи пок ва соғлом кишининг хулқи ҳам пок бўлади, деган назарий фикрни олға суриб, олимларнинг олқишига сазовор бўлибди.

— Тушунарлими, — одатдаги саволини такрорлади устозим.

— Йўқ, — дея одатдагидай жавоб қайтардим мен ҳам.

— Нимасига тушунмадинг?

— Симпозиум деганингизга тушунмадим.

— Симпозиум дегани — кенгаш дегани-да, бўтам.

— Руҳи пок деганингиз-чи?

— Буни кейинроқ тушунтираман. Ҳали кўп нарсага ақлинг етмайди шекилли. Лекин шундай бўлсаям айтиб қўяй, профессор Чақ Қон ўзи катта олим-у, назарий жиҳатдан жиндек чалкашликка йўл қўйяпти. Тадқиқотлари асосига жисмоний тарбияни олган. Мен бўлсам жисмоний меҳнатни олган бўлардим. Фақат жисмоний меҳнатгина умрга умр қўшади, кишида маънавий қониқиш ҳиссини уйғотади. Маънавий қониқиш киши қонини суюлтириб, кайфиятини созлайди. Яхши кайфият умрининг узайиши демакдир. Лекин уёғини суриштираманг, ўзим ҳам ҳар куни спорт билан шуғулланаман. Унинг хосияти кўп. Лекин спортни

ҳаётнинг бирдан-бир мақсади қилиб олмаслик керак. Ҳа, бўтам, бу машғулот умрини узайтиришда ёрдамчи восита деб таърифланиши керак эди.

— Амаки?

— Устоз де мени, деяпман.

— Устоз?

— Лаббай.

— Мен бари бир спортни яхши қўраман, меҳнатга негадир тоқатим йўқроқ.

— Ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги шунақа, бўтам.

— Жони-дилим футбол.

— Ош бўлсаю иш бўлмаса, деган экан бир дангаса, — устозим чуқур хўрсинди.

— Устоз.

— Лаббай.

— Бир нарса сўрасам майлими?

— Майли.

— Нега бу мамлакатда қовунни яхши кўришади?

— Ширин мамлакатнинг таоми ҳам ширин бўлмоғи даркор... Лекин, бўтам, бу саволингни ҳозир ўрганаётган нарсаларимизга дахли йўқ. Бу ҳақда кейинроқ, бафуржа гаплашамиз. Қани юр, энди «ОЛИМЛАР» лабораторияси билан таништириб қўяй. Кейин вақтимиз бўлмайди.

Бу ерда Ун Вон деган юзлари нуроний, ўзи ҳам ёқимтойгина бир киши бош-қош экан. Менга унинг қизиқ бир гап айтмоқчидай лабларини қимтиб, кулим-сираб туриши ёқиб қолди. Лекин бир одатини эшитиб, сал галатироқ бўлиб кетдим. Ҳамма унволларини қолчага солиб, ишга келганда ҳам, кетаётганида ҳам елкасида кўтариб юраркан. Мажлисда сўз беришса унволларини санаб бўлгунча мажлис тугаб, одамлар тарқаб кетаркан. Лекин шундай бўлса ҳам камтаргина экан, мен билан қўл бериб сўрашди! Ихтиёридаги олимлар ҳам шунақа зўр эканки, устозимнинг қайта-қайта таъкидлашича, агар астойдил тикилишса, тошни ёриб юборишлари ҳам мумкин экан. Ҳаммалари бирлашиб, Ширин қовунлар мамлакатни одамларининг умрини яна ҳам узайтириш учун нималар қилмоқ даркорлиги ҳақида бош қотиришаркан. Уларнинг фикрича илм одам боласини ич-ичидан ёритиб турадиган машъал эмиш. Спортчига ҳам, витаминхўрга ҳам илм даркор экан. Масалан, витаминхўр витамин ҳақидаги илмларни яхши билмаса, ундан кўп еб қўйиб, бўкиб қолиши,

ёки спортчи илм орқали ўз танасини яхши ўрганмаса, ортиқча югуриб қўйиб, ўзини ўзи нобуд қилиши ҳеч гап эмас экан. Гулзор томондаги дераза ёнида ўтирган олим оловни оташкурак билан ушлашнинг фойдаси борлигини аслида халқ топган, лекин шу кашфиёт замирида қандай ҳақиқат ётади, деган мавзуда илмий кашфиётлар қилиб, Ширин қовунлар мамлакатига доврўқ таратибди. Бу олим ҳам камтаргина экан. Кириб чиқаётганларга ўзини таништириб қимматли вақтини беҳуда совурмаслик учун пешонасига тахтача осиб қўйибди. Тахтачада: Профессор, фан доктори, Ширин қовунлар мукофоти совриндори, етти шогирд устози, беш боланинг отаси, хотинининг эри, қайнона бувисининг куёви, деган ёзувлар ҳам бор.

— Зўр олим экан! — деб юбордим беихтиёр.

— Ҳавасинг келяптими? — кулимсиради устозим.

— Унвоннинг ўзидан йигирмата-я!

— Баъзан унинг кўплиги ишга халақит беради.

— Лекин қанча кўп бўлса, шунча яхши, — дедим шавқу завқимни яширолмай, — масалан, профессор Акром Акромий десалар бунинг нимаси ёмон.

— Лекин, бўтам, сенда ҳам ўшанақа касал бошланётганга ўхшайди.

— Қанақа касал?

— Унвон касали.

— Ие, — дедим ҳайрон бўлиб. — Шунақа касал ҳам бўладими?

— Бўлганда қандоқ, бўтам.

— Қани, тушунтириб беринг-чи бўлмаса.

— Вақти келиб ўзинг билиб оласан.

— Бўлмаса энди ўзингизнинг лабораториянгизга бора қолайлик.

— Бунча ошиқмасанг?

— Илмий ишни тезроқ бошлаб юборгим келяпти.

— Улгурасан ҳали, — одамнинг жаҳли чиқадиган даражада босиқлик билан давом этди устозим, — энг аввал, бу институтнинг мақсади ва моҳиятига тушуниб ол. Мен қачонки бу ерга шогирд бошлаб келсам, ишни маңа шундан, яъни тушунтиришдан бошлайман. Қани, тушунган бўлсанг айт-чи, институтнинг мақсади нима экан?

— Унвон солинган халтачаларни кўтариб юришдан...

Устозимнинг қошлари пасту баланд бўлиб кетганини кўриб гапимнинг уёғини айтолмай қолдим. Ишон-

сангиз, андак қўрқиб ҳам кетдим.

— Нима?! — дея менга хунук бир қараш қилди Дар Даража.

— Кечирасиз, хато қилдим.

— Кечирасиз эмиш... Бунақа бепарво бўлсанг,— хайрият, устозимнинг юзларида ўрмалаб юрган жаҳл қаёққадир йўқ, бўлиб, ўрнини киши бировни кечирмоқчи бўлганда юз ва кўзларида аллақандай нуронийлик пайдо бўлади-ку, ана ўшанга ўхшаш майинлик қоплади,— хуллас, бўтам, бепарво бўлма. Бепарволик одам боласида бошланаётган лавашанглик касалининг аломатидир. Хўш, институтнинг мақсади нима экан?

— Умрни узайтириш йўллари ахтараркан.

— Хайрият, сал яқинлашдинг шекилли. Қани, юр яна бир лаборатория билан таништираман. Лекин ичига кирмаймиз. Кейинроқ ўзинг ўша ерда ишлаётганлар билан алоқа ўрнатиб оласан. Эҳтимол дўстлашиб ҳам кетарсизлар. Яхши йигитлар ишлайди. Бир-бирдан дилкаш. Истеъдод, қобилият ҳаммасидан ҳам мўл-кўл уларда. Лабораториянинг номини «Адабиёт» деб атаса ҳам бўлади.

— Ватан адабиёtimi?

— Ҳа, шунга ўхшашроқ. Асосан шоир, ёзувчилар ўтиришади бу даргоҳда. Кечаси ижоду кундузи илмий иш. Умрни узайтиришда бадий асарнинг роли тадқиқ қилинади. Бадий асарлар кишининг маънавиятини бойитади, шундайми?

— Шундай,— дедим гарчи унча тушунмаган бўлсам ҳам.

— Маънавияти бой одам тез камолотга етади, шундайми?

— Шундай.

— Камолга етган киши ўзини яхши англайди, бунисиям тушунарлидир?

— Тушунарли.

— Ўзини англаган одам, ўзига ўзи ҳукмрон ҳам бўла олади. Ўзига ҳукмрон бўлган одам, фойда билан зарарни фарқлай олгани учун ёмонликдан тийилиб, яхшиликка ривож беради. Руҳиятида олижаноб хислатлар ҳукмрон бўла бошлайди. Кўнгли ҳам равшан, умри ҳам узун бўлади. Эшитяпсанми?

— Эшитяпман,— дедиму шоша-пиша сўраб ҳам қўйдим,— демак, бу ерда ёзувчилар ўтираркан-да?

— Ҳа, ёзувчилар ўтиради.

— Китоб ёзишадими?

— Бўлмаса ашула айтишармиди.

— Яна битта савол берсам майлими?

— Хўш?

— Уртоғим Ҳошимжон тўғрисида китоб ёзган ёзувчи ҳам шу ердами?

— Оббо, бўтам-эй, ҳамон бепарвосан. Назаримда бурнингнинг ҳид олиш хислатидан бошқа биронта ҳам фазилатинг ривожланмаганга ўхшайди. Хайрият-ким менга учраб қолганинг. Бўлмаса бу юртда роса сарсон бўларкансан. Айтдим-ку, бу ерда командировка қилинган ёзувчилар яшайди, деб. Уларнинг асосий қисми пойтахтда яшашади. Пойтахт деган сўзга тушунарсан.

Ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Улай агар, жуда қаттиқ уялдим. Қаранг-а, бутунлай бошқа мамлакатда, улкан қовун ичида юрибман-у, нариги дунёда қолиб кетган ёзувчини суриштириб ўтирибман-а. Профессор Дар Даражани кеча бир марта яхши кўрган бўлсам, энди икки марта яхши кўриб қолдим. Шундай улуг бир одам мени ўзига тенг билиб эринмасдан бутун институт даргоҳини айлантириб чиқди-я. Билмаганимни билдириб, хато қилсам, кечириб борди-я. Пешингача айландим. Ўҳ-ҳў, бу ерда ажойиботлар шунақанги кўп эканки, кибернетик кабиналар, ҳисоблаш машиналари, қонларни текшириб, таркибини айтиб берадиган аппаратлар, мияни суратга оладиган машиналар, тажриба ўтказиладиган майдончалар, витаминларни қайнатадиган ангишвонадек-ангишвонадек қозончалар, витамин еб, семириб ётган аёллар, спорт билан шуғулланиб бир юзу йигирма ёшга кирган эркаклар... Эҳ-ҳе, ҳаммасини санайман десам яна бир кун керак бўлади. Бирига тушундим, бирига тушунмадим. Тушунсам хурсанд бўлдим, тушунмасам хафа ҳам бўлмадим. Энг муҳими, таърифлаб бўлмайдиган даражада камтар, худди ўзимга ўхшаш оқкўнгил, ҳеч эринмайдиган, ҳамниша эркаловчи бир оҳанг билан сўзлайдиган, сўзлаганда кулиб турадиган устозим Дар Даражани, ҳозиргина айтганимдай, жони-дилимдан севиб қолдим. Энди у кишининг этагини қаттиқ ушлайман. Бирон фандан олим бўлиб етишмагунимча қўйиб юбормайман.

«САРҚИТЛАР ҚАБРИСТОНИ»

Устозим ўзи раҳбарлик қилаётган лаборатория жойлашган бино қаршисига келганда, ҳовлидаги душхонага бошлади. Ичкарига кириш олдидан чўмилиб, пок-покиза бўлиб, кийимларимизни ҳам алмаш-тирмоғимиз, боринги, эгнимизга оппоқ халату бошимизга чучвара нусха халтача кийиб олишимиз шарт экан. Бўлмаса ўзимиз билан олиб юрганemiz ҳар хил касаллик микроблари ичкари кириб, лабораторияни остин-устин қилиб юбориши ҳеч гап эмас экан. Биласизку, жони-дилим муздек сув, кўрганда балиқ бўп кетаман. Пишқира-пишқира нақ ярим соат чамаси бошимдан қуйиб турдим.

Ниҳоят ўзим орзиқиб кутган лабораторияга йўл олдик. Эшик олдида устозим қўлимдан тортиб тўхтатди:

— Энгашиб остонани ўп!

Ҳайрон бўлиб қолдим.

— Ўп деяпман,— кескинроқ қилиб деди устозим.

Ҳамон ҳайрон эдим. Товба, нега бундай қилдирыпти экан, дея бир-икки бор елкамни қисиб ҳам олдим. Миям-д чарх ураётган фикрларни устозим аллақачон уқиб олди шекилли:

— Ўғлим,— дея юмшоққина қилиб гапира бошлади,— ҳар бир киши ўзи ишлайдиган даргоҳни муқаддас билиб, унинг остонасини ўпиши шарт. Касбга муҳаббат деган гапни эшитганмисан?

— Эшитганман.

— Бўлмаса, энгашиб остонани ўп. Баракалла, яна ўп. Бу бошқа гап! Қани, энди орқамдан юр. Мана бу зални мен қасамхона деб атайман. Менга шогирд тушмоқчи бўлган ҳар бир йигит-қиз шу ерда қасамёд қилиб олишга мажбур. Девордаги суратларни кўряпсанми? Қани, бир бошдан айт-чи.

— Номларини билмайман-да.

— Яқинига бориб, остидаги ёзувни ўқи.

Суратлар остидаги ёзувларни бир бошдан ўқишга тушдим.

— Йўқ, овоз чиқариб ўқи.

Овоз чиқариб ўқий бошадим. Рўйхатни охиригача етказолмай, эй товба, дея ёқамни ушлаб тек туриб қолдим. Ниҳоят, устозимга юзландим:

— Бу олимларнинг сурати бизнинг мактабимизда ҳам бор эди шекилли, тагин ўғирлаб келтиришган бўлмасин?

Устозим кулиб юборди, узоқ кулди. Мени гўр, сода деб кулаётган бўлса керак. Кулса кулаверсин, бари бир ўз фикримда қоламан. Ахир бу суратларнинг кўпини директоримизнинг кабинетида ҳам кўрганман, ўлай агар, бир неча марта кўрганман... Хайрият, устозим кулишдан тўхтади.

— Буюк олимлар, — дея ўз одатича яна босиқлиқ билан сўзлай бошлади, — барча мамлакатларнинг олими ҳисобланади. Тушундингми? Хўш, нимага келиб тўхтаган эдик?

— Эсимда йўқ, — деб қўйдим хижолат бўлиб.

— Демак, менга шогирд тушасан, шундайми?

Уф, мунча эзма экан бу чол. Кечадан буён топиб олгани шу-я!

— Ҳа, тушаман.

— Фан йўлига ўзингни бағишлайсан, шундайми?

— Шундай.

Чўкка тушиб, буюклар номига қасамёд қилишим керак экан. Дар Даража нима деса, ўшани мен ҳам такорлаб турдим. «Мен ким, Сойбоши мамлакатининг фуқароси Ақром Ақромий, илм даргоҳига қадам кўяр экаман, бу даргоҳни ҳамиша муқаддас билиб, уни поқ сақлайман. Илм эгаллаш йўлидаги барча машаққатларга чидайман. Буюкларни ҳурмат қиламан. Эгаллаган илмимни жамият йўлида сарфлайман. Керак бўлса, илм йўлида жонимни ҳам қурбон қиламан ва яна қасамёд қилиб айтаманки:

— Меҳнатсевар бўламан.

— Камтар бўламан.

— Каттаю кичикка бир кўз билан қарайман.

— Манмансираб кетмайман.

— Ҳасад йўлига кирмайман... Назаримда икки юз мартача қасам ичдим шекилли. Охири нима деётганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

— Энди буёққа юр, — деди устозим бошқа бир залга бошлаб, — бу хонанинг номини ҳамкасбларим ҳазиллашиб «Сарқитлар қабристони» деб аташади. Мана бу колбачалардаги қонлар... сарқитлар намунаси, тушундингми?

— Йўқ, — дедим, чиндан ҳам ҳеч нарсага тушунмай.

— Мана бу бюрократнинг қони,

— Мана бу игвогарнинг қони,

— Мана бу порахўрнинг қони,— устозим бир юзу еттита шишача кўрсатди. Бош бармоқдек-бош бармоқдек шишачаларда бирида бир, бошқасида икки томчи қон йилтираб турарди. Энг ёмони бу хонадан чиндан ҳам қабристоннинг ҳиди келиб тургандек, бурним ўз-ўзидан жийрилиб кетаверди. Менинг ҳам қонимни сўриб олиш учун алдаб олиб келган бўлса-я, кейин одамларга, мана бу ишەқмас, келгиндининг қони, деб кўрсатиб юрса-я. Қўрқиб кетдим. Юрагим гурс-гурс ура бошлади.

— Хўш, Акром Акримий, лекцияни бошлаймизми? — хаёлимни бўлди устозим.

— Қанақа лекция?

— Ахир сен, бўтам, менга шогирд тушдинг. Демак, сени ўқитишим даркор.

— Неча соат ўқиймиз?

— Чарчагунингча.

— Танаффус ҳам қиламизми?

— Майда-чуйда саволларингни йиғиштириб қўй энди. Қани, жойлашиброқ ўтириб ол... Шундай қилиб, бўтам, Ҳандалак шаҳри маъмурияти меҳнаткашларнинг умрини узайтириш учун барча чораларни кўрмоқда. Негаки, турмуш ширин, ҳаёт гўзал, ҳаммаёқда мўлкўлчилик, маъмурчилик, одамлар узоқ яшасам дейди. Тўғри-да, бундай ширин турмушни кимнинг ҳам ташлаб кетгиси келади. Шундай қилиб, маъмурият одамларимизнинг умрини узайтириш учун барча чораларни кўрмоқда. Лекин нариги лабораторияларда олиб борилаётган илмий кузатишларга мен гоҳ қўшиламан, гоҳ қўшилмайман. Масалан, мана спорт билан шуғулланувчини олайлик. Баданига тарбия бериб, умрини узайтиришмоқчи. Бу яхши дейлик, лекин тўсатдан бир игвогар унинг устидан юқорига тухмат ёзиб юборди дейлик. Тухмат нималигини биласанми?

— Яхши билмайман,— дедим.

— Игвогар-чи? Игвогар яхшими?

— Унақасиниям ҳали кўрганим йўқ.

— Шу икковига дуч келганда одам боласи узоқ яшай оладими?

— Қайдам.

— Баракалла, ўғлим. Тушунмаганингни очиқ айт-тяпсан. Мана шу фазилатинг менга маъқул бўляпти. Сени шогирдликка танилаб янглишмаганга ўхшайман. Дунёда захарнинг тури кўп, бўтам. Илондан, чаёндан,

қорақуртдан олинадиган заҳарлар бўлади. Лекин булардан ҳам ўткирроғи иғвогарнинг иғвосида, туҳматчининг туҳматида бўлади. Эшитяпсанми, нега анграяпсан?

— Бир марта чаён чақиб олувди, ҳозир ўша эсимга тушиб кетди.

— Чаён чаққан эди дегин?

— Ҳа, ургочиси чаққан эди шекилли; оғриғи жуда қаттиқ бўлган.

— Хўш, оғриқ неча кун давом этган эди?

— Бир кечаю бир кундуз эди шекилли.

— Иғвогар солган заҳар эса бир умр оғриқ беради. Дилингни яралаб, бу дунёни кўзингга қоронғи қилиб қўяди.

Аввалига унча эътибор бермадим. Йўқ, унақа эмас, эътибор бердим-у, яхши тушунмадим шекилли. Бора-бора фикримга фикр, ақлимга ақл қўшилаётгандек бўлаверди. Бутун вужудим қулоққа айланиб, устозим нима деса ҳаммасини эсхонамга жойлаб олишга ҳаракат қила бошладим. Устозимнинг айтишича, инсониятда иғвогарлик, чақимчилик, ичи қоралик, порахўрлик, бюрократлик сингари қусурлар кўп бўларкан. Бу ҳодисани лаборатория ходимлари бутунлай тугатмагунча одам боласининг умрини узайтириб бўлмас эмиш. Ҳандалак шаҳар маъмурияти ҳам шундай фикрда эмиш. Иллатларни тугатиш учун шаҳар маъмурияти бир неча бор қарорлар қабул қилибди. Лекин жуда ғалати бўпти. Ҳалиги қассоблар қанорага гўшт осиб қўйганда қовоғарилар гуриллаб ёпирилиб келади-ку, қассоблар уларни ҳайдамоқчи бўлиб гаврон билан урганда битта-яримтаси ўлиб, қолгани учиб кетади-ку, иғвогарлар билан порахўрлар ҳам шунақа бўпти. Қарорлар чиқиши билан битта-яримтаси қўлга тушса тушиб, қолгани гуриллаб учиб кетаверибди. Яъни устозимнинг қайта ва қайта таъкидлаб айтишича, ўша учиб кетганлар жамият бошига яна ёпирилиб келиб, нозик жойини қайта-қайта чақаверибди.

— Бу ариларни бутунлай қириб ташлаш керак! — устозим шундай деб жаҳл билан ўрнидан туриб кетди.

— Порахўрни ҳам, — дея мен ҳам ўрнимдан туриб олдим. Нега десангиз, шу пайтда типратикан тумшуқли амаки эсимга тушиб кетган эди.

— Хўш, қандай қилиб тугатамиз уларни?

— Билмайман-да, устоз.

— Бўтам, бир сен эмас, кўпчилик билмайди ҳали.

Мен бўлсам, унинг йўлини аллақачон топиб қўйганман. Хўш, Акромий, лекциямизнинг иккинчи қисмини тинглашга тайёрмисан?

— Тайёрман, кутиб турибман.

— Гап бундай, бўтам, қани яқинроқ ўтир-чи. Ҳозиргина биз сарқитлар деб атаган ҳодисани бошқа олимлар руҳнинг ҳолати, яъни хулқ-ахлоқнинг намоён бўлиши дейишади. Мен бўлсам, йўқ, ҳамкасблар, янглишяпсиз. иллатлар — бу қоннинг ҳолати, яъни жамики иллатларнинг манбаи қонда бўлади, деб айтаман. Менинг сеҳргарлигим ҳам мана шу ерда. Инсоният қонини иллатлар микробидан тозаламоқ даркор. Тушуняпсанми?

— Йўқ, ҳеч нарса тушунмаётман.

Мана шу гапимдан кейин аксига юриб лекция яна мен тушунмаган томонга қараб ога бошлади. Анграйганимча жим ўтиравердим. Бир томчи қонда ўн икки минг заррача бўларкан. Зарралар фойдали, зарарли дея икки турга бўлинар эмиш. Бюрократнинг қонида бюрократлик ҳаракатларини келтириб чиқарадиган зарарли заррачалар кўпроқ тўпланган бўлармиш.

— Гриппга қарши укол қиламиз, шундайми? — тўсатдан сўраб қолди устозим.

— Шундай,— деб қўйдим ўйга толиб.

— Ичбуруққа қарши дори ичамиз, шундайми?

— Худди шундай, устоз.

— Хўш, нега энди порахўрга қарши дори ишлаб чиқармас эканмиз?

— Шунақа дорини тайёрласа бўладими?

— Бўлади, Акромий, бўлади. Бунинг учун, ҳали айтганимдай, кўп изланишлар қилишга тўғри келади. Мен бундай дориларнинг кўпини тайёрлаб ҳам қўйганман. Анув куни айтувдим-ку, унча-мунча сеҳргар ҳамман, деб. Сеҳримни бу ноёб дориларга қўшиб юборганман. Синовлар ҳам тугай деб қолди. Бугун-эрта буюк сафарбарлик бошлаб, иллатларни бутунлай қириб ташлаймиз. Дорилар зўр, ўтган ҳафта шаҳардаги энг ашаддий бир ёлғончини топиб, бир чимдим кафтлатган эдим, ёлғончилик билан ўтган умрига афсусланиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборди.

Энди, бўтам, машғулотишимизнинг учинчи қисмини бошлаймиз. Яъни сенинг ўзинг мустақил иш бошлайсан. Мен нариги хоналардан бир хабар олай, шогирдлар нима қилаётган экан, кўздан кечириб қўяй. Сен, бўтам, мана бу луғатдан ўзингга ёқмаган, яъни одам

боласининг дилини хира қиладиган сўзларни, ҳой бўтам, нега анграясан, сенга айтяпман... Иллат деб атаса бўладиган сўзларни алфавит бўйича рўйхат қилиб чиқ. Бир вақт келиб бу сўзларни инсониятнинг имло лугатидан бутунлай ўчириб ташлаймиз.

— Бутунлай янги луғат тузар эканмиз-да?

— Эҳтимол, шундай қилишга ҳам тўғри келиб қолар. Дар Даража кексаларга хос оғир, вазмин қадам ташлаб чиқиб кетгач, анчагача ғалати бир кайфиятда ўтирдим. Юрагимда ғашликка ўхшаш бир нарса қўзгалгандек бўлди. Бир ўзи дунёдаги барча сарқитларга қарши курашмоқчи экан, битта-яримта порахўр ушлаб олиб, ўлдириб қўйса нима бўлади, унда ҳамма иш тамом, шундайми? Ёки бу гапларни мени синаб кўриш учун айтяптими экан? Товба, ҳеч тушунолмайд қолдим. Нима бўлганда ҳам устозимнинг биринчи топширигини бажаришим, изоҳли луғатни кўздан бир кечириб қўймоғим шарт. Шундай деб ўйладиму қалин китобни варақлашга тушдим. Лекин шу пайтда яна бир фикр бошимга келиб қолди. Устозим эрталабдан буён бюрократ деган сўзни ўн етти марта тилга олиб ўтди. Ўн етти мартагача ҳеч нарсага тушунганим йўқ. Қани, изоҳли луғатдан топиб ўқиб кўрай-чи, маъноси нима экан, дея ўйладим-у, овоз чиқариб ўқий бошладим:

«Ишга, ўз вазифасига расмиятчилик билан қаровчи, ҳаётдан, жамиятдан ажралган, қоғозбоз тўра, сансалорликни авж олдирувчи шахс. Бундай шахслар раҳбар бўлган идорани худо урган бўлади».

— Уҳ-хў, расво экан-ку, — дедим-да, луғат китобини нарироқ суриб қўйдим. Демак, устозим ана шуларга қарши курашмоқчи экан-да. Мен бўлсам шундай мўътабар кишининг ниятига шак келтириб ўтирибман-а. Йўқ, Акромиий, энди иккиланишга чек қўй.

Енгини шимариб ишга киришдим. Бе ҳарфини очиб қўйган эканман. Шу ҳарф остидаги бемаза сўзларни дафтаримга кўчира бошладим. Шаҳарда иллатлар батамом тугатилиб, луғат қайта тузилса, шу сўзларни чиқариб ташланглар, дея тавсия киритаман, деб ўйладим. Борди-ю, бу сўзларни шаҳар луғатидан ҳозироқ ўчириб ташлаб қўяқолсам-чи, луғатда йўқ бўлса ишлатмай қўяқолишади, демак, иллат ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлади-қўяди... Ахир бу катта кашфиёт бўлади, шундай эмасми? Қаранг, шунча илму шунча ақл билан устозим шуниям билмабди-я! Кашфиёт тўсатдан,

кутилмаганда туғилади, деганлари ростга ўхшайди, ҳа-ҳа, рост экан. Менинг ҳам кашфиётим тўсатдан бўладиганга ўхшайди. Тез кунда довруғим оламга ёйилиб кетса-я, кечагина бир аҳволда юрган йигитча қилди бу кашфиётни, дея менинг ҳақимда ҳам китоблар ёзишса-я!

Шишадаги қора тушнинг қопқоғини очдим-да, Ҳандалак шаҳри луғат китобидаги ўзимга ёқмаган иллат ташувчи сўзларни бир бошдан ўчиришга тушдим. Ўзиям бу мамлакатга келганимдан буён берилиб ишлаганим шу бўлса керак. Берилиб ишлашнинг гашти, ўлай агар, бошқача бўларкан. Бир луғат китобни тугатиб, эндигина иккинчисини очаётган эдим чучкира-чучкира устозим кириб кела бошлади.

— Ап-ч-чу... Хўш, ишлар қалай,— устозим қаттиқ тумов бўлганга ўхшайди, жавобимни кутмасдан яна бир-икки чучкуриб олди.

— Аъло даражада,— қувончимни ичимга сиғди-ролмамай ўрнимдан туриб кетдим,— кашфиёт қилдим, устоз, кашфиёт!

— Ап-ч-чу... Қанақа кашфиёт?

— Шаҳар фуқаросини иллатлардан халос этишнинг осон йўлини топдим.

— Ап-ч-чу, ап-ч-чу...

— Ўзингиз бемаза сўзларни шаҳар луғатидан ўчириб ташлайдиган вақтлар ҳам келади девдингиз-ку. Ўша вақтни мен тезлаштириб юбордим.

— Аввал иллатни тугатамиз девдим шекилли, ап-ч-чу...

Кашфиётимнинг мазмунини баён қилмоқчи эдим. Дар Даражанинг оқ оралаган қуюқ қошлари гоҳ юқорига кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб ўйнай бошлаганини кўриб қолдим. Анча маҳал юзимга маъносиз тикилиб турди. Сўнг, луғатни расво қилибсан, галварс, деди-да, яна бир чучкириб ташқарига чиқиб кетди.

— Қизик, галварс дегани нима экан? Наҳотки буям Ҳандалак шаҳри меҳнаткашларининг оёғини чирмовуқдай ўраган иллатлардан бири бўлса?

Устозим ташқарида туриб кетма-кет чучкура бошлади: Ап-ч-чу, ап-ч-чу...

ЧИНАКАМ КАШФИЁТ

Шундай қилиб десангиз, бир кун ундоқ, бир кун бундоқ бўлиб яшайвердим. Бирон ишни қойил қилган куним устозим ҳам, ҳамкасабаларим ҳам раҳмат айтишади. Акром Акримий тиришқоқ йигит, шу кетишида кетаверса каттакон олим бўлади, дея бир хили пешонамдан ўйиб, бир хили елкамни беозоргина силаб қўяди. Кўпинча қовун тушириб қўяман. Шундай пайтда ҳамкасабаларимнинг қовоқлари айрон халтадай осилиб кетади. Бир ой деганда ниҳоят мен боп бир штат топилиб қолди. Лабораториялардан бирида ишлаётган аёллардан бири қомиладор экан, туққани кетибди. Урнига мени ўтқизиб қўйишди. Ишим унча қийин эмас. Ун тўртта хонани супуриб-сидираман. Йўқ, бу иш менга юклатилмаган. Ўзим ишқибоз бўлганим учун қиламан. Шипачалардаги қонларни у хонадан бу хонага етказиб бераман. Гоҳо катта олимлар чой сўраб қолишади. Йўқ, демайман, атайлаб аччиқ-аччиқ дамлайман. Мендан бошқа бу ерда яна ўн икки ходим бор. Ҳаммаси ҳам яхши. Бир-биридан дилкаш, бир-биридан меҳрибон, бошқа мамлакатдан келганим учунми менга бошқача меҳр билан боқишади. Профессор Дар Даражанинг суюмли шогирди деб гоҳо эркалаб қўйган пайтлари ҳам бўлади.

Лаборатория ходимлари қоқ икки гурпуга бўлинишган. Бир гурпуаси, ҳали айтганимдай, иллат ташувчи қонларни текширади. Бошқаси яхшилик ташувчи қонларни ўрганди. Оқўнгил, самимий, ростгўй, покиза, раҳмдил, дилбар, қувноқ, меҳрибон, камтар, меҳнатқаш, вафоли... хуллас шунга ўхшаш одамлардан олинган қонлар устида кунбўйи баҳслашиб ётишади. Кўпига тушунаман, кўпига тушунмайман. Ундоқ бўлгандаям, бундоқ бўлгандаям бари бир чойни аччиқ-аччиқ дамлайвераман. Гурпуалар бир-бирини мусобақага чақирган, ҳафтанинг охирида якун бўлади. Мукофотига ананасга ўхшаш қовунлар берилади. Бу юртда қовунни шунақа улуғлашадики, асти қўяверасиз. Ҳатто мукофотларининг номи ҳам «Ананас», «Оқуруғ», «Босволди» деб аталиб, ўша мукофотларга яна шу қовунларнинг сурати туширилган бўлади. Қаранг, шунча улуғла-

шади-ю, яна-тагин еганлари қовун! Наҳотки одам ўзи улуғлаган нарсани ўзи еса, деб ўйлаб кетаман. Хуллас, икки гурӯҳга бир хилда хизмат қилганим учун униса голиб чиқса ҳам, буниси голиб чиқса ҳам мукофотиға шерикман. Ҳафтада қовунхўрлик. Ишим яхши, кайфиятим соз бўлгани учунми ранг-рўйимга ҳам қон югуриб, танимга эт битиб, бир чиройли йигит бўлиб қолдимки, асти қўяверасиз. Ёш-ёш қизларнинг бўзи менда. Турган гапки, Акромиёв ҳам жим турмайди. Бирининг биқинидан чимдиб, бошқасининг сочидан тортқилаб қўяди.

Хоналардан хоналарга қон томизилган шишачаларни олиб ўтаётганимда кўпинча бурама қоққоғини очиб, биласиз-ку, янги ҳид кашф қилишни жуда яхши кўраман, ичидагисини қайта-қайта ҳидлаб кўрардим. Бора-бора бу машғулотиимга шунақа берилиб кетдимки, бир юзу етти шишачадаги қонларни кўзимни чирт юмган ҳолда ҳам ҳидига қараб, бу бюрократники, бу ичи қора одамники дея бемалол ажрата оладиган бўлдим. Хизмат қилаётганимнинг тўққизинчи ойимиди, ўнинчи ойимиди аниқ эсимда йўқ, ҳар қалай баҳор пайти эди-да, ўша куни устозим Дар Даража бели оғриб, хизматга чиқмади. Иш буюрадиган одам йўқ. Зерикқанымдан қонларнинг ўзим туйган ҳидини дафтарга ёза бошладим. Ҳар нарса бўлай агар, буни мен кашфиёт учун эмас, шунчаки зерикқанымдан қилаётган эдим. Ивгогарнинг қонидан сассиқ қўнғизнинг ҳиди келади, порахўрнинг қони сариққа мойил бўлиб, палағда тухумнинг сасиган ҳиди бор, бюрократнинг қони рангсиз, айниган мол гўштаникига ўхшаш ҳид тарқатади, дея ёза бошладим. Кечга томон ёзишга қаттиқ берилиб кетган эканман, белини ушлаб инқиллаганча кириб келган устозимни ҳам сезмай қолибман.

— Нима қиляпсан, бўтам? — дея сўради тепамга келиб.

— Ўзингиз айтгансиз-ку, бекор ўтиргунча бекор ишла деб, қонларнинг ҳид орқали фарқланишини ёзаяпман.

— Ҳид орқали фарқлаш ҳам мумкин эканми?

— Мумкин экан.

— Қани, дафтарингни буёққа бер-чи.

Устозим ёзганларимни бир ўқиди, икки ўқиди, сўнг анграйганча менга узоқ тикилиб қолди. Кўзи очиқ ҳолда ухлаб қолдим, уйғоқми билиб бўлмасди. Бир маҳал столи қаттиқ уриб, қичқириб юборди.

— Оббо, галварсгинам-эй!

— Нега уришасиз? — дедим андак чўчиб.

— Буюк кашфиёт-ку бу!

Шундай деб, устозим дафтарни бағрига босганча, бел огриғини ҳам унутди шекилли, йигитчалардек енгил-енгил қадам ташлаб чиқиб кетди.

Эртасига... Ҳа, эртасига шону шухратларга кўмилган кунларимнинг бошланиши бўлди. Гап шундаки, Ҳандалак шахри олимлари то шу кунгача қонда фақат бир хил ҳид бўлади деб ҳисоблаб келишаётган экан. Бир йўла бир юзу етти хил қоннинг ҳидига таъриф берилиши ҳаммаларини довдиратиб қўйибди. Лабораториямиздаги катта-кичик олимлар туни билан ухламай, биз ҳам буюк кашфиётнинг туғилишига гувоҳ бўлайлик деб, ҳар томонга зир югуришибди. Бири микроскопга ёпишган, иккинчиси қизил ва оқ қон таначаларини фотосуратга олган, учинчиси ҳисоблаш машинасига программа тайёрлаган... Эрталаб келсам, сарқитлар хонасига одам сиғмай кетибди, ҳар олимларки савлатидан от ҳуркади денг. Институтимиз директори Устун Устунийнинг кўзлари менга тушиши билан:

— Ана, ўзи ҳам келиб қолди,— дея уймаланиб ётган ходимларни уёқ-буёққа суриб, мен томонга йўл очди.

Эрталаб чақирилган илмий кенгаш бир томондан менинг кашфиётимни тасдиқлаб, жаҳоншумул деб атабди ва яна шунчалик буюк кашфиётни мендек оддийгина бир йигитчанинг қилишига андак шубҳа билдириб, тагин бу кашфиётни ўғирлаб олган бўлмасин, ахир одам боласи биргина қоннинг ўзида бир юзу етти хил ҳид борлигини билолмайди-ку, дея пасту баланд гаплар ҳам айтишибди.

Устун Устуний мени бағрига олиб, ўпиб, табриклаган бўлди-да, сўнг ёнидан жой кўрсатиб:

— Марҳамат қилиб ўтирсинлар,— деб қўйди.

Ҳаммамиз ўтирдик. Ғалати жимлик чўкди. Мен қишлоқлик бир бола эмасманми, бунақанги катта олимлар даврасида биринчи бўлишим эди, андак ўнғайсизлана бошладим. Уялганимдан гоҳ бармоқларимни қисирлатиб уқалайман, гоҳ ҳеч зарурати бўлмаса ҳам қўлларимни чўнтагимга яшираман.

Жимликни Устун Устунийнинг йўғон овози бузди:

— Муҳтарам ёш олим, сиздан бир-икки савол сўрасак малол келмайдими?

— Йўқ, малол келмайди,— дедим ҳамон ўнғай-сизланиб.

— Бу кашфиёт ёлғиз ўзингизникими?

— Ёлғиз ўзимники.

— Неча йил давомида қилдингиз бу кашфиётни?

— Кеча эрталаб бошловдим.

— Демак, ҳурматли ҳамкасаба, сиз қоннинг ҳидига қараб ўша қон эгасининг хулқи-ахлоқидаги қусурни айтиб бера оласиз, шундайми?

— Худди шундай.

— Синаб кўрсак, малол келмайдими?

— Йўқ, малол келмайди.

Кўзимни етти қават қора латта билан боғлаб қўйишди. Кимдир қаршимдаги столга шишача келтириб қўйди. Турган гапки, бу шишача устига ёпиштирилган қоғозга кимдан, қачон олинганлиги, ушбу қон эгасининг хулқи-ахлоқида қандай қусур кузатилганлиги ҳам қайд қилинган. Шишачанинг бурама қоққоғини очиб, бир-икки ҳидлаб кўрдим:

— Чақимчининг қони.

Бошқа шишачани келтиришди.

— Ҳасадгўй, ичи қора одамнинг қони.

Учинчи шишача келиб тушди:

— Амалпарастники!

Шундан сўнг шишачалар кетма-кет келиб туша-верди. Мен ҳам:

— Мақтанчоқники!

— Қўрқоқники!

— Лақманики! — дея белгисини айтавердим. Бир маҳал, билмадим, қирқинчисига боргандами, ёки эллигинчисидан кейинми, чуқур-чуқур нафас олаверганимдан бўлса керак, бурнимнинг ичи худди олов ёқилган тандирдек қизиб кетгаанини сезиб қолдим. Буёғи энди қандоқ бўлар экан, деб турувдим, худди шу дақиқада томни кўчиргудек гулдурас қарсақ янграб қолса бўладими! Кимдир кўзимни еча бошлади. Устун Устуний мени даст кўтариб, юзу кўзларимдан ўпа кетди. Институтимизнинг шону шуҳратини оламга ёядиган бўлдинг, дегани элас-элас қулоғимга чалиниб ҳам турибди.

Ўша кун, ўша заҳотиёқ илмий кенгашнинг қарор ўқиб эшиттирилди. Менга, яъни хорижий Сойбош мамлакатидан келиб, профессор Дар Даражанин қўлида таҳсил кўраётган ёш олим Акром Акромийга медицина фанлари кандидати деган унво

берилди. Яна қарсақ янгради, ҳар томондан олқишлар ёғила кетди. Бири ўлиб, бошқаси қўлимни сиқиб табриклашарди. Кимдир биқинимга шунақанги қаттиқ туртки, тилимни тишлаб қолдим. Нега бундай қилганига ҳалигача тушунолмаймаман. Тўполонда кимлигини ҳам билолмай қолдим. Билганимда ҳам бари бир ҳеч нарса деёлмас эдим. Нега десангиз, шундай хурсанд, шундай шод эдимки, калламни олиб қўлимга тутқазиб кетишганда ҳам гинг демаган бўлардим.

Табрик кечгача тўхтамади. Институтимизда қанча илмий ходим бўлса, ҳаммаси ёпирилиб келаверди. Мен кашфиёт қилганим учун эмас, кашфиёт шулар ишлаб турган институтда бўлгани учун хурсанд эди улар. Кечгача маст одамдай довдираб, гандирак-лаб юрдим. Нима дейишаётганини, нима қилишаётганини яхши англамасдим. Шунинг учун ҳам эрта ва индинисига нечта мухбир билан суҳбатлашдик, неча марта суратга тушдим, булар ўзи қайси газетадан келишди — ана шуларни ҳам пайқамай қолдим. Учинчи куни табриклар оқими бир оз сусайиб, энти-кишу ҳаяжонлар ҳам камайиб, сокин дақиқалар энди бошланаётган эди, тўсатдан газеталарда менинг ҳақимда ёзилган мақолалар пайдо бўла бошлади. Оҳ-оҳ, шунақанги ширин сўзларе, чиройли мақтовлар эдики, агар бу олқишларнинг ўндан бири мақтанчоқ дўстим Ҳошимжоннинг шаънига айтилганда, бутун обрўйимни ўртага қўйиб қасам ичаманки, юраги ёрилиб ўлган бўларди. Газеталарда босилаётган суратларим чиндан ҳам ранг-баранг эди. Бирида устозим Дар Даража икковимиз лабораторияда шишачаларга қўмилиб ўтирибмиз. Остига «Устоз ва шогирд» деб ёзиб қўйишибди. Бошқасида ёлғиз ўзим. Иягимни кафтимга тираганча, кўзларимни бир нуқтага тикиб, қотиб турибман. Остига «Ёш олим хаёл сурмоқда» деган сўзларни ёзишибди. Учинчисида қовун сўяётган пайтим суратга олинган. Хуллас, газеталар бонг уришда бир-бирлари билан мусобақа ўйнаётгандек эди. Хатто шаҳар газетасида мана бундай мақолани ҳам босиб чиқаришибди:

«КАШФИЁТ ЎЗ БАҲОСИНИ ОЛМАДИ

Ҳеч шубҳа йўқки, «Инсон» институти маъмурияти илмий ходимларининг унумли ишлаши учун зарур

шароит яратиб берган. Аҳиллик муваффақият заровидир. Мана шуларнинг натижаси ўлароқ ёш олим Акромийнинг илмий кашфиёти бўлди. Аммо оламшумул бу кашфиёт илмий кенгаш томонидан етарли баҳоланмаганга ўхшайди. Ҳандалак шаҳар олимлари дунёда етти хил ҳид борлигини аниқлаганлар. Ҳар бир ҳид аниқланганда уни топган олимга фан доктори унвони берилган. Хорижий олим Акром Акромий бўлса, бир йўла бир юзу етти хил ҳид борлигини аниқлаган. Асримизнинг буюк кашфиёти бу! Кўп сонли газетхонлар редакциямизни мурожаат қилиб, ёш олимга берилган илмий даража етарли эмас, деб ҳисобламоқдалар. Институт илмий кенгаши ўз қарорини қайта кўриб чиқиши, ёш олимнинг буюк изланишларини етарли баҳолаши, камида фан доктори илмий даражасини бериши керакка ўхшайди.

Р е д к о л л е г и я

Ҳатто кечқурун уйга келганда ҳам газетчилар савол-жавобидан қутула олмадим. Болалар учун чиқариладиган «Дуварак» номли газетанинг муҳбири келиб ўтирган экан. Яхши биламанки, уларга гап қайтариб бўлмайди. Шунинг учун ади-бади айтишиб ўтирмасдан, тайёрлаб келган саволларига шартта-шартта жавоб қайтаравердим.

— Кашфиётга неча ёшда киришгансиз?

— Онамнинг қорнидалигимдаёқ.

— Ўрта мактабда қандай ўқигансиз?

— Нуқул «беш»га.

— Устозингиз?

— Профессор Дар Даража.

— Севган овқатингиз?

— Чучвара.

— Яхши кўрган ҳидингиз?

— Ананас қовуннинг ҳиди.

— Энг яқин ўртоғингиз?

— Ҳошимжон Рўзиев.

— Яхши кўрган кийимингиз?

— Жинси шым.

— Орзунгиз?

— Тарих факультетига кириб ўқиш.

— Ёмон кўрган одамингиз?

— Пешонаси йилтироқ робот.

Суҳбатимиз чала қолди. Ташқаридан машинанинг чўзиб-чўзиб чалган сигнали эшитилди. Нима гап бўлди

экан деб энди ўрнимдан тураётган эдим, шу пайт ҳал-лослаганча иккита илмий ходим кириб кела бошлади. Илмий кенгаш аъзолари яна мажлисга тўпланишибди. Боришим шарт экан.

— Тинчликми? — дедим негадир оёқ-қўлим бўшашиб.

— Ташвишланмасинлар, хушxabар бор, — деб қўйишди айтгани келганлар.

Чиндан ҳам мени хушxabар кутаётган экан. Ҳа-ҳа, хушxabарнинг энг каттаси, энг қувончлиси! Илмий кенгаш менинг кашфиётимни қайта кўриб чиқиб, ўн икки варақлик дафтарга ёзган қайдларимни докторлик диссертацияси сифатида баҳолабди ва менга медицина фанлари доктори илмий даражасини беришга қарор қилибди. Кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Кечагина эшак миниб, уйма-уй хат тарқатиб... йўқ, уёғини айтмасам ҳам ўзингиз билиб турибсиз. Қизиқ, жуда қизиқ, шундай эмасми! Ҳаяжоним зўридан ўша куни туни билан ухлай олмай чиқдим. Йиғлаб кўча-кўча югуриб юрган ойижоним кўз ўнгимдан нари кетмади. Гоҳ укажонларим чопқиллаб келиб, бўйнимга осилишади, табриклашган бўлишади. Гоҳ дадажоним кўзимга кўриниб кетади. Уша куни тушларим ҳам сал ғалатироқ бўлди. Ўртоғим Ҳошим икковимиз белига яғир тошган эшагимга мингашиб, пойгага қатнашаётган эмишимиз-у, нуқул орқада қолиб кетар эмишимиз...

ХИИ БОБ

ИШҚ ДАРДИГА ДАВО БОРМИ?

Мен уни ўша қовуннусха автобусда кўрганимдаёқ, юрагим така-пука бўлиб; севиб ҳам қолган эканман.

Устозимга йўлиққунимга қадар кўчаларда сарсону саргардон юрган пайтларимда унинг ёди билан яшаганимни сизга ҳам айтганман. Ҳатто оҳ урсам меҳмонхонанинг томини куйдириб юборадиган даражада эдим, деб эсловдим шекилли. Кир кўйлакка заржияк деганларидек, ўзим кимману яна-тагин бировнинг қизини севишимга бало борми, деб кўксимга бир-икки уриб, уни унутишга ҳаракат қилувдим, унута олмаган эканман. Ишларим юришиб кетгач, қалбим-

нинг бир четида устини кул босиб ётган ишқ чўғи қайтадан аланга олиб, бутун борлигимни ловиллатиб куйдира бошлади.

— Ишқ жинниликка ўхшаш бир нарса бўларкан. Мен ҳам ўзимни унутиб, жиннига ўхшаб қолдим. Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам фақат ўшани кўраман. Мунчоқдек қоп-қора кўзлари тонгги шабнам қўнган-дек йилтираб турадиган узун киприклари, янги очилган атиргулнинг баргидек тиниқ юзлари, кумуш қўнғироқдек жарангли овозлари, ибо билан кўзларини сузиб ғалати боқишлари... Йўқ, мен уни излаб топишим керак. Борди-ю, тополмасам-чи? Хўп, ана излаб топдим ҳам дейлик, рўбарў келишга уялсам-чи? Хўп ана, уятчанлигимни бир амаллаб енгиб, рўбарў ҳам келдим дейлик, хўш, унга қандай қилиб гап қўшаман, сўзимни нимадан бошлайман? Ёки ўзини кўрмасдан, ғойибона севиб юраверганим маъқулми-кан? Лекин қачонгача юраман, ёниб кетяпман-ку ахир! Иштаҳа йўқ, уйқу бузилган, бошим ари тўлдирилган қовоқдек гувиллагани-гувиллаган. Ўзим ҳам озиб кета бошладим. Бурним осилиб, негов қовоқдек бўлиб қолди.

Бас, етар, дедим бир куни ўзимга ўзим. Уятчанлигу тортинчоқлик ҳам эви билан-да! Ахир кичкина одам эмасман, фан доктори деган номим бор. Эрталаб туриб обдон ювиниб-тарандим. Энг чиройли кийимлардан таялаб кийдим, сочимга атир сепиб бетимга енгилгина упа суртдим. Автобус бекатида ажралишган эдик. Ўша ерга бориб, жўнаб кетаётган, рейсдан қайтиб келаётган машиналарни кузатиб кунни пешин қилдим. Йўқ! Қизиқ, йўқ бўлса қайтага яна яхши, эртага учрашамиз, унгача ўзимни анча босиб оламан, деб ўйлайман-у, аммо бари бир, бу ердан қўзғалгим келмайди денг. Кеч кира бошлади. Қорним очлигиданми ёки кўп ҳаяжонланганимданми, вужудимда қалтироқ турди. Иситмам кўтарилаётганга ўхшайди. Хўрлик-ками ҳақоратгами ўхшаш бир туйғу томоғимдан гиппа бўғиб олди. Йиғлагим кела бошлади. Нимагадир шу пайтда ойижонимни кўргим келиб қолди. Кўрганимда, ўлай агар, иссиқ кўксига бошимни қўйиб, йиғлаб-йиғлаб олган бўлардим.

Бекатга сўнгги автобус келиб тўхтади. Йўловчилар ҳам тушиб бўлди. Яна кўринмаяпти... Тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан бутун вужудим музлаб кетгандай бўлди, қалқиб кетдим. Ўша, худди ўшанинг ўзи. Бир қучоқ

гулдек яшнаб тушиб келяпти. Қўлида ўшанда кўрганим йилтироқ сумкача, эғнида ўшанда кўрганим ял-ял ёниб турган зар кўйлак, қора қошлар андак чимирилган, қизил гул гунчасидек лаблар хиёл қимтилган, чиройли юзларида ўшанда кўрганимдек қувноқлик, ибо гуллари очилган... Қаршимда ловиллаб аланга ёнгандек бўлди — мен томонга қараб келмоқда эди. Худди шу пайтда бурнимнинг катталиги, бўйнимдаги галстугим устозим Дар Даражаники эканлиги, қўлларим ҳам узун ва бесўнақайлиги ҳақидаги бир бемаза ўй яшин тезлигида фикримдан ўтди-ю, эрталабдан буён машқ қилган сўзларим томоғимга гиппа ёпишиб, ўзим ҳам Ҳандалак марказидаги мрамардек қотдим-қолдим. Хўш, мулла Акром, ақволлари қалай энди, дейдиган одам йўқ. Қиз ичкарига кириб кетгач, афтидан кассага пул топширгани ўтди шекилли, яна ўзимга кела бошладим. Шу ҳолатимдан уялиб ўзим ўзимга хунук кўриниб кетдим. Бир ҳаёлим бугунга шуниси ҳам етар, дея шаталоқ отиб қочиб қолай ҳам дедим-у, лекин висол умидида эртага яна изтиробга тушишимни ўйлаб жойимдан қўзғалмадим. Тўғриси, қўзғалолмас эдим. Негаки, оёқ-қўлимда жон йўқ, тик турганимча ўлиб қолгандек эдим...

Қиз қўлидаги сумкачасини ўйнатганча, ичкарида қизиқроқ бир гап эшитган бўлса керак, кулимсираб чиқиб қолди-да, менга орқамдан юринг дегандекми ёки қанақа безбет йигитсан, ҳалигача безрайиб турибсанми дегандекми, ишқилиб, ғалатиноқ бир нигоҳ ташлаб катта йўлга бурилди. Орқасидан эргашдим. Тўғриси, оёқларим ўзидан-ўзи ўша томонга қараб кетгандек бўлди. Қиз хавфсираб, орқасига бир-икки қараб олди-да, мени безори ёки йўлтўсар деб ўйладими, қадамини хиёл тезлатгандек бўлди. Мен ҳам тезлаштирдим. Югура бошлаган эди, турган гапки, ортада қолмаслик учун менинг ҳам кунбўйи тик туриб чарчаган шўринг қурғур оёқларим ўз-ўзидан ишга тушиб кетишди. Лекин бу ҳаракатларим ҳаммаси ихтиёримдан ташқари юз берапти. Йўқ-йўқ, деб ўйлайман, бирон сўз айтишим керак. Ўша қалбимни куйдираётган муқаддас сўзни айтиш учун эрталабдан буён турибман ахир!

Қиз тўхтади. Чарчаганга ўхшайди, қисқа-қисқа нафас оляпти. Кўзлари бежо. Вужудидин нафрат ёғилиб турибди. Қизиқ, бу ҳолатида ҳам гоят ёқимли, таърифга сиғмайдиган даражада гўзал эди.!

— Нега орқамдан қуяпсиз? — деди энтикиб.
— Қувганим йўқ, — дейман мен ҳам қисқа-қисқа нафас олиб.

— Соядек эргашиб келяпсиз-ку?

— Кечирасиз... мен... мен...

— Нима мен?

— Мен...

— Нима ахир?!

— Биз, кечирасиз... танишмиз!

— Мен сизни танитайман.

— Автобусда... ҳар хил шарбатлар берувдингиз.

— Биз ҳаммага шарбатлар берамиз.

— Мен... сал бошқачароқ танишман.

— Қанақароқ?

— Ғалати роқ.

Қизнинг юзу кўзларида истехзогами, мазахгами ўхшаш бир ифода барқ уриб ўтгандек бўлди:

— Жиннироқми?

— Топдингиз, — дедим шоша-пиша, — шу кунларда жиннига ўхшаб қолганман.

— Узим ҳам шундай деб ўйловдим.

— Нима деб ўйловдингиз?

— Эрталабдан буён автобусда ўн уч марта келиб-кетдим, — хайрият қиз енгилгина кулиб қўйгандек бўлди. Кулмади, йўқ, юзида қизил гул очилгандек бўлди, — қачон келсам ўртада қоққан қозикдек серрайиб турасиз.

— Мен сизни кутган эдим.

— Мени-я?!

— Ҳа.

— Тавба! Гапингиз бормиди?

— Бор, биласизми...

— Айтинг тезроқ.

Тезроқ эмиш, қандоқ айтаман ахир. Борди-ю, айтишим билан тушингизни сувга айтинг, деб жўнаб қолса-чи! Йўқ, бир оз юмшатиш керак, отдан тушса ҳам эгардан тушмай турибди ҳали... Бунинг устига, эҳтимол, менинг кимлигимни ҳам билмас. Билса унча-мунча йигит эмаслигимга ишонч ҳосиб қилса, қалбим ўртанаётганлигини тушунар, деб ўйладим-у:

— Кечирасиз, мени танияпсизми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — қиз кескин бурилиб жўнаб кета бошлади.

Енига тушиб олдим:

— Мен Акром Акромиий бўламан.

— Акромиий бўлсангиз нима қилай?

— Газеталарда суратимни кўргандирсиз?

— Мен газета ўқимайман.

— Ҳечам-а?

— Ҳечам.

— Мен... фан докториман.

— Нима?!

— Фан докториман, деяпман.

— Демак, ҳали тўғри айтган экансиз.

— Нимани?

— Жинниман, девдингиз-ку...

— Тўғри. Ишқ одамни жинни ҳам қилиб қўяр экан.

Кечирасиз, Исмингиз Гу Ламиди? Автобусда учрашганимизда шундай деган эдингиз шекилли?

— Хотиранингиз зўр экан, бунақа хотира билан академик бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас, — қиз тўхтаб, менга қараб илиқ табассум қилгандек бўлди, — хайр, яхши етиб олинг.

— Нега бундай дейсиз?

— Мен уйимга келдим.

— Ие, шу ҳовлида турасизми?

— Ҳа.

— Дарвозаларинг чиройли экан.

— Хайр. Энди кетинг.

— Яна учрашувга сўз бермагунигизча кетмайман, мана шу ерда ётиб оламан.

— Ҳалиги бекатга келинг бўлмаса.

Қачон келай?

— Хоҳлаган пайтингизда.

Дарвозанинг эшикчаси овозсиз очилиб, яна шундай беркилди. Қулоғимни эшик тирқишига босганча анча маҳал жим қолдим. Гу Ла асфальт йўлакчадан юриб бораётган бўлса керак, баланд пошналар туфлисининг тақ-туқи эшитилипти. Кейин юрагимнинг уриши ҳам, туфлининг тақ-тақи ҳам бирдан тингандек бўлди.

Узимда йўқ хурсанд эдим. Бўлмаса-чи? Ахир мен уни, тунлари уйқумни, кундузлари оромимни ўғирлаган Гу Лани кўрдим, овозини эшитдим. Энг муҳими, кўксимдан итариб ташламади, учрашувга ваъдасини ҳам олдим. Бахт нашъасидан маст эдим. Гоҳ гандираклайман, гоҳ қувончини ичига сиғдиролмаётган ёш боладек иргишлайман. Гоҳо бутунлай бегона йўловчиларни қучиб:

— Мени табрикланг! — дея қичқираман.

ЖОДУГАР ҚИЗ АЛДАБ КЕТИБДИ

Эртасига ишим ўнгидан келмади, Гу Лани учрата олмадим. Учратсам ўша қора қошлигимга кўп нарсаларни, ҳатто бурнимнинг ҳид олиш ҳислати зўрлигига ҳамма-ҳаммасини сўзлаб бермоқчи эдим. Эртасига ҳам, индинисига ҳам, борингики ўн беш кунгача бекатга қатнайвериб, нақ оёғимдан қолдим. Кейин ўша кўчадаги ўттиз саккизинчи уйнинг қўш қанотли дарвозисини пойлай бошладим. Худди штатли қоровулдекман. Туну кун пойлайман. Ерга кирдими, осмонга чиқдими, билиб бўлмайди. Қалбимдаги аланга эса ўчакишгандек кучайиб бормоқда эди. Яна озиб-тўзиб кетдим. Бурним тагин ҳам катталашгандек... Борди-ю хат ёзсамчи? Ҳа-ҳа, ёзаман. Ахир севишганлар кўпинча хат орқали ҳам бир-бирларига рози дил айтишади-ку! Китобларда шундай, киноларда шундай. Хўш нега энди Акромий шундай қилмас экан? Мактубимнинг биринчи жумласини, ишонсангиз, нақ уч кун ўйладим. Жонгинам Гу Ла, деб бошлайман, ўчириб ташлайман. Азизим дейман-у, қоғозни йиртишга тушаман. Қайси сўзни танламай, ўша сўз қалбимдаги дардимни ифодалай олмаётгандай, дилини ранжитиб, мени ҳамма нарсадан маҳрум қилиб қўяётгандай, охири Гу Ла дея оддийгина қилиб ёздим-да, кетига учта ундов белгиси қўйдим. Ундовлар қалбимдаги муҳаббат оташининг ифодаси бўлсин деб шундай қилдим.

«Ўша кундан буён сизни ахтараман. Назаримда кўришмаганимизга минг йил бўлганга ўхшайди. Кўз ўнгимда ҳамон гул-гул яшнаб турибсиз. Ўзим эса қариб қолаётганга ўхшайман.»

Жоним, азизим, меҳрибоним!!! Яна бир марта кўришайлик, кумуш қўнғироқдек ёқимли овозингизни яна бир эшитай, қоп-қора қошларингизнинг таманно билан чимирилганини, табассум қилганингизда юзингизда анвойин гуллар очилганини яна бир томоша қилай. Сўнг, майли, ўлимимга ҳам розиман. Мабодо, ўлгудай бўлсам, бошқа жойда эмас, остонангизга бош қўйиб жон бераман. Табаррук ва шифобахш жавобингизни қуйидаги адресда кутаман. «Инсон» институти, «сарқитлар лабораторияси».

Ишқингизда шамдай ёниб адо бўлиб бораётган Акром Акромий».

Конверт устига «Гу Лахонимга» деб ёздим-да, почтачиларга ишонмай, ўз қўлим билан ўттиз саккизинчи номерли уйга ўзим элтиб ташладим. Орадан икки ҳафта ўтиб кетди ҳамки, жавоб бўлмади. Ноумид шайтон, дер эди дадам, мен ҳам умидсизликка берилмадим. Қайта хат ёзаётганимда таним роҳатланиб, қалбимга қувонч, ором қуйилаётганини ҳис қилиб турардим.

«Гу Ла!!!!— дея бу гал тўртта ундов қўйдим мактубимга.— Эҳтимол бирон ҳаракатим билан сизни ранжитиб қўйгандирман. Агар шундай бўлса, оёғингизга йиқилиб миллион бор узр сўрайман. Гуноҳимни ювиш учун ҳар қандай жазо берсангиз розиман. Хоҳласангиз бориб боғларингдаги қовунларни чопиб, сабзиларингни ўтаб бераман. Хоҳласангиз, агар қўйларинг бўлса, жунини олиб бераман, жун қирқишга жуда устаман. Хоҳласангиз, деворларингни бўрлаб бераман, бўр сувоқда менинг олдимга тушадигани йўқ, Фақат мени кечирсангиз бас. Нега жавоб ёзмайсиз, нега! Эҳтимол мени кўча-кўйда санқиб юрган мишиқи бир йигитча деб ўйлаётгандирсиз. Ундай эмас. Чиндан ҳам мен катта олимман. Шубҳангизни тарқатиш умидида «Медицина фанлари доктори» деган дипломимдан нусха олиб жўнатаётирман. Жавобингизни минг йил кутдим. Энди тоқатим тугади. Ўзим ҳам ўлар ҳолатга етиб қолдим.

*Улар ҳолатга етдим, ишқингда, жонон,
Юзингни кўрсам эрди, бир лаҳза, бир он,
Шукур этиб кетар эдим нариги дунёга,
Оёғингга қўйиб бош таслим этсам жон.*

Бахти қаро ошиқ Акром АкромиЙ».

Очиғини айтсам, бу мактубимга ҳам жавоб кутмаган эдим. Лекин, дадам айтганидек, сабр қилган қул мародига етар экан, душанба куни эрталаб оёғимни аранг судраб босиб, телбалардек ўзим билан ўзим гаплашиб ишхонага борсам, лаборант қизлар қиқир-қиқир кулишаётибди. Ҳеч бунақа одатлари йўқ эди. Ҳайрон бўлдим. Ҳў бирда сизга, бир қизнинг думбасини чимдилаб олганим учун хафа бўлмаган экан, табриклаш

учун бир кучоқ гул келтирди, деб айтувдим-ку, ўша қиз столим устига тап этказиб конверт ташлади:

— Сиз ҳам писмиқ экансиз-ку! — деди негадир аламли бир оҳангда.

Хатга кўзим тушиши билан энтикиб кетдим. Назаримда оёғим остидаги ер чайқалгандек, ҳовлидаги довароҳтлар, осмонда учиб юрган қушчалар бир йўла ашула бошлаб юборгандек, оламини муаттар ҳидлар қоплагандек, ҳаммаёқ шодлигу қувончларга тўлиб кетгандек... Еру кўкни тўлдирган бу туганмас масрурликни конверт устига битилган «Гу Ла хонимдан» деган биргина сўз олиб келгандек.

Конвертни ўпдимми, ёки уни келтирган дўндиқ қизни қучиб ўпдимми, билолмай қолдим. Фақат унинг: — Уятсиз! — деган сўзини аранг эшитдим холос.

Конвертни кўксимга босганча кўчага югуриб чиқиб кетдим. Эҳтимол ҳамкасбларим мени жинни деб ўйлашаётгандир. Ўйлашса ўйлашар, аслида ҳам шундайман-ку, ахир. Хилват хиёбонлардан бирига бориб, хатни қайта-қайта ўқий бошладим. Йўқ, бу мактуб эмас, қалбим ярасига бир малҳам эди. Тунлари ухламай чиққан изтиробларимга юборилган бир мукофот эди. Яна бошидан-оёқ ҳазил билан ёзилганини айтмайсизми! Қизларнинг ҳазил қилганини яхши кўраман. Ҳазиллашиш кўнгил яқинлиги аломати. Ҳазил дилларни дилларга пайванд қилади. Уртадаги бегонасираш пардасини олиб ташлайди. Жон ато қилувчи шифобахш бу мактубни сиз ҳам бир тингланг.

«Азизим Акром Акромий, вой худойим-эй, ҳалиям тирик экансан. Мен сени, тавба қилдим деб гапирай, ўрмонзорда бўлган катта жангда шаҳид бўлгансан деб юрардим. Оти ўчгур қора хат ҳам келувди шекилли. Яратганга минг қатла шукур, тирик экансан. Кўришмаганимизга минг йил бўлди, дебсан. Вой, худо олгур-эй, ваҳиманг ҳалиям қолмабди-я. Бор-йўғи қирқ бир йил бўлди, холос. Ҳар кунини санаб ўтирибман-а. Ҳой, нега отингни ўзгартириб олдинг. Ак Бор эдинг шекилли-ку. Ҳа, майли, нима бўлса ҳам тирик экансан, шунисига ҳам минг қатла шукур. Ҳой, Ак Борий турмуш қурайлик деб ёзибсан. Эсинг жойидами, мункиллаб қолган кампирни энди бошингга урасанми? Еки қариганингда белинг оғриси, кепак қиздириб босадиган дастёр керак бўлиб қолдимми? Вой ўлмагур-эй, ҳалиям

ҳазилкашлигинг қолмабди-я. Ҳамон ўша-ўша қизиқсан. Келсанг ҳафтанинг охирига, шанба куни кел. Ун-гача уёқ-бўғимни сал тартибга келтириб олай.

Иўлингни қирқ бир йил интизор пойлаган
Гу Ла холанг.»

Кўряпсизми, мен танлаган қизнинг қанчалик ҳазилкашлигини. Узим ҳам андак ҳазилкашроқман. Дадамнинг айтишича, ҳазилкаш одамларнинг умри ширин кечаркан. Узоқ яшаркан. Эсон-омон турмуш қуриб олсак, назаримда биз ҳам узоқ яшайдиганга ўхшаймиз.

Шанба куни эрталабданоқ етиб бордим. Дарвозани уч-тўрт қоқдим. Овоз бўлмади. Биласиз-ку, бунақа пайтда одам боласида сабр-тоқат деган нарса тугаб қолган бўлади. Эшикни қия очиб:

— Ким бор? — дея чақирдим кўрқа-писа.

— Келавер,— хастароқ бир овоз эшитилди ичка-ридан.

Юрак қурғур яна ҳаприқа бошлади. Эрталабки жасоратимдан асар ҳам қолмади. Ҳовлига кирдим. Хароб бўлиб ётибди. Йўлаклар супурилмаган, ўртадаги майдончага гул экишган экан, яқин ўртада сув қуйилмаганга ўхшайди, қовжираб ётибди. Айвондаги ёғоч сўридан бир кампир инқиллаб бошини кўтарди:

— Келавер, болам, келавер.

Кўзим атрофда. Гу Лахонни ахтараман. Бувисининг олдида кўришишимиз ноқулай бўлмасмикан, дея иккиланиб ҳам турибман.

— Ял Пиз кампирнинг набирасимисан?— сўради буви.

Нима қилдим энди, йўқ, қизингиз Гу Лахон билан кўришгани келдим десам, одобсизлик бўлмасмикан.

— Ҳа,— дея яқинроқ бориб, тавозе билан салом бердим. Кампирнинг сочлари оппоқ оқариб кетибди, ўзи ҳам нурунийгина экан, худди ўртоғим Ҳошимжоннинг бувижонисига ўхшайди денг. Қўли билан каравотга ўтир, дея ишора қилди. Утирдим. Биргалашиб фотиҳа ўқидик. Ҳамон кўзим атрофда — Гу Лахонни ахтараман. Нега кўринмаяпти, уялаётгандир-да... Умуман, қизлар сал уятчанроқ бўлгани ҳам маъқул. Уятчанлик қиз боланинг ҳуснига ҳусн кўшади, деган гапларни илгари кўп эшитганман.

— Қалай, Ял Пиз кампир эсон-омон юрибдими?— сўради буви.

— Юрибди,— деб қўйдим талмовсираб.

— Нега кеча келмадинг?

— Вақтим бўлмади.

— Болам, ёш экансан. Энди битта-иккита юмушимга қарашиб юборасан-да.

— Бажонидил, бувижон.

— Худоё бувижон деган тилларингдан ўргилай! Бугун бу ерга жуда мўътабар бир меҳмон келмоқчи. Ўзим бўлсам, мана кўриб турибсан, ўрнимдан туролмайман. Бел қурғур қотиб қолди, боднинг ёввойиси келганга ўхшайди. Бугун оёқдан олса, эртага белдан оляпти, отинг ўчгур. Кеча оқшом ҳам белдан, ҳам оёқдан ушлаб қолса бўладими?! Тур, болам, ҳовлини супур, ҳали айтдим-ку, кўп азиз меҳмон ташриф буюради бугун.

Кўп азиз деган сўзлар менга мойдек ёқиб тушди. Танним яйраб кетди. Демак, улар мени азиз кимса деб қабул қилишаркан. Хайрият чеккан азобларим бекор кетмабди. Бунинг устига холажоним мени танимаяпти. Танимагани ҳам маъқул... Ҳовлини супуриб, челақда сув сепдим. Қассобхонадан гўшт келтириб, газ қозонга шўрва солдим. Водопроводга шланга улаб, гулзорга сув жилдиратиб қўйдим. Ҳаммасини шундай чиройли, шундай саришта бажаряпманки, ишонсангиз ўзимнинг ўзимга ҳавасим келиб кетяпти. Суюклигим учун қиялман, куёвликка мени танлашгани учун хаста онаси олдида хижолат чекмасин деб ўйлаяпман... Тоғорада сув келтириб, бўлажак қайнбувимнинг бошини ювишга кўмаклашиб юбордим, пиёланинг орқасига ўсма сиқиб бердим.

— Энди, болам, биз аёл зоти ҳаммамиз ҳам шунақамиз,— деди бувижон хўрсиниб.

— Қанақа? — деб қўйдим.

— Қариб-чириб қодсак ҳам ўзимизни бегона эркакка бепардоз кўрсатгимиз келмайди. Товба, қабрга узатишаётганда ҳам қошимизга ўсма қўйиб қўйишларини сўраймиз...

Ўсма сиқилган пиёлани хонтахта устига қўятуриб тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан ўзим ёзган хатларга кўзим тушиб қолди. Тўққизта мактуб, тўққизовининг ҳам устига Гу Лахонимга деб ёзганман. Қизик, наҳотки қизи онасидан юрак сирларини яширмаса. Лекин... Акромиий, тўхта-тўхта...

— Холажон, кимни кутяпсиз ўзи?

— Э, болам, қари бувингнинг кими ҳам бўларди? Турмуш кўрмаганман. Шунинг учун бола-чақа ҳам йўқ.

Қариндошлар бўлса, аллақачон оламдан ўтиб кетишган. Бахтимга эски бир қадрдоним топилиб қолса бўладими.

Бутун вужудим музлаб кела бошлади:

— Бувижон, оти нима эди ўша қадрдонингизни?

— Ак Борий эди, ўзгартириб Ак Ромий деб олибди.

— Бувижон...

— Вой, болагинам-эй, нима бўлди сенга? Рангинг бўздай оқариб кетди. Ўтир, ўтир деяпман, тентагим.

— Бувижон... отингиз нима эди сизнинг?

— Гу Ли холанг бўламан, Ял Пиз кампир айтмабди-да... Вой шўрим, юрагинг касал экан, нега айтмадинг, огир иш қилдирмасдим-ку. Ма, манави дорини тилингнинг остига ташлаб ол. Ўтир, бирпас ўтиргин, ўтиб кетади.

— Бувижон... умуман қизингиз ҳам йўқмиди?

— Турмуш қурмаганман дедим-ку, болам.

— Бу уйда... бир қиз туради шекилли?

— Ҳа, ижарага турарди. Аранг қутулдим у шайтонваччадан. Вой худойим-эй, шунақа шўх, шунақа шаддод эдики, ярим кечаси уйғотиб, магнитофон қўйиб, танца тушамиз, деб ҳоли-жонимга қўймасди.

— Исми нима эди?

— Нима бало, болагинам, сенам унинг жазманлариданмисан? Суриштириб қолдинг. Оти Гу Ли эди. Танишганингда сўриб олмаган экансан-да?

Ҳаммаси равшан. Гу Ли мени аҳмоқ қилиб, олдимга похол солиб кетибди. Урта ичида бечора холажонимнинг эски ярасини тирнаганим қолибди.

Х V Б О Б

СЕҲРГАР ИБЛИСНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ

Нима дёсам экан? Нима десам ҳам энди бари бир, юрагимдаги алам, қалбимдаги ҳасратни айтиб адо қилолмайман. Жодугар қиз боклаб алдаб кетди. Буни ўзингиз ҳам кўрдингиз. Тамом бўлдим, назаримда ичим ёниб, бурнимдан тутун чиқаётганга ўхшайди. Кўчага чиқдим дегунча битта-яримта қизга кўзим тушиб қолса, бирор жиҳати билан Гу Лига ўхшаб кетса, ўшанга қараб анграйиб қоламан. Гоҳо орқасидан эргашиб, то кўча эшигига пешонам тақиллаб теккунча боравераман. Ҳаммадан ҳам Гу Ла холамга жабр бўлди. Дардини янгилаб қўйдим. Тиқ этса кўчага югураёт-

гандир. Эҳтимол, бутунлай ётиб ҳам қолгандир. Бечора холагинам, мен галварс сизни ҳам қийнаб қўйдим-а... Иш столимга кўксимни берганча шу йўсин ўй суриб ўтирган эдим, устозим кириб келиб қолди. У киши доим шунақа, гапирганда қаттиқ гапирмаганидек, юрганида ҳам беозоргина, шарпасиз юради.

— Нималарни ўйлаяпсан, ўринбосар? — эркаловчи бир оҳангда сўради.

Аста бошимни кўтардим:

— Ўзим, шундай...

— Тинчликми? — бу гал устозимнинг овозида ташвиш, безовталиқ бор эди.

— Тинчлик.

— Лекин... Жуда ҳам тинчликка ўхшамайди. Кўзларинг ич-ичига ботиб кетибди.

— Уйқумнинг мазаси йўқ.

— Ўзим тайёрлаган доридан пича берайми?

— Ичиб кўрдим, кор қилмаяпти.

— Сенинг ёшингда... Дори ҳам кор қилмайдиган даражада уйқусизлик... унинг давоси васл бўлади. Демак, кимнидир севиб қолибсан, ўғлим. Бундан олтмиш йил муқаддам мен ҳам сенинг аҳволингга тушган эдим. Бир йил зардоб ютганман. Жиннига ўхшаб ўзим билан ўзим гаплашадиган, бекордан-бекорга қиқирлаб куладиган, гоҳо кўча ўртасида қоққан қозиқдек тик туриб қоладиган қилиқлар чиқарган эдим... Лекин ҳозир ўйлаб қарасам, ўша дамлар ҳаётимнинг энг ширин дақиқалари экан.

— Кейин нима бўлувди?

— Кейинми... кейин нима бўларди, тўй бўлди-да, бўтам. Айт, кимни севиб қолдинг, ўзим совчи бўламан, тортинмай айтавер.

Қизиқ, ҳозиргина ҳасратимни кимгадир тўкиб солиб, юрагимни бўшатсам деб турувдим, устозим севги ҳақида сўз очиши билан ўзимдан ўзим уялиб, ҳамма нарсани унутдим-қўйдим. Эҳтимол, шолғомдек қизариб ҳам кетгандирман.

— Нега бошингни эгиб олдинг? — яна сўради устозим. — Оромингни ўғирлаган қиз ким бўлди ўзи?

— Ҳеч ким ўғирлагани йўқ, — дедим бошимни кўтариб. Лекин ишонсангиз, ўзим йиғлаворай-йиғлаворай деб турибман.

— Рост айтяпсанми?

— Рост... айтяпман.

— Унда яна ҳам яхши, ўғлим. Бир-икки йил ўзинг

ни мана шундай машмашалардан тийиб турганинг ҳам маъқул. Негаким, олдимизда буюк вазифалар турибди. Сарқитларни тугатиш, шаҳар фуқароси ҳаётидан дилисиёхлик, асаббузарликни олиб ташлаш, бу осон иш эмас. Маъмурият ноёб дори тайёрлашни тезроқ тугатинг, тажрибани бошлаб юборинг, дея тиқилинч қилипти. Кўриб турибсан, бутун бошли бир институт очиб қўйишибди. Беҳисоб маблағ сарфланаяпти. Тажрибани бошлаб юборадиган кунларимиз ҳам оз қолди шекилли. Шундай ноёб дорилар тайёрлаяпманки, унинг таркибида сеҳр ҳам, ақл ҳам қоришиб кетган. Қанақалигини ишлата бошлаганимизда кўрасан. Яшаш роҳат-фароғатга айланади. Биров-бировдан хавфсирамайди, умр ҳам узайиб, камида икки юзга чўзилишига имоним комил. Энди, бўтам, гапимнинг буёғига ҳам диққат билан қулоқ сол. Мавруди келиб қолгани учун яна битта лекция ўқиб бермоқчиман. Тайёрмисан?

— Тайёрман, устоз.

— Баракалла, бўтам. Сенинг мана шу «ҳамшиша тайёрман» дейишингни яхши кўраман. Ҳаёт — бу оқсилларнинг яшаш формасидир.

— Биз бунни мактабда ўтганмиз, — деб луқма ташлаб қўйдим.

— Утган бўлсаларинг яна яхши. Энди, бўтам, уёғига қулоқ сол. Умр — бу асаб толаларининг — нервларнинг яшаши демакдир. Олимларнинг ҳисобига қараганда ҳар бир одам танасида миллиард-миллиард асаб толалари бўларкан. Киши нафратланганда, қайгурганда, қўрққанда, ваҳимага тушганда, қаттиқ изтироб чекканда ёки газаби авж олганда асабларнинг ўлиши ўн саккиз — йигирма баробар тезлашиб кетаркан. Бунни мен ҳисоблаганим йўқ. Бошқа олимларнинг ҳисобидан олиб айтяпман. Яъни, нерв толаси — асаб ошганда умр қисқараркан... Қани айт-чи, бўтам, иллати бор одамга дуч келганингда асабинг қўзғайдими-йўқми? Қўзғайди, деясанми, баракалла. Виждонсизни кўрганда-чи, қалтираб қоламан, дейсанми, офарин! Мана шуларнинг ҳаммаси асабий ҳолат деб аталади. Асабий ҳолат — ҳозир айтганимдай инсон умрининг заволидир. Уни тугатмоқ учун асабни қўзғайдиган ҳолат — яъни иллатларни тугатмоқ даркор. Бу ҳақда сенга юз марталаб айтдим шекилли?

— Йўқ, минг мартача айтдингиз.

— Баракалла, бўтам. Демак, сен билан мен ана шу иллатларни ташийдиган зарралар қонда бўлади деб ҳи-

соблаймиз, тўғрими?

— Тўғри.

— Гўзал фазилатли кишилар қонида ҳам ҳид бор деган эдинг, аниқлашга киришдингми?

— Аллақачон киришганман.

— Хўш, натижаси қандай бўляпти?

— Чакки эмас.

— Очикроқ қилиб айт. Бутун лабораториямиз коллективи, бутун институт қизиқяпти бу назарий фикрга.

— Баъзиларини ёзиб, таърифлаб ҳам қўйдим.

— Қани, менга кўрсат-чи?

— Йўқ, хатим хунук, ўқиёлмайсиз.

— Бўлмаса ўзинг ўқиб бер.

— Оғзаки ҳам айтишим мумкин. Ҳаммаси эсимда турибди.

Устозимни гўзал фазилатли кишилардан олинган қонлар сақланаётган лабораторияга бошладим. Юзлаб шишачалар қатор, гоҳо устма-уст терилган жавонни очиб, бир бошдан кўрсатишга тушдим.

— Раҳмдил одамнинг қони, — дея биринчи шишани қўлимга олдим.

— Хўш? — шошилиб сўради устозим.

— Тонгда очилган атиргулнинг ҳиди келади.

— Офарин!

— Мана бу оқкўнгил одамнинг қони.

— Хўш?

— Раъно гулнинг ҳиди бор.

— Офарин!

— Мана бу адолатли одамнинг қони.

— Хўш!

— Садарайҳоннинг маст қилувчи бўйи тараляпти.

— Баракалла!

— Мана буниси камтар одамдан олинган.

— Қани-қани?

— Жийда гулининг атирга бой ҳиди уфуриб турибди.

— Баракалла, бўтам!

— Мана бу ҳалол ва пок яшаётган одамдан олинган қон.

— Хўш?

— Янги гуллаган ялпизнинг ҳиди келяпти.

— Офарин!

— Мана буниси эса, ҳурматли устоз, меҳнаткаш одамдан олинган қон.

— Қани, таърифини айт-чи?

— Бутун бир гулзорнинг ҳиди бор бунда. Назаримда қўлимда шишача эмас, бир қучоқ гул ушлаб тургандекман. Манг, ишонмасангиз, ҳидлаб кўринг.

— Бўтам, кашфиётчи ўғлим, кел яна бир бағримга босай сени, пешонангдан ўпай. Фақатгина кекса Дар Даражанинг эмас, бутун институтнинг фахри-ифтихори бўлиб қоласан шекилли. Фахрим, ифтихорим, офарин сенга!

Тўлқинланиб кетган устозим мени бағрига олиб, гоҳ пешонамдан, гоҳ юзларимдан ўпарди. Нимаданлигини билмайман, хира кўзларида милтиллаб ёш томчилари ҳам кўришиб қолди. Уша куни севимли устозим билан гоҳ қувончдан энтикишиб, гоҳо чуқур ўйларга берилиб, пешонамизни тириштириб яна кўп нарсалар ҳақида фикрлашиб олдик. Кейинчалик, жуда катта илмий кашфиётларга йўл очиб берган, модомики ҳид бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрар экан, демак, у кўринмас, гоят майда зарралардан иборат экан-да, бу зарралар бошқа бир каттароқ зарралардан узилиб чиқар экан-да, демак, бирламчи зарралар ҳамиша ҳаракатда бўлиб, ҳамиша ўзидан майда заррачаларни ташқарига чиқариб турар экан. Модомики шундай, яъни зарралар ҳамиша ҳаракатда экан, демак, масалан айтайлик, дангаса одамнинг қонига ишчан, серғайрат одамнинг қони қўшилса, масалан айтайлик, бир нормага беш норма қўшилса, қалай бўларкин? Йўқ, қалай-палайи кетмайди, беш норма бир нормани ютиб юбориши табиий, деган гапларни ҳам гаплашиб олдик.

— Лекин,— дея давом этди Дар Даража,— бу усул билан тайёрланган малҳамга мен сеҳр қўшиб яратган ноёб доридан бир-икки қўшилмаса, бари бир фойдаси бўлмайди.

— Уша сеҳрни менга ҳам айтинг,— деган эдим, ёшинг тўқсонга кирган куни албатта айтаман, дея кулиб, елкамни силаб қўйди устозим...

Директор йўқлаётган экан, устозим шошилиб чиқиб кетди. Аммо мен фикримни тўхтатолмас эдим. Гоҳо ўзи шунақа бўп қоламан. Миямда ихтиёримдан ташқари бирон фикр қўзғалади-да, чуқурлашгандан чуқурлашиб бораверади... Беш норма зарралар бир норма зарраларни ютиб юбориши аниқ. Демак, ёлғончилик касалига мубтало бўлган кишини ростғўй одамнинг қони билан даволаса бўлади. Буниси аниқ. Лекин унисидан қон олиб, бунисига қўйиш шартми. Бунинг устига ёлғончи, мен ёлғончиман, деб айбини дарров бўйнига олмай-

ди-ку. Тергов ўтказиш, судга бериш, ҳукм чиқариш, эҳ-ҳе, иш жуда чўзилиб кетади. Бунинг ўрнига ҳидлар таркибида бўлган зарралардан фойдаланилса бўлмасмикан? Ростгуй одамнинг қонидан садарайҳоннинг ҳиди келиши аниқланган. Синаб, текшириб ҳам кўрдим. Қондаги ҳид билан гулзордан янги узиб келинган райҳон ҳиди тенг келяпти. Демак, икковида ҳам бир-бирига ўхшаш зарра бор. Шу ҳид зарраларини қондан олгунча райҳоннинг ўзидан олсам-чи? Ахир, буни лаборатория йўли билан ҳал қилса бўлади-ку. Демак, садарайҳоннинг кучайтирилган ҳиди билан ёлғончини даволаса бўлади. Еки унга ўхшашроқ усул билан бюрократни ҳам, порахўрни ҳам, кўзбўямачи-қаллобни ҳам даволаса бўлмасмикин-а? Бўлади, албатта бўлади!

— Топдим! — қичқирганимча сакраб ўрнимдан туриб кетдим. Югуриб ташқарига чиқиб бораётган эдим, директор ҳузуридан келаётган устозимга урилиб, андак бўлмаса йиқитиб юбораёздим. Хайриятки ушлаб қолдим. Қучоқлаб, даст кўтариб олдим-да, қишлоғимиздаги полвонларга ўхшаб, гириллатиб айлантира бошладим. Шод эдим, хурсанд эдим, навбатдаги кашфиётимдан маст эдим.

— Бас, бас деяпман, — дейди устозим икки қўллаб кўксимдан итариб.

— Йўқ, йўқ! — дейман батар авжига чиқиб. Ниҳоят устозимни ерга қўйдим. Икковимиз ҳам чарчаган эканмиз, қисқа-қисқа нафас олиб, бир-биримизга тикилишиб қолдик.

— Тинчликми?

— Топдим! — ҳамон қувончимдан пайдо бўлаётган тўлқинлар кўксимга сиғмаётгандек эди.

— Нимани топдинг?

— Иллатларни тугатишнинг осон йўлини.

— Яна кашфиёт дегин?

— Худди шундай, устоз.

— Қани айт-чи, тезроқ айт, шошиб турибман.

— Йўқ, синаб кўрмагунча айтмайман. Ўзингиз бир гапни поёнига етмагунича бировга айта кўрма, хом гап кишини хижолат қилиб қўяди, дер эдингиз. Сиздан бир нарсага руҳсат олмоқчиман. «Тўғрилиқ ва ҳалоллик тажриба институти»га бориб келсам. Ҳуқуқшунослик факультетида порахўрлар бор. Ўз кўзим билан кўрганман. Кашфиётимни ўша ерда синаб, порахўрликни бутунлай тугатиб келмоқчиман.

— Узингни бос, ўғлим, зинҳор бундай қила кўрма. Нега деб сўрама ҳам. Бари бир ҳали ёшсан. Кўп нарсага ақлинг етмайди. У ерда порахўрнинг борлигини шаҳар маъмурияти ҳам билади. Атайлаб индашмайди. Порахўрликка қарши кураш бу шаҳарда анча илгари бошланган. Лекин кўпчилик бу ўзи қанақа иллат, порахўрнинг қиёфаси қанақа бўлади— яхши тасаввур қилолмас экан. Эшитган бошқа-ю, кўрган бошқа экан. Сен уларни кўргансан, хўш, қалай экан улар?

— Жирканч одамлар.

— Қиёфалари-чи?

— Ўликникига ўхшайди.

— Ҳаракатлари-чи?

— Ғазаб қўзғайди.

— Баракалла, бошқаларда ҳам бу иллатга қарши ана шундай нафрат, ғазаб қўзғаш учун уларга атайлаб тегишмайди. Вақти-соати келса ҳаммаси бир кунда гумдон бўлади. Хўш, қанақа кашфиёт қилдинг яна?

— Бари бир айтмайман.

— Ҳа, майли. Ҳозирча айтмай турганинг ҳам маъқул. Командировкага борадиган бўлиб қолдим. Қовунчи хўжаликларга бориб, қовуннинг фойдаси ҳақида лекция ўқишим керак экан.

— Ўзлари билишмасмикан?

— Ким билади дейсан. Шунақа қарор чиқариб қўйишибди, ҳозироқ кетаман. Сен бу ердаги ишлардан хабардор бўлиб тур. Кейин кечқурунлари менинг суюкли набирам Му Тини зериктириб қўйма. Ўйнатгани олиб чиқ, эртақлар айтиб бериб тур. Кейин мана бу хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш ёдингдан чиқмасин. Қани, тур энди, яна бир ачомлашиб олайлик. Баракалла, муносиб ўринбосар бўлиб етишаётганингдан хурсандман. Хўп хайр энди.

Устозим ёшига ярашмаган бир ҳолатда югургилаб чиқиб кетди. Демак, қовунчиларга қовуннинг фойдаси ҳақида лекция ўқиш гоёт зарур экан-да. Бўлмаса бунчалик шошмаган, уйга бориб, суюмли набираси билан албатта хайрлашган ҳам бўларди... Бу одам ҳақида анчагача ўй суриб ўтирдим. Шунақанги болажонки, асти қўяверасиз. Аввалига мен фақат ўша инжиқ набирасини яхши кўради, деб юардим. Хато қилган эканман. Маҳаллада қанча бола бўлса, ҳаммасини ҳам жонидилидан ортиқ кўраркан. Кечқурунлари ҳовлиси ортидаги катта майдонга чиқиб, мишиқи болаларни тўплаб олиб, аллақандай ўйинлар ўйнашади. Биргалашиб ашу-

ла айтган пайтлари ҳам бўлади. Ёши тўқсонга бориб қолган одам чурвақалар билан қувлашиб ўйнаса, қўл ушлашиб ашула айтса, жуда ғалати кўринаркан. Шаҳар боғчаларида қанча ўйинчоқ бўлса ҳаммаси устозимнинг пулига келган десам ишонаверинг. Қизиқ, нега энди боғчага ўтказилган пулларига каравот ёки кийим-бош эмас, албатта ўйинчоқ олишларини талаб қиларкан, мен мана шунисига ҳам ҳеч тушунмайман. Ҳатто бир-икки марта пулим кўпайганда шаҳар чеккасига устахона қуриб, бутун дунё болаларига қўғирчоқ улашардим, деганини ҳам ўз қулоғим билан эшитганман. Ҳеч тушуниб бўлмайди бу одамга!

Ўзи сеҳрли қовуннинг ичига тушиб кетиб, мана шу Ширин қовунлар мамлакатада яшаётганимдан буён мен тушунмайдиган нарса ва ҳодисалар кун сайин кўпайиб борапти. Уёғини суриштирсангиз, ўзимга фан доктори деган даража бериб юборганларига ҳам ҳалигача ақлим етмайди. Устозим эса, ҳамон жумбоқлигича турибди. Унга қанча яқинлашсам, сеҳрли дунёси шунча кенгайиб борапти. Уша сеҳрлар ичида йўқ бўлиб кетаётгандекман... Ҳақиқатан ҳам жуда қизиқ одам у. Чўнтаги тўла пул-у, ресторанга бориб лаззатли таомлар ейиш ўрнига одамнинг ғашини келтириб, кунбўйи ичгани қатиқ. Нима бало, онаси сигиру ўзи ҳам бир маҳаллар бузоқча бўлганми, деб ўйлайман гоҳо. Уч қоналик харобгина уйда туради. Маъмурият одамгарчилик қилиб пишиқ гиштан тикланган тўрт хонали уй берса, қаранг, шуни ҳам фаррош кампирга бериб юборибди. Яна тагин кўнгли бўшлигини айтмайсизми, битта-яримтаси шикоят билан келиб, арз-дод айта туриб йиғлаб юборса, ўзиям кўшилиб йиғлайверадиш Хуллас, сеҳрли одам. Унга ҳеч тушунолмаيمان. Энди тушундим деганимда, ҳали айтганимдай, менга таниш бўлмаган бошқа бир дунёси очилиб қолади.

Тушлик вақти ҳам бўлиб қолган эди. Уйга берилиб, овқатланишни паққос унутибман. Ошхонада илитилган бақлажон қиймасидан бошқа ҳеч вақо қолмабди. Умуман, шунақа таомларни унча жиним суймайди. Жони-дилим чучвараю димлама, палов. Зиралар сепилиб, ниста кўширда пиширилган хушбўй кабобларни ҳам, яширмай қўя қолай, яхши кўраман. Гаплашиб ўтириб, ўн беш, йигирма сихини тушириб қўйишим ҳеч гап эмас... Тарелкамда эса чайнаб ташлангандек кип-қизил бўлиб бақлажон қиймаси турибди. Йўқ, еёлмадим. Лабораторияга қайтгач, ўй-хаёлларим, бир-бирини

қувлашиб юрган фикрларим яна миямни банд қилиб олди. Қизиқ, мия билан опқозоннинг алоқаси йўқ экан-да. Бўлмаса бири очликдан карнай чалиб турса, бошқаси гупиллаб ишлаб турармиди... Борди-ю, деб ўйлар эдим ўша пайтда, борди-ю сарқитли қонлардан тўрт-бештасини бир-бирига қўшиб кўрилса-чи, унда қанақа ҳид пайдо бўларкан.

Бу фикр менга кечгача тинчлик бермади.

Эртасига эса барча сарқитни бирлаштириб кўрсам-микин дея ўйлай бошладим. Биласиз-ку, миямга бир фикр келса, тинчлигимни йўқотиб қўяман. Спирт тўлдирилган йигирма литрлик катта шиша бўларди. Ушани бўшатиб, шишалардаги ўн етти хил сарқитли қонни қуйиб, бир-икки чайқалтириб кўрдим. Келаётган ҳидга таъриф тополмадим. Нимага ўхшатишни ҳам билмасдим. Чайқалтираман, ҳидлаб кўраман, чайқалтираман, ҳидлаб кўраман. Бурнимни куйдирадиган даражада кучли ҳид бор. Лекин бари бир нимага қиёслашни билмайман. Қон таркибидан келаётган спирт ҳидини кучайтириш мақсадида ярим литр арақ қуйишга қарор қилдим. Эшитяпсизми, ярим литр деяпман. Уша пайтда бу менга янги кашфиётдек туюлган эди. Лекин ярим литр арақ туфайли шаҳар бошига қанчалик офатлар ёғилиши, қасам ичиб айтаманки, етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Бир гугурт чақилишидан бутун дунёга ўт кетиши мумкинлигини ким ҳам ўйлаб ўтирибди дейсиз.

Эрталаб келсам... Назаримда йигирма литрлик шишанинг ичида кимдир ўтиргандек, қиёфаси ҳам ғира-шира кўзга ташланаётгандек. Жун босган оёқлари чиллаширникидек ингичка, узун. Қорни бамисоли тарвуз ютгандек иргиб чиққан, юзи чўзиқ, кўксига тушиб турган соқоли мум суртилгандек қоп-қора, чуқур кўзлари ўрнида шиша синиғи йилтираб тургандек, бошида соч эмас, куя тушган пўстак ёпиштирилгандек, кўкраги тўла жун... Узоқ тикилиб қолдим. Эҳтимол, кечаси яхши ухламаганим учун уйқусираётгандирман, деб ҳам ўйладим... Лекин ўйим охирига етмасдан гумбурлаган овоз эшитилди-ю, пешонамга шишанинг парчалари келиб урилди. Шу аснода шиша ичидаги ҳалиги махлуқ тўрт-беш баравар катталашиб боши уйнинг шипига етгудек бир қиёфага кирди-да еру кўкни гулдиратиб:

— Ҳа-ҳа-ҳа. Ҳа-ҳа-ҳа. Ҳи-ҳи-ҳи, — дея ғалати овозлар чиқариб кула бошлади. Қотиб қолдим. Ҳушим

ўзимдами, йўқми билмайман. Эҳтимол, туш кўраётган дирман, дея ўйлаб, сал ўзимни босган бўлдим. Бир бирига ёпишиб қолган лабларим орасидан:

— Сен кимсан? — деган овоз чиққандай ҳам бўлди

— Менми — гулдурраган товуш эшитилди қулоғимга. — Ҳа-ҳа-ҳа, мен сарқитлар сардориман. Ўзинг дунёга келтирдинг-ку мени. Мақтанчоқ устозинг икковин бизни, яъни одам боласини бир-биридан йироқлаштира диган, дилини хуфтон қиладиган иллатларни бирлаштириб, яхлит вужудга айлантирдинглар. Мана, мен пай до бўлдим, арақ ичиб вояга етдим. Сеҳргар иблис бўли дунёга келдим. Ҳи-ҳи-ҳи, узоқ умр кўрмоқчи эмишлар, кўриб бўпсанлар! Энди бирингни бюрократ йиғлатади, бошқангни порахўр азоблайди, учинчингни ич қоралик еб тугатади. Ҳаммасининг сардори ўзим бўлман. Сен доям бўлдинг, арақ она сутидек камолга етказди мени, мана туғилдим:

— Ҳа-ҳа-ҳа. Ҳи-ҳи-ҳи. Ҳо-ҳо-ҳо.

Хонанинг эшиги шарақлаб очилиб кетди. Номаълум махлуқ орқаси билан тисарилиб, ташқарига чиқа бошлади. Қиёфаси аста-секин бужмайиб, тобора қисқари борарди. Бора-бора эски калишдек, йўқ, эски маҳсиде букланди-да, тўсатдан кўздан ғойиб бўлиб қолди. Йў: туш кўряпман, деб ўйладим. Ундай десам, кўз ўнгимга мана, йигирма литрлик шишанинг синиқлари.

Уйқу элита бошлаганини ҳис қилиб турибма Шиша синиқлари кўзимга юмшоқ тўшакдек бўлиб ёринаяпти. Номаълум махлуқнинг ҳовлидан эшитилган қаҳ-қаҳаси худди она алласидай оромбаз эшитиляпти. Қимдир қулоғимга:

— Ухла! Ухла! Ухла! — деб шивирлаётгандек бўлди. Кейин нима бўлганини билолмай қолдим.

Сехргарлар жанги



ХVI БОБ

ИККИ ЙИЛЛИК УЙҚУ

У йғониб кетдимми, ёки ҳушимдан кетиб қолган бўлсам, ўзимга келдимми, билмадим. Ҳар қалай, кўзимни очсам, нимқоронғиликда ётибман. Устозим Дар Даражанинг ҳовлисида ётиб юрганим хонага ҳеч ўхшамайди. У ерда кийим-бош қўйиладиган қора рангли шкаф, китоблар терилган ойнали жавонлар бўларди. Бу ер шипшийдам. Хона ўртасида мен ётган каравоту ёнгинамдаги тахтада ҳар хил дорилар солинган шишачалар. Қизик, қаерга келиб қолдим экан? Ўрнимдан турмоқчи бўлувдим, кўзғалолмадим. Дармоним етмади. Қўлларимга кўзим тушиб қолди-ю, қўрқиб кетдим. Қўл эмас, қабристондан кавлаб олинган мурданинг скелетига ўхшайди. Шу даражада қўрқибманки, сакраб ўрнимдан туриб кетибман. Қип-яланғоч қилиб оппоқ чойшабга омонатгина ўраб қўйишган экан. Чойшаб устимдан сирғалиб тушиб, борлигим кўз ўнгимда намоён бўлди. Йўқ, бу мен эмасман, деган фикр ўтди бошимдан, бу қачонлардир ўлган йигитчанинг суяклари. Бада-нимда на гўшт бор, на тери. Суяклар бир-бирига омонатгина илиниб турибди. Тавба, шу пайтда бошимга келган фикрни қаранг. Тана кимники бўлса ҳам, қобирғаларини бир санаб кўрмоқчи бўлдим. Зоология дарсида муаллимимиз одам боласининг қобирғаси ўн иккита бўлади, деган эди. Бир, икки, уч... тўғри, ўн иккита экан. Бари бир бу мен эмасман, деб ўйладим яна. Шундай деяпман-у, лекин бошим айланаётганини ҳам сезиб турибман. Йиқилиб юрмайин дея шо-ңилиб ўрнимга чўзилдим... Ростдан ҳам бу мен-

ми ёки мен эмасми? Ахир, мен дўмбоққина йигитча эдим-ку, борди-ю бу менинг ўзим бўлсам, гўшларим қаёққа кетди, умуман бу ер қанақа жой ўзи, нега мени келтириб қўйишди? Ёки эртақлардагига ўхшаб девлар олиб қочиб, этимни шилиб еб, суягимни қуритиш учун қўйишдимикан? Наҳотки девлар ҳозирги замонда ҳам бор бўлса, наҳотки улар ҳам хира ёнаётган лампочкалардан, ойнасига парда тутилган қўшқаватли деразалардан фойдаланишса!.. Лекин, тўхта-тўхта, дея ваҳима ичида ўйлай бошладим яна. Ахир, мен Ширин қовунлар мамлакатада яшаётувдим шекилли. Бу юрнинг барча сиру асрорини ҳали билганимча йўқ, унинг бир чеккасида, баланд тоғлар ортида, қалин ўрмонзорлар ичида, эҳтимолки, девлар ҳам яшаётган бўлса! Демак этларимни ўшалар шилиб олган бўлиши ҳам мумкин.

Ваҳимали ўйларим кучайиб бораётган эди, «Акромий!» деган майингина овоз эшитилгандай бўлди. Тавба, бу қанақаси бўлди-а? Ахир, бу ойижонимнинг овози-ку, худди ўшанинг ўзгинаси. Кўзларимдан дувиллаб ёш тўкилиб кетди.

— Акромий...

Бу гал овоз жуда яқиндан эшитилди. Йўқ, ойижоним эмас шекилли. Овоз эркакники ҳам, хотинники ҳам эмас, қисир-бўғоз бўлиб чиқяпти. Бу овозда ҳам эркак, ҳам аёл чақираётганга ўхшайди.

— Дадажон! — дея беҳол шивирладим. Хонадаги каравоту деразаю хира ёнаётган лампочкалар гир айланиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Учиб кетаётгандек бир ҳолатни туйдимۇ ўзимдан кета бошладим. Кўзларим очиқ, лекин ҳеч нарса ни сезмасдим. Хайрият, бутунлай ўзимдан кетмадим. Уйқу элита бошлади. Кўзларимни юмиб, уйқу билан уйғоқлик ўртасидаги бир ҳолатда узоқ ётдим.

— Акромий, — ҳалиги овоз яна такрорланди. Тепамда бир қиз тургандай, қиз эмас, тонгда очилган атиргуяга ўхшайди. Анвойи гулларнинг маст қилувчи ҳиди димоғимга гупиллаб урилди, вужудимга қувват қўйилиб, кўзимни каттароқ очдим... Наҳотки... йўғ-э, мен туш кўраётган бўлсам керак...

— Уйғондингизми, — қизнинг овозидаги кучли ҳаяжон шундоққина сезилиб турибди.

— Уйғондим, — дея шивирладим.

— Мени кўряпсизми?

— Кўряпман.

— Танияпсизми?

— Танигандекман... — ўша, худди ўшанинг ўзи. Бекорга «мени танияпсизми?» — деб сўраётгани йўқ. Автобусда кўрганим, ишқида кўйиб-ёниб жинни бўлиб қолаёзганим, асл исмини яшириб, мени бегона кампирга мактуб ёзишга мажбур қилиб, шарманда қилган жодугар қиз мана шу бўлади! Е тавба, биз нега бу сзда учрашиб қолдик, мен қаерда ётибман ўзи?

— Мени танияпсизми? — такрор сўради қиз.

— Йўқ, — дедим аввал чеккан изтиробларим эсимга тушиб.

— Автобусда танишган эдик-ку?

— Эслай олмайман.

— Уйимизга ҳам кузатиб борувдингиз.

— Ҳеч нарса эсимда йўқ, — дедим қизга хомуш тикилиб.

— Демак, ҳали хотирангиз тикланмабди. Сиз ётиб туринг, мен катта докторларни чақирай, суюнчи олай. Уйғонишингизни бутун шаҳар кутяпти.

Қиз шошилиб чиқиб кета бошлаган эди, беҳол бир овоз билан:

— Тўхта, — дея илтижо қилдим, — мен ҳали бутунлай уйғонганим йўқ, туш кўраётганга ўхшайман, қайтинг.

Қиз ғоят бетоқат эди. Шундай бўлса ҳам қайтиб, каравотнинг оёқ томонига омонатгина ўтирди. Алланарсаларни гапира бошлади. Айтаётганлари гоҳ қулоғимга кирапти, гоҳ йўқ. Қизнинг кўзи ташқарида, мendan жирканяптими, кўрқяптими, шунга ўхшаш ҳолат гул баргидек чиройли, бегубор юзларида, мунчоқдек қора кўзларида яққол кўриниб турибди. Ўзим ҳам ғалати аҳволдаман. Гоҳ ўзимдан кетиб, гоҳ яна келиб турибман. Қизнинг ҳаяжон тўла, узуқ-юлуқ сўзларидан шуни англадимки, мен бундан роппа-роса икки йил олдин «Сарқитлар» лабораториясида беҳуш бўлиб йиқилибман. Докторхонага олиб борганларидан кейин ҳам ўзимга келмабман. Қилинмаган доридармон

қолмабди, хурракни гумбурлатиб қўйиб, ухлайверибман. Охири Ҳандалак шаҳрининг катта-катта профессорлари тўпланиб, роса уч кун маслаҳат қилишганидан сўнг, ҳамкасбимиз уйқу касалига чалинибди, бу касалга йўлиққан одам баъзан беш-олти йиллаб ҳам ухлаши мумкин, деган хулосага келишибдида, мана шу ерга ётқизиб қўйишибди. Икки йилдан буён хуррак тортар эмишман. Гу Ли бўлса, унинг номи шундайлигини мен кейинроқ билдим, ўша биз танишган пайтда медицина техникумининг кечки курсида таълим оларкан. Битиргач, мана шу руҳий беморлар шифохонасига ишга келиб, мени тасодифан кўриб қолибди. Ким билади, рост сўзлаяптими ёки ёлғонми, ҳар қалай, мени шу аҳволда кўриб, икки-уч бор йиғлаб ҳам олибди. Бечоранинг ота-онаси йўқ, қариндош-уруғи бўлмаса, шу ҳолича ўлиб кетса, унга ким ҳам қайғурарди, деб қўрқиб кетган эмиш. Икки йилдан буён мени сунъий равишда овқатлантиришармиш, кўпинча кечалари ёнимга навбатчи ҳам тайинлашар экан. Гоҳо тушимда гапириб ҳам юборибман. Гапларимнинг ҳаммасини магнитофон лентасига ёзиб олишибди. Энг ёмони, шунда бўптики, мен ўша сандироқлаган пайтларимда бу қизнинг исмини айтиб чақирган эмишман.

Бугун Гу Ли яна навбатчи экан.

Аста-секин ўзимни йўқота бошладим. Эҳтимол, яна уйқуга кетгандирман. Ким билади дейсиз, уёғи яна нима бўлди экан. Эҳтимол бир кун, эҳтимол яна бир ҳафта ухлагандирман. Ғовур-ғувур эшитилиб кейин уйғондимми ёки уйғонганимдан сўнг ғовур эшитилдимми, ҳар қалай, мен ўзимни яна уйғоқ ҳолда кўрдим. Эшик шарақлаб очилиб, тўрт-беш киши, худди бир нарсадан қуруқ қолаётгандек, бир-бирини итариб кириб кела бошлашди. Кўзимни юмиб, ўзимни уйқуга солиб олдим.

— Гапиргандек бўлди, ўз қулоғим билан эшитдим, — деяпти бир аёл.

— Менинг назаримда тикка туриб юргандек ҳам бўлди, — деяпти бошқа аёл.

— Бу мумкин эмас, — деди бир эркак дўриллаган овоз билан, — куни кеча юраги тўхташ олдида эди. Бу мумкин эмас.

Овоз эгаси яқинимга келиб, кўксимга аллақандай аппарат қўйиб, назаримда юрак уришимни ўлчаб кўра бошлади. Аппарат темирдан шекилли, муздеккина

экан, этимни сескантириб юборди. Бунинг устига қитиғим ҳам келяпти денг. Кулиб юборишдан ўзимни аранг тийиб турибман.

— Мўъжиза! — деди эркак секин бошини кўтариб.— Юрак уриши нормага яқинлашиб қопти, мўъжиза! Нафас олиши ҳам тезлашяпти, нормага яқин, мўъжиза! Ҳозир томирини ҳам кўрамиз... йўқ, томир суст, демак ҳали-бери уйғонмайди. Ун кун, эҳтимол, ўн беш кун керак бўлар. Ҳамшира, қани беморга шарбатдан ялатиб кўринг-чи.

— Оқшом берувдим,— деди биринчи бўлиб гапираётган аёл.

— Яна беринг,— буйруқ бериб чиқиб кета бошлади эркак.

Назаримда бошқалари ҳам чиқиб кетди шекилли, хона жимжит бўлиб қолди-ю, хиёл ўтмай яна енгил-енгил ташланган оёқ товушларини эшитдим. Шарбат олиб қайтди шекилли, деб ўйладим. Бир кўзимни хиёл очиб, аста мўралаган эдим, ҳай-ҳай, ҳурилиқо дейсиз, ёши ҳам ўн етти-ўн саккизларда бўлса керак, дўмбоққина, юзлари сутга чайқаб олгандай оппоқ қиз кўрқаписа яқинлашиб келяпти. Қизиқ, ўтган сафар ўша ишқида куйиб-ёнганимни кўргандай бўлувдим шекилли, умуман бу кўраётганларимнинг қайси бири тушу қайси бири ҳақиқат, билолмай қолдим... Яқинлашиб келаётган қиз ёнимга чўкиб, қуйилиб, шакар бойлаб қолган қиёмдан аста-секин лабимга сурта бошлади. Биринчисини ютдим, иккинчисини ютдим, оҳ-оҳ, шунақанги ширин, шунақанги тотлики! Шу пайтда, негадир, ҳазиллашгим келиб қолса бўладими! Улай агар, қизлар билан ҳазиллашишни жуда, жуда ҳам яхши кўраман. Хап этиб бармоғини тишладиму лабларим билан маҳкам қимтиб олдим.

— Вой-дод! — қиз сакраб ўрнидан туриб кетмоқчи бўлувди, икки қўллаб бўйнидан кучоқлаб ҳам олдим. Ҳали айтувдим-ку, озиб кетганимдан ўзим ўзимдан кўрқиб кетдим деб, шўринг қурғур ҳамшира қиз ҳам мени аллақачон ўлиб қолган йигитчанинг сўнгаги ёки арвоғи деб ўйлади шекилли, шунақанги додлаб эшик томон югурдики, асти қўяверасиз. Чакки қилдим, дея ўйладим, аста ўрнимга чўзилиб олдим. Кетма-кет югуриб келаётган доктору ҳамшираларнинг, қани-қани, йўғ-э, уйғонмагандир, ёлғон, бўйнингга осилмайди, деганлари қулоғимга элас-элас чалиниб турибди.

Эркак доктор бошимни, юзларимни дағал қўллари

билан оҳиста-оҳиста силай бошлади. Мен шу пайтда, негадир, олисларда қолиб кетган дадажонимни кўраётгандек эдим. Галати бўп кетдим, юрагим гупиллаб ура бошлади... Дадажоним ҳам кўпинча бошимни ана шундай силагувчи эди. Ҳали-ҳали эсимда, қамоққа олиб кетишларидан бир кун олдин ярим тунда уйғониб кетдим. Тепамда, дадам, бошимни оҳиста силаяпти. Ухла, ўғлим, ухла, дейди...

— Бемор, сиз уйғондингизми? — секин сўради доктор. Овози ҳам худди дадамникига ўхшайди-я, чиндан ҳам дадажоним бўлса-я, деган ширин умид ярқ этиб бошимдан ўтгандай бўлди. Кўзларим чарақлаб очилиб кетди:

— Сув,— дедим оҳиста.

— Сиз уйғондингизми?

— Уйғондим.

— Сув келтиринглар,— шундай деб доктор сакраб ўрнидан туриб кетди-да, хонани гир айланиб, мўъжиза, дея бармоқларини қисирлата бошлади,— айтмадимми, шу бугундан қолмай уйғонади деб. Ҳозиргина айтган эдим, мана уйғонди. Мен ҳамиша тўғри гапирганман, диагноз қўйишда янглишмаганман. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Икки йил ухлайди, дедим, мана икки йил ухлади. Бугун уйғонади, дедим мана уйғонди.

Томчилаб сув ичиришди. Естигимни кўтариб қўйиб, бизни кўряпсизми, деб яна сўрашди. Кўряпман, дедим. Кўнглингиз нима истайди, дейишди. Сув, дедим. Яна томчилаб ичиришди. Бошингиз айланмаяптими, дейишди. Айланаяпти, дедим. Тура оласизми, дейишди. Йўқ, дедим. Кўзингизни юмманг, дейишди. Уйқум келяпти, дедим...

Доктор кўксимга муздеккина аппаратини қўйиб, юрак уришимга кулоқ соларди. Юрагим қаттиқ ураётганини ўзим ҳам эшитиб турибман. Аппарат қўймай ҳам тингласа бўлаверарди.

— Яхши,— деди доктор бошини кўтариб,— яхши!

Томиримни ушлаб кўра бошлади. Бармоқларининг учида сеҳр бор эканми, бутун борлигим бўшашиб, кўз ўнгимни қоронғилик қоплаб олди...

Қизиқ, ўзим уйқуга кетиб боряпман-у, хаёлан Гу Дини ахтараман. Нега кўринмайди, нега халиги ҳамшираларга қўшилиб буёққа кирмади экан? Ҳозир ярим тун-ку. Эҳтимол ухлаб қолгандир. Оҳ, шу дақиқаларда уни яна бир бор кўрганимда эди.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Чошгоҳ маҳали бўлиб қолган экан. Буни мен қуёш анча кўтарилиб қолганидан пайқадим. Ётган хонам ипакдек майин нурларга лиммо-лим тўлиб кетибди. Ўзим ҳам нурлар ичида енгил учиб юргандекман. Бамисоли жазирама иссиқ куни шаршара ёнида ўтиргандекман. Сув зарраларидан қандай оромбахш ҳид таралса, нурлар ҳам худди шундай ҳид уфураётгандек. Вужудимга ором, қувват бўлиб кираётгандек. Деразаларни очиб қўйишган экан, ҳовли тўла гул, умуман бу ўлкада гулсиз ҳовли бўлмайди. Шинам ҳовлилар кон-курси ўтказилганда энг аввало гулга эътибор беришади. тавба, еганлари қовуну ҳидлаганлари гул-а...

Гул ҳидини роса соғинган эканман. Кўксимни тўлдириб-тўлдириб ҳидлай бошладим. Йўқ, сиз нима десангиз деяверинг-ку, лекин манимча, гул ҳиди таркибида кишини эркаловчи, вужудига ором бериб, руҳини чароғон қилувчи аллақандай зарралар борлиги аниқ. Қайфиятим яхшиланиб, қалбимга қувонч қуйилаётганини сезиб турибман. Йўқ, дейман, ўзимга ўзим, ўлгандан ўлмаган яхши экан. Сеҳргар Иблисга дуч келган куним нобуд бўлганимда бу анвойи гулларни ҳидлаш қаёқда эди, бу завқлар, бу шавқлар қаёқда эди!.. Демак, икки йил ухлабман-да? Йўғ-э, одам боласи ҳам икки йил ухлайдими, қизиқ, ҳеч ақлим етмаяпти... Агар чиндан ҳам икки йил ухлаган бўлсам, роса мазза қилибман-да, дея ўзимча кулиб ҳам қўйдим.

Ташқарида нима гап экан, устозим Дар Даража қаерда юрибди, эртакни севадиган, айтиб бермасам ухлай олмайдиган набираси. Му Ти менсиз қандай яшаяпти экан. Лабораториядаги ишларимиз нима бўлди, дея ўйлаётган эдим, лекин охирига етказолмадим. Нега десангиз, худди шу пайтда эшик овозсиз очилиб, енгил-енгил қадам ташлашиб, узун-қисқа бўлишиб, катта-кичик докторлар, эркагу хотин аралаш-қуралаш бўлиб кириб кела бошладилар. Уларга кўзим тушиши билан негадир, хафа бўлиб кетдим. Мен Гу Лини кутаётган эдим. Ораларида ўшани кўрмаганим учун хафа бўлган бўлсам керак. Кирса каравотимнинг оёқ томонига ўтқазиб қўйиб, атиргулдек чиройли юзларига, узун-узун киприкларини мунчоқдек қора кўзларига тўйиб-тўйиб боқаман дея ширин орзуларга берилиб ётган эдим. Ҳеч

бўлмаса қўлларидан ушлайман, дея кўнглимдан ўтка-
зувдим. Орузу ҳаммавақт ҳам рўёбга чиқавермас экан-
да!.. Шошилиб кириб келишларини қаранг. Худди бир
нарсадан қуруқ қолаётгандек бир-бирларини итаришиб,
туртиб келишяпти. Сизга айтаман деб, эсимдан чиқиб
қолибди. Бу ердаги докторлар бизнинг мамлакатдаги
докторларга ўхшаб оқ халату чучвара нусха қалпоқ
кийишмайди. Бошларига қовуннинг ярим палласига
ўхшатиб тикилган қалпоғу эгнига яна ўша қовуннинг
пўчоғига ўхшаш матодан халат тиктириб кийишади.
Узоқдан қарасангиз, одам эмас, қовун думалаб келаёт-
гандек тасаввур пайдо бўлади. Умуман, бу ўлкада қо-
вун худою уруғи пайгамбар! Кириб келаётганларнинг
ҳаммаси доктору ҳамширалар бўлса керак, деб ўйлов-
дим. Йўқ, кўпчилиги мухбирлар экан. Бош доктор қад-
димни кўтариброқ қўйгач, кайфиятимни, ўзимни қан-
дай ҳис қилаётганимни сўраган бўлди-да, ташриф бу-
юрганларни девор томонга қатор турғизиб қўйиб, лек-
циясини бошлаб юборди. Менинг хорижий мамлакат-
дан келиб, профессор Дар Даража лабораториясида
тажриба ўтказётганим, кутилмаганда беҳисоб ҳидлар-
ни кашф қилганим, кетма-кет унвонлар олганимни
айтгач, тўсатдан қаттиқ кўрқув натижасида миямнинг
қайси бир бурчагида кучли тормозланиш юз бериб,
узоқ давом этадиган уйқуга кетганлигимни ҳам айтиб
ўтди. Мен энди қутулган бўлсам керак, чиқиб кетишса
тинчгина ётиб, ором оламан, ширин-ширин хаёллар
сураман, деб турган эдим, йўқ, ундай бўлмади. Лекция-
нинг иккинчи қисми бошланиб кетди. Мен ётган хона
медицина илмий текшириш институтига қарашли
бўлиб, бу ерда илмий кузатишлар ва қалтис тажриба-
лар ҳам олиб борилаётган экан. Қасалхонага тушганимдан
сўнг ўн беш кун ўтгач, илмий кенгаш чақирилиб, ме-
нинг устимда кузатишлар олиб бориш учун етти
илмий ходимга иш тақсимланибди. Биттаси юрак
уришимни, биттаси еган таомларимнинг таркибини,
биттаси нафас олишимни, биттаси тирноғим билан
сочимнинг ўсиш тезлигини текшириш бўйича кузатиш-
лар олиб борибди. Ва энг қувончлиси шунда бўлибдики,
шу етти ёш олимнинг ҳаммаси ҳам илмий кузатиш-
ларини ниҳоясига етказиб, фан кандидати даражасига
етишишибди. Ушбу ишларга сифатли раҳбарлик
қилгани учун бош докторга профессорлик унвони
берилибди.

— Офарин! — дея қарсақ чалиб юборишди тўпланганлар.

— Профессор Чан Гал, — дея мурожаат қилди бир қулоғи йўқ мухбир, — сизга саволим бор эди. Шогирдларингиз илмий ишларни ёқлашга бир оз шошилмадилармикан?

— Тўғри, — деди профессор, — шошилганлари рост. Негаки, бемор ўлиб қолгудек бўлса, бу бизнинг соҳамизда тез-тез учраб турадиган табиий бир нарса, илмий ишлар чала қолиб кетиши мумкин эди.

— Яна бир савол. Бемор ташқарига чиқариб ташлайдиган қуюқлик ва суюқлик масаласида.

— Хўш?

— Шунини текшириш учун кандидатлик диссертацияси ёқлаш шартмиди?

— Рухсат берсангиз, — деди профессор шошилиб, — шу саволингизни очиқ қолдирсам.

Бошқа мухбирлаб ҳам ишга тушиб кетишди. Савол демагани лайлақордек ёгилаверди. Кейин билсам, ўша куни бу ерда профессорнинг ташаббуси билан матбуот конференцияси ўтказилаётган экан. Хонада бугун суҳбат телевизор орқали Ҳадалак шахрига кўрсатилиб туришган экан.

— Ҳурматли бемор, бошингизни сал кўтаринг, — дея илтимос қилди яна бир мухбир.

Бошимни анча кўтардим.

— Бахтиёр кишидек кулиб туринг.

Кулимсирай бошладим.

— Бир-иккита савол бермоқчиман. Отингиз Акром Акромиёв эди шекилли. Қани айтинг-чи, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

— Аъло даражада.

— Уйқуга кетишдан олдин қандай воқеа, қандай руҳий силсила юз берганини айтиб берсангиз?

— Айтолмайман.

— Сабаб?

— Бари бир тушунмайсиз.

— Қанча муддат ухлаганингизни ҳис қилиб турдингизми?

— Йўқ, худди оқшом уйқуга кетгандекман.

— Демак, икки йиллик муддатни сезмабсиз-да?

— Сезмадим.

— Туш кўрдингизми?

— Ҳа.

— Нималарни кўрдингиз?

— Ойижоним, укаларим, дадам... устозим Дар Даража... Ҳамма-ҳаммаларини. Қишлоғимиздаги ўртоқларим, мол боқиб юрганим, яйловлар, қийқиришиб чўмилганимиз, лойқа сувли анҳорлар, ҳашарга чиққанимизда бригадир қулоғимдан чўзгани... кейин тушимда нуқул қовун еяётгандек бўлавердим.

— Тушда соғиниш ҳисси ҳам пайдо бўларканми?

— Ҳа.

— Кўпроқ кимни соғиндингиз?

— Сиздан бошқа ҳаммани.

— Чарчаб қолдингиз шекилли, суҳбатимизни якунлайликми?

— Яхши бўларди.

— Ҳандалак шахри меҳнаткашларига нимани истайсиз?

— Қовунлар кейинги пайтда бемаза бўлиб кетяпти, шуни олдини олишса.

— Бошқа истагингиз йўқми?

— Устозим Дар Даражани соғиндим. Агар мумкин бўлса, тезроқ кўришсак.

Мухбири девор тагида қатор турган доктор ва ҳамширалар ялт этиб бир-бирига қарашиб олди. Бир гап борга ўхшайди. Ё вафот қилдимикан, деган фикр ўтди бошимдан.

— У кишини ҳозирча кўролмайсиз,— тушунтирган бўлди бош доктор.

— Нега кўролмас эканман?

— Сабабини... кейинроқ билиб оласиз,— чайналиброқ деди Чан Гал,— эҳтимол, бошқа бирон киши билан учрашишни хоҳларсиз?

«Сарқитлар» лабораториясида бирга ишлайдиган ўртоқларимнинг номини айтган эдим, уларга ҳам рухсат бўлмади. Устозимнинг набираси Му Ти эсимга келиб қолди. Ростини айтсам, ўша кўзлари чақнаб турадиган, тиллари бурро булбулча билан гаплашганда тани-жоним яйраб кетарди. Болаларнинг кўзи тиниқ, тоза бўлади. Сизга қанақалигини билмайман-у, лекин мен болаларнинг кўзига тикилганимда дам оламан, хузур қиламан. Рухимда чароғонлик, дилимда равшанлик пайдо бўлади. Ва ўша болаларга ўхшаб сакраб-сакраб ўйнагим келиб кетади. Устозим Дар Даржани болажонлигининг боиси ҳам шундан бўлса керак.

— Қизалоқнинг ёши нечада? — сўради эшикнинг

тагида, бошқаларга қўшилмай, ғоят жиддий бўлиб турган бир киши.

— Ёшими... ёши, агар мен бу ерда икки йил ётган бўлсам,— дармонсиз эмасманми, аранг гапира бошладим,— демак, ёши тўққизда экан.

— Ёши тўққизда бўлса... кириши мумкин,— деб қўйди жиддий киши.

Гапиришга ҳолим қолмаган эди. Қулоғим шанғиллай бошлади. Тик турганларнинг ҳаммаси гир айланиб кетди. Бошим бир томонга оғиб тушди. Кўзларимни юмиб олдим.

Бир оздан сўнг вужудимга яна куч оқиб келаётгандек бўлди. Ухладимми, ухлаганим йўқми билолмасдим. Кўзимни очсам, ташриф буюрганларнинг ҳаммаси деворга суянганларича тек қотиб туришибди. Аввалига булар деворга ишланган сурат бўлса керак, деган фикр келди бошимга. Хайрият, барчалари бирдан ҳаракатга келишди-ю, бу фикримдан тезгина қайтдим. Ораларида бу гал интизор кутганим Гу Лини кўриб қолдим. Худди бирон сири ошкор бўлиб қолишдан қўрққандек аллақандай хижолатлик ичида, уялибгина турарди.

Бўйнига овоз ёзадиган аппарат осиб олган бир йигит илжайганча мен томонга бир-икки одим ташлади.

— Хайрият, тезгина уйғондингиз,— деди негадир қувноқ бир оҳангда,— гаплашолмай қуруқ қайтиб кетишдан қўрқиб турувдим. Суҳбатингизни кундуз соат учда эшиттираман. Програмага киритиб қўйганман. Мана, мана бу трубкага гапирасиз. Яхшиси, ўзим ушлаб тура қолай... Хўш, ҳозир кайфиятингиз қалай?

Тавба, кўриб турибди-ю, яна сўрайди-я!

— Гижинглаган отдекман,— дедим жаҳлим чиқиб.

— Бир-иккита савол берсам, майлими?

— Майлингиз.

— Сизни минг ҳил ҳидни бир-биридан ажрата олади, дейишяпти, шу тўғрими?

— Тўғри.

— Ухлаганингизда туш кўрдим дедингиз, ўшанда ҳам ҳид сездингизми?

— Йўқ.

— Яшил ўтлоқларни кўрдим дедингиз-ку?

— Ўтлоқларнинг ҳиди йўқ эди.

— Демак, киши ухлаганда, туш кўрганда ҳидни туймас экан-да?

— Шунақа бўлса керак.

— Ҳозир-чи? Ҳозир ҳидларни фарқлаяпсизми?

— Фарқлаётганга ўхшайман.

— Демак, муборак бурнингизнинг ҳид олиш қобилияти икки йиллик уйқудан сўнг ҳам сақланиб қолган деб ҳисобласам бўладими?

— Билмадим.

— Синаб кўришга рухсат берасизми?

— Ихтиёрингиз.

— Профессор Чан Гал,— дея мурожаат қилди мухбир,— беморингизни синаб кўришимга рухсат берасизми? Йўқ, йўқ, ташвишланманг, кўп уринтирмайман. Профессор Ақром Ақромий, агар малол келмаса, кўзингизни юмиб турсангиз. Яхшиси мана бу рўмолчани босиб қўяман. Хафа бўлмайсизми? Ҳозир, ҳозир... Яна андак сабр қилинг. Мана, бўлди... Қани айтинг-чи, менинг қўлимдаги нарсадан ниманинг ҳиди келяпти?

Ташқаридан гул узиб келганларини аниқ сезиб турардим. Нега десангиз, узоқдан келаётган чиннигул билан райҳоннинг аралаш ҳиди бир-биридан ажралди-ю, чиннигулнинг, фақат чиннигулнинг ўзига хос бўлган ожиз ҳиди энди шундоққина бурнимнинг остида тўлқин ура бошлади.

— Қўлингизда чиннигул турибди,— деб қўйдим.

Тўпланганларнинг «Ўй-ў-ў» деб юборганларини аниқ эшитдим. Эҳтимол, бир-бирларига маъноли қараб ҳам олишгандир.

Мухбир яна савол бермоқчи бўлувди, кўнмадим. Чарчаб қолдим, топишмоқ айтишни янаги сафарга қолдирайлик, деб илтимос қилдим. Хайрият, инсофли йигит экан, дарров кўна қолди.

XVIII БОБ

ТУТИНГАН СИНГЛИМ ШУМХАБАР КЕЛТИРДИ

Му Тидан бари бир бир ҳафтагача дарак бўлмади. Бу ўртада мен анча дармонга кириб қолдим. Аввал каравотимнинг поясини ушлаб атрофини айланиб кўрдим. Кейин деворга суяна-суяна хонада юра бошладим. Уйғонганимнинг еттинчи кун қўлини тишлаб олганим ҳамшира қиз ёрдамида ховлидаги гулзорга чиқиб, анчагина истироҳат ҳам қилдим. Кўзимнинг тиниши, бошимнинг айланиши аста-секин камайиб борарди. Мен соқчилар назоратига тушиб қолган эканман. Қовоғи солиқ бир йигит кунбўйи

пойлаб ўтиради. Ёзилгани чиқсам ҳам рухсат оламан. Айтдим-ку, гулзорга чиқиб истироҳат қилиб келдим деб, ўша куни ҳам ундан нарига ўтмайман, деб тилхат ёзиб берганман. Бунчалик таъқиб қилинишимнинг сабабига ҳеч тушунолмасдим. Қовоғи солиқ соқчидан-ку, бирон гап чиқмайди-я. Ҳамширалар бўлса билмаймиз дея нуқул елка қисишади. Ҳалигача устозимдан ҳам, бирга ишлаган ҳамкасблардан ҳам дарак йўқ. Ё мени аллақачон ўлдига чиқариб юборишдимикан. Жодугар қиз Гу Ли бўлса яна сувга тушган тошдек йўқ бўлиб кетди... Кейинчалик эҳтимол мен уни тушимда кўргандирман деган хаёлга ҳам бора бошладим. Ҳа-ха, шундай бўлган бўлиши ҳам мумкин. Ахир шу кунларда тушим билан ўнгимнинг фарқи қолмади-ку. Бир хаёлим бу ердан қочиб қолиш ҳам бўлди. Лекин фикримдан тезда қайтдим. Ҳали унча кучга тўлган эмасман. Югурсам, нари борса, икки юз метрга югураман. Анови қовоғи солиқ пойлоқчининг бўлса оёқлари узун, худди този итникига ўхшайди. Тўрт қатлаб етиб олиши ҳеч гап эмас. Бунинг устига ёнида тўппончаси ҳам бор. Юрагимга ваҳима солиш учун бўлса керак, ҳар замонда кўрсатиб қўяди. Ғилофидан олади-да, латта билан уёқ-буёғини обдан артади. Кейин ўқдонини чиқариб, ўқини кафтига қоқади-да, санаб яна жойига солади. Гоҳо девордаги пашшаларни мўлжалга олади. Ўнг кўзини қисиб, бир оз жим туради-ю, отмайди. Бу машғулотларини менга кўрсатиб, кўз-кўзлаб қилади. Яъни, агар қочмоқчи бўлсанг сени пашшадек отиб ташлайман, демоқчи бўлса керак-да. Оббо, тўппончангдан ўргилдим сени, деб қўяман гоҳо. Борингки мана шунақа аҳволга тушиб қолдим-да.

Юрагим тарс ёрилай дейди. Гоҳо бошимни чойшабга буркаб, йиғлаб-йиғлаб оламан денг... Қизик, нега киши йиғлаганда юраги ёзилар экан? Елкасидан босиб турган ҳам юки энгиллашиб, дили равшанлашар экан, тавба, нега шундай бўлар экан-а? Фақат одам боласи эмас, гоҳо ит ҳам, отлар ҳам йиғлайди. Ўз кўзим билан кўрганман. Қизик, кўз ёши нима ўзи, нимадан пайдо бўлади у? Нега аёллар кўп йиғлайди-ю, эркаклар кам йиғлайди. Ойинжоним йиғлаганда дадам елкасини силкитиб култанини бири неча бор куватганман. Ушанда мен ҳам йиғлаворай-йиғлаворай деб турардим. Лекин бари бир йиғламасдим... Шу кунларда эса тўйиб-тўйиб йиғлапман. Тавба, ҳали айтганимдай, йиғлаган сарим дилим равшанлашиб боради денг. Ёки кўз ёши

билан кишининг дилидаги ғаму ташвишлар ҳам ташқарига оқиб чиқиб кетармикан? Кўз ёши диллардаги ғубормикан, ғаммикан, нега унинг таъми шўртаккина-ю, ҳиди ачиган қатиқдан олинадиган зардобникига ўхшаш бўлади, нега?

Уйғонганимнинг йигирма иккинчи кунимиди, йигирма учинчи кунимиди, уёғини суриштирсангиз, ҳисобдан ҳам адашиб кетганман, ишқилиб чўшгоҳ маҳали эди шекилли. Тўсатдан олам чароғон бўлиб, оламни ёқимли куйлару хушбўй ҳидлар қоплаб кетгандай бўлди. Остонада кулимсираганча менинг жажжи синглим, бу дунёга келганимдан бери бирдан-бир овунчоғим, нариги дунёда қолиб кетган синглим Муаттарнинг ўрнини босиб юрганим Му Ти турарди. Оламдаги чароғонлик лабидаги табассумдан, муаттар қўлида ушлаб турган гулдастадан экан.

— Му Ти!

— Акажон!

Бир-биримизни ачомлашиб, иссиқ бағримизда эриб кетгандек бўлдик. Мен энтикаман, у йиғлайди. Мен йиғлайман, у кулимсираб хўрсинади. Қовоғи солиқ соқчи ҳам унчалик инсофсиз эмас экан, икковимизни холи қолдириб, ҳовлига чиқиб кетди.

— Оббо Му Ти-ей, кап-катта қиз бўп қопсан-а?

— Учинчида ўқияпман, ака.

— Нега даракларинг йўқ?

— Рухсатнома олиш қийин бўлди.

— Қанақа рухсатнома?

— Вой, билмайсизми?

— Ҳеч нарсани билмайман.

— Ахир сиз назоратдасиз-ку. Бобом ҳам тавбахонада.

— Нималар деяпсан, тўхта-тўхта...

Йўқ, синглимни тўхтатиб бўлмади. Юраги тўлиб турган экан, ҳаммасини тўкиб солди. Ишлар чаток, ҳамма нарса чаппасига айланиб кетибди. Уша қиёфасини бир мартагина кўрганим Сеҳргар Иблис бахтлисаодатли турмуш кечираётган, бир-бирига аҳилу меҳрибон Ҳандалак шаҳри меҳнаткашларининг бошига кетма-кет офатлар ёғдира бошлабди. Бирини бюрократ, бирини порахўр, бирини чақимчи, бирини фитначи қилиб ва яна:

— Ҳа-ҳа-ҳа.

— Ҳи-ҳи-ҳи.

— Ҳо-ҳо-ҳо,— дея кулиб юрган эмиш ва яна давом этиб қуйидагиларни ҳам айтар эмиш:

— Мен жамики сарқитлардан йиғилган махлуқман. Отам — Дар Даража, онам — йигирма литрлик қориндор шиша, доям Акротий, сут ўрнига арақ ичиб вояга етганман... Ҳа-ҳа-ҳа, сарқитларни тугатмоқчи эмишлар, тугатиб бўсанлар, хи-хи-хи...

Шаҳар соқчихонаси «Сарқитлар» лабораториясидаги ишларни ўрганиб, ниҳоят ҳамма айбни устозим икковимизга ағдариб, бизни қамоққа олишга қарор қилибди. Уша кунги тузилган актда тахминан мана бундай сўзлар ҳам бор экан:

«Шу икки илмсиз, хаёлпараст олим сарқитлар қонидан олинган зарарли микробларни бир жойга тўпламаганда ушбу Сеҳргар Иблис пайдо бўлмас эди. Шу билан бирга қуйидагиларни ҳам маълум қиламиз: лабораториядаги ҳар хил имтиҳонлардан йиқилиб келган қобилиятсиз илмий ходимлар бу жинойят юз бераётганини кўра туриб, тегшли органларга маълумот бермаганлар. Ҳандалак шаҳар Қонунлар мажмуасининг 286-модда, А пункти билан Дар Даража ва Акрот Акротийлар устидан бошланган терговга, лаборатория ходимлари ҳам тортилсин...»

Албатта, Му Ти бу аянчли воқеани сизга қандай айтган бўлсам, шу тарзда ҳикоя қилгани йўқ. Йиғлаб, пиқиллаб, баъзи бир жумлаларини чала-чулпа қилиб сўзлади. Лекин мен сизга тушунарли бўлсин учун уларни тартибга солиб сўзлаяпман. Охирида шуни ҳам айтмоқчиманки, ё айтмай қўяқолайми, йўқ, яхшиси айтаман, бечора Му Ти ҳам тирик етим бўлиб қолибди. Айтувдим шекилли, отаси менинг дадамга ўхшаб арақхўрликка берилиб, нобуд бўлиб кетган. Онаси эса, яъни мен уйлариди турганимда қошиқ билан вилка ушлашни ўргатиб қўяман дея биқинимни чимдиб олган Гул Нора опамни ҳам ўз отаси Дар Даражанинг жинойтларига шерик ҳисоблашиб, қамаб қўйишибди.

— Ким билан турибсан? — сочларини силаб сўрайман Му Тидан.

— Битта кампир билан,— хўрсинади синглим.

— Кампирни уйга олиб келиб олдингми?

— Йўқ. Мен кампир холаминикига бордим.

— Унда уйланинг қаровсиз қолгандир?

— Вой, айтмабман, уйимизни сотиб юбордик.

— Нега?

— Вой, нега дейсиз-а, акажон. Ойим билан дадажонимни кўргани борганимда пул керак бўлади-да. Соқчилар бирам инсофсизки, кираётганда ҳам пул сўрашади, чиқаётганда ҳам. Худди тиланчиларга ўхшаб кафтини очиб туришади. Ундан кейин рухсатнома олиш ҳам қийин. Бир даста пул керак. Уйни сотдик. Бобожонимни тергов қилаётган битта мўйловли амаки, уйни менга арзонроққа сотсаларинг бобожонингни жиноятини енгиллатиб бераман, аслида унда айб йўқ, ҳамма айб Сеҳргар Иблисда, деди. Ушанга сотдик.

— Енгиллатиб бердим, ахир?

— Ҳа.

— Қанчага енгиллатди?

— Эсимда йўқ.

— Қўй, йиғлама,— дея синглимни бағримга босиб эркалаб кўйдим.— Мен эсон-омон чиқиб олсам, ҳаммаларининг таъзирини бераман. Уша Сеҳргар Иблисни ҳам ушлаб, шишага киритиб юбораман.

— Йўқ, акажон, унга йиғламаяпман. Буларнинг ҳаммасига кўникиб кетдим энди. Мен сизга йиғлаяпман.

— Менга?!

— Энди сизни ҳам тавбахонага жўнатишади.

— Нега?

— Сизниям бобомга қўшиб суд қилишган.

— Унда мен ухлаб ётувдим-ку.

— Билмасам. Сизга ҳам бобомга қанча беришган бўлса, ўшанча беришган.

— Йиғлама!

— Йўқ, акажон, энди менинг бу дунёда ҳеч меҳрибоним қолмади. Ким мени эркалайди, ким менинг кўнглимни кўтаради. Бобожоним қўғирчоқлар ясаб берарди, сиз эртақлар айтиб берардингиз... Кўчада ҳамма болалар мени масхаралаб, калака қилишяпти.

— Қайси болалар?

— У, томоғига пистанинг пўчоғи тиқилиб қолган бола бор эди-ку?

— Манқами?

— Ҳа, ўша. Ҳеч кун бермайди. Дарсда ўтирганимда сочимнинг учига сичқоннинг ўлигини боғлаб қўйган экан, кўрқиб кетдим.

— Шошмай турсин, мен уни шундай бошлайки...

— Кейин анови... ҳалиги... бор эди-ку?

— Қайси?

— Ҳалиги сочини қирдириб олдириб, бошини йилтиратиб юрадиган бола-чи?

— Ҳа Макчами?

— Ҳа, ўша. Кўчага чиқдим дегунча бобоси қамалган, акаси келгинди, деб кўз очирмайди... Уйга кириб, роса йиғлайман.

Суҳбатимиз шу ерга етганда қовоғи солиқ соқчи келиб, вақтларинг тугади, дея огоҳлантириб қўйди. Бир-биримизнинг меҳримизга қонмаган эканмиз. Лекин начора, тартибга бўйсунишга мажбурман.

Х I X Б О Б

МУТИГА АТАБ ЭРТАК ТЎҚИДИМ

Ийглаб-йиғлаб хайрлашдик. Йўқ, мени йиғлоқи деб ўйламанг. Энг оғир пайтларда ҳам кўзимга бир томчи ёш келмасди. Буни сизга айтувдим ҳам шекилли. Ҳозир сал бошқачароқман. Узоқ овқатсиз ётиб, тинка-мадорим қуриганиданми, асабларим қақшаб, ўзимни тутолмайдиган бўлиб қолганман. Бошим ҳам ликиллайдиган бўлиб қолган. Сал қизишсам, бас, шамолда қолган бошоқдек ликиллашга тушади. Тўғри, сингилчам билан йиғлаб-йиғлаб хайрлашдик. Лекин йиғлаб турсам ҳам дилимнинг бир чеккасида чироқ ёниб тургандек эди. Бу чироқ сингилчамнинг қўлидаги рухсатнома десам ҳам бўлади — роппа-роса йигирма кунга берилган. Яна-тагин ҳар учрашув бир соатдан денг.

Энди ҳар куни учрашадиган бўлиб қолдим. Мириқиб-мириқиб суҳбатлашамиз. Гоҳо ўша бирга турган бувиси чучвара пишириб бериб юборади. Оҳ-оҳ, жонидилим хамир таом. Чучвара, манти, лағмон, тандир сомса... мана шунақаларга кўзим тушганда ўзимни томдан ташлайдиган одатим бор. Бир марта денг, сингилчам келтирган чучварадан кўп еб қўйиб, бўкиб қолсам бўладими! Қорин демагани дўмбирадек шишиб берди. Докторлар қўрқиб, ҳар томонга югуриб қолишди. Бечора Му Ти бўлса дағ-дағ қалтирайди денг.

Шундай қилиб, ҳар куни учрашадиган бўлдик. Гоҳо:

— Бобомизнинг олдига бордингми? — деб сўрайман Му Тидан.

— Айтдим-ку, янаги ойга рухсат беришади деб,— кудди сингилчам.

— Менинг уйгонганимни бобомизга билдирсак бўларди.

— Ойижонимга ҳам, бобомга ҳам хат орқали маълум қилганман.

— Жавоб ҳам олганмисан?

— Вой, сизга дарровгина жавоб келди қолармиди?

— Ҳандалакда менинг ҳақимда қанақа гапларни айтишяпти? Ҳеч эшитмадингми?

— Вой, нега эшитмай, унинг нияти пок, одамларга яхшилик қилмоқчи эди, дея сизга ачинишяпти. Кейинчи, ака, қўшниларимиз бобомга ҳам ачинапти. У бизнинг умримизни узайтирмоқчи, сарқитларни тугатиб, бахтли-саодатли қилмоқчи эди, биз бўлса уни қамаб ўтирибмиз, очик-да бўлганда бўларди, дейишяпти... Уйқудан уйгонганингизни телевизорда икки марта кўрсатишди... Ака, эртақ тўқиб қўяман девдингиз, бошланг энди.

— Ҳеч нарса эсимга келмаяпти,— дейман хижолат бўлиб.

— Бўлмаса эскиларидан айтсангиз ҳам майли,— ёлвориб туриб олади Му Ти.

Сут билан кирган жон билан чиқади деб эшитган эдим. Тўғри экан. Му Ти эртақни яхши кўрарди, уйларида яшаб турган пайтларимда бирор нарса айтиб бермасам, ярим кечасигача биқинимга туртгани-туртган эди, буни сизга айтувдим ҳам шекилли. Шу одати ҳалигача қолмабди-я. Аксинча, кучайибди. Бўлмаса, ўзимиз қай аҳволдамиз-у...

— Янаги сафар айтиб бераман,— дея узр сўраган бўламан.

— Алдасангиз-чи? — кўзларини шўх-шўх чақна-тиб дейди сингилчам.

— Йўқ, бу гал алдамайман.

Хуллас, маъна шунақа гаплар. Баъзан маъноли, баъзан маъносиз суҳбатлар билан бир соатни ўтказамиз. Синглим кетгач, яна хонада ёлғиз қоламан. Гоҳ устозимни ўйлаб хаёдан гаплашган бўламан. Гоҳ ўзимнинг аянчли аҳволим ҳақида тубсиз ўйларга бериламан. Баъзан қовоғи солиқ йиғит билан гаплашишга такрор ва такрор уннаб кўраман.

— Соат неча бўлди? — деб сўрайман.

— Билмайман,— дейди қовоғи солиқ.

— Бугун ҳафтанинг қайси куни?

- Билмайман.
- Бу ерда Гу Ли деган ҳамшира қиз ишларди, ҳозир ҳам борми?
- Билмайман.
- Демак, мен қаттиқ назоратда эканман-да?
- Билмайман.
- Дармонга киришимни кутяпсизларми?
- Билмайман.
- Дармонга кирсам бошқа жойга кўчирсанглар керак?
- Билмайман.
- Нега сиз навбат алмашмайсиз?
- Билмайман.
- Билмайман деган сўздан бошқасини ҳам биласизми?

— Билмайман.

— Нега билмайсиз?

— Бас қил, — қовоғи солиқ менга қараб шундай хўмраядики кўзларининг ўрнида бамисоли ўқланган тўппончасининг оғзи кўрингандек бўлади. Жим бўлиб қоламан. Юраман, ўтираман. Ўзимга ўзим латифалар айтиб қиқирлаб куламан. Кунларим шу йўсин ўтаверди. Лекин ҳар қанча уринмай, бари бир, эртак тўқиёлмайман. Лекин сингилчам учун тўқишим керак. Унинг бир нафаслик қувончига жонимни беришга тайёрман. Яна икки йил ухла, синглинг қувонади, десалар, майли, ухлайвераман. Фақат Му Тининг кўзларидаги мунг ўрнида қувонч кўрсам, беғубор дилидаги руссалар ўрнида севинч гуллари очилса бас, ҳаммасига тайёрман...

Эртак тўқий бошладим. Бир бор экан, бир йўқ экан... Бу бўлмайти. Бошқасини тўқийман. Ҳайвонлар ҳақидагисини яхши кўрарди у.

Бир бор экан, бир йўқ экан, жуда қадим замонда, ҳайвонлар одамларга ўхшаб гаплашадиган, дарахтлару гиёҳлар ашула айтадиган вақтларда қалин ўрмон ичида бир Қуёнча яшаган экан. Кўп қувноқ ва бунинг устига ўйинга ҳам уста экан. Ҳар куни ўтлоқларда чопқиллаб ўйнар, ўз тилида қувноқ ашулалар айтар, қайтиб келгунича онаси қизил сабзилардан, барра карамлардан овқат тайёрлаб қўяркан.

Бир куни ям-яшил майсаларда ўйнаб юрган экан, йиглаб ўтирган Тулкига кўзи тушиб қолибди:

- Ҳа, Тулкихон, нима бўлди? — сўрабди Қуёнча.
- Оёғимга тикан кириб кетди, — баттарроқ йиглабди Тулкихон. Қуён оёққа кирган тикани олишга жуда

уста экан. Кўз юмиб-очгунча тиканларнинг барчасини олиб ташлабди. Хурсанд бўлган Тулкихон:

— Раҳмат, Қуёнча, мен ҳам бир куни бу яхшиликнингни қайтарарман! — дея миннатдорчилик билдирибди. Қуёнча яна ўйнашда давом этибди. Сакраб-сакраб бир маҳал катта чинор тагига бориб қолибди. Қараса қўнғир жунли Айиқ додлаб йиғлаётган эмиш.

— Ҳа, Айиқполвон, нима бўлди? — сўрабди Қуёнча.

— Мана бу дарахтнинг қавагида асал бор экан. Олиб ейман девдим арилар бетимни, кўзларимни чақиб шишириб юборди, йўлимни топиб юролмаяман! — деб яна йиғлашга тушибди у. Қуёнча табобатдан ҳам хабардор экан. Қандай қилса юзидаги шиш қайтишини донишманд бобосидан эшитган экан. Баргизўт деган гиёҳнинг япроғидан олиб, Айиқнинг юзига ёпган экан, бирпасда шиши қайтиб кетибди. Кўзлари чарақлаб очилган Айиқ беҳад хурсанд бўлибди:

— Раҳмат, Қуёнча, вақти келиб мен ҳам сенга бир яхшилик қиларман! — деб миннатдорчилик билдирибди.

Қуёнча яна ўрмонларни тўлдириб ашулалар айтиб, қувончини ичига сиғдиролмаганидан сакраб-сакраб ўйинларга тушиб йўлида давом этибди. Бир маҳал бундай қулоқ солса, чангаллар орасида Бўри ув тортиб йиғлаётган эмиш.

— Бўривой, нега йиғлаяпсан? — сўрабди Қуёнча.

— Оёғим қопқонга илиниб қолди! — яна ув тортибди Бўри.

— Ёрдамлашиб юборайми? — юраги ачишиб сўрабди Қуёнча.

— Тез бўл, тезроқ, — ёлворибди Бўри. Зийрак Қуёнча оёқ қопқонга илинганда қандай бўшатиш йўлларини яхши билар экан. Кўз очиб-юмгунча Бўривойни бандиликдан озод қилибди. Бўри хурсанд бўлганидан миннатдорчилик учун сўз тополмас эмиш.

— Яхшиликнингни ҳеч унутмайман! — дебди ниҳоят Қуёнчанинг узун қулоқларидан ўпиб. Қуёнча қилган ишларидан мамнун бўлиб сакраб-сакраб қайтаётган экан, йўлда каттакон бўғма Илонга дуч келиб қолибди.

— Очман, сени ейман! — деб Қуёнчани қувлашга тушибди. Қуёнча бир амаллаб тепаликка чиқиб олибдида, бор овози билан дўстларини ёрдамга чақира бошлабди. «Тулкихон, Айиқполвон, ёрдам беринглар, бўғма Илон мени еяй деяпти». Қуёнчанинг овозини эшит-

ган Тулкихон, Бўривой, Айиқполвон дарҳол етиб келишиб, ёвуз Илонни калтаклаб ўлдиришибди. Балодан эсон-омон қутулганликлари учун шукронасига бир хурсандчилик қилмоқчи ҳам бўлишибди. Ўша пайтлардаги ҳайвонлар Ҳандалак шаҳри одамларига ўхшаб хурсандчилик вақтида арақ ичишаркан. Оёғи чаққон Қуёнчани яримта арақ келтириш учун ўрмон магазинига жўнатишибди. Қуёнча дарҳол айтганларини ҳозир қилибди. Тулкихон косагул бўпти, ичкиликни баргдан ясалган пиёлаларга қуйиб, мазза қилиб ичиб олишибди. Аммо арақ ичларини куйдира бошлабди, газак егилари келиб қопти. Шунда Бўривой Тулкихонга тикилибди, Тулкихон зимдан Айиқполвонга назар солибди, учовларининг бошларидан бир фикр ўтибди: Қуёнчани таппа босиб, бўғиб ўлдиришибди-да, бири оёғидан, бири биқинидан тишлаб, лом-мум қилиб юта бошлашибди. Қуёнчани эсон-омон еб битиргач Тулкихон лунжидаги қонларни артиб:

— Чакки бўлди-да! — дебди.

— Ҳа, кайф билан хунук иш қилиб қўйдик! — дейишибди қолган ҳайвонлар ҳам.

Ўша замонларда йиртқичлар тез-тез мана шунақанги базмлар қуришиб ожиз ҳайвонларни тутиб еб туришар экан. Ейишар экан-у, аммо суякларини очиққа ташлаб кетмас, тўплаб бир жойга кўмиб қўйиш одат бўлган экан. Булар ҳам Қуёнчанинг суягини қабрга кўмиб, устига тупроқ тортишибди. Тепасига оқ мрамардан, у замонларда оқ мрамарлар жуда сероб экан, ҳа, оқ мрамардан қабр тоши ҳам қўйишибди, қабр тошига эса мана бундай ёзувларни ҳам битиб қўйишибди:

«Дўстимиз Қуёнча!

Сен кўп меҳрибон, раҳмдил бир ҳайвон эдинг: ўрмондаги барча ҳайвонларга қўлингдан келганча яхшилик қилардинг. Сен яхшилик ва қувноқлик тимсоли эдинг. Сенинг порлоқ хотиранг қалбимизда абадий сақланажак. Алvido, меҳрибон дўстимиз!

Ўрмондаги ўртоқларинг».

Қуёнчанинг қабри олис ўрмонда ҳалигача сақланиб турган эмиш!

Эртагим тайёр бўлгач, энди синглимнинг келишини бетоқат кута бошладим. Одатда куннинг иккинчи ярмида келарди. Мактабдан қайтгач кампир бўвиси икковла

ри овқат пиширишади. Ҳозир ўчоққа олов ёқишган бўлса ҳам ажаб эмас...

Тўсатдан, бу мамлакатга келганимдан буён тўсатдан бўладиган воқеалар кўп бўляпти ўзи, форма кийган икки соқчи шаҳдам қадамлар билан кириб кела бошладилар.

— Ақром Ақромий сиз бўласизми?

— Худди ўзиман,— дедим хурсанд бўлишимни ҳам, хафа бўлишимни ҳам билмай.

Олдимга тугунча ташлаб, кийининг, дея фармон беришди. Тугунча еча туриб, юрагим шув этиб кетди — маҳбусларга бериладиган кийимлар.

— Ҳаммомга борамизми? — сўрадим ҳар эҳтимолга қарши.

— Гап қўшманг,— яна буйруқ бўлди.

Бошқа илож йўқ, кийиндим.

— Олдимга тушиб юринг,— деб айтишган эди, кўнмадим. Синглимга эртак тўқиганман. Келсин, айтиб берай, дея илтимос қилдим.

— Юр деяпман! — елкамга туртди биттаси.

— Синглимга эртак тўқиганман деяпман,— назаримда бақриб юбордим шекилли. Икки соқчи икки ёнимга кирди-да, оёғимни ерга теккизмай олиб чиқиб кетишди. Усти берк қовуннусха машинага чиқаришиб:

— Мана энди эртагингни бемалол айтаверасан, деб қўйишди.

Х Х Б О Б

РОСА КАЛТАК ЕДИМ

Машина кўринишидан қовуннусха бўлса ҳам, асли қалин тунукадан ясалган экан. Ҳатто ўтирадиган курсиси ҳам муздеккина темир. Ичи бирам совуқки, бир нафасда этим жунжикиб, тишим такиллай бошлади. Бизнинг мамлакатда бунақанги машиналарда одатда ферманинг молини ташишарди. Бу ерда эса... нима ҳам дея олардим. Тавбахоната тушганингдан кейин остингга атлас кўрпачаю биқинингга парестиклар қўйиб беришинми?! Чидашдан бошқа иложинг йўқ, мудла Ақромий.

Қўшқанотли пастак-пастак икки дарвозадан ўтгач, мени пастга олиб анчагача шу ерда, очиқ ҳавода ушлаб туришди. Афтидан ичкарида менинг ҳақимдаги хужжату қарорларни титқилаб кўришаётган бўлишса керак.

Ниҳоят тарвуздек дум-думалоқ бир киши юриб эмас, думалаб чиқиб келди-да, қаршимда тўхтаб:

— Хорижий мамлакатнинг фуқароси Акром Акроми ўзлари бўладиларми? — деб сўради. Назаримда овози ҳам оғзидан эмас, бошқа жойидан чиққандек бўлди.

— Худди шундай, — дедим шоша-пиша.

— Хуш кўрдик, — деди яна тарвузнусха жуда юмшоқ оҳангда.

— Раҳмат, — дедим, негадир дилим равшан тортиб.

— Қадамларига ҳасанот, — аввалгидан ҳам юмшоқ, ҳам ёқимли оҳангда деди тарвузнусха. Мен ҳам илиққина жавоб қайтараман деб эндигина оғиз жуфтлаган ҳам эдимки, елкамга шунақанги муштладики, тилимни тишлаб қолдим.

— Олдимга туш, сеҳргар!

Турта-турта узун коридор бўйлаб ҳайдаб кетди. Ниҳоят, охиридаги бир хонанинг эшигини қия очиб, елкамдан қаттиқ итариб юборди. Мункиб бориб пешонам билан хонанинг нариги деворига урилдим. Миям ёрилмади шекилли, бўлмаса тил тортмай омонатимни топширган бўлармидим. Анчагача чўзилиб ётдим. Хона ичи ёришиб келмоқда эди. Торгина экан. Бурчак-бурчакда уч-тўрт одам ўтиргандек. Биттаси жуда ғалати кўриянпти. Соқоли узун, мум суртилгандек қоп-қора. Юзи ингичка, зик, хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг афти маст бўлган таканинг ўзгинаси дейсиз. Нигоҳимиз икки-уч бор тўқнашиб қолди. Ҳа-ҳа, таканинг ўзгинаси, дея ўйлай бошладим.

Така қиёфали аста ўрнидан туриб, мен томонга кела бошлади. Қўлида гулли чопон, йўл-йўлакай тахлаб келаяпти. Яна бир бало бўладиганга ўхшайди деб юрагимни ҳовучлаб турибман.

— Бошингни кўтар, — деди тепамга келиб.

Лекин бошимни кўтаришимни кутиб ўтирмай, ўзи ҳалиги буклаган чопонини қўйиб берди. Юмшоққина экан, танимга роҳат югургандек бўлди.

— У-ў... Пешонанг гурра бўлибди-ку, — деди энгашиб, — ҳечқиси йўқ, ёш экансан, тўйинггача тузалиб қоласан. Рангинг оқариб кетибди-ку, бола?

— Қўрқдим шекилли.

— Қўрқма. Бу ердагилар яхши одамлар. Сув ичасанми?

— Майли.

— Лекин кўп ичма. Ёш экансан. Кечаси тагингни ҳўл қилиб қўясан. Қорин қалай?

Мана шу савол берилгандан кейингина кунбўйи оват емаганимни эсладим. Му Ти, хойнаҳой, димлама манти олиб келса керак, деб тушликни ҳам емовдим. Жуда очиққан эдим.

— Қоринда ҳеч вақо йўқ,— дедим тортиниброқ.

Ҳамхоналарим ёмон одамлар эмас экан. Биттаси икки бурда қотган нон, биттаси бош бармоқдеккина келадиган сариёғ, биттаси бир парча қовун қоқи, яна бирови эса бир дона пиёз ҳам берибди. Тескари ўгирилиб, ҳаммасини пок-покиза тушириб олдим. Соқолли амаки узатган елим идишдаги сувнинг қолган-қутганини ҳам қултиллашиб ичдим-да, лабимни арта туриб, ҳаммаларига қуллуқ қилиб қўйдим.

— Энди жиндек мизғиб ол,— деди соқолли амаки худди дадамдек меҳрибонлик билан,— бари бир рангинг ҳалиям оппоқ, мурданикига ўхшайди. Е бир чектириб қўяйми?

— Раҳмат,— дедим қишлоқчасига қўлимни кўксимга қўйиб,— мен чекмайман.

— Лекин яхши қиласан. Бу зорманда ҳозир ўзимга етишмайроқ турибди.

Шунчалик меҳрибонликка жавобан номига бўлса ҳам жиндек ухлай десам, қани энди қурмағур, кела қолса. Кўзимни чирт юмиб бирпас ётдим, иккипас ётдим, йўқ, учқур хаёлларимни жиловлай олмадим. Эҳтимол, тагим қаттиқлик қилаётгандир деб ўйладим. Ахир қуруқ полда ётибман-ку. Ухлай олмаганлигимнинг сабаби ундан ҳам эмас шекилли. Дилимнинг қаеридадир гашлик борлигини ҳис қилиб турибман. Борди-ю, улар ёмон одамлар бўлса-чи, мени алдаб ухлатиб, бирор нарса қилиб қўйишса-чи? Димоғимга гупиллаб ёмон ҳидлар уриляпти. Ўзингизга айтганман, одам боласининг ҳидига қараб хулқи-ахлоқидаги ёмонлик билан яхшиликни фарқлай оламан. Бу одамларнинг қонида ҳам аллақандай бузилиш борга ўхшайди. Бир нарса қилиб қўйгудек бўлсалар, профессорлик унвонимни қўшиб кўмиб юборишса-я.

Кўзимни секин очдим.

— Ҳа, болакай, ухлолмаяпсанми? — мурожаат қилди така қиёфали амаки. — Ҳечқиси йўқ, аста ўрганиб кетасан. Мен ҳам бир ҳафтагача ухлаёлмай роса қийналувдим. Сенам жой танлар экансан. Мана бу — менинг ёнимдаги ҳўкизга бўлса бари бир. Боши ёстиққа етди дегунча гумбурлатиб хурракни отаверади.

Ҳамхоналарим бир оз уёқдан-буёқдан гаплашиб

ўтирган бўлишди-да, жойларида бирин-кетин уйқуга кеттишди. Тўрттовиниям хурраги бор экан. Умрим бино бўлиб бунақанги нағмачиларни бир жойга жам бўлиб, бир-бири билан мусобақа ўйнаганини ҳеч кўрмагандим. Биттаси бўғизланган молдек хирилляпти. Иккинчиси пақ-пақ-пақ дея овоз чиқаряпти. Учинчисининг ичидан карнай десам карнайга, сурнай десам сурнайга ўхшамайдиган ғалати-ғалати шовқинлар отилиб чиқяпти. Тўртинчиси, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, худди олов ўчираётгандек пуф-пуфлаб турибди. Биттаси кимнидир масхара қилаётгандек хиринглаб кулиб-кулиб қўйса, бошқаси пиқиллаб йиғлашга тушади денг.

— Хур-р-р-ррр!

— Пақ-пақ-пақ!

— Чий-чий-чий!

— Пуф-пуф-пуффф, — деган овозлар тўлиб боряпти. Ярим кечасига борганда мусобақа яна авжига чиқиб кетди. Қани айтинг-чи, шунақанги пайтда одам боласи ухлай оладими? Йўқ, дейсизми? Демак, мен ҳам ухлаш уёқда турсин, ўттиз икки тишимни бирдан эговлашаётгандек азобланиб чиқдим.

— Қалай, кўзи бола, яхши ухладингми? — деб сўради така соқолли нонуштадан сўнг.

— Ҳа, — деб қўйдим.

— Берироқ кел, бундай бир гаплашиб ўтирайлик. Яхшироқ танишиб олайлик. Суҳбатлашиб ўтирмасак, зерикиб қоладиганга ўхшаймиз. Ўша тўнни тагингга солиб ола қол. Ўз-ўзингга берганман... Мана бу, бошқа гап. Олдин акаларингни таништириб қўяй. Юрагида ёли бор йигитлар булар. Кейинчалик сенга асқотиб қолиши мумкин. Мана бу акангнинг оти Ғир Ром, порахўрлик орқасида қўлга тушиб, судланган. Ажойиб порахўр эди. Оҳ-оҳ, унинг очикда юганини кўрсанг, ойисидан ҳам, дадасидан ҳам пора оларди. Порахўрлик ҳақида китоб ҳам ёзган. Ёзганмисан?

— Ҳа, — деб қўйди бармоқлари билан ниманидир ҳисоблаб ўтирган киши.

— Мана бу аканг бўлса ажойиб иғвогар. Олдин маҳаллани, кетидан бутун қўни-қўшнилари гиж-гижлаб уриштириб қўйган. Охирида ўз хотинининг устидан ёзиб, қўлга тушиб қолган. Хотини чақиб берганга ўхшайди. Буям иғвогарларга қўлланма ёзган. Нечта қўлланма ёзувдинг?

— Еттита, — деб қўйди бошини ўраб суҳбатга қулоқ солаётган киши.

— Ана кўрдингми, қўзи бола. Ҳандалак шаҳрида адолат қолмади ўзи. Бўлмаса шаҳарнинг бош иғвогари бўламан деб турган бу одамни мукофотлаш ўрнига бу ерга тикиб қўйишармиди... Олдин ҳаммамиз ҳам сал бошқачароқ эдик. Бу аканг будқада газета сотарди. Мен бўлсам кушхонада қассоб эдим. Эшитгандирсан, шаҳарда сарқитлар йиғиндисидан пайдо бўлган Сеҳргар Иблис изғиб юрибди. Иблис ҳаммамизни мана шу кўйга солиб қўйди... Лекин ёмон бўлмапти шекилли. Мазза қилиб яшаётувдик. Тўғрими, иғвогар?

— Тўғри,— деб қўйди иғвогар.

— Сен нима дейсан? — деб сўради така соқолли ҳаммон бармоқларини букиб нималарнидир ҳисоблаб ўтирган Ғир Ромдан.

— Гапингни тасдиқлаб берсам, қанча берасан? — бошини кўтармай сўради Ғир Ром.

— Ана кўрдингми, қанақанги йигит бу,— деб қўйди-да, така соқолли гапини давом эттирди,— хўш, қўзи бола, сен ўзи асли Ҳандалакданмисан? Йўқ, дейсанми? Э-ҳа, унда ҳеч гапдан хабаринг йўқ экан-да. Шаҳарда сеҳргар пайдо бўлганини ҳам эшитмагандирсан?

— Эшитганимча йўқ.

— Э-ҳа, ҳамма нарсадан орқада қолиб кетибсан унда. Унинг пайдо бўлиши яхшими-ёмонми ўзимиз ҳам билмаймиз. Сеҳргар эса ҳушимизни олиб қўйган. Мен бўлсам, эшитяпсанми қўзи бола, катта ўғри бўлиб қолдим. Бу ерга келгунча олтита магазинни талаганман. Қара-я, ҳаммасидан беҳабар қолибсан. Айтишингга қараганда, ҳали сизлар тарафга Сеҳргар Иблис бормабдида. Борганда-ку, оғзингга бир пуфлаб сени ҳам муттаҳамга айлантириб қўярди-я. Эҳтимол муттаҳамдирсан? Бу ерга беқорга олиб келишмагандир. Қани, номаи аъмолингни гапириб берчи?

Юрагимда ваҳима кўзгалди. Синглим Му Тининг гаплари тўғрига ўхшайди. Демак, Сеҳргар Иблис одамларни заҳарлай бошлабди. Ҳаммасига мен айбдорман. Агар ўша қонларни бирлаштираганимда... фан доктори бўлмай кетай, кашфиётларга берилмай кетай, дея ўзимни қаргашга тушдим. Покиза шаҳарнинг устидан нопок сув қуйиб қўйдим-а. Энди умрбод виждон азобида қийналаман. Виждон азобига одам боласи қанча чидаши мумкин, бари бир бир умр чидолмайди-ку. Ундан кўра ўзимни ўзим йўқ қилиб қўя қолганим яхши. Борди-ю, очлик эълон қилиб, берганларини емай, биратўла

нариги дунёда равона бўлиб қўя қолсам-чи. Ҳа-ҳа, яхшииси шундай қиламан.

— Ухлаб қолдингми? — овозини хиёл кўтариб деди така соқол. — Номан аъмолингдан гапир деяпман. Сен ҳам бизга ўхшаб Сеҳргар Иблиснинг тузоғига илинган бандамсан ёки жинойтчилардан бўласанми, отинг нима ўзи?

— Мендан сўраяпсизми? — дедим очиқ иқроп бўлишимниям, бўлмаслигимниям билмай иккиланиб.

— Ҳа, сендан сўраяпман.

— Отим Ақром Ақромий.

— А?! — Иввогар пружинали қўғирчоқдек сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Қаерликсан? — шошилиб сўради така соқолли.

— Сойбоши мамлакатиданман.

— Нима-нима? — Бу гал порахўр санчиб турди.

— Профессор Дар Даражанинг шоғирдимсан? — Бу саволни тўртовлари бирдан бергандай бўлди.

— Ҳа, ўшаман!

— Сеҳргар махлуқни дунёга келтирган доя тағин сен бўлмагин?

— Худди ўшанинг ўзиман.

— Аблах, — деган овоз эшитилди уйнинг тўрт бурчагидан, — жосус, сеҳргар!

— Хайрият, ўлмаган экансан, — деб секин ўрнидан тура бошлади така соқолли, — ўлганигда армонимдан чиқолмай қолардим. Демак, бизга ўхшаганларнинг бошига фалокат ёғдирган жодугарни яратган сен экансан-да? Ўғирлик, муттаҳамлик уругини нариги дунёдан сен олиб келган экансан-да? Барчамизни сеҳргарга банди қилиб бериб, томошамизни кўриб юрган экансан-да?!

Шу пайтда, ишонсангиз, қўрқув нималигини билмасдим. Ўзимни ўзим виждон азобидан қутқариш мақсадида ўлимга маҳкум қилганим учунми, энди ҳеч нарсадан тап тортмасдим. Ўримдан туриб, юрагимни кердим:

— Ҳа, мен бўламан!

— Профессорлик унвони камлик қилиб қолибди-да, яна кашфиёт қилмоқчи бўлибдилар-да!

— Ҳа, чўнтагимни пулга тўлдирмоқчи эдим.

— Мана сенга пул!

Билмадим, қайси бири урди экан, чаккамдан олов чиқиб кетгандай бўлди. Бешинчи муштдан кейин йиқилдимми, олтинчи зарб йиқитдимми, билолмай қолдим. Қаршилиқ кўрсатишга ҳолим келмасди. Думалатиб хо-

нанинг гоҳ у бурчагига, гоҳ бу бурчагига олиб бораётганларини элас-элас эслаймаи, холос. Сарқит балосига йўлиққанлари учун мендан ўч олаётганлари аниқ эди. Армонларидан чиқиб олсин деб тек туриб бердим... Икки марта кўзимдан олов чиқиб кетгандай бўлди. Кейин нима бўлганини билолмай қолдим.

XXI БОБ

ҲОШИМЖОННИНГ СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚЧАСИ ЕРДАМГА КЕЛИБДИ

Уша кунни ўлмаганимни касалхонада ўзимга келганимдан кейин билдим. Лекин ўлгандан баттар бўлибман. Буни менга шифокорлар айтиб беришди. Икки кўзим ўрнидан ирғиб чиққан, вужудимда нечтаки суяк бўлса, ҳаммаси синган, беш-олти жойда этларим ҳам узилиб кетган экан. Қайтадан дунёга келишим бир мўъжиза бўлибди. Синган суяklarимнинг бу қадар тез битиши эса иккинчи мўъжиза деб баҳоланиб, Ширин қовунлар мамлакатада катта шов-шувларга сабаб бўлибди, тез дармонга кириб кетишимнинг сабабига эса докторлар ҳалигача тушунишмаётган эмиш. Бир группалари бу қовун шарбатининг хосияти деса, иккинчилари — йигитчанинг вужудида аллақандай сеҳрли қувват бор, деган тахминни айтишибди. Хуллас, мен бу ерда ҳам еттида ёш олимнинг кандидатлик диссертациясига мавзу бўлибман. Биттаси синган суяklarимнинг битиш тезлигини, биттаси узилган этларимнинг аслига қайтиш жараёнини... Э, борингки, еттови етти томонимдан илмий кузатишлар олиб борибди-да. Уч ой деганда мен яна гижинглаган тойчоқдек сакрай бошладим.

Миямга ўрнашиб олган ўша шум фикр, яъни юз берган, бераётган тартибсизликлар учун ўзим-ўзимдан ўч олишим, ўзимни энг олий жазога маҳкум этишим керак, деган ўй мени ҳеч тарк этмаяпти. Ярим кечаси эди шекилли, уйқум қочиб, турилиб ўсган қишлоғимни, катта-кичик ўртоқларимни бир-бир эслаб, гоҳ кулиб, гоҳ хўрсиниб ётган эдим. Кимдир отимни айтиб чақираётгандек бўлаверди. Ўрнимдан туриб, чироқни ёқдим, атрофга алангладим, ҳеч ким йўқ. Менга шундай туюлгандир, дедим-да, қайтиб ўрнимга чўзилдим. Яна ўша овоз такрорланди. Қизиқ, жуда танишдек, илгари эшитгандекман.

- Кимсан, ахир, кўрқиб кетяпман, — деб қўйдим.
- Кўрқма, — деди овоз.
- Кўрқмай десам ҳам кўрқиб кетяпман.
- Мен Сехрли қалпоқчаман.
- А?!

- Танимадингми? Яхшироқ ўйла. Мени танийсан.
- Улай агар, ҳеч нарсага тушунмаяпман.
- Қасам ичма. Ҳошимжонни танирсан?
- Катта тагоблик мақтанчоқними?
- Мақтанчоқ дема уни.
- Нима дей бўлмаса?

— Дунёда унақанги ростгўй, унақанги камтар бола йўқ. Мени бошига кийиб, дунё бўйлаб саёҳатга чиққанини, ҳойнаҳой, эшитгандирсан?

— Эшитганман. Бирга ўнни қўшиб сўзлаб ҳам берган. Тўхтабоев деган ёзувчи у ҳақда китоб ҳам ёзган.

— Уша камтарин ўртоғинг саёҳатдан қайтгач, мени сенга совға қилган эди, эсингдами? Менга унча аҳамият бермадинг. Эркалаб кўксингга босмадинг. Катта Тагобдаги ҳовлиларингни сотиб, Сойбошига кўчиб кетаётганларингда мени молхонадаги тўсининг тагига қистириб кетдинг, элайсанми? Хафа бўлмадим, негаки, ўша пайтда олдингга қўйган катта мақсадинг йўқ эди. Оғир шароитга ҳам тушмаган эдинг. Севган машгулотинг кўчани чаңгитиб тўп тепишу яккаю ягона орзуинг нариги маҳалла командасини ютиш эди. Шу ҳам орзу бўпти-ю! Одам боласи катта-катта мақсадлар билан яшаши шарт. Лоақал инсониятнинг бешдан бирини бахтли-саодатли қиламан деб енг шимариши керак. Уша пайтларда мақсадинг кичкина эди, тўғрими? Шу сабабли мен ўзимни сендан тортдим, сеҳримни ошкор қилмадим. Нариги маҳалла командасини менинг ёрдамимсиз ҳам ютишинг мумкин эди... Эшитяпсанми?

— Эшитяпман, — дедим ҳамон ақлим ҳеч нарсага етмай.

— Аммо, ҳозир мақсадинг юксак, олижаноб ниятларинг бор, — давом этди Сехрли қалпоқча. — Ҳандалак шахри фуқаросини сарқитлардан қутқармоқчисан. Умрини узайтирмоқчисан, шундайми?

— Улай агар, шундай қиламиз деб орзу қилувдим, — дедим негадир ўпкам тўлиб.

— Қасам ичма. Бу мақсадингга бурнингнинг ҳид олиш қуввати билангина эриша олмас эдинг. Нима бўлганда ҳам бурун бурун-да. Боз устига қовун туширадиган одатинг бор. Мана ҳозир ҳам бир аравасини

тушириб, жабрини тортиб ётибсан. Мен келиб сеҳрли ёрдам кўрсатмаганимда сени уч ой олдин кўмиб юборишган бўларди.

— Мен ўшанда ўлганмидим?

— Улим тўшагида эдинг.

— Аҳволим ночорлигини сен қаёқдан билдинг?

— Мен сеҳрлиман. Кимнингки нияти олижаноб, мақсади улуғ бўлса ва бу дунёда менинг борлигимга қаттиқ ишонса, ўшанинг ёрдамчисиман. Мен халқнинг орзулари, армонлари ва пок ниятидан тўқилганман. Ёмон ниятли одамларнинг кўзига кўринмайман. Яхши ниятлиларни муроду мақсадига етказаман.

— Менинг ҳам мақсадим яхши эди,— тушунтирмоқчи бўлдим.

— Демак, сен ҳам муродингга етасан.

— Сен ўзи бу ерга қандай келиб қолдинг?

— Сен келган йўлдан келдим.

— Ҳошим яхши юрибдими?

— Юрибди ҳамман кулдириб.

— Ойижоним, укаларим... — гапимни тугатолмадим. Упкам тўлиб турган экан, ҳўнграб йиғлаб юбордим. Ойижоним, меҳрибоним, мени излаб зор-зор йиғлаб юргандирсиз. Биладан, ҳар куни йўлимни пойлайсиз. Тойлоққинам бугун ҳойнаҳой келиб қолар деб кўпинча кўча эшикка чиқиб ўтирасиз. Кечки овқатдан атайлаб бир товоқ олиб кўясиз. Тунлари уйғониб кетиб, мен ётадиган ўринни пайпаслаб кўрасиз... Ойижоним, меҳрибоним, мен ҳам сизни соғиндим, дўмбоқ укам Акбарни, уйқучи Асқарни, тили бурро сингилчамни кўргим келяпти. Қани энди, қуш бўлиб учсам-у, олдиларингга кўнсам. Ойижоним, бағрингизга отилиб, юзларингиздан ўпсам. Қатиқ ҳиди келиб турадиган сочларингиздан силасам. Лекин иложим йўқ, дарвозаси берк дунёга тушиб қолганман. Чиқариб юборишларини сўраб, кимга ёлвораман, кимдан нажот сўрайман, билмайман. Мен нажот сўрамоқчи бўлганлар ўзи нажотга муҳтож бўлса, бошимни қаёққа урайин? Ойижон, мен институтда ўқиб, олим бўлгач, катта-катта маошлар олиб, сизни хурсанд қилмоқчи, укажонларимга чиройли-чиройли кийимлар ҳадя қилиб севинтирмоқчи, дадажоним қайтгунча сизларни эҳтиёт қилмоқчи эдим. Ойижон, ойижоним... Кечиринг, умидсизликка чакки берилдим, энг муҳими мана ўлмай қолдим. Ўзингиз тириклик — энг катта бахт, дер эдингиз. Мана

тирикман, демак бахтлиман. Қолганини бир амаллаб тўғрилаб оламиз.

Уй суриб кетиб, қалпоқчани паққос унутиб юборишимга оз қопти. Ҳзи сал шунақароқлигимни сизга илгари ҳам айтувдим. Уйга берилсам ҳамсуҳбатим буюқда қолиб, бутунлай бегоналар ортидан ҳам эргашиб кетавераман.

— Сеҳрли қалпоқчам, — дея хўрсиндим, — кечир мени. Уй суриб кетибман. Сен қаердасан ўзи? Мен сени кўрмайпман-ку!

— Ёстигинг остидаман.

Шоша-пиша ёстигимни кўтардим. Рост, ойнинг нуридек майин ипакдан тўқилган Қалпоқча худди қуёшнинг бир парчасидек ял-ял ёниб турибди. Ҳали хурсанд бўлаётувдим, энди довдирай бошладим. Нима қилишимни билмасдим. Қувончим зўрлигидан юрагим гурсиллаб ура бошлади. Йиғлайми, кулайми, оламни бошимга кўтариб қичқирайми — ҳаммасига ҳам лойиқ воқеа содир бўлмоқда эди... Эҳтимол туш кўраётгандирман, деган бемаза фикр бошимга келди-ю, қўрқиб кетдим. Туш кўраётганим учун эмас, йўқ, мабодо туш кўраётганим рост бўлса, уйғонсам Сеҳрли қалпоқчадан ажралиб қолам, деб кўрқдим. Ахир, мана ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, мен ҳозир ёрдамга жуда, жуда ҳам муҳтожман. Аҳволим ночор, бу дарвозаси берк дунёдан ўз ақлим, ўз кучим билан чиқиб кетолмайдиганга ўхшайман. Сизга айтувдим шекилли, роботлар текшириб кўришган, ақлий ривожланишим тўртинчи синф ўқувчиси даражасида. Шундай бўлгач, Сеҳрли қалпоқчанинг ёрдамига муҳтожман.

Тушимми-ўнгимми эканлигини текшириб кўрмоқчи бўлдим. Қалпоқчани бошимга авайлаб кийиб, навбатчи докторлар ўтирган хонага аста кириб бордим. Иккита доктор ухлаб қолмаслик учун бўлса керак аччиқ-аччиқ кўк чой ичиб, гурунглашиб ўтиришган экан. Нақ пешоналарига пешонамни уриб олай дедим ҳамки, сезишмади. Доктор, менга уйқу дори керак, деб овоз чиқардим. Икковлари бир-бирларига аланглашиб олишди.

— Гапиргандек бўлдингми? — сўради бирови.

— Йўқ, қорнинг қулдиради шекилли, — деб қўйди бошқаси.

Демак, мени кўришмаяпти. Қалпоқча чиндан ҳам сеҳрли экан. Олдин биринчисининг, кетидан иккинчисининг пиёласидаги чойини ичдим-да, чойнагини ҳам олиб кўздан холироқ жойга беркитиб қўйдим.

— Ие, чойнак қани? — деди биттаси.

— Тавба, пиёлалар ҳам йўқ бўлиб қолди, — деди бошқаси қангу манг бўлиб.

Бировининг елкасига муштладим, бошқасининг биқинини қонатгудек чимдиб олдим. Икковини ҳам ёмон кўриб қолганман. Менга аталган дориларни нуқул ташқарига чиқариб чайқов қилишади.

— Мени туртма!

— Нега чимдийсан бўлмаса! — дея икковлари тиккама-тикка бўлиб кетишди.

Ташқарига отилдим. Хурсандлигимни айтсангиз, гўё дарёман-у, қирғоққа сиғмай тўлқин ураётгандекман. Қушман-у, поёнсиз фазоларда қанот қоқаётгандекман. Сакрайман, ирғишлайман. Тонг отиб қолган экан, одамлар ғимирлаб қолибди. Фаррошлар чангитиб кўча супурипти. Қовуннусха, ҳандалакнусха автобуслар ғизиллаб уёқ-буёққа ўтиб турибди. Кимдир бозорга ошиқади, кимдир туртиниб-суртиниб корхонасига шошади. Фаррошнинг қўлидан узун дастали супургисини олиб, хў нарига бориб кўчани чангитиб супура бошладим.

— Ие, ие! — деб ёқасини ушлаб қолди фаррош.

Ўрта ёшли бир киши обкашда икки челақ қатик олиб кетаётган экан, калтак-палтағи билан олиб, елкама илдим-да, югургилаб кетдим.

— Ё, тавба, ё тавба! — дея орқамдан чопа бошлади қатикчи.

Қаёққа кетяпман, нега бундай қияпман, ўлай агар, билмайман. Устозим Дар Даражанинг дарвозасига пешонам теккандагина ўзимга келгандай бўлдим. Ҳа айтгандай, синглим Му Тини кўргани ошиққан эканман. Улар бу ердан кўчиб кетган деган жавоб бўлди ичкаридан. Ўша овоз яна, қаерда яшашларини билмайман, дея таъкидлаб ҳам қўйди. Дами чиқиб кетган баллондек бўшашдим-қолдим. Вамисоли қалбимдаги кувончни кимдир қўли билан сидириб олгандек. Кўча эшик олдида сада ёғочдан йўнилган курси бўлади. Кечқурунлари кўпинча устозим икковимиз ўтириб, аччиқ-аччиқ чой ичиб, мириқиб суҳбатлашардик. Хайрият, курсини кўчириб ташлашмабди. Ундан назаримда ҳалигача устозимнинг ҳиди келиб тургандек, ўтириб ўй суриб кетдим... Хўш, мулла Ақром, энди нима қилмоқчимиз, деб сўрадим ўзимдан. Шу қочганча қочиб кетаверамизми, ёки кўнгиллари бошқа бирор нарсани хоҳлаяптими? Бугун бир амаллаб сингилчангизни топиб,

дийдорига тўярсиз. Эртага устозингиз билан ҳам учра-
шарсиз. Хўш, ундан кейин-чи? Шифохонада қидирув
бошланади. Эҳтимол, бошлангандир ҳам. Сизни хавфли
қочоқ деб эълон қиладилар. Суратингизни минг жойга
ёпиштириб, ушлаб келганга мунча, дарагини айтганга
шунча, деб мукофот аташади... Умуман, қочиб, берки-
ниб юрган яхшими, ёки қилинган хатони бўйинга олиб,
мардонавор туриб берган яхшими? Қочоқлардан одам-
лар нафрат қилади. Қочиб юриб кўрсатилган қаҳрамон-
ликнинг кимга кераги бор. Хўш, мулла Ақром, гапир-
синлар, шаҳар фуқаросини оғир аҳволга тушириб,
Сеҳргар Иблиснинг қўлига топшириб қўйган азамат ўз-
лари бўлади-ку!

— Хўш, сен қандай маслаҳат берасан, Қалпоқ-
чам? — сўрадим охири.

— Мулоҳазанг тўғри, — фикр билдирди қалпоқ-
чам, — мен қочоқларга ёрдам беролмайман.

— Шифохонага қайтайми?

— Жиноят қилганмисан, ахир?

— Сеҳргар Иблисни дунёга келтирган мен бўламан.

— Демак, энди жазосини ҳам тортишинг шарт, бош-
қа иложинг йўқ.

— Унда сен нега келдинг бўлмаса?

— Сенга далда бўлгани.

— Шунча муддатга қандай чидайман?

— Эҳтимол, бир йил ҳам ётмассан.

— Мен Сеҳргар Иблис билан жангга киришмоқчи
эдим, иложи бўлса, бугун бошласам девдим.

— Ҳаммасига улгурасан.

— Ёрдам берасанми, кетиб қолмайсанми?

— Ёрдам бергани келганман.

Қалпоқчам, халоскорим, дея ирғишлай-ирғишлай
яна шифохонага жўнадим. Вақтида етиб борибман. Ан-
дак кечиксам, рация орқали қидирув эълон қилиб юбо-
ришмоқчи экан.

— Қаерларда юрибсан? — ер тепинди соқчи.

— Ёзилгани чиқувдим, — деб қўя қолдим.

— Одам деган ҳам тўрт соат ёзиладими?

Х Х I I Б О Б

ҚОВУНТОҒ УСТИДА СУРАТГА ТУШДИМ

Сеҳргар Иблис шаҳар фуқароси бошига офатлар
ёғдириб, бир-бирлари билан жиққамушт уришти-
тириб қўйгач, энди ишни далада бошлабди. Қовун-

чи деҳқонларни ишқмас қилиб сеҳрлабди. Қовунлар чопиқсиз, сувсиз қолиб, гул-гуллигича, хамак-хамак-лигича сўлий бошлабди. Энг ёмони, шаҳарда қовун етишмаётган эмиш, бир тилими фалон пул эмиш. Қаллоблар кўпайиб кетиб, ичсанг лабларингни бир-бирига ёпиштириб қўядиган шарбатларга сув аралаштириб сотадиганлар ҳам чиқиб қолибди. Қовун қаҳатчилиги мен ётган шифохонада ҳам сезилиб турарди. Илгаригидақанги қанду асал қоқилар қаёқда дейсиз. Пўчоғига ҳам зор бўлиб қолдик.

Раҳбарлар маслаҳатлашиб, бизни қовун чопиғига олиб чиқишга қарор қилишибди. Менга ўхшаган бақувват-бақувват йигитлардан анчасини тўплаб, Ша Кар районига олиб кетишди. Тавбахонани сизга таърифлаб ўтирмайман, яшаса бўладиган. Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, бизни бу ерга парваришлаб, буқадек семиртиргани ёки бўлмаса белимиз оғриб қолса, қўли юмшоқ хамшираларга массаж қилдиргани эмас, ишлатгани олиб келишган. Курорт эмас, буни ўзимиз ҳам яхши биламиз. Бизни сафга турғизиб қўйганлар худди шу мазмунда маъруза айтишди. Охирида:

— Хўш, яхши ишлаймизми? — деб сўрашди.

— Ишни қалпоқ қилиб қўямиз,— дея жавоб қайтардик.

Бешта бригада тузилиб, ҳар бирига бир гектардан полиз ажратиб берилди. Раҳбарларнинг ташвишланганларича ҳам бор экан. Палакларни ўт ўраб кетибди. Ҳар ғумайлар ўсибдики, кесиб олиб, поясини кетмонга даста қилса бўлади денг. Печак ўтни айтмайсизми, супрадек жойдан икки қон тўлади. Оҳ-оҳ, бу ўтлар қишлоғимизда бўлармиди, бир эгатида маҳалланинг молини тўйғизса бўларди-я. Шўринг қурғур қовун палаклар сарғайиб ётибди.

— Ўғит бер!

— Сув қуй!

— Тагимни чоп! — дея ёлворишаётганга ҳам ўхшайди.

Нима десангиз ҳам мен деҳқон бласиман-да. Ачинмай турулмайман. Биттадан эгат бўлиб беришди. Кунлик норма шу экан. Иш бошланди, назаримда ёмон бошланмади шекилли. Ғайрат билан беш, ўн кетмондан урилгандек ҳам бўлди. Ишбошилар марзага ўтириб, сигарет чекишга тутиндилар. Шу найт чопиқчилардан бири қўлидаги кетмонни иргитди-да:

— Ғирт аҳмоқ эканмиз,— деб қўйди.

— Нега? — савол беришди шериклари.

— Хўжайинлар маза қилиб карта ўйнашяпти.

— Тўғри,— гапни илиб кетди учинчиси,— эрталаб етти коса қаймоқ олдириб келишувди, ўшани иссиқ нон билан ейишаётганга ўхшайди.

— Эҳтимол, пиво ҳам ичишаётгандир?

— Оҳ-оҳ, тавбахона томондан қовурдоқнинг ҳиди келяпти, биттагина жазидан беришқайди.

Мана шунақанги гаплардан кейин чопиқчилар; биз ҳам ишламаймиз, дам оламиз, ҳеч бўлмаса биронта ўйин топиб ўйнаймиз, дея маслаҳат қила бошладилар. Биттаси кетмонларнинг дастасини чиқариб, от қилиб миниб, пойга ўйнаймиз, деган эди, бошқаси қаттиқлик қилади, юмшоқ жойларимизни яра қилиб кўяди, ундан кўра бир-биримизни от қилиб миниб, иккита-иккитадан бўлиб олиб, ким ўзар ўйнаймиз, орқада қолгани ютқизган бўлади, дея таклиф киритган эди, ҳаммаларига маъқул бўлди шекилли, қарсак чалиб юборишди. Мен ҳам ориққина бир йигитчани эндигина минаман деб турган эдим, қўлтигимда турган Қалпоқчам:

— Минма,— дея шивирлаб қолди.

— Нега минмас эканман, ахир бу мазза-ку,— дея сўрадим мен ҳам шивирлаб.

— Буларнинг ҳаммасини Сеҳргар Иблис сеҳрлаб қўйди.

— Қачон?

— Ҳозиргина.

— Мени ҳамми?

— Сени эҳтиётлаб қолдим. Ҳозирча эс-хушинг жойида, кўрқма, сеҳр сенга таъсир қилмайди, афсун ўқиб қўйганман. Хў ана, Сеҳргар Иблис биттасини от қилиб миняпти, чапдан учинчиси.

— Йўғ-э,— дедим ранги-қутим ўчиб.— Ахир бу ўзимиз билан келган чопиқчилардан-ку?

— Иблисинг чопиқчи қиёфасига кириб олди.

— Ҳозир мен уни бўғиб ташлайман.

— Ўзингни бос, мулла Аиром, уни ҳозир на бўга оласан, на даф қила оласан. Жуда ожизсан. Бақти-соати келар, жангга ҳам киришарсан. Ҳозирча кетмонга ёпиш, ишла, жон-жаҳднинг билан ишла. Пешонангдан тер шовиллаб қуйилсин. Ана шу тер сени сеҳрдан эҳтиёт қилади. Нега анграйиб қолдинг? Кетмон чоп деяпман, чоп тезроқ!

Қовун пайкални «от»ларнинг кичинаши, «чавандоз»ларнинг қийқириқлари қошлаб кетгандек бўлди. Бун-

дай қарасам, ҳай-ҳай, «от» лар тумшугини олдинга чўзиб, қушдай югуряптики, «чавондоз» лар энгашиб олиб тизгинларини силтаб-силтаб шунақанги қамчи уряптиларки, ишонсангиз, ҳавасим келганидан ўзимнинг ҳам тўрт оёқлаб югургим келиб қолди. Бейхтиёр кишнаб ҳам юбордим.

— Кетмон чоп,— деган овоз эшитилди яна қўлтигимдан.

Жони-жаҳдим билан кетмонга ёпишдим. Чопиқни соғиниб қолган эканман, кетмон чопмоқ — олмоқ-солмоқ, қўш ҳайдамоқ — бормоқ-келмоқ, хамир қормоқ — жон чиқмоқ, дея хиргойи ҳам бошлаб юбордим. Очиғини айтиб қўя қолай, мен кетмонни зўр чопаман. Тенг-қурларим орасида менга етадигани йўқ эди. Ғўза чопиқ дейсизми, ариқ кавлаш дейсизми, молхонадан туйнукча орқали ташқарига гўнг отиш дейсизми — ҳаммасида ҳам қишлоқнинг олди йиғитларидан эдим. Лекин шуни ҳам айтиб қўяйки, кетмон чопаётганда шошмаслик керак. Белни ғоз тутиб, дастани ўртарағидан ушлаб, бир меъёрда урсангиз, ҳам толиқмайсиз, ҳам ишингиз унумли бўлаверади.

Пойгачилар негадир ашула бошлаб юборишди:

*Тўрвангга ем солганман,
Тез-тез хабар олганман.
Елинг тараб турганман,
Чу, тулпорим, чу!*

*Шарбат ичган бедовсан,
Сувдан кечган бедовсан,
Ншдан қочган бедовсан,
Чу тулпорим, чу!*

Қарасам, пойгачиларнинг ашуласига, сакраб-сакраб «от» чоптиришларига маҳлиё бўлиб боряпман. Ўзимни эҳтиётлаш учун мен ҳам хиргойи қила кетдим:

*Пайкалларда қовун кўп,
Ҳар эгатда емиш тўп,
Пишса еймиз тўйиб хўб,
Чоп кетмоним, чоп тезроқ!*

*Кетмон чопсанг наҳорда,
Қовун есанг саҳарда,
Узум пишса баҳорда,
Чоп кетмоним, чоп тезроқ!*

Соқчилар муздек-муздек пиво ичишиб, тол соясиди ухлаб қолишган экан. Уйғониб қарасаларки, маъна шунақа аҳвол, қўрқиб кетишибди. Пойгачиларни туртиб-туртиб пайкал ичидан олиб чиқа бошладилар. Ҳаммаларини қатор тургазиб қўйишди. Виттаси сафда турган жойида ҳам ер тепиниб, кишнаб юборса бўладими! Соқчилар бу қанақа тартибсизлик, қанақа аҳмоқчилик, кап-катта одамларсизлар, уят эмасми, дея дўқ уришган эди, пойгачилар бир оғиздан биз ҳеч нарса қилганимиз йўқ, деб тониб туриб олишди, кўзларингизга шундай кўринаётгандир, деб таъкидлаб ҳам қўйишди.

Қанчадан-қанча панду насиҳатлардан кейин чопиқчиларни яна ишга туширдилар. Бари бир нафи бўлмади. Аввал озгина эшак минди ўйнайлик, кейин ишлаймиз, деб туриб олишди. Шу ўйин тугагач, энди чарчадик, ётиб дам оламиз, дея кўм-кўк майсалар устига чўзилиб, гумбурлатиб хуррак отишга тушдилар. Эртасига ҳам, индинига ҳам шу аҳвол давом этаверди. Бу ўртада менинг довругим ошгандан-ошаверади. Биринчи кун тўрт норма бажарган эканман. Эртасига ўн бир кишининг ишини қилибман. Бора-бора кунига бир гектар ерни ағдариб чопадиган бўлдим. Аввалига бу ерда чиқадиغان деворий газетада, кейинчалик бошқа газеталарда ҳам менинг ҳақимда суратли мақолалар босила бошланди. «Сеҳрли кетмон», деб бир ёзишди, «Бир кунда ўттиз норма», деб яна ёзишди. Тўғри, ўттиз нормага етказиб иш бажарган кунларим ҳам бўлган. Лекин астагина қулогингизга айтиб қўяй, бу ишларнинг ҳаммасини бир ўзим бажармадим. Уч-тўрт нормаси меники бўлса бордир. Қолгани мададкорим Қалпоқчамники эди. Гоҳо шундай пайтлар ҳам бўлардики, бир ўзим кетмон ураман-у, чап томонимдан ўн, ўнг томонимдан яна шунча кетмоннинг овози эшитилаверади. Бамисоли бир пайкалда бутун бригада ишлаётгандек. Унум ҳам шунга яраша. Бир энламини бошласам, эгат охирига етгунча ўттиз энлам бўлиб қолади денг. «Сеҳрли кетмон», деб мақола ёзишган кунларда худди шунақа бўлган эди. Уша мухбир аввалига «Трактор одам» деб ёзмоқчи ҳам бўлибди-ю, кейин бу йигитни мен трактор деб таърифласам, унинг керосин қуйиладиган жойи йўқ, кўрсат десалар оғзи билан бурнини кўрсатаманми, деб ўйлаб, ўз фикридан қайтибди. Ўзим ҳам ҳали айтганимдек чакана тер тўкмадим. Гоҳо кечалари ҳам пайкалда ётиб қолишга тўғри келади. Уч, нари борса тўрт соат ухлайман, холос.

Бир куни пайкал бошида ёнбошлаб ётган эдим, соқчилардан бири ҳаллослаганча келди-да, тезда юрар экансиз, катта хўжайинлар йўқлашяпти, деб олиб кетди. Ичкари кирсак, бошлиғимиз ёнида ундан кўра савлатироқ яна бир бошлиқ ўтирибди. Шунақанги басавлатки, асти қўяверасиз. Нафас қисиш касали бор эканми, ёки ҳаддан ташқари семириб кетганидан нафас олиши қийин бўляптими, ҳар қалай бир кўзини хиёл қисганча, бурнидан ҳуштак чалаяпти.

— Келдингми, ўғлим? — дея бошлиғимиз илкис ўрнидан туриб икки қўлини барабар узатди.

Айтгандек, сизга айтаман деб ёдимдан кўтарилибди, бошлиқ билан мен худди ота-боладек бўлиб кетганмиз. У мени ўғлим дейди, мен бўлсам, оппоқ дада, деб чақираман. Кўришиш учун басавлат кишига ҳам қўл узатмоқчи бўлудим, у негадир энди бу кўзини ҳам юмиб олди. Оташкуракдек чўзилган қўлларим ҳавода муаллақ қолди. Қўрқа бошладим. Бир бало борга ўхшайди.

— Чой ичасанми? — сўради бошлиғим.

— Майлингиз, — дедим секин орқамга тисарилиб.

Бошлиғим гапни узоқдан бошлади. Ўзимдан қолар гап йўқ эмиш. Ширин қовунлар мамлакати қовунсиз яшай олмас экан. Сўнгги икки йил ичида ҳосилдан барака кетиб, аҳолининг бир қисми ич қотиш касалига чалиниброқ турган эмиш. Ердамчилардан эса, ўзим кўриб турганимдек, умид йўқ эмиш. Текшириш учун келган басавлат раҳбардан яхши бир маслаҳат чиқибди. Яъни...

— Яъни, — деб бошлиғим икки кўзини юмиб ҳуштак чалаётган басавлат раҳбарга бир қараб олди, — яъни, сенинг меҳнат қилиш қобилиятинг беқиёслигига энди ҳеч биримизда шубҳа қолмади. Ҳатто энг катта идоралар ҳам тан бериб, менга фахрий ёрлик, пул мукофоти бериб юборишибди. Яъни, буларни сенга ҳалироқ, тантанали равишда топширамиз. Яъни, меҳмон бўлиб келган раҳбаримизнинг маслаҳати билан, сен билан шартнома тузамиз.

— Шартнома? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, шартнома. Яъни, айтмоқчиманки, хўп, бизга эллик гектар қовун полиз биркитилган, шундайми?

— Шундай.

— Яъни, бир ўзинг шунча ерни чопиқдан чиқардинг сугординг, ўғитладинг, шундайми?

— Шундай.

— Яъни, ўттиз кишининг ишини бажаряпсан, яъни, энди уёғи нима бўлади?

— Билмайман.

— Яъни, сен ўғлим, аввалги ғайрат билан ишлама-санг, энди буёғи расво бўлади. Ердამчилардан умид йўқ, ҳаммаси масхарабоз, найрангбоз бўлиб қолди. Билмадим, бу бало уларга қаердан ёпишди экан... Гектари-дан ўттиз тоннадан қовун оламиз деб қўшни хўжалик билан шартнома тузиб қўйганмиз. Хабаринг бордир? Энди буёғи нима бўлади?

— Билмайман.

— Яъни, сен билан шартнома тузамиз. Шу эллик гектар ердаги қовуннинг ҳосилини йиғиб олгуңча ўзинг парваришлаб берасан. Яъни бир ўзинг деяпман. Яъни бир ўзинг ўттиз ёрдамчининг ишини бажаришни давом эттирсанг, сен бутун жиноятингни бир йилда ювиб ташлаган бўласан. Шартнома тузамизми?

Худди шу пайтда эътиборли раҳбар иккови кўзини баробар очиб:

— Бу фикрни мен айтдим,— деди-да, бир кўзгалиб яна кўзларини юмиб олди.

Қани, ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, бунақанги шартномага, йўқ деб бўладими? Ахир мен чеккан машаққатларимга, тинимсиз қилган меҳнатларимга мукофот оляпман-ку! Йўқ, бу шартнома эмас, мукофот, энг катта мукофот! Туну кун тинимсиз ишлаб, озиб-тўзиб юзимда бурнимнинг ўзи қолди-ку, ахир, наҳотки йўқ десам!

— Розиман,— дедим шошилиб.

Эътиборли раҳбарнинг кўзлари яна очилиб кетди:

— Бизни уялтириб қўймайсанми?

— Уялтирсам...— дедим дадил туриб,— муддатимга яна шунча қўшиб берсаларинг ҳам майли.

Гапим икковига ҳам маъқул бўлди шекилли, ўша куниёқ шартномага учовлашиб қўл қўйиб юбордик. Уёғи кўнгилдагидек бўлди. Бир ғайратимга ўн ғайрат қўшилиб кетди. Қалпоқчам ҳам энг шимариб ишга киришди. Гектаридан шартномадаги ўттиз тонна ўрнига ўттиз уч тоннадан қовун етиштирибман денг. Қўшни хўжаликнинг аъзолари ҳашарга келишиб, бир минг олти юзу эллик тонна қовунни бир жойга уюшиб, бамисоли катта бир тоғ барпо қилишди. Тавбахонадаги бошлиқларимиз, шу атрофнинг катта-кичик раҳбарлари тўпланишган экан, мени кўярда-қўймай, қовунтоғ устига

чиқариб, суратимни олишди. Кейин... шунақанги иззату икром билан кузатишдики... майли, уёғини кейин айтиб берарман. Хатто ўша куни битта энгил машина ҳам совға қилиб, қатта йўлга чиқиб олгунимча карнай-сурнай чалиб қўлларини силжитиб туришди.

ХХІІІ БОБ

СЕВГИЛИМНИ АХТАРИБ

Х андалак шахрига қараб ўқдек учиб боряпман. Қўлим рулда, кўзим йўлда. Хаёлим эса, эҳ-ҳе, қаёқларда кезмаяпти дейсиз! Шундай хурсандманки, қанақанги хурсандлигимни шунақанги хурсанд бўлган одамгина тушунади. Ахир, ўзингиз ўйланг, кўни кеча қай аҳволди эдим, энгил машинага эга бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Машина эмас, қўғирчоқ дейсиз. Ичларини ҳам худди келин-куёвларни ЗАГСга оборадиган машинадек ясатишибди. Ҳаммаси меҳнатим туфайли бўлди, деб ўйлаб боряпман, ҳа-ҳа, меҳнатим туфайли! Жони-жаҳдим билан ишлаб, рекорд устига рекорд қўймаганимда бу ҳурматлар қаёқда эди. Қишлоғимиздаги бригадиримизга раҳматлар айтгим келяпти, меҳнатга мени ўша ўргатган. Ҳозир ёнимда бўлганда пешонасидан чўлпиллатиб ўпиб олган бўлардим... Йўл чеккасида икки йигит ўтиришган экан. Уринларидан туриб, баробар қўл кўтаришди. Олсам олиб кетай дедим-да, машинамга тормоз бердим. Ҳандалакка кетишаётган экан, орқа ўриндиққа ўтқазиб олдим.

— Менга қара, гапни бас қилайлик, — деди ўтириши билан новчароғи, — сен ўша Акром Акримийнинг ёнини олаверма. Жосус дедимми, тамом-вассалом!

— Йўк, у қаҳрамон. Мана бу суратини қара, тоғдек қовун уюбди-я! — эътироз билдирди пақанароғи.

— Жосус деяпман!

— Қаҳрамон деяпман!

— Биқинингдан дарча очиб қўяман!

— Жосус деган тилингни суғуриб оламан...

Тавба, бу қанақаси бўлди-а? Орқамга бир назар ташлаб олдим. Туппа-тузук йигитлар. Атайлаб йўлимга чиқариб қўйишдимикан? Бирон ишқал чиқариб, яна орқамга қайтариб олиб кетишса-я! Мен эмиш Ширин қовунлар мамлакатини заҳарлаш учун ўзим билан сарқитлар микробини олиб келиб, ундан Иблис деган мах-

луқни ясаб, қўйиб юборган эмишман. Жосус эмишман. Бунн новча йигит айтяпти. Ҳаммаси бемаъни гаплар булар. Акромий ўзи билан пок ният, олижаноб мақсад олиб келган. Нияти ўзимизнинг вужудимизда бўлган сарқитлар микробини тугатиш эди. Умримизни ўзайтириш эди, бу гапларни пакана йигит айтяпти.

— Йўқ, бари бир, жосус у!

— Ўзинг жосуссан, аблаҳ!

— Ким аблаҳ?

— Ичи қора, маразсан.

— Мана сенга мараз!

Дон талашган жўжаҳўрозлардек тепкилашиб кетишди. Нима қилишни билмай қолдим, ажратсамми, қўйиб юборсамми... Йўқ, бир гап чиқаришмоқчи булар. Аралашиб бўлмайди. Машинамни шартта тўхтатдимда урчиётган бақадек бир-бирининг устига мингашиб олишган экан, оёқларидан тортиб, пастга тушириб, тезгина жўнаб кетдим. Шу пайтда юрагим қоқ иккига бўлингандек бўлди. Ярмига қувонч, ярмига гусса қуйилди. Қувончим шундан иборат эдики, демак, мени деб кимлардир энг шимариб жанг қиляпти. Гуссамнинг сабаби шунда эдики, покиза номимга озгина бўлса ҳам шу Иблис туфайли доғ тушириб олган эканман. Демак, юзимнинг бир томони кундек ёруғу бир томони тундек қора экан.

Ҳандалак марказидаги чорраҳага кирганда иккилашиб қолдим. Рулни қаёққа бурсам экан. Аввал севгилим Гу Лини ахтариб топиб, қутулиб келганимни айтиб мақтансамми, ёки синглим, тирик етим бўлиб бўзлаб юрган Му Тини қидирайми. Буёқда ишқ оташи, уёқда акалик меҳри, уфф...

— Ҳов овсар,— қичқирди чорраҳадаги соқчи,— машинани ол, бирор ёққа!

— Ути ўчиб қолди,— деб баҳона қилдим.

Му Тилар яшайдиган тарафга бурилдим. Бахтимга ишим ўнгидан келди. Осонгина топиб олдим. Билмадим, бу соф тасодифмиди, ёки тақдирнинг тақозосими, қаранг, ҳў бирда мен ишқу муҳаббат баён қилиб хат ёзганим Гу Ла холам бор эди-ку, эсладингизми, Му Тини ана ўша кампир қиз қилиб олган экан. Оҳ, учрашув дақиқаларидаги қувончимизни кўрсангиз! Йўқ, буларни мен сизга кейинроқ бафуржа таърифлаб бераман. Шошилиб турибман, ҳар нарса бўлай, тўрқовоққа тушган беданадек бетоқатман. Кўз ўнгимдан Гу Лихоннинг гул-гул яшнаб турган қиёфасию, ўлиб қоласиз деб жуда

қўрққан эдим, хайрият уйғондингиз, дегани қулоқларим остида кумуш қўнғироқдек жаранглаб тураверди. Ҳа, у мени севади, севмаса бу гапларни айтмас эди. Ҳузурига шошилишим керак.

Уша кунни билмадим, ўнг томоним билан турган эканманми, қайси ишни ихтиёр қилсам, ўнгидан келаверди. Севгилимни топиш ҳам унча қийин бўлмади. Ўзи ишлайдиган шифохонанинг орқасидаги катта гулзорда дев қоматли бир йигит билан чақчақлашиб ўтирган экан. Йигитга кўзим тушгач, вой тавба, одам боласининг гавдаси ҳам шунақа катта бўладими, деб ўйладим. Елкалари шунақа кенги, ҳар биттасида биттадан одам ўтириб, чой ичса бўлади. Билакларидаги мушаклари беш килолик қадоқ тошдек ирғиб чиққан. Мўйловини айтмайсизми, оғзи қаердалигини билиб бўлмайди. Бу одам боласи эмас, дев, деган фикр ўтди бошимдан, бунақанги улкан гавдани шу ўлкага келганимдан буён иккинчи бор кўришим. Биттасини Чинор Чинорий деб аташарди. Уни сизга таништирганман... Бу барзанги эҳтимол ўшанинг ўғлидир, важоҳатини қаранг, ҳай-ҳай, яқинига боргани юрак бетламайди-я!

Бошимга қалпоқчани кийиб, аста яқинлашаётган эдим, хайрият, девқоматли хайрлаша бошлади.

— Гап шу, — деди ўрnidан туриб, — кутаман.

— Қўйинг шунақа гапларни, — деб қўйди Гу Ли нозланиб.

Девқоматли севгилимнинг нозик қўлчаларидан беозоргина ўпиб, жўнаб кетди. Упди. Ўз кўзим билан кўрдим. Рашк деган нарса ёмон бўларкан, ловиллаб ёниб кетдим. Бир хаёлим, ахир мен кўзга кўринмайманку, катта таёқни олиб, барзангини савалаб қолай ҳам дедим. Лекин фикримдан тезгина қайтдим. Нега десангиз Қалпоқчам фақат хайрли ишгагина ёрдамлашаман, деб огоҳлантириб қўйган. Буюк ишлар олдида унинг марҳаматидан айрилиб қолишдан қўрқардим.

Гу Ли ширин хаёлларга толганча гулзор ўртасида тек туриб қолди... Бас бойлашиб айтаманки, бунақаги гўзал, бунақаги латофатли, бунақанги маъсума қизни икки дунёда ҳам тополмайсиз. Қиз эмас, киноларда кўрганам — сув парисининг ўзгинаси. Юзидан нур ёғилляпти, ҳар ёноғида қизил гул очилиб турибди. Қоматининг нозиклигина айтмайсизми, атиргулнинг новдасига ўхшайди... Бошимдан қалпоқчамни олдим.

— Вой! — Қиз орқасига тисарилди: — Вой-вой!

— Қўрқманг, бу менман, — дедим ўзим ҳам андак чўчиб.

- Акромий?!
- Худди ўзиман.
- Вой, қаёқдан пайдо бўлиб қолдингиз?
- Хаёл сураётган экансиз...
- Анови барзанги сизни кўрмадим ишқилиб?
- Кўрса-чи?
- Чивиндек эзгилаб ташийди-я.
- Эҳтимол мен уни эзгилаб ташларман.
- Сиз-а?!
- Ҳа, мен.
- Мамлакатнинг етти марта чемпиони бўлган йигитни-я?
- Менга деса ўн марта бўлмайди.

Қиз шунақанги хандон отиб кулдики, кулгиси ҳам шундай беғубор, шундай самимий эдики, назаримда унинг юзида ҳозиргина очилган анвойи гуллар тўлқин ураётгандек эди. Ҳа у гул эди. Қаршимда тонгда очилган гулнинг ўзгинаси турарди!

— Қамокдан қутулдингизми? — деди қиз кулгидан тўхтаб.

- Қутулдим.
- Катта муддатга кетувдингиз шекилли?
- Меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатдим.
- Қовун тоғ устида тушган сувратингизни кўрдик, — севгилимнинг юзида фахру ифтихор гуллари очилгандай бўлди, — лекин бошлабсиз, қойил! Фақат кўпчилик ишонмади. Одам эмас, сеҳргар бўлса керак дейишяпти. Ростдан ҳам сеҳргар эмасмисиз?

Бу гал мен хандон отиб кулдим. Шунақанги қаттиқ кулдимки, дарахтдаги қушлар гур этиб кетишди. Вақт келди, дея ўйлай бошладим кулги ичида, ишқида ёнганимни ҳозир баён қиламан. Ё ҳозир, ё ҳеч қачон! Дадил бўл, Акромий, муҳаббатинг, бахтинг, мана қаршингда турибди. Андак сусткашлик қилсанг, барзанги илиб кетади.

- Гу Лихон... Шу ҳалиги...
- Нима ҳалиги?
- Ҳалиги... Мен сизга уйлангани келдим.
- Нима?! — Қошлари керилиб кетди севгилимнинг, — Нималар деяпсиз, эсингиз жойидами? Тавба, ҳозирги замон йигитларига ҳайронсан, бир жилмайиб қўйсанг, дарров уйланиш пайига тушиб қолишад-я, тавба!

Мен, яъни Акром Акромий ҳозироқ бориб тушимни сувга айтишим керак экан. Ундан кейин мен Сеҳргар Иблиснинг дунёга келишида бош айбдор ҳисобланар-

канман. Қолаверса, профессорлик унвонидан махрум бўлган, илмсиз бир дарвиш эканман. Ва яна уйсиз, жойсиз, санқиб юрган бир дарбадар ҳам эмишман. Бу аҳволда бировга ишқ баён қилгандан кўра сойга бориб тошимни теришим керак экан... Тош терадиган аҳмоқ йўқ, мени Ақром қайсар дейдилар. Қайсарлар авлодидан бўламан.

— Гап шу,— дедим қатъий қилиб,— мен сизга уйланаман.

— Сиз-а?

— Хоҳласангиз Сеҳргар Иблисни бир ҳафтада ушлаб, қопга солиб бераман. Ҳайинчоқ қилиб ўйнаб юрасиз.

— Сиз-а?!

— Хоҳласам профессорлик унвонимни уч кунда қайтариб оламан.

— Сиз-а?!

— Хоҳласангиз сизга атаб олтидан қаср қуриб бераман.

Қиз яна хандон отиб кулди. Лекин, э-воҳ, бу гал унинг юзларида анвойи гуллар очилмади, масхара тиканаклари бўртиб чиққандек бўлди. Кулгидан тўхтаб, энди ҳазилни бас қилайлик, учрашувга бормоқчи эдим, кечга қоляпман, дея жўнаб кета бошлади. Ҳўсам ўламан, аммо ортингдан қолмайман, дедим-да, изма-из кетавердим. Орқасига бир қаради, икки қаради, ниҳоят, уф тортиб:

— Қанақа шилқимсиз ўзи? — деб қўйди.

— Шунақа шилқимман,— дедим мен ҳам ўша оҳангда.

— Наҳотки жонингизга ачинмасангиз?

— Нега ачинар эканман?

— Ахир у сизни ўлдириб қўяди,— чинакамига раҳми келаётгандек бир оҳангда деди қиз. Ҳатто шу гапни айтаётганда йиғлаб юборай ҳам деди шекилли. Маълум бўлишича севгилим ҳалиги барзанги билан кинога тушишга сўз бериб қўйган экан. Иккита билет олиб, кутиб тураман, дебди. Эҳтимол, ўша билетга биз тушармиз, дедим. Қайсарлигим учун қиз мени бир жазоламоқчи, барзангига калтаклатиб таъзиримни бермоқчи бўлди шекилли, ўзингиздан кўринг, деди-да, индамай кетаверди. Индамаганлиги учун секингина қўлтигидан олиб, ёнма-ён бўлиб боравердим. Орамиздаги жимликдан фойдаланиб, қалпоқчам билан шивирлашиб ҳам кетяпман:

«Азизим, ёрдам берасанми?»

— Ахир бу хайрли иш эмас-ку?

— Гу Лихон барзангини севмайди. Қўрққанидан борапти.

— У мени ўлдириб қўйса-чи?

— Қўрқма, бошингни чўяндан, баданингни темирдан, муштингни пўлатдан қилиб қўяман. Олдин шаҳид бўлганларнинг ҳам ўчини оласан.

— Олдин ўлганлар ҳам бўлганми?

— Гу Лихонга гап қўшгани учун бешта йигитни уриб ўлдириб қўйган.

— Барзанги-я?

— Ҳа.

Шивир-шивиримиз худди шу ерга етганда узилиб қолди. Гап билан бўлиб барзанги кутиб турган жойга етиб борганимизни пайқамай қолибман.

— Бу мишиқини қаердан илаштирдинг? — гулдираган овоз билан сўради барзанги. Вечора Гу Лихон худди оч бўрига дуч келган қўзичоқдек дир-дир қалтираётганини кўриб турибман. Унга ҳам қийин. Бир томони барзангидан қўрқса, бир томони менга ачиняпти ҳам шекилли. Бошини гуноҳкорона эгиб жимгина тураверди.

— Қани, туёгингни шиқиллатиб қол-чи, — буюрди менга барзанги.

— Ўзинг шиқиллат, — дедим олдинга бир одим ташлаб.

— Нима!

— Йўқол! — дедим ер тепиниб.

Энди уёгини айтмай қўя қолай. Етти мушт у урди, еттита мен туширдим. Саккизинчи зарбани еганда барзанги ерга қулади. Рашк алами ёмон бўларкан, ҳарчанд ўзимни босай десам ҳам босолмайман. Думалатиб олиб, мана бу ноҳақ калтакланганлар ҳаққи, мана бу севги йўлида қурбон бўлганлар ҳаққи, дея тепкилаб уёққа олиб бораман, буёққа олиб келаман. Охири ёқасидан олиб турғаздим-да:

— Севишганлар ўртасига яна тушасанми, қора тиканак? — деб сўрадим.

— М-м-м-мен... — дудуқланди барзанги.

— Тавба қилдим де!

Қулоғининг остига яна бир туширдим-да, қани энди жўнаб қол, дея ер тепиндим. Ё тавба, ҳали унинг кучи кўп экан, шунақанги шаталоқ отиб қочдики, агар югуриш бўйича мусобақа бўлганда, яна бир бора чемпион бўларди деяверинг.

Бир чеккада ёқасини ушлаб, ҳангу манг бўлиб турган Гу Лихондан:

— Қалай? — деб сўрадим.

— Бало экансиз-ку, — тан берди севгилим.

— Ишқингиз менга куч бағишлади шекилли, — дея ҳазиллашдим. Сўнг қўлтиғидан олиб, кинозалга бошладим. Шу ёшга кириб, қиз бола билан биринчи марта кинога тушишим эди. Шунинг учун бўлса керак, ўзимдан-ўзим терлаб кетавердим.

XXIV БОБ

БУ БОБНИНГ МАЗМУНИ ИЧИДАГИ ГАПЛАРДАН МАЪЛУМ БУЛАДИ

Т уни билан тиканга ағзнагандек ухлаёлмай чиқдим. Демак, дейман ўзимга-ўзим, севгилим менга учта шарт қўйди: биринчиси қандай бўлса ҳам Сеҳргар Иблис билан жангга киришиб, енгиб, қайтадан онасининг қорнига — йигирма литрлик шишага киритиб юборишим керак. Иккинчидан профессорлик унвонимни тиклаб олишим зарур, учинчидан битта иморат солишим шарт. Ана ундан кейин қўш карнайлар чалдириб, тўйлар қиламиз, куёв сарполарни кийиб олиб, жўраларим билан ёр-ёрлар айтиб, ўйинларга тушиб, қийқиришиб, тўйхонага кириб борамиз... Йўқ, мулла Ақром, тўйга ҳали эртароқ, андак сабр қилсинлар... Аввало устозлари ҳақида ўйлаб кўрдиларми? У киши тавбахонада жанобларининг айби билан ётибди-ку? Уни қутқариш учун эса... Уфф, нима қилсам экан, ҳар қанча ўйласам ҳам ақллироқ бир режа фикримга келмаяпти. Роботлар ҳаққа ўхшайди. Ақлий ривожланишим... майли, уёғини айтмай қўя қолай.

— Азизим, — дея мурожаат қилдим қалпоқчамга, — устозимни қутқаришга ёрдамлашасанми?

— Йўқ, — кескин қилиб деди қадрдоним.

— Нега?

— Қонунга қарши боролмайман деб бошидаёқ айтганман. Хайрли ишгагина кўмаклашаман.

— Уфф, энди нима қилдим?

— Ухла, тўйиб ухласанг, бошингга бирон фикр келиб қолар.

Ухлашга яна ҳаракат қилдим. Кўзларим юмуқ, миям эса ёғланган мотордек гупиллаб ишлаб турибди. Кимдандир юзгача санасанг ухлаб қоласан деб эши-

тувдим. Минггача санадим ҳамки, қани энди кўз қурғур илина қолса. Саноқни қайтадан бошлайман деётгандим, хайрият, тонг отиб қолди.

Туриб, муздек сувга ювиниб, яхшигина нонушта қилдим. Сўнг синглим Му Ти, онамдан ҳам меҳрибонроқ бўлиб қолган Гу Ла холам билан анчагача чақчақлашиб ўтирдик. Нима бўлганда ҳам аввалги ишимга кириб, лабораторияга яқин бўлишим керак, деб қадрдон институтимга, менга унвон берган, номимни Ширин қовунлар мамлакатига танитган меҳрибон коллективимга отландим...

Инсон умрини узайтириш илмий текшириш институти. Бу даргоҳ авваллари гулларга кўмилиб ётарди. Атроф ёғ томса ялагудек тоза, озода, дарахтлар ярмигача оқланган, деворлар турли рангларга бўялган, йўлакчалар супурилган, хиёбонларга сувлар сепилган — бамисоли жаннатнинг бир парчасидек кўзга ташланарди. Энди бўлса, ё тавба, шунақанги хароб бўптики, таърифига сўз топилмайди. Йўлакларда чиқиндилар уюлиб ётибди, деворлар қулаган, кимдир гулзорга новвос боғлаб қўйибди. Гулзор ўртасидаги фавворача ҳовузига тўкилган ахлат тоғ баробар бўлиб кетибди.

Директоримиз Устун Устуний ишдан олиниб, ўрнига бегона одам келибди. Йўқ, бутунлай бегона эмас, уни кўрганман, сизга ҳам таништирувдим шекилли. Бу юртга янги келганимда амалдорлар фарзанди ўқийдиган факультетга ўғлини жойлаштириш учун келиб, имтиҳон комиссияси раисига «Ушбу лавозимни ўғлингизга мерос қилиб қолдираман» дея катта гапириб кетганлиги ҳақида сизга ҳикоя айтиб берувдим. Эсладингизми, ана шу одам, яъни Шар Манда институтимизга раҳбар бўлиб тайинланибди. Буни мен кейинроқ билдим. Ҳозир эса қабулхона котибаси қаршисида турганим учун гапни шундан бошлаб кетавераман. Котиба рўпарасига кичкинагина ойнани қўйиб олиб қошига ўсма қўйяпти. Машғулотига шундай берилибдики, кирган билан ҳам чиққан билан ҳам иши йўқ. Онда-сонда хиргойи қилиб, чиройли оёқларини ликиллайтиб қўяди.

— Кечирасиз, мен директор ҳузурига кирмоқчи эдим, — дедим ниҳоят тоқатим тугаб.

— Директор банд, — деб қўйди кизгина.

— Қачон бўшайди?

— Билмайман.

— Зарур ишим бор эди.

— Навбатга қачон ёзилгансиз? — шундай деб киз-

гина тўнкарилган пиёланинг орқасига яна ўсма сиқа бошлади.

— Қанақа рўйхат? Қанақа навбат? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Қанақа рўйхат бўларди, — жеркиб берди котиба, — бошлигимиз ҳузурига кирувчилар рўйхати-да! Тавба, эрталабдан бери нуқул овсарлар келяпти-я!

— Навбатга ёзилишим шартми, ёзилсам қачон келаман?

— Уч ойдан кейин.

— Нима?!

— Кармисиз!

— Кар-ку эмасман-а, лекин ишим жуда зарур эди.

— Унда бошлиққа бирон яхшилик қиласиз... Эҳтимол, ўғилларидан биронтасининг кўнглини овларсиз.

— Ўғилларидан?!

— Қизларига совға қилсангиз ҳам бўлади.

— Қизларига?!

— Набиралари қимматбаҳо ўйинчоқларни яхши кўради... Кумуш тойчоқми, олтин ғилдиракли аравачам...

— Олтиндан дедингизми?

— Бўлмаса эвараларига бирон яхшилик қилишга уинаб кўрасиз. Боғчага олиб боришга, йўқ, одам тайинланган экан. Кечқурун от-от қилиб миндиришга... қаранг, бундан ҳам кеч қолибсиз. Лой ишларига қалайсиз?

— Дурустман.

— Дурадгорликка-чи?

— Қўлимдан келмайди.

— Бўлмаса, яхши йигит, гап бундай: бошлигимиз эвараларига атаб шаҳар ташқарисиди иморат тикляптилар. Беш-ўн кун қарашиб берасиз. Келишдикми?

— Тўхтанг, — дея жаҳл билан ўрнимдан туриб кетдим, — ахир мен профессор Акримий бўламан. Аввал бу ерда ишлаганман.

— Профессор бўлсангиз... унда ўн беш кун ишлаб берасиз.

— Эсингиз жойидами!

— Гап қайтарганингиз учун яна беш кун қўшаман. Йигирма кун ишлаб берганингиздан кейин келасиз.

— Авваллари бунақа эмас эди.

— Сиз кўрган толлар кесилиб кетган.

— Бюрократ бўлиб кетибсизлар.

— Ҳақорат қилманг! Бўлмаса ҳозир соқчи чақираман.

Чақирсанг чақиравер дедим-да, шартта бориб директорнинг чарм қопланган эшигини зарб билан очдим. Ҳеч ким йўқ. Бир ўзи қорнини столга берганча, аниқроғи, икки қўллаб столни қучоқлаганча газета ўқиб ўтирибди. Менга кўзи тушиши билан аста-секин боши кўтарилиб, кўзлари шифтга қадалди-ю, тек қотиб қолди. Қат-қат бўлиб тушган бақбақасига тикилиб бир оз турдим-да:

— Ассалому алайкум, — деб қўйдим.

— Имм, — деган овоз эшитилди қат-қат бақбақанинг ёнидан.

— Мен Акром Акромийман.

— Иххх...

— Илтимос билан келувдим.

— Им-м-м.

— Қалай, эсон-омон юрибсизми?

— Их-ҳ...

— Мен яна ўз ишимга кирсам деб келдим.

Шар Манда ўнг қўли билан чиқиб кет дея ишора қилгандек бўлди. Эҳтимол, мени танимаётгандир, деб яна исмимни такрорладим. Бу гал икки қўллаб ишора қилди. Хўрлигим келиб, йиғлаворай-йиғлаворай дея секин орқамга қайтдим. Қиз қошларига оро беришни тугатиб, энди лабига бўёқ суртаётган экан:

— Қалай? — деб сўради ойнадан кўзини олмай.

Бошқа иложим қолмаган эди, тартибга бўйсунибга мажбур бўлдим. Нима бўпти, беш-ўн кун ишлаб берсам ўлиб қолармидим, қайтага жисмонан чиниқаман-ку.

Уша заҳотиёқ институт автобусида Шар Манда иморат қураётган жойга жўнаб кетдим. Борганимдан сўнг дилим анча ёришгандай бўлди. Мен-ку оддийгина бир йиғитчаман-а, у ерда шунақанги катта олимлар ҳашар қилишаётган эканларки, асти қўяберасиз. Бири иштонини тиззасигача қайтариб олиб, лой тепган, бири обкашда сув ташиган, учинчиси инқиллаб гувала думалатган, қаранг, бу ерда ҳам огир ишдан қочганлар топилибди. Катта илмий ходимлардан бири Шар Манданинг набирасининг кўтликларини ювиб беришни ўз зиммасига олибди. Ҳар куни ўн маҳал ювиб, офтобда қуритиб, дазмоллаб ҳам берар экан. Бошқа бири набираларидан тўрттасини ўйнатиб юришга розилик берибди. Бир қарасангиз печенье чайнаб бераётган, бир қарасангиз ликитасини елкасига миндириб олиб, тўрт оёқлаб чопқилаётган...

Сизни зериктириб қўймаслик учун гапимни чўзмай

кўя қолай. Ун уч кун деганда йигирма минг гишт қўйиб бердим. Ун тўртинчи кунни директор ҳузурига киришга рухсат бўлди. Ким билади, биринчи бор кирганимда Шар Манда бирон касалга чалинган эканми, ёки ўн уч кунлик меҳнатим эвазига бўлдим, ҳар қалай бу гал мени ўрнидан туриб қаршилади. Қучоқлашиб кўришаркан, пешонамдан ўпиб ҳам қўйди. Институтга менга ўхшаган истеъдодли олимлар ҳозир жуда, жуда ҳам зарур эмиш. Агар шаҳардаги қайси бир идорадан ишлаши мумкин деган қоғоз олиб келсам, бугуноқ ишга тушишим мумкин экан. Сеҳргар Иблисга қарши умумшаҳар кураши бошланган, бурнингизнинг ҳид олиш қуввати зўр деб эшитганман, ўша фазилати ҳали ҳам бор бўлса, бизга кўп ёрдамингиз тегади, дея қўшимча ҳам қилиб қўйди...

Справка берадиган идоранинг бошлиғи менга ўхшаб бурни катта, ўзи ҳам дум-думалоқ, пешонаси дўнг бир амаки экан. Арзи-додимни эшитгач, столни анчагача чертиб ўтирди-да, ниҳоят кўзини хиёл қисиб.

- Хўш, қанча берасан? — деб сўради.
- Справка олиш учун пул тўлашим зарурми?
- Бўлмаса нима деб ўйловдинг?
- Пулим йўқ-ку.
- Унда справка ҳам йўқ.

— Илгари бунақа эмас эди шекилли, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Сен, болакай, тескари ташвиқот юритма, — овозини хиёл баландлатиб деди амаки, — хоқласанг шу, хоқламасанг ана катта кўча.

Буни ҳам Сеҳргар Иблис заҳарлабди, деб ўйладим-у, қўл-оёғим бўшашиб ўтириб қолдим. Энди нима қилдим? Шартта ўрнимдан туриб, афтига тупуриб чиқиб кетайми, унда справкани қаердан оламан, ўша зорманда бўлмаса ишга киролмайман-ку? Ишга киролмасам юзим қоралигича қолаверади. Қора юз билан устозимга қандай рўбарў бўламан.

- Хўш, қанча сўрайсиз? — дедим ўзимни босиб.
- Беш юздан камига бермайман.

Ана шундан сўнг мол бозоридаги далол билан сотувчи ўртасида қандай савдолашиш бўлса, биз ҳам шундай қилдик. Ўзим ҳам гапга чечан бўлиб кетдим шекилли, бунинг устига бозорга кўп бориб, даллолларнинг ҳунарига разм солавериш, кўзим ҳам хийла пишиб қолган экан. Қўлларини сиқиб олиб, шунақанги силкитдимки, нақ елкаларини узиб олаёздим. Охири, уч юзга кўниб:

— Ҳа, майли, пулни чиқарақол, — деб қўйди.

Чўнтагимда хемири йўқлигини тўсатдан эслаб қолдим. Ахир, ўзингиз ўйланг, кечагина тавбахонадан қайтган одамда пул нима қилсин. Бир-биримизга тикилиб қолдик. Амакининг кўзи тўла ғазаб, ўқ бўлиб отилай деб турибди. Мен бўлсам, хижолатдан қочгани жой тополмайман. Справкани бугун бераверинг, пулни эртага келтириб бераман, дея шу ёлвордим, шу ёлвордим, майли, ҳовлингизда деҳқончилигингиз бўлса, бориб чопиб берай, ўғил-қизларингизнинг кўтлигини ювай, деган гапларни ҳам айтдим. Амаки чўяндан қуйилган ҳайкалдай қотиб тураверди. На овоз чиқаради, на тириклигини билдириш учун бирон ҳаракат қилади.

Жимгина ортимга бурилдим. Энди нима қилдим? Ўйлай-ўйлай тавбахонадан совға қилинган энгил машинани сотишга қарор қилдим. Илгари ҳам айтувдим шекилли, Ширин қовунлар мамлакатада одамлар пиёда юришни афзал кўрганлари сабаб машинанинг бозори касод. Яп-янги нарсани кепак баҳосига пуллашга тўғри келди. Душанба куни эрталаб яна афти чўяндек совуқ амакининг ҳузурига кириб бордим.

— Мана! — дедим пулни стол устига ташлаб.

Қалбига Сеҳргар Иблис макон қурган амакининг совуқ юзида илиқлик пайдо бўлди, лабида табассум кўринди, кўзлари қувончдан чакнаб кетгандек бўлди. Справкани қўлимга тутқазга туриб, омад ёр бўлсин, деб қўйди. Ўша куни яна бир тўсиққа дуч келдим. Институтнинг кадрлар бўлимига мен исмини билмайдиган ёши элликлардаги бир аёл раҳбарлик қиларкан. Унга рўпара келиш учун бир шиша қимматбаҳо атир ё бир кийимлик ялтироқ мато бериш шарт экан. Совғаларимни олгач:

— Сиз илгари бу ерда ишларминдигиз? — деб сўради.

— Ҳа, — деб қўйдим.

— Яна ўша ишингизни давом эттириш ниятингиз борми?

— Ҳа.

— Паспортингизни пропискага қўйиб келинг, — шундай деб опамиз мен келтирган атирнинг қопқоғини очиб, чуқур-чуқур ҳидлай бошлади.

Йўқ, паспорт столида ҳам ишим юришмади. Назаримда қаерга боришни ихтиёр қилсам, Сеҳргар Иблис ўша ерга мендан олдинроқ етиб, ишим тушиши мумкин бўлганларни сеҳрлаб, қалбини музга айлантириб қўймоқда эди.

— Справка деяпман, — деярли бақириб деди паспорт столи бошлиғи.

— Қанақа справка? — дейман йиғламоқдан бери бўлиб.

— Нима бало, кармисан, маҳалладан деяпман.

Маҳалладан бўлса, маҳалладандир-да, дедим-да, оёғимни судраб босиб, ҳолсиз, дармонсиз бир ҳолатда маҳаллага жўнадим. Комитетнинг раиси ёши етмиш бешларга бориб қолган, қулоғи оғир бир киши экан. Оёғига бод келиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Гу Ла холаминикида тураман, шу уйга прописка қилмоқчиман, мен ҳам яшасам бемалол етадиган жой бор, деган гапни нақ уч соат тушунтирдим. Охири:

— Энди берасизми? — деб сўрадим.

— Нимани? — деб қўйди чол бувам.

— Справка.

— Қанақа справка?

— Пропискада туриш учун.

— А?!

— Про-пис-ка.

— А?!

Бемалол ўтириб олиб, қайта бошдан тушунтира бошладим. Билмадим, бир соатдан кейинми, икки соатдан кейинми ҳарқалай справка беришга кўнгандай бўлди. Лекин, қуруқ келганинг чакки бўлибди, текинга олинган справканинг хосияти бўлмайди, ҳеч бўлмаса кирасига оёқларимни уқалаб қўясан, деб туриб олди. Биласиз-ку, бунақанги ишларга суягим йўқ. Енгимни шимариб, ишга тушиб кетдим. Бармоқларидан тортиб, сонигача қирсиллатиб уқалай бошладим. Унг оёғини тугатсам, чап оёғини тутати денг. Охири чарчаб:

— Бўлдими? — деб сўрадим.

— Йўқ, — бошини сарак-сарак қилди чол, — энди белимни ҳам уқалаб қўясан. Қўлинг енгил экан, бўтам, оёқларимга жон киритиб юбординг. Сенга справкани шунақанги зўридан бераманки... Баракалла... Сал юқорогидан бошла... бу справка билан дунёнинг нариги чеккасига борсанг ҳам гапинг ўтаверади... ҳа, ҳа, ана шу ерларини қаттиқроқ бос. Бай-бай, қўлингни сеҳри борми дейман, таним роҳат қияпти-я. Бос, босавер... Уч-тўрт кун уқаласанг, худо хоҳласа, оёққа туриб қоламан. Ана ундан кейин... справка ўзи яхша нарса-да. Одамнинг обрўйига обрў қўшади, тилини узун қилади, мартабаси баланд бўлади.

Бир ҳафта деганда чол оёққа туриб, шу уйда яшаса

бўлади, мазмунида справка ёзиб берди. Боринги, олтмиш тўрт кун давомида турли идоралардан ўттиз иккита справкани ундиргунча игна ютган итдек озиб кетдим. Дармоним кетиб, ўрнимдан туролмайдиган бир аҳволга тушиб қолдим. Бу ҳолимни кўриб, Сеҳргар Иблис бир неча бор қаҳ-қаҳ уриб кулганини сезгандай бўлдим. Демак, бутун ишларимни ўша Иблис орқага сурмоқда эди... Машаққат кетидан роҳат келади, деганлари рост экан. Олтмиш бешинчи куни «Сарқитлар» лабораториясига катта илмий ходим сифатида ишга жойлашиб олдим. Кимсан, профессор Акром Акромий бўлиб кетдим яна.

XXV БОБ

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

шлаётганимизнинг учинчи куни эди шекилли. «Сарқитларга қарши кураш шаҳар комитети»га И чақириб қолишди. Аввалига яна бир бало бўлмаса гўрга эди, дея қўрқиб, товонимгача музлаб кетди. Нима бўлгандаям шу кунларда кўрганимдан баттари бўлмас, деб ўзимга таскин бердим. Ёши эндигина қирқларга борган бўлса ҳам, сочи оппоқ оқариб кетган, юзи етилиб пишган хандалакдек дум-думалоқ, ёноқлари тарам олмадек кип-қизил, лаблари ҳозир-ҳозироқ бир гап айтиб юборадигандек ғалати қимтиниб турадиган Нарн Бери исмли бир киши идорага бошлиқ экан. Мени чақирганларида қанчалик ҳайрон бўлган бўлсам, Нарн Бери деган исми эшитганимда ҳам шунчалик энсам қотди. Тавба, деб қўйдим ўзимча, одам бола-сининг исмиям шунақа бўладими? Кейинчалик оққўнгил, феъли кенг, саховатли ва ўтакетган даражада қўрқоқ бўлган бу одам билан яқинлашиб кетгач, ғалати исмининг маъносини сўраган эдим, э, оғайни, ҳамма нарсани биламан десанг, пақ ёрилиб ўласан, деб қўя қолди. Хуллас, мана шу одам идорага бошлиқ экан.

— Исмингиз Акром Акромий, шундайми? — деб илиққина қарши олди бошлиқ.

— Шундай,— деб қўйдим.

— Ҳидлар бўйича мутахассис эдингиз шекилли?

— Ҳа, унча-мунчасини биламиз.

— Қанчагача ҳидни фарқлай оласиз?

— Узим санаганим йўқ, одамлар мингга яқин деб айтишади.

— Офарин,— Нарӣ Бери кафтларини бир-бирига ишқаб қўйди,— мана бу ахборотномада, ҳурматли профессор, сизнинг ҳақингизда илиқ сўзлар битилган. Ёзишларича, сиз одамнинг афтига қараб бу ёлғончи, бу чақимчи, бу игвогар, деб айта олар эмишсиз, ростми?

— Афтига қараб эмас,— дея эътироз билдирдим,— қонини ҳидлаб кўриб биламан.

— Анализ учун аввало ўша одам қонидан бир-икки томчи олиб кўраб экансиз-да?

— Ундай эмас, яқинига бориб, ҳидлаб кўрсам бас, кимлигини дарров айтиб бераман.

— Офарин,— Нарӣ Бери кафтларини яна ишқади,— хабарингиз бор, шаҳримизда Сеҳргар Иблис пайдо бўлиб, яхши одамларимизни заҳарлаб қўйяпти. Олдимизда икки вазифа турибди: бири сарқит билан заҳарланган дўстларимизни қутқариш, иккинчиси заҳарли микробларни тарқатиб юрган Сеҳргар Иблисни ушлаш. Токи шаҳар эркин нафас олсин, токи юртимизга аввалги осойишталик яна қайтсин. Бизга ёрдам беришингиз керак. Бўйин товлашга ҳақингиз йўқ. Негаки, ўша Сеҳргар Иблиснинг пайдо бўлишида сизнинг ҳиссангиз бор экан. Тўғрироғи бош айбдорлардан бири экансиз. Мана бу қоғозларда шундай деб қайд қилинган. Демак, ёрдамлашасиз. Қўрқманг, ёлғиз эмассиз. Соқчилар, суд, прокуратура ва яна қанчадан-қанча жамоатчилик вакиллари ҳам бу ишга сафарбар этилган. Хўш, ёрдамлашасизми?

— Бўлмасам-чи,— дедим ишонч билдиргани учун хурсанд бўлиб.

— Ишга қачон тушасиз?

— Сиз хоҳлаган пайтда.

— Бўлмаса эртадан бошлаймиз, келишдикми?

Хайрлашиб чиқиб кетаётган эдим, Нарӣ Бери кулимсираб, андак хижолат бўлганнамо мени тўхтатди. Менинг ҳам қанақа одамлигимни айтиб бера оласизми, деб сўраб қолса бўладими! Хижолат бўлганимни кўрсангиз. Бугун-эрта сенга бошлиқ бўладиган, тақдирингни ҳал қиладиган одамнинг юзига қараб, сен фалонсан, деб айтиб бўларканми... Анча маҳал чайналиб турдим. Мен ростгўй одамни яхши кўраман, деб бошлигим яна қисташга тушди.

— Сиз оққўнгилсиз,— дедим бурнимни тўлдириб уч-тўрт бор ҳаво симиргач.

- Яна?
- Яна раҳмдил ҳамсиз.
- Яна?
- Хўш... очик айтаверайми? Хафа бўлмайсизми?
- Хафа бўлмайман.
- Утакетган даражада қўрқоқсиз.
- Яна?
- Озгина амалпарастлигингиз ҳам борга ўхшайди.
- Рост айтдингиз, — дея Нарӣ Бери елкамга қоқиб

қўйди, — шунақа қусурларим борлигини ўзим ҳам сезаман. Қурмагур, лавозим деган нарса яхши-да. Ҳурмат, эъзоз, имтиёз, ёлвориб турган кўзлар... Хуллас, шу иллатдан каминада озгина бор. Лекин, илтимос, бунӣ бировга айтақўрманг.

Бўлажак бошлигим энди гапни бошқа ёққа буриб юборди. Яъни эртага киришишим керак бўлган ишда фидойӣлик керак бўлар экан. Ўзимиздан кечмагунча мақсадга эриша олмас эмишмиз. Мен, яъни Акром Акромиӣ ростгўй эканман, бу яхши экан, лекин ростгўйликнинг ҳам ўрни ва пайти бўларкан. Рост деб ҳамма гапни айтавериш ҳам одобдан эмас эмиш... Бу гапларни нима учун айтаётганлигини ҳеч тушунмасам ҳам маъқул дея бошимни қимирлатиб жим туравердим.

Хайрлашиб чиқишим билан устозим Дар Даражанинг ҳузурига равона бўлдим. Шаҳар ташқарисидаги тавбахонада арқон тўқийдиган корхонада цех бошлиғи бўлиб ишлаётганлигини набираси Му Тидан эшитган бўлсам-да, олдига боришга юрак қурғур бетламаётган эди. Юзим қора, виждоним азобда эди. Энди-чи, энди мана қилмишларимни меҳнатим билан ювдим. Хизматни ҳам бошлаб юбордим. Энг муҳими хайрли ишга бел боғлаганман. Сеҳргар Иблисни ушлаб, онасининг қорнига киритиб юбормагунча, уйқуни ҳам, оромни ҳам тарк этаман, дея қасам ичганман. Яна қовун тушириб қўймаслик учун устозим билан маслаҳатлашиб олишим керак эди.

Тавбахона дарвозасига етгач, бошимга Қалпоқчамни кийиб, кўзга кўринмайдиган бўлиб олдим-да, эшик олдидаги соқчилар столи остидан эмаклаб ўтиб кетдим. Устозим, Му Ти айтганидек, арқон тўқийдиган цехда эмас, пластмассадан қўғирчоқ ясаладиган цехда ишлар, бошлиқ ҳам эмас шунчаки оддий бир ишчи экан. Бир қўғирчоқни битказиб, парма билан киндигининг ўрнини тешаётган пайтида учратдим.

Бошимдан Қалпоқчамни олиб, тўсатдан кўз ўнгида пайдо бўлдим.

— А?! — деди-ю, бечора қўлидаги қўғирчоқни ерга тушириб юборди. Ўзим ҳам ғирт тентакман-да. Профессор деган номим бор, ҳалигача болалигим қолмайди. Ҳазиллашгим келаётган эди, кўнглимнинг шу майлини ҳеч босолмадим, бошимга қалпоқчани кийдим-у, яна кўздан ғойиб бўлдим. Тавба, деб қўйди устозим. Уч минут чамаси бир кўриниб, бир йўқ бўлиб туравердим. Э, тавба, устозим шеригига гапира бошлади, ажойиб бир шогирдим бўларди, шу кеча тушимга кирувди. Ҳозир ҳам кўзимга уч-тўрт марта кўрингандай бўлди-я. Яна туш кўраётгандирсиз, уста, деб қўйди ҳамкасби.

— Йўқ, ўнгингизда кўряпсиз,— дедим бошимдан Қалпоқчамни олиб.

— Акромий! — қичқириб юборди устозим.

Билмадим, неча фурсат ачомлашиб, неча фурсат ҳиқиллашиб йиғладик экан, бир-биримизнинг бағримизда эриб кетганимиз учун смена тугаганини ҳам, одамларнинг, ҳой, энди бас қилинглар, деганини ҳам пайқамай қолибмиз.

Устозим бу ерда ихтирочи бўлиб кетибди. Айтувдим-ку, жони-дили бола-ю, севган машғулоти болаларга қўғирчоқ совға қилиш деб. Ҳатто ўшанда сизга маошининг ярми шу қўғирчоқларга сарфланади, деб жиндек зорланувдим ҳам. Борингки, қўғирчоқ цехига ўз ихтиёри билан ўтибди-ю, кетма-кет янгиликлар яратаверибди. Одимлаб юрадиган, биқинини қитиқласангиз қиқирлаб куладиган, пешонасини силасангиз ўн олтита сўзни бемалол айтадиган қўғирчоқлари Ширин қовунлар мамлакати кўрғазмасида Олтин медаль олибди. Ихтирочиларга бошлиғу ўзига алоҳида хона, махсус устaxonаю ўн еттита ёрдамчи... Эҳ-ҳе, бу ерда ҳурмати шунақа ошиб кетибдики, таърифига сўз йўқ.

Ўзим ҳақимда гапириб бермоқчи бўлувдим, ҳаммасидан хабарим бор, газеталардан ўқиб-билиб турибман, фақат шу вақтгача бирон марта хабар олмаганинг учун хафа эдим, деб қўйди.

— Сиздан уялдим,— дея ўзимни оқламоқчи бўлдим.

— Нега уяласан? — назаримда ҳайрон бўлиб сўради устозим.

— Виждоним азобда эди. Сарқитли қонларни бирлаштирмаганимда ўша лаънати Соҳрғар Иблис пайдо бўлмасди. Сиз бу ерда ётмасдингиз.

— Тўғри, қатта хатолик бўлган,— устозим чуқур хўрсинди-ю, ўйга толди шекилли, анча маҳал жим бўлиб қолди,— лекин, бўтам, масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, сенда айб йўқ. Сен тўр эдинг, хатога йўл қўйишинг табиий эди. Бу ўринда мен ҳушёр бўлишим, сарқитли қонларни бирлаштиришининг хунук оқибатлари ҳақида сени қайта-қайта огоҳлантириб туришим даркор эди. Афсуски, мана шу нарса хотирамдан фаромида ҳам, гарчи жуда хунук бўлса-да, буюк бир кашфиёт бор. Ўзинг яхши биласан, жин, алвасти, жодугар, сеҳргар иблислар ҳақида деярли ҳамма халқларда ўзига хос бир тасаввур, ўзига хос бир тушунча бор. Ҳар бир халқ бу махлуқларга ўзича таъриф ҳам берган, образини ҳам яратган. Лекин ҳеч бири буларнинг қандай шарт-шароитда, қай йўсинда пайдо бўлишини айтиб беролмаган. Сен уни кашф қилдинг, яъни, ўн етти иллат бирлашганда бир Иблис пайдо бўларкан. Лекин минг афсуски, бу Иблисни биз қўлдан чиқариб юбордик.

— Ушлаш мумкинмиди? — шошилиб сўрадим.

— Албатта, мумкин эди.

— Ҳозир ҳам ушласа бўладими?

— Бўлади,— ишонч билан деди устозим.

— Нега бўлмаса ишга киришмаяпсиз?

— Ахир мен бу ердан, ихтиёр ўзимда эмаслигини кўриб турибсан-ку.

Пайт келди деб ўйлаб, мен ҳам анча-мунча сеҳргардан қолишмаслигимни устозимга баён қилдим. Сеҳрли Қалпоқчамни ўн бир марта бошимга кийиб, яна ўн бир марта олдим. Довдираб қолган устозим анчагача ўзига келолмай анграйиб турди-да:

— Бу сенмисан, Акротий? — деб сўради.

— Худди ўзиман,— деб қўйдим.

Шу пайтда устозимнинг ҳам болалиги тутиб қолса бўладими, кўярда-қўймай Қалпоқчамни уч бора бошига кийиб кўрди. Қизиқ, ҳеч қандай мўъжиза юз бермади. Сенинг вужудингда мўъжизалар мавжудлигини биринчи бор учратгандаёқ пайқаган эдим, деди-ю, жим бўлиб қолди. Устозимни қочишга ундай бошладим. Қалпоқчамни биргалашиб кийиб, кўздан ғойиб бўламиз, шаҳарнинг ҳолироқ бир гўшасида яшаб, Сеҳргар Иблисга қарши биргалашиб курашамиз, дея қайта-қайта таклиф қилдим. Устозим бош чайқаб, менинг қамалишим қонуний бўлган, қочишим эса қонунга зид, имконияти бор одам қонунни оёқости қилаверса...

жамият остин-устин бўлиб кетади, дея оёқ тираб туриб олди.

— Ахир, Сеҳргар Иблис одамларни булгаяпти-ку, — дедим қичқирмоқдан бери бўлиб.

— Сеҳргар Иблисга қарши курашмаймиз, деяётганим йўқ, нега қиғишасан, бўтам, — шошмасдан, ўзи билан ўзи паплашаётгандек бир оҳангда давом этди устозим, — лекин ҳар бир ишнинг натижаси қўлланилган усулнинг афзаллиги билан ўлчанади. Газеталардан, ўқиб турибман, профессор Дар Мон иссиқни иссиқ кесади, совуқни совуқ кесади, ёмонликни жазолаш орқали тугатиш мумкин деган фикрга бориб, Сеҳргар Иблис заҳарлаган кишиларни жазога тортмоқ керак, деган ғояга қаттиқ ёпишиб олибди. Эҳтимол у ҳам ўз йўлича тўғридир. Лекин, бўтам, бу фикрга мен унча қўшилмайман. Қўлингга қайноқ сув тўкилса, муздек лой боссанг, танинг роҳат қилади. Совқотиб турганинда бир пиёла қайноқ чой ичсанг вужудингга роҳат қуйилади. Ёмонликни яхшилик билан, зулматни нурзиё билан даф қилмоқ керак. Айтмоқчиманки, ёлғончилик касалига мубтало бўлган беморни ростгўй одамнинг қони, қайноқ нафаси ва пок нияти билан даволамоқ керак.

— Порахўрни-чи? — дея шошилиб сўрадим.

— Уни меҳнаткаш одамнинг қони ва мен яратган ноёб суюқликдан бир томчи қўшиш орқали даволаса бўлади.

— Сиз шундай суюқликни яратганмисиз?

— Суюғини ҳам, қуюғини ҳам аллақачон синовдан ўтказиб қўйганман.

— Менга айтмаган эдингиз.

— Бу сирни ҳеч кимга айта олмас эдим.

— Ўша дорилар қаерда ҳозир? Сеҳргар Иблис тоғамб олган бўлмасин тагин?

— Ташвишланма, тополмайди.

— Бобожон, ишга тезроқ киришайлик, тоқат қил-лолмаяпман.

— Сабр қил, бўтам, бизнинг ишимизда ҳали айтганим усулдан ташқари яна сабру тоқат ҳам катта роль ўйнайди... Хўш, нима деяётган эдим?

Устозим ўзи раҳбар бўлган лабораториянинг ертўласига иккита темир сандиқни лиқ тўлдириб ноёб дорилар жойлаган экан. Ертўлага тушишнинг сиру асроридан эринмасдан мени воқиф эта бошлади. Ҳали инсоният татиб кўрмаган, татиб кўрса барча иллатдан бора-бо-

ра қутулиши мумкин бўлган Ноёб дорилар сеҳрли сандиқларда сақланаётган экан. Уларни бу ерга, мана шу қўғирчоқлар уймалашиб ётган хонага бир амаллаб бешикаст келтириш қақида узоқ маслаҳат қилдик. Ниҳоят бир қарорга келгач, яна суҳбатимизнинг аввалига қайтдик. Устозим набираси Му Тини суриштира бошлади. Ранг-рўйи қанақа, иштаҳаси тузукми, кийим-боши озодагинами, кечалари туриб олиб йиғламаяптими, онаси билан ёзишиб турибдими... мана шунақа саволлар беряпти-ю, савол орасида ўзи юм-юм йиғлаб ҳам оляпти.

— Йиғламанг, ҳаммаси жойида, — дейман ўзим ҳам йиғига қўшилиб.

— Юрагим тўлиб турувди, — хўрсинди устозим, — қўй, менга тегма, бир ичимни бўшатиб олай. Қўғирчоқ ясаб, минглаб болаларни севинтирсам-у, ўз жигаримни ҳам лашкарига талатиб ўтирсам. Ҳа, бўтам, Сеҳргар Иблисни тезроқ ушлашимиз керак. Ўша малъун қўлга тушмагунча бу оламда на қувончу на бирон нурли кун бўлади. Ҳаммасини ўғирлаб қўяди у. Хўп, энди жўна, тезроқ бориб, набирагинамни эркалаб қўй. Кўнгли чўкмасин, бобонг тез кунда чиқади, де.

Сеҳргар иблис

XXVI БОБ

ИҚРОРНОМА

Шундай қилиб «Сарқитларга қарши кураш комитети»га масъул секретарь бўлиб тайинландим. Қаранг-а, дейман ўзимга ўзим, яқингинада эшак миниб уйма-уй хат ташиб юрган йигитча шунақанги катта лавозимга кўтарилиб кетсам-а. Ўзи омади бор бола эканман-да. Нимани орзу қилсам, андак нари-беридан кейин ишим ўз-ўзидан юришиб кетаверади-я. Юмшоқ кресло, қўша-қўша телефонлар, минут сайин чой дамлаб берайми дея эшилиб-буралиб кириб турадиган, сочини калта кесиб, лабини бўяб олган соҳибжамол қизлар, эҳ-ҳе, ташқарида боқилган тойчоқдек гижинглаб турган енгил машинани айтмайсизми! Оҳ-оҳ, ҳозир мақтанчоқ ўртоғим Ҳошим тўсатдан келиб қолармиди. Бу дабдабаю бу ҳурмату эъзозни кўриб, билмадим, қай аҳволга тушар экан... Ростданам, келиб қолса-я! Йўқ, келолмайди. Ахир мен Сеҳрли қовуннинг ичида яшайман-ку. Унинг ичи осмондек кенг-у, аммо дарвозалари берк. Кирилмайди. Эҳ, кирганда соз бўларди-да.

Очиқ иқрор бўлиб айтишим керак, хизматим оғир, жуда ҳам оғир. Сарқитларга қарши курашувчи маҳаллий комитетлардан ахборотлар қабул қиламан. Чора кўришларини сўраб, милиция, суд, прокуратура органларига тақсимлайман. Ўзимга ҳам махсус участка бirkитилган. «Инсон» институтини назорат қилиб бораман. Кўпинча жанжалли масалаларни ҳал қилишда ҳам иштирок этаман. Ифвогар ўз айбини бўйнига олмаётган бўлса, бу қусур кучайиб, касалликка айланиб, бошқаларга ҳам юқиш эҳтимоли туғилса, дарров мени ёрдамга чақиришади. Қусурлик кишининг яқинига бо-

риб уч-тўрт ҳил тайман-у, оғайни, сен иғвогарсан, деб пешчасига ёрлиқ ёпиштираман.

Бошлиғим Нарн Бери сал галатироқ одам. Масалан, кўчанинг ўнг томонидан юрни бошласа, охирига етгунча чап томонига ўтиб олганини ўзи сезмай қолади. Нутқининг бошида бировни ёмонласа, охирига бориб мақтаб юборади. Эрталаб чиройли деган нарсасини кечқурун хунук деб туриб олади. Шунинг учун ҳам отини Нарн Бери деб қўйишган бўлса керак. Лекин харақтерининг бу белгиси ҳар куни эмас, онда-сонда намоён бўлади. Ҳар куни намоён бўладиган хислати оқкўнгиллигу раҳмдиллик. Ишни қалпоқ қилиб кийиб юборади, десам ишонаверинг. Ўзигаям, бошқаларгаям тиним йўқ. Кўпинча кечалари ҳам қолиб кетади.

Бир куни Сеҳргар Иблис хусусида гаплашиб ўтирувдик, у туғдирган жинойтларга қарши курашдан чарчаб қолаётганлигини айтиб, жинойтчиға эмас, жинойтчини юзага келтираётган иллатга қарши курашмоғимиз керак эди, деб қолди. Агар Сеҳргар Иблисни қўлга тушириб берадиган одам топилса, олтиндан бўйи баробар ҳайкал қўярдик, дея қўшимча ҳам қилиб қўйди.

Демак, олтиндан ҳайкал менга қўйилар экан-да, дея ўйладим-у, индамай қўя қолдим. Аммо тушлик пайтигача Иблис хаёлимдан нари кетмади. Тушлик пайтида эса... Мен уни кўрдим, ҳа-ҳа, кўрдим. Ошхонанинг мендан ҳам каттароқ раҳбарлар овқатланадиган хилват бурчагидан одам боласи чидай олмайдиган бадбўй ҳид анқий бошлади. Бурнимни ўша ёққа тўғрилаб, чуқурроқ нафас олдим. Йигирма литрлик шиша ёрилиб, ичидан соқолини силкитиб Сеҳргар Иблис чиқиб келганда ана шундай ёқимсиз ҳид таралган эди. Ўша пайтда унинг қиёфаси бутунлай бошқа, қўрқинчли эди. Ҳозир эса келишган бир йигит қиёфасида ўтирибди. Эҳтимол у эмасдир, деган фикр ўтди бошимдан. Ўша, дея шивирлади қўлтигимда турган Қалпоқчам, қўрқма, унинг сеҳри сенга таъсир қилмайди.

Яқинроғига бориб ўтирдим. Ошхоналардан ҳам маза қочди, дея гашира бошлади Иблис қаршисидаги хўрандага, ҳаммаси ўғри бўлиб кетган, устиларидан ёзиш керак. Яна ҳам яқинроқ ўринга ўтдим. Худди шу пайтда ўтли нигоҳларимиз тўқнашиб қолди. Кўзларимизда ғазаб чақнай бошлади. Бармоқларимиз муштга тугилиб келмоқда эди.

— Ақром Ақромий бўладиларми,— менга қараб заҳарли бир табассум қилди Иблис.

— Худди ўзиман, — шундай деб устига бостириб бора бошладим.

— Сарқитларни тугатмоқчи эдилар шекилли?

— Гапирма, Иблис!

— Ҳандалак шаҳри фуқаросининг умрини узайтираман деб ният қилувдиларми?

— Ҳозир бўғиб ташлайман сени! — бор кучимни тўплаб устига ташландим. Қизиқ, жуда қизиқ бўлдику! Утирган ўрнида йўқ бўлиб қолди. Қорним билан столга урилдим. Хўрандалар кулиб юборишди. Бадбўй ҳид дераза томондан кела бошлади. Қочди, ҳа, қочди у. Деразадан сакраб, кўчага ўтдим. Қизиқ, на ранг бор, на шакл. Аммо димоқни ачитадиған бадбўй ҳид ҳамон анқиб турибди. Ора-чора Иблисининг:

— Хо-хо-хо,

— Ҳи-ҳи-ҳи,

— Ҳеҳ-хеҳ-хеҳ, — дея кулаётгани ҳам эшитилиб турибди. Ҳид орқасидан қувлашга тушдим. Бора-бора фақат менгагина таниш бўлган қўланса бўй шундай кучайдики, ўнгга югуришни ҳам, чапга югуришни ҳам билолмай қолдим. Ўқчиб-ўқчиб ишхонамга қайтдим. Хафа эмас эдим, қалбимда қувонч сурнайлари чалина бошлади. Ахир мен уни кўрдим, олдимга солиб қувладим, демак, мендан кўрқар экан. Бугун етолмадим, лекин эргага албатта қувиб етаман, шундай эмасми...

Котиба қизлар иш столи устига бир даста хат келтириб қўйишган экан, навбат билан ўқий бошладим.

«АХБОРОТНОМА №1

Биз ким имзо чекиб, ахборотнома битувчилар «Сарқитларга қарши кураш шаҳар комитети» оператив группа аъзоларидирмиз. Бинобарин, қуйидагиларни қайд қиламиз: «Инсон» институти «Витаминлар» лабораториясидан шикоят тушган эди. Зудлик билан ўша ерга етиб бордик. Маълум бўлишича, лабораторияда инсон умрини узайтиришда витаминлар қандай роль ўйнаши ўрганилар экан. Ун тўрт олим йигирма еттита чол ва кампир устида илмий тажрибалар олиб бориб, хийлагина яхши натижаларга эришяётган ҳам экан. Лаборатория мудури профессор Дар Моннинг феъли тўсатдан айнибди. «А» витаминидан бир килою икки юз граммни ўғирлаб сотиб, тушган пулини набирасининг хатна тўйига сарфлабди. Омбор мудури «В» витаминидан етти юз граммни чайқов қилиб, тушган пу-

лига хотинини курортга жўнатибди. Илмий ходимлар раҳбарлардан қолган витаминларни ўзлари еб қўя қолишибди. Кўзбўямачилик бошланибди. Беморларга «А» витамини ўрнига арпанинг толқонидан, «В»нинг ўрнига қуритилган беданинг кукунидан малҳам тайёрлаб беришибди. Устида тажриба олиб борилаётган қариялардан бир қисми ичбуруғ касалига, бир қисми ичқотиш касалига чалинибди.

Хулоса: лаборатория ходимларини Сеҳргар Иблис заҳарлаб қўйган. Минг афсуски, ходимлар бунини бўйинларига олишмади. Есақ сенинг витаминингни ебмизми, ўзимиз тайёрлаган маҳсулотни едик-да, деб туриб олишди.

Комиссия аъзолари:

Ур Бон

Қур Бон

Ос Мон».

Бошлиғим Нарн Бери ахборотнома билан танишгач, столни муштлаб, ўрнидан туриб кетди:

— Даҳшат! Шифокор беморнинг дорисини еб қўйса-я, даҳшат! Ҳужжатларни дарҳол қонун органига жўнатиб. Таъзирини бериб қўйиш керак бу муттаҳамларнинг.

— Текширув актларини қонун органларига негадир жўнатгим келмади. Такрор ва такрор айтаманки, одамларнинг ана шу аҳволга тушиб қолишларида бош айбдор менинг ўзим бўламан. Устозим ҳузурига югурдим. Пластмассадан турли қушлар ясаб, бирини булбулдек сайратиб, бирини сакратиб, ўзини овунтириб ўтирган экан. Шу даражада ҳаяжонда эдимки, салом-алик ўрнига, бобожон, дорилар қачон тайёр бўлади, дея қичқириб юбораёзимман.

— Дорининг минг хили аллақачон тайёр бўлган, бўтам,— босиқлик билан деди устозим,— тинчликми? Мунча энтикмасанг?

— Мана ўқинг,— ахборотнома қўлига тутқаздим.

Ўқиган сари, тавба, устозимнинг юзида осойишталик, хотиржамлик кўпая бошлади. Ўзи жуда ғалати одам-да устозим, бунақанги ақлли одамни икки дунёда ҳам тополмайсиз. Фикрининг чуқурлиги, хаёлотининг кенглиги, ихтиро кетидан ихтироларни ўйлаб топиши, минг киши ҳал қилолмайдиган жумбоқни ҳам бир дақиқада ҳал қилиб қўйиши... гоҳо бу одам эмас, сеҳргар деб ҳам ўйлаб кетаман-у, дарҳол фикримдан

қайтиб, йўқ, бу чинакам инсон, менга ўхшаб иши юришмаганларнинг бахт-саодати учун яратилган у, деб қўяман. Ҳа, у одамларга бахт улашиш учун келган бу дунёга.

— Дар Монийнинг аҳволи чатоқ экан-да,— деди ниҳоят устозим бошини кўтариб.

— Жуда чатоқ,— дедим шоша-пиша.

— Уни қутқарамиз,— устозим ўйчан бир ҳолатда сўзини давом эттирди.— Одам боласининг организми, хусусан унинг қони жуда ғалати бўлади. Бу қонларда гоҳо турли касалликлар белгиси туғилганидаёқ пайдо бўлади, тўғрироғи, ўша қон билан туғилади. Бу микроблар яхши шароитга тушиб қолса, кучайиб, касалликка айланади, нобоп шароит бўлса, ривожланмай, ўша организм ўша қон ўлганда биргаллашиб ўлиб кетиши ҳам мумкин. Дар Монийнинг қони ва руҳида ўғирлик ва қаллобликка мойиллик бор экан. Сеҳргар Иблис уни осонликча ўз томонига ағдариб олибди... Қўрқма, уни даволаймиз. Қани, айт-чи, ўғирликнинг акси нима?

— Тўғрилиқ, албатта.

— Қаллобликнинг акси-чи?

— Ҳалоллик, ростгўйлик...

— Баракалла, бўтам. Ҳамкасбларимизни тўғрилиқ ва ҳалоллик дориси билан даволаймиз. Бундай сеҳрли дорини мен бундан ўттиз йилларча олдин яратган эдим-у, ишлатиб кўрмагандим. Энди синаб кўрамиз. Қани, темир сандиғимни очай-чи, мана, бор экан. Мана бу шишачани олгин-да, лабораторияга бориб, шойигулнинг баргидан қайнатиб, суюқлик тайёрла. Уша суюқликка бу доридан бир томчидан томиз. Дар Моний билан одамларга ичир.

Туни билан ухламай устозим буюрган суюқликни тайёрлаб, томизгидан қўшиб, ўғирлик ва қаллоблик касалига гирифтор бўлганларга ичириб юбордим. Учинчи куни, йўқ, тўртинчи куни экан, Дар Моний бошлиқ ўн тўрт илмий ходим идорамизга бирин-кетин кириб кела бошладилар.

— Сарқитларга қарши курашадиган идора шу ердами? — сўради Дар Моний.

— Шу ерда,— деб қўйдим.

— Бошлиғи қаерда?

— Ичкарида ўтирибди.

Биргаллашиб ичкари кирдик. Сурғучланган конвертда хат келтиришибди. Адолатли бошлиғим Нарӣ Бери аввал ичида, сўнг овоз чиқариб ўқий бошлади:

«ИҚРОРНОМА

Биз ким, ўз айби ва йўл қўйган хатосига иқрор бўлиб ушбуни ёзувчи витаминлар лабораториясининг юзи қаро ходимлари бўламиз. Чиндан ҳам ўғирлик ва қаллоблик йўлига кириб, тасарруфимиздаги беморларнинг ўмирига завољ бўла бошлаган эканмиз. Бемор ҳаққини ейиш шифокор учун энг шармандали бир ҳол эканини тушуниб туриб шундай қилган эканмиз: Идорангиз ходимлари шойигул атридан тайёрлаб жўнатган Ноёб доридан ичгач, тўсатдан ўзимизга келиб, ғоят тубанлашиб кетганимизни англадик. Жиноятимиз ғоят оғир, ҳар қандай жазога лойиқмиз. Хоҳласангиз қаллоб сифатида ҳаммамизни жазоланг, хоҳласангиз афғимизга қоракуя суртиб, эшакка тескари миндириб, булар бемор ҳаққини еган ўғри, қаллоб, деб жар чақиртиринелар. Жиноятимизга чин дилдан иқрор бўлганимизни ҳисобга олиб, айбимизни ювиш учун муҳлат берсаларинг яхши бўларди. Шойигул баргидан шифо топганимизни ҳисобга олиб, шаҳримизнинг бутун кўчаларига, хиёбону йўлакчаларига шу ноёб гулдан бир миллион туп кўкартириб, қишин-ёзин қараб туришни зиммамизга олмоқчимиз. Токи шаҳримиз фуқароси шу гулнинг хушбўй атридан ҳидлаб, кайфи чот бўлиб юрсин...»

Х Х V I I Б О Б

ХИЁБОНДА МУШТЛАШУВ

Ишқу муҳаббат бобида ишим ҳеч юришмаяпти.

Кимга йўлиқиб қолдим ўзи, одамми ёки отаси алвасти-ю, онаси шайтону ўзи шайтонбаччами? Бир қарасанг, жуда меҳрибон, камтар, ҳамма гапга тушунадиган, мўмин-қобил қизалоққа айланиб қолади.

Яна бир қарасанг, вой худойим-эй, шунақа тунд, шунақа қайсар, шунақа алдамчики...

— Гу Ли,— дейман ёлвориб,— нега сиз бунақасиз?

— Қанақаман?— дейди бетимга қарамай.

— Ахир мен сизни севаман, деяпман.

— Севсангиз нима қилай, ашула айтиб берайми?

— Наҳотки мен бечорага раҳмингиз келмаса!

— Қайси бирларингга раҳм қиламан, сиздақадан яна ўттизтаси бор!

— Ҳаммамизни аҳмоқ қилиб юрган экансиз-да.

— Вой, нега ундай дейсиз?

— Тўхтанг,— дейман йўлини тўсиб,— бугун ё ҳа,
ё йўқ дейсиз.

— Анув қуни айтганман.

— Нима дегансиз?

— Сеҳргар Иблисни қўлга туширганингиздан кейин жавоб бераман деганман.

— Ушанда ҳўп дейсизми?

— Уйлаб қўраман.

— Қўлга туширолмасам-чи?

— Сўлагингизни оқизиб, орқамдан умрбод эргашиб юраверасиз.

— Иблиснинг қўлида ўлиб кетсам-чи?

— Унда йигирмангиздан кейин дарров эрга тегаман.

— Эр ҳам тайёр экан-да?

— Бўлмаса нима деб ўйловдингиз.

Мана, ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, шунақа гаплардан кейин ошиқ қалбида бўрон кўтарилмайдими? Рашк қўзғовчи бу сўзлар ошиқ дилини вайронага айлантормайдими? Улсангиз ўлаверинг, деб турса, ўлгандан баттар бўлмайсизми? Йўқ, дейман ўзимга ўзим кечалари уйғониб кетганда, бу савдони энди бас қиламан, бошқасини танлайман. Тавба, эрталаб ўрнимдан туриб, ке, яна бир уннаб кўрай, дейман-у, қайтадан йўлларини пойлашга тушаман.

Бугун яна оёқларим ўз-ўзидан Гу Ли ишлайдиган шифохона томон бурилиб кетаверди. Қизиқ, боргим йўққа ўхшайди-ю, оёқ қургур ихтиёримга бўйсунмаётгандек. Таниш скамейкага ўтириб, иш вақти тугашини кута бошладим. Бир маҳал, ё раббий, наҳотки... Йўғ-э, хипча белли, елкаси кенг, хуш-рўйгина бир йигит севгилимни қўлтиғидан олиб, чақчақлашиб чиқиб келяпти. Суҳбатга шундай берилибдиларки, ёнгинамдан ўтиб мени пайқамадилар. Қиқирлашиб кулганлари-чи, кула туриб бир-бирининг елкасига туртиб қўйганлари-чи! Тамом бўлдим, на оёқда дармонун, на юракда қувват қолди. Борлигимдан совуқ тер қўйилиб кетди. Рашк алангасидан ёнганимдан эмас, йўқ, севгилимни чиройли йигит қиёфасига кириб олган Сеҳргар Иблис қўлтиқлаб кетаётганидан ёниб кетдим. Наҳотки, у ўз қиёфасини шунчалик тез ўзгартирган бўлса. Ошхонада кўрганимда кенг пешонаси йилтироқ, силлиқ юзи тошдан йўнилгандек совуқ, елкаси чиққан, бели андак букрироқ эди. Энди бўлса сочларини жингалак қилдирибди, ўрмалаб кетаётган қўнғизчадек бежирим мўйловча қўйибди. Юзларига мойлар суртиб,

йилтирашини йўқотибди. Ҳар қандай қиз бир кўрган-да юраги така-пука бўлиб, ошиқу беқарор бўладиган даражада ёқимли қиёфага кириб олибди...

Шартта ўрнимдан турдим. Бугун ё ўламан, ё уни ўлдираман. Орқаларидан эргашдим. Устига ташланганим билан фойдаси йўқ, яна кўздан ғойиб бўлади-ю, қорним билан ерга йиқилганим қолади. Нима қилсам экан, панада туриб, тош билан туширсамми? Кошки бу шаҳардан тош топиб бўлса! Қалтирай бошладим, рашқдан, ғазабдан бўлса керак. Чорраҳага етганда икковлари тўхтаб қолишди. Сеҳргар Иблис севгилимининг нозик қўлчаларини кафтларига олиб, очиқиб қолган бузоқча энасини эмгандек чўлп-чўлп этиб дўмбоқ бармоқчаларини сўра бошлади. Қизгина эса қитиғи келган одамдек қиқирлаб кулиб, ора-чора қўйинг, уялама, дея ноз қиляпти-ю, аммо қўлларини тортиб олмайпти.

— Торт қўлингни! — беихтиёр қичқириб юбордим. Гу Ли атрофига бир аланглади-ю, қариндошларимдан биронтаси кўриб қолди, деб ўйладими, ура солиб қочишга тушди.

Иблис иккимиз юзма-юз қолдик.

— Ҳе-хе-хе,— деб қўйди рақибим.

— Кулма! — дедим ер тепиниб.

Сеҳргар Иблис эканини пайқаб турганимни мутлақо сездирмаслигим керак, деган фикр ўтди бошимдан.

— Нега орқамдан эргашдинг,— овозини хиёл кўтариб сўради Иблис.

— Сен у қизга тега кўрма,— дедим қатъий қилиб,— мен севаман уни.

— Ҳе-хе-хе!

— Кулма!

— Хи-хи-хи!

— Ҳозир бўғиб ташлайман сени,— устига бостириб бора бошладим. Ҳар қанча яқинлайман десам ҳам ҳеч пложи бўлмади. Икки қўлимни оташкуракдек чўзиб юриб боряпман, у эса менинг тезлигимга тенг тисарилиб боряпти. Шу алпозда юриб шаҳардаги тарих музейи ҳовлисига кириб қолганимизни пайқамай қолибман.

— Тўхта,— деди ниҳоят Иблис тилга кириб,— бари бир етолмайсан. Аммо истасам мен сенга бир ҳатлаб этиб олишим мумкин. Бўғиб ўлдиришим ҳам ҳеч гап эмас. Лекин ҳали-бери ўлдирмайман. Негаки сен, гарчи ашаддий душманам бўлсанг-да, мени дунёга кел-

тирган, бошимни силаган доям бўласан. Сут ўрнига арақ бериб катта қилгансан. Аввал бу дунёдаги яхшилиқни тугатаман, сўнг Яхшилиқ ва Қаҳрамонлик рамзи сифатида сенинг ўзингни бўғаман. Ҳа-ҳа, ҳали-бери ўлдирмайман сени...

— Мени бўғмоқчимисан? — дедим Сехрли қалпоқчам ёнимда тургани эсимга тушиб, дадиллашиб.

— Ҳа, сени!

— Эҳтимол, менга қазиган гўрингга ўзингни тижарман. Ҳа-ҳа, гўрковинг ўзим бўламан. Дунёдаги барча разиллик, барча қабоҳат рамзи сифатида сени гўрга тижмагунимча еганим ҳаром! Яна шуни ҳам айтиб қўяй, севгилим Гу Лига тега кўрма. Биз у билан аҳду паймон қилганмиз. Турмуш қурсам, нариги дунёга олиб кетаман.

— Аҳду паймонингизни аллақачон бузиб қўйганман, ҳе-хе-хе! Эй, бахтиқаро ошиқ, гапимга қулоқ сол. У қиз энди мени севади. Эс-ҳушини олиб қўйдим. Турган гапки, бир қизга икки йўғит уйлана олмайди. Иккимиздан биримиз ундан воз кечишимиз керак. Хоҳласанг, ҳалол туриб жанг қиламиз.

— Сенда ҳалоллик ҳам борми ҳали?

— Муҳаббат хусусида қувлик ишлатмайман.

— Бари бир сен Иблиссан.

— Одамлар ўртасида менга ўхшаган иблислар кам дейсанми?

— Гапга уста экансан.

— Иблиснинг гапга нўноқ бўлганини эшитганмидинг? Ке, яхшиси ҳалол туриб жанг қиламиз. Кураш тушасанми, муштлашасанми, ёки қиличбозликни танлайсанми, айт!

— Учовига ҳам тайёрман.

— Бўлмаса гап бундай. Мана бу тангани осмонга отамиз. Рақам бор томони ерга тўнкарилиб тушса, аввал мен ураман. Рақами осмонга қараб тушса, майли, сен урақол. Етти мартадан урамиз. Ортиғига назаримда икковимиз ҳам ярамаймиз шекилли. Ма, тангани сен отақол.

Беш тийинлик мис чақа экан. Бош бармоғим устига қўйиб, осмонга пириллатиб отган эдим, омад менга кулиб боқмади.

— Навбат меники! — қичқириб юборди Иблис ва қулочкашлаб чаккамга туширди. Хайрият, Сехрли қалпоқчам олдинроқ ишга тушиб вужудимни пўлатдек қотириб қўйган экан! Зарби чивин чаққанчалик ҳам

бўлмади. Яна урди, яна... Ҳеч нарса сезмай туравердим. Навбат менга келган эди. Бор кучимни муштимга тўплаб, қулочкашлаб туширмоқчи бўлудим, тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан, атроф бурқсаб бир сасиди-ю, Иблис йўқ бўлди-қолди. Музейнинг кунботар тарафидаги нураган девор устидан:

— Ҳе-хе-хе, — деган қақрли қаққаҳаси эшитилди.

Турган жойимда қотиб қолдим. Тентак эканман, дея ўйлай бошладим. Тентак бўлмасам, ҳалол туриб муш-лашамиз деганига ишонармидим. Юрагимни ваҳима босди. Иблис тўғри Гу Лихоннинг ётоқхонасига бориб чақчақлашиб ўтирган бўлса-я! Йўқ, ҳалиги гапим гап. Ўлсам ўламанки, лекин севгилимни унга бермайман. Мени чалғитиш учун музейнинг ҳовлисига бошлаб келган экан-да, оббо шайтон-эй! Оёқни қўлга олиб, таниш ётоқхонага югурдим. Иблис йўқ! Гу Ли ашула айтиб, ошхонада шўрва пиширяпти. Ит қувган соқовдек ҳал-дослаб кирганимни кўриб, бир нафас қангу манг бўлиб қолди:

— Тинчликми?!

— Тинчлик эмас, — дедим ўпкам оғзимга тикилиб.

— Вой ўлмасам, ҳаммаёғингиз қону куш-ку! — кўр-қутб сўради қизгина. — Муштлашдингизми?

— Ҳа, ҳалиги йигитингиз билан.

— Вой ўлмасам, шундай маданиятли йигит сизни урдими?

— Унинг кимлигини биласизми ўзи?

— Биладан. Горздравда инспектор бўлиб ишлай-дилар.

— Ёлғон!

— Вой, ундай деманг. Яхшиси юринг, ётоққа кирайлик. Чаккангиздан қон оқяпти. Дори суриб, боғлаб қўяман... Вой худойим-эй, шундай маданиятли йигит сизни уриб ўтирса-я!

— Ҳозирча дорини қўятуринг. Энг аввал папимга кулоқ солинг. Уша олифта горздрав инспектори эмас, шаҳримиз бошига офатлар ёғдираётган Сехргар Иблиснинг айнан ўзгинаси бўлади. Билмас экансиз, сехр ишлатиб, қиёфасини тез-тез ўзгартириб туради.

— Тухмат қиялсиз, — севгилим гапларимга парво қилмасдан ёғоч чўмич билан шўрвасини шопираверди.

— Қасам ичаман, — дедим негадир хўрлигим келиб.

— Қасамингиз ҳам жонимга тегиб кетди, — шундай деб Гу Лихон кастрюльни икки қулоғидан кўтариб, ётоқхонасига кириб кета бошлади, — юринг, ярангизни боғлаб қўяман.

— Керак эмас!

Қалбимда туғилган хўрлик аламга айланиб, алам ичида ёниб ташқарига чиқиб кетдим. Шу пайтдаги ҳолатимни минг айтсам ҳам бари бир тасаввур қилолмай-сиз. Иблисга алданиб, калтак еганим, севгилимнинг менга ишонмай ашаддий душманам билан апоқ-чапоқ бўлиб бармоғини сўрдириб ўтириши... дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Икки қўлимни оғзимга қўвача қилиб ётоқхонанинг деразасига қараб, малҳаминг бошингдан қолсин, кострюлькадаги шўрванг тўкилиб оёғинг жизғанак бўлсин, ўша Иблис билан қапишиб кўшмозор бўлгин, деб бақирмоқчи бўлдим-у, лекин овозим чиқмади шекилли, индамай қўя қолдим. Дуч келган томонга қараб кета бошладим. Қалбим бўм-бўш эди. Борлигимни ҳорғинлик қоплади. Қизиқ, шу пайтда яна ойижонимни кўргим келиб қолди. Соғиниб юрган эдим. Кўксига бошимни қўйиб, юм-юм йиғлагим, қўй тойлогим, куйинма, деган меҳрибон овозини эшитгим келди. Хўрлик кўз ёшига айланди шекилли, кўзларимдан ёш оқа бошлади...

Ҳиқиллашни бас қил, дея ўзимга далда бера бошладим. Эркак кишига кўз ёши эмас, қаҳқаҳа ярашади. Сен йигитсан, эркаксан! Устозинг Дар Диражанинг, эркак киши бу дунёга қийналиш ва гўзалликлар яратиш учун келади, деган ҳикматини унутма. Сен Яхшилик Ёмонлик устидан тантана қилсин учун жанг қилсан. Бошингни баланд кўтар.

Ўзим билан гаплаша-гаплаша устозим яшаб турган тавбахонага қараб йўл олдим.

— Тинчликми? — ранг-қути ўчиб сўради устозим. — Ҳаммаёғинг қону куш, нима бўлди ўзи? Муштлашдим? Ким билан?

— Иблис билан...

Гапим чала қолди. Устозим сакраб туриб, чаккамдан оқаётган қондан бир томчи олди-да, қўлбола лабораториясида текшириб кўриш учун шошилиб ертўлага тушиб кетди. Қандай тез тушган бўлса, яна шундай тезлик билан югуриб чиқди. Қонимни Сехргар Иблис заҳарлаб қўйибди! Хайрият келганим, бўлмаса, эрталаб-гача дўмбира бўлиб шишиб кетар эканман ва унда менинг ҳаётимни сақлаб қолиш амримаҳол бўларкан. Устозим тескари ағдариб олиб, билагимга, орқамдаги юмшоқ жойларимга қайта-қайта укол қилди, ўн тўрт хил дори ичирди, иситмам кўтарилаётганини кўриб, латта хўллаб пешонамга босди-да, ёнимга ўтирди.

— Бобожон, — дейман хўрсиниб, — шу лаънати Иблисни бир йўла гумдон қилиб қўя қолсак бўлмайдими?

— Ҳали эртароқ, бўтам. Иблисда на ранг бор, на шакл, демак, унда вужуд йўқ. Қувласак одамларнинг қалбига беркинади, эшитяпсанми, одамларнинг қалбига деяпман. Демак, энг олдин унинг беркинадиган жойи — одамлар қалбини поклаб, гўзалликка лиммолим тўлдириб олмоқ зарур, яъни, бўтам, айтмоқчиманки, шаҳримиз фуқароси қалбини разолатни қабул қилмайдиган даражага етказиб олишимиз даркор. Ана шундан кейин Сеҳргар Иблисни қувлашга тушамиз...

— Ушласа бўладими, ахир?

— Бўлади деб бир неча бор айтганман.

— Устоз, бир нарса сўрамоқчи эдим. Сеҳргар Иблис заҳарлаган одамларни даволаш усулини асосан сиз топдингиз, тўғрими?

— Тўғри.

— Ноёб дорини ҳам сиз яратдингиз.

— Буниси ҳам тўғри.

— Лекин номингизни ошкор қилишни истмаяпсиз. Одамлар билишга қизиқяпти. Каттаю кичик бир хилда қизиқяпти.

— Билмагани маъқул, бўтам. Қани, менга айт-чи, ёввойи сигирни ушлаб биринчи марта соғган одамнинг номи тарихда қолганми?

— Йўқ.

— Биринчи бор тандирга нон ёпган аёлнинг исмини биламизми?

— Билмасак керак.

— Оташкуракни ихтиро қилган устанинг номи-чи?

— Униям ҳеч ким билмайди.

— Демак, бўталогим, буларнинг ҳаммасини халқнинг ўзи кашф қилган, деб қўя қоламиз. Модомики шундай экан, бўталогим, иккаламиз яратаётган кашфиётни ҳам биз яратганлигимизни ҳеч ким билмай қўяқолгани яхши. Халқ яратди, тамом-вассалом! Биз халқнинг бир заррасимиз. Яна ўша халққа қўшилиб кетамиз. Бирон ҳаракатимиз билан халқ улуғланса, энг катта мукофот шу. Шахсан менга олтидан қўйиладиган ҳайкалнинг ҳеч кераги йўқ... Энди, бўтам, ухла, томирларингдаги заҳарланган қон билан мен юборган Ноёб дори ўртасида кучли олишув кетяпти. Иситмангнинг боиси шундан. Вужудингдаги қўриқчи

аскарлар ташқаридан кирган захар билан олишяпти. Ноёб дори уларга кўмаклашяпти. Ухласанг, ўша аскарларнинг кучи яна ошади. Ухла бўтам, ухлай-қол.

ХХVIII БОБ

ИҲВО ОҒУСИ

Уша куни анчагина калтак еган эканман. Бунинг устига қоним ҳам хийла бузилибди. Устозим уч марта алмаштириб ташлагандан кейин иситмам пасайиб, аста-секин ўзимга кела бошладим. Қизиқ, ўша бир ўзимдан кетиб, бир ўзимга келиб ётган кунларим кечаси ҳам, кундузи ҳам нуқул туш кўраман. Ойижоним, беш томонимга ўтириб, юм-юм йиғлаётган бўлади. Болагинам, тойлоғим, кўзингни очгин, мен келдим, ҳеч бўлмаса, кўзингнинг биттасини оч, дея ёлворади. Сочларимдан силаб, юзларимдан ўпаётган бўлади. Эшитилсанми, ўғлим, дейди яна, дадангдан хат келди, сенга салом айтибди. Кузгача бориб қоларман, дебди. Бошингни кўтар, жон болам, юмшоққина қовоқ сомса келтирдим. Ҳеч бўлмаса биттагина егин... Ойижонимнинг овози узоқлашиб кетади-да, тепамда укаларим пайдо бўлгандек бўлади. Иккови икки томонимга ўтириб олиб, оёғимдан, қўлларимдан оҳиста-оҳиста силай бошлайдилар. Томирларимга роҳат қуйилгандай, вужудим ором алласида чайқалаётгандек бўлади. Бир вақт қарасам, худди от кишнагандек гумбирлатиб кўлиб ўртоғим Ҳошим кириб келаётган бўлади. Об-бо, ишёқмас-эй, беш-ўн кун дам олай дебсан-да. Топган баҳонасини қаранг, эшакдан йиқилиб тушган эмишлар. Бекор айтибсан, ўзинг калла ташлагансан. Янги бўшанган аёлга ўхшаб чўзилиб ётаверасанми, тур ўрнингдан. Сочларингни қайчилаб қўяман, алвастининг бувисига ўхшаб кетибсан... Шу сўзларни айтиб ўртоғим яна хонани бошига кўтариб кулади. Кулги овозидан уйғониб кетман-у, уёқ-буёққа аланглайман... устозимнинг қўғирчоқлар ясайдиган устахонасида ётган бўламан.

— Бобожон, — дейман оҳиста.

— Уйғондингми, бўтам, — устозим ўрнидан туриб, мен томонга кела бошлайди, — қўй гўштидан аччиққина қайнатма шўрва тайёрладим, биргалашиб ичамиз, терлайсан, баданингдаги сўнгги захарни ана шу олиб чиқиб кетади. Кейин қарабсанки, гижинглаган тойчоқдек бўлиб қоласан.

Йигирма етти кун деганда устозим айтгандек ги-

жинглаган тойчоқдек бўлмасам ҳам, ҳар қалай хийла дармонга кириб қолдим. Ҳзи мен илгари ҳам анча-мунча касални писанд қилмасдим. Иситмам қирққа кўтарилгандаям қор демай, муз демай, ялангоёқ бўлиб олиб яхмалак учиб юраверардим. Шамоллаш деган касални мен мана шу Ҳандалак шаҳрида эшитдим.

Ишга чиққаним яхши бўпти. Мен масъул секретарь бўлиб ишлаётган идора остин-устин бўлиб кетишига сал қопти. Гул Барг райони меҳнаткашлари бошига Иблис офат ёғдирибди. Келишим билан дарҳол катта кенгаш чақирилди. Адолатли бошлиғим Нарӣ Бери:

— Мана, профессор Акром Акромиӣ ҳам соғайиб, сафимизга қайтди,— дея гап бошлади,— ўйлайманки, энди ишларимиз тезлашиб кетади. Фуқаро биздан мадад кутяпти. Қаршилиқ бўлмаса, жойларга бориб, текширув ўтказиб келган комиссия аъзоларига навбат билан сўз берсак.

Биринчи комиссия раиси пак-пакана, чорпахил, япалоқ боши танасига чўкиб кетган, ўнгдан қарасангиз ҳам, чапдан қарасангиз ҳам етилиб пишган салла-ошқовоққа ўхшаб кўринадиган бир киши экан. Ҳридан туриб, гапини тополмади шекилли, анча маҳал жим қолди. Охири:

— Чатоқ,— деб қўйди.

— Нимаси чатоқ? — сўради Нарӣ Бери.

— Жуда чатоқ.

— Нимаси чатоқ, ахир?

— Ҳаммаси чатоқ. Иғво хатларини ким ёзганлигини ҳеч аниқлаб бўлмади.

— Экспертиза қилдирмадингизми?

— Экспертиза ожизлик қилляпти, мана шунисиям чатоқ.

— Хатларни Сеҳргар Иблисининг ўзи ёзган бўлма-син тагин?

— Худди шундай бўлиши ҳам мумкин.

— Иблис, Иблис... Жонимга тегиб кетди бу сўзлар,— столни қаттиқ муштлади Нарӣ Бери,— ўтиринг. Иккинчи комиссия раиси, сўз сизга. Гапининг лўндасини гапиринг.

Иккинчи комиссия раиси оёғидан тортиб бошигача бир хилда йўнилган, юзига сариқ сепкил тошган, сочи ҳам сариққа мойил, хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг палак тубида қолиб, беҳад семириб кетадиган бир хил сариқ бодринглар бўлади-ку, худди ўшани эслатадиган бир киши экан. Ҳридан турди-да, оғзини шифтга қаратиб:

— Уф-ф-ф,— нафас чиқарди.
— Уф тортманг,— огоқлантириб қўйди Нарн Бери.
«Бодринг»нинг тепа қисмидан яна ҳалиги овоз чиқ-
ди:

— У-ф-ф-ф-ф!
— Гапиринг деяпман.
— Уф, аслини олганда ҳурматли комитет бошлиғи,
уф, гапирадиган ҳеч гапим йўқ. Текшириб кўрган шикоятларимиздан биронтаси ҳам тасдиқланмади.

— Очиқроқ гапиринг.
— Уф.
— Гапирасизми-йўқми?
— Уф.
— Ичингиз газга тўлиб кетганми дейман?
— Уф-ф-ф!
— Утиринг,— жаҳли чиқиб кетди адолатли бошли-
гимнинг.

Навбат комитет аъзоларига келган эди. Айтувдим-
ку, орамизда қонуншунослар ҳам кўп деб. Булар ҳам
лайлаққордек ёғилиб турган думалоқ хатлар хусусида
ўз фикрларини баён қилишлари лозим экан. Аммо
адолатли бошлигим, хафа қилиб қўймаслик учун, яна
бир комиссия раисини тинглашга қарор қилди. Бу
раис, айтсам эҳтимол ишонмасиз, лекин гап навбати
келиб қолгани учун айтишга тўғри келяпти... Унинг қад-
ди-қомати, ўқувчи болаларнинг кундалигига синф раҳ-
барлари ёзиб қўядиган каттакон савол аломати бор-ку,
худди ўшанга ўхшаркан. Бўй новча, қўл-оёқ ингичка,
калла катта, шу катта калла қўқонжўхорининг боши-
дек хиёл ёғилиб ҳам турибди.

— Бир бошдан бошлайми? — деб сўради-да, жавоб
кутмасдан гапирга кетди.— Менинг аъзоларимга ёзди-
ёзди бошлангандан буён Гул Барг район фуқароси
қанча моддий зарар кўрганлигини аниқлаш топширил-
ган эди. Айтаверайми?

— Айтаверинг.
— Ҳаммасиними?
— Бунча гапни чўздингиз!
— Ёзди-ёзди бошлангач, масалан айтайлик, ишчи
смена бригадири устидан, бригадир цех бошлиғи усти-
дан, цех бошлиғи омбор мудир устидан, омбор мудир
энг катта бошлиқ устидан имзосиз хат ёзиб, мана шу
завод, яъни қовун уруғидан ёғ ишлаб чиқарадиган цех-
лар бутунлай тўхтаб қолган. Зарарини ҳам айтайми?
— Айтинг.

— Ҳисоблаш машинасига солиб кўрдик. Шу уч ой давомида етти миллион зарар кўришибди. Маънавий зарарини ҳам айтайми?

— Оббо, мунча эзмалик қилдингиз?

— Имсосиз хатлар одамларда ҳадиксирашни, хавфсирашни авж олдирган. Мана шу зарарни ҳам ЭҲМга солиб ҳисоблаб кўрдик. Очиғини айтсам, бунинг зарари ҳам ҳалигидан кам эмас. Хуллас, менинг ҳисобимга қараганда, 14 миллион сўмга бориб қолади.

— Янги пул биланми? — луқма ташлади ўтирганлардан бири.

Ҳаммалари «Ў-ў-ў»лаб юборишди.

— Айбдорни ушлаш керак эди,— деб қўйди соқчилик вакили.

— Тергов ўтказмасдан қандай ушлайсиз,— эътироз билдирди прокуратура ходими.

Судья ҳам бирон фикр айтмоқчи бўлди шекилли-ю, айтадиганини айтмай бир қўзғалиб қўя қолди. Навбат менга келган эди. Шартта ўрнимдан туриб, уч кун муҳлат беринглар, ҳаммасини ўзим тинчитаман, дея катта гапириб юбордим. Бири елкасини қисди, бошқаси хўмрайиб қўйди, учинчиси қани кўрайлик-чи, дегандай тўртинчиси билан кўз уриштириб олди.

— Мажлис ёпиқ,— ўрнидан тура бошлади Нарӣ Бери.

— Хатларни келтиринг,— буюрдим ёрдамчиларимга.

Кўз юмиб-очгунча столим устида имзоли, имсосиз, оқ сиёҳда, кўк сиёҳда, ўнг қўлда, чап қўлда, йирик ҳарфда, майда ҳарфда, саводли, саводсиз ёзилган хатлар тоғ бўлиб уюлиб кетди. Енгимни шимариб, ўқишга киришдим. Сочини калта қирқтириб, лабини бўяб олган қизлар кўк чойдан аччиқ-аччиқ дамлаб бериб туришди. Хатларни ўқиган сарим бурнимнинг буюк хислатига қайта-қайта тан бериб борардим. Бир юзу ўн тўрт хатнинг ҳаммасидан ифвогар одамнинг қонида бўладиган ачиган пиёзнинг ҳидига ўхшаш ёқимсиз ҳид уфуриб турганлигини аниқладим. Хатлардан уфуриб турган ҳидларга қараб эгасини қандай топса бўлар экан, дея ўйлай бошладим. Уйим охирига етгани йўқ эди, столимдаги қўшалок телефонлар баробарига жиринглаб қолди. Трубкани кўтаришга улгурмадим. Ичкаридан адолатли бошлиғим ҳовлиқиб чиқиб келди:

— Кетдик,— деди ўзини очиқ эшикка уриб,— Гул Барг районида муштлашув бошланиб кетган эмиш. Бўлинг, тезроқ.

Машиналарга ўтириб, муштлашув бўлаётган мавзегача учиб кетдик. Кўчаларда юриш қийинлашиб қопти. Гоҳ сирена сигналлари чалиб соқчиликнинг учқур машинаси қувиб ўтади, гоҳ бутун оламни ваҳимали овозга тўлдириб, ўт ўчирувчиларнинг қизил машинаси бизни чеккага суриб қўяди...

Ваҳима қилганларича ҳам бор экан. Кўчаларда, хиёбонларда жанжал авжига чиқиб кетибди. Йўқ, бари бир мен сизга кўрганларимни таърифлаб беролмайдиганга ўхшайман... Чоллар чоллар билан, кампирлар кампирлар билан, зулфи гажакдор аёллар зулфи гажакдор аёллар билан, қизалоқ қизалоқ билан, чақалоқ чақалоқ билан ёқа сиқишиб, бир-бирининг сочидан юлишиб ётибди. Жўжаҳўроздек тиккама-тикка олишаётганлар, рақибининг елкасига миниб олиб, қулоғидан чўзаётганлар, ожизроғини тагига босиб, пахсага лой тепгандек тепкилаётганлар... Йўқ, таърифлай олмайман дедимми, демак таърифлай олмайман...

Ора-чора менга, фақат менинг ўзимгагина таниш бўлган:

— Ҳа-ҳа-ҳа,

— Ҳе-ҳе-ҳе,

— Ҳи-ҳи-ҳи! — деган овозлар ҳам эшитилиб қоляпти. Демак, Сеҳргар Иблис шу ўртада, тантана қиляпти у, одамларни оралаб, бир-бирига гиж-гижляпти.

— Ҳой, менга қара, соқолинг гўрда чиригур, — деб бир чол бошқа чолнинг соқолидан торта бошлади, — мен қачон маҳалланинг етмишта лаганини сотиб ебман, нега бундай деб ёздинг?

— Ўзинг-чи, букри! — деяпти бошқаси. — Мачитга бориб жойнамоз ўғирлаб келди, деб ёзибсан-ку, қачон ўғирлабман?

— Мен лаган сотдимми-а?

— Мен жойнамоз ўғирладимми-а?

— Соқолингни юлиб оламан!

— Тилингни суғуриб оламан!..

Нариги кўчада кампирлар даҳанки жангга киришиб кетишибди:

— Сочимни қўйвор деяпман, — дейди озгин кампир.

— Йўқ, аввал бўйнимга қўйиб берасан, — деяпти семиз кампир. — Мен қудамниқига борганда мохорасининг гўшти йўқ, худо урсин қурумсоқни, дедимми-а?

— Ўзинг-чи, ўзинг, келини кўрпага кирганда дераза остида ўтириб, тонг отгунча пойлаб чиқади, деб ёзибсан-ку. Қачон пойладим, шарманда?

— Ўзинг шармандасан.

— Тўйда қилган тўянамни бер ҳозир.

— Уч кийимлик атлас қарзсан. Аввал тўлаб қўй...

Берини тўдада олифта кийиниб, чиройли галстуклар тақиб олган хушрўйгина икки йигит бир-бирини бўғиб турибди:

— Қўлингни ол деяпман!

— Тавба қил деяпман!

— Ичалингни бошингга салла қилмасамми сен туҳматчини.

— Имзосиз хат ёзишни кўрсатиб қўяман сенга. Мен ўқувчиларимни саводсиз қилиб қўйган эмишман. Илмсиз эмишман. Ўзинг саводсизсан, аблаҳ.

— Ким аблаҳ?!

Ажратиб қўйиш қўлингдан келмагандан кейин томошабин бўлиб туриш ҳам маданиятли йигитнинг иши эмас, деб ўйладим-да, нариги кўчага ўтдим. Вужудимни виждон азоби қийнай бошлади. Ахир ўзингиз инсоф билан айтинг, боғчадан қўғирчоқ ўғирладинг деб бир-бирининг бошига ноҳақ туҳмат ёғдириб, бир-бирининг бетига чанг солган икки қизалоққа дуч келганда, ноҳақликка чидай олмай иккови ҳам юм-юм йиғлаётганини кўриб, қай одам чидай олади, ахир.

XXIX БОБ

СОБИҚ ИГВОГАРЛАР ҚАСАМИ

У ша куни, гоҳ жанжаллашаётганларни ажратиб, гоҳ ора-чира ўзим ҳам калтак еб юрган пайтимда комитетда яна бир фавқулодда мажлис бўлиб ўтибди. Мени топиша олмагач, ўзлари ўтказиб кўя қолишибди. Икки соат чамаси давом этган бу йиғинда қонуншунослар, медицина ходимлари, шаҳар маъмуриятининг масъул раҳбарлари ҳам иштирок этиб, игво микробини ўлдирадиган кучли дорини ҳозир қамоқ муддатини ўтаётган жекса олим Дар Даражагина ярата олиши мумкин, деган хулосага келишибди.

— Шогирди ўзиммида ишлайди-ку, — деб луқма ташлабди кенгаш қатнашчиларидан бири.

— Шогирди ҳам чакки эмас. Лекин шогирд, бари бир, шогирд-да, — деган жавобни айтибди адолатли бошлиғим.

Буни менга кенгашнинг қарорини ёзган қизлардан бири айтиб берди. Бир томони, устозимнинг буюк ақли, беқиёс тадбиркорлигига эҳтиёж сезилгани, яна бир томони, янги қўғирчоқлар ихтиро қилиб Ширин қовунлар мамлакати ярмаркаларида ўн етти олтин ва кумуш медаль олгани ҳисобга олиниб, муддатидан олдин чақириб олишга қарор қилишибди. Ўша заҳотиёқ уни тавбахонадан олиб келиб, сизга махсус уй қуриб бергунимизча, майли, ҳозирча набирангиз Му Ти, сеvimли шогирдингиз Акромейлар билан бирга Гу Ла кампирникида яшаб тураверинг, дейишиб ва ўша заҳотиёқ яна машинага ўтқизиб, «Инсон» институтига олиб келиб, лаборатория мудирлигини ўзига қайтариб беришибди. Қаранг-а, бир кунда қанақа ишлар бўлиб кетиши мумкин экан. Ҳатто, ой охирлаб қолганига қарамай, бир ойлик маош ҳам ёзиб беришибди.

Борингки, эл ётар пайтида қайтиб келсам, Гу Ла холамининг ҳовлисига одам демагани сиғмай кетибди. Уртадаги катта ёғоч сўрида юмшоқ ёстиқларга суянганча устозим ўтирибди. Аввалига яна бирон сеҳрли воқеа юз берган бўлса керак деб, ҳангу манг бўлиб турдим. Биласиз-ку, ўзимни тез ўнглаб оладиган одатим бор.

— Устоз! — дея қичқириб қучоғига отилдим. Оҳ, ўша пайтдаги менинг хурсандчилигимни кўрсангиз. Дунёдаги барча қувонч, барча шодлик қалбимга йиғилгандек, барча ёрқин нурлар руҳимга тўпланиб чиरोқ бўлиб ёнаётгандек. Мана энди, дейман ўзимга ўзим, устозим иккимиз лабораторияга ўтириб олиб, шунақанги сеҳрли дорилар ясайликки, эй Иблис, энди онангни учқўрғондан кўрасан.

Қўни-қўшнилар, тезроқ бирон унвонга эга бўлиш умидида юрган катта-кичик шогирдлар, илмий савияси меникидан анча паст, лекин тиришқоқликда оламни лол қолдирадиган ориқ-семиз илмий ходимлар, институтимизнинг собиқ директори — ҳамма-ҳаммалари тўпланишибди. Янги директор Шар Манда каравотнинг энг юқорисига чиқиб, чўккалаб ўтириб олиб, путқ сўзлаш учун тайёргарлик кўряпти. Менинг ёрдамим туфайли қаллоблик балосидан қутулиб олган профессор Дар Мон бир чеккага катта ўчоқ қуриб, палов дамламоқчи бўлса керак, енгини тирсагигача шимариб олиб, зирвак тайёрляпти. Му Тини кўрсангиз! Эчки боладек сакраб, ўзини гоҳ у тўдага,

гоҳ бу тўдага уриб, бобоси совға қилган катта қўғир-чоқни қиқирлатиб кулдириб, булбулдек сайратиб, ҳаммани ўзига қаратиб юрибди. Гу Ла холам-чи, вайбўй туя сандиққа беркитиб қўйган шунақанги чиройли кийимлари бор эканки, ўша либосларга бурканиб, гул-гул яшнаб кетибди. Шу даражада шошиб, шу даражада ҳовлиқиб қолибдики, қўлидаги оппоқ дастурхонни гоҳ узун стол устига ёзиб, гоҳ яна йиғиб олади денг.

Гапни қисқароқ қилиб айтадиган бўлсам, ўша оқшом хўб чиройли зиёфат бўлди-да. Шар Манда бир соату ўн минутлик нутқ сўзлади. Шогирдлар эсон-омон қутулиб келганлигини табриклаб, устозимизга шоҳона чопон кийдириб юборишди. Ниҳоят ҳамма тарқаб, тўйхонадек яшнаб кетган ҳовлида яна ўзимиз қолдик. Му Ти бобосининг тиззасига бошини қўйиб, мушук боладек беозоргина хуррак тортиб ухлашга тушди. Гу Ла холам идиш-товоқларни ювиш билан машғул. Устозим иккимиз бўлсак, ширин суҳбатга берилганмиз.

— Оббо, бобожон-эй,— дейман ҳамон қувончдан энтиқиб,— зап қутилиб кепсиз-да?

— Меҳнат ҳамиша кишининг юзини ёруғ қиладди,— дейди устозим,— мана, иккимиз ҳам қаттиқ ишлаган эдик, юзимиз яна ёруғ бўлди... Шундай қилиб, бўтам, Иблис иғвогарликни авж олдириб юборибди-да. Беҳисоб хатлар тушди дедингми? Фурсатни ўтказмай, ҳозироқ бориб ўшалар билан танишишим зарур. Хатнинг мазмунига қараб иғво захрининг кўп ё озлигини белгиласа бўлади. Ва ўшанга қараб дори ҳам тайёрлаймиз. Қани, кетдик!

— Ярим кечаси-я?!

— Мени бу ерга ухлагани олиб келишгани йўқ. Тур ўрнингдан, идорангга бошла мени.

Устозим ҳеч қачон иккита гапирмайди. Гапни қайтарган шогирднинг косаси ҳам ҳеч қачон оқармайди. Биргаллашиб бориб, менинг идорамдан хатларни олдикда, «Сарқитлар» лабораториясига қайтдик.

Устозим эртасига кеч кирганча мук тушиб хат ўқиди. Мен маҳалладан-маҳаллага ўтиб, кучайиб бораётган иғво жанжалини тинчитиб билан овора эдим. Келсам, устозим хатларни даста-даста қилиб биридан ажратиб қўйибди.

— Утир,— деб буюрди менга.

— Овқатланиб олсам девдим,— дедим ишлашга раъйим келмай.

— Овқатни кейин ейсан,— жеркиб деди устозим,— умуман, бунақанги нарсаларни билиб қўйсанг зарар қилмайди. Мени ҳам сизларга боғлаб бериб қўйгани йўқ. Бир оёғим ерда, бир оёғим гўрда бўлиб қолганман. Утир деяпман. Қалай, жанжал босилай деяптими?

— Кучайиб бораётганга ўхшайди.

— Шу кечадан қолдирмай тинчитамиз уни.

— Айтганингиз келсин, бобожон.

— Қулоқ сол, бўтам. Аввал ҳам айтган эдим, иш бошлашдан аввал унинг усулини, йўсинини белгилаб олмоқ керак. Мен хатларни қуйдагича йўсинда тур ва навларга ажратиб чиқдим.

ИҒВОГАРНИНГ ЖИНСИЙ БЎЛИНИШИ:

а) эркак иғвогар

б) хотин иғвогар

в) эркаклиги ёки хотинлиги номаълум бўлган хунаса иғвогар.

ИҒВОГАРНИНГ ТЕРРИТОРИАЛ БЎЛИНИШИ:

а) райиғвогар

б) маҳалла иғвогари

в) хонаки иғвогар.

ХАТЛАРГА ТЎКИЛГАН ОҒУНИНГ МИҚДОРИГА ҚАРАБ ҚУИИДАГИЧА ХУЛОСАГА КЕЛДИМ:

а) чаёндек чақувчи иғвогар

б) илондек авровчи иғвогар

в) мушукдек беозор суйкалувчи иғвогар.

ИҒВОГАР ВУЖУДИДА ИҒВО ЗАҲРИНИНГ ТЎПЛАНИШ ПАЙТЛАРИ:

а) умумхалқ тантанаси кучайганда,

б) атрофда хайрли ишлар авж олганда,

в) эзгу ниятли кишилар ниятига етай-етай деб турганда.

ИҶВОГАРНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛЛАР:

- а) ичи қоралик,
- б) кўролмаслик,
- в) ҳасадгўйлик.

— Хуллас, бўтам, сенинг Сеҳргар Иблисинг бизга анча иш ортириб қўйган. Уни тугатиш икковимизга ҳам осон бўлмайди. Аммо қўрқма, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор. Энг муҳими, муваффақиятга ишонч билан яшаш керак. Бурнингнинг ҳид олиш қувватти ҳалиям жойидами?

— Ўн баробар кучайган.

— Сеҳрли Қалпоқчанг ҳам ёнингдами?

— Ҳамиша хизматимга тайёр.

— Демак, бўтам, навбатдаги ишларнинг қаҳрамони энди сен бўларкансан. Менга иғво битган одамларни, яъни Сеҳргар Иблисинг тузоғига илинган бахтиқароларнинг исм-фамилияси, турар-жойини аниқлаб берасан.

— Ҳозир жўнайми?

— Хайрли ишни пайсалга солиб бўлмайди.

Ўша кечаси тонг отгунча ухламадим. Сизга айтдимми, йўқми, ҳар қандай ҳид ҳам кундузга қараганда кечаси аниқроқ сезилади. Оқшомги шабнам кунбўйи кўтарилган чангу губорни пастга босиб, ҳавони мусаффолаб қўйгани учунми, ёки тунда олам юзига қўнадиган шудринг таркибида ҳидни кучайтириб берувчи биз билмайдиган аллақандай модда борми, ишқилиб, тундаги ҳид кундузгисига қараганда ўн баробар кучли бўлади. Гапимга ишонмасангиз, кундуз кирган боғингизга тонг пайтида ҳам бир қадамранжида қилиб кўринг. Гуллару гиёҳлар таратаётган хушбўй атирдан маст бўлганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Ана ўшанда булбул нега кундузи эмас, тонг пайтида сайрашининг сабабига ҳам тушуниб оласиз. Чунки қуш зоти фақат маст бўлгандагина сайрайди... Кечирасиз, бошқа ёққа чалғиб кетдим. Хуллас, хатлардан уфуриб турган ҳидларга қараб эгаларини топишим унча қийин бўлмади. Қаранг, бор-йўғи ўн учта иғвогар бор экан. Ўн уч иғвогар ҳаммаёқни остин-устин қилиб юборибди-я!

— Офарин, — деди устозим елкамга қоқиб, — умуман, сен ҳам анча-мунча сеҳргардан қолишмайдиганга ўхшайсан.

— Келтирган маълумотимни комитетга топширайми? — деб сўрадим мактобдан андак талтайиб.

— Чора кўришларини сўрабми?

— Ҳа.

— Қамаб қўйилса-чи?

— Ҳандажак шахри қонунлар мажмуасининг 764-моддаси билан албатта қамашади.

— Ахир, у шўринг қургурларда айб йўқ-ку? Бечораларни Сеҳргар Иблис йўлдаи урган. Буни икковимиз ҳам кўриб турибмиз. Йўқ, бўтам, аввалги гапим гап. Биз қоронғиликни ёруғ нур билан даф қиламиз. Ёмонликни эса яхшилик билан. Ҳамонки иғвогарнинг қониди ичиқоралик, кўролмаслик, ҳасадгўйлик сингари заҳарлар бор экан, демак, биз уни оққўнгил, дўст муваффақиятидаи қувонадиган, ҳавасманд одамлардан олинган қонларнинг кучли бирикмаси орқали даволаймиз.

— Устоз, — дея қўлимни кўксимга қўйдим, — битта илтимосим бор.

— Сенинг ўзи илтимос қилмаган кунинг йўқ-ку.

— Йўқ, буниси бошқачароқ.

— Қани, эшитайлик-чи.

— Минг хил дорилар тайёрлаяпсиз. Лекин ҳаммасини мендан яширинча тайёрлаяпсиз. Тўғрими?

— Тўғри.

— Ҳеч бўлмаса иғвогарликка қарша Ноёб дори тайёрлаганингизда тепангизда турсам. Ўргансам.

— Ҳозиргача ўрганганинг камлик қиляптими? — устозим қошларини галати чимириб, бир оз жим турдида, кулиб қўйди. Сўнг ўзимни саволга тута бошлади, — бурнингнинг ҳид олиш қуввати жуда кучли, шундайми? Уша сеҳрни менга ҳам ўргат, деб ҳеч илтимос қилдимми?

— Йўқ, албатта.

— Сеҳрли Қалпоқчанг ҳам бор, шундайми?

— Худди шундай.

Ўшани менга ҳам бериб тур, деб ҳеч сўрадимми?

— Сўрасангиз йўқ демасдим.

— Баракалла, йўқ демасдинг. Буни ўзим нам яхши биламан. Лекин олганим билан унинг сеҳридан фойдалана олмасдим. Негаки, менинг руҳий ҳолатимга унинг сеҳри тўғри келмасди... Ҳар бир кишининг ўзгалардан беркитадиган ҳеч бўлмаса битта сири бўлиши керак. Қондаги сарқитлар заҳрини кесиб, парчалаб ташлайдиган Ноёб дорилар сири ўзим билан кетиши шарт. Эҳти-

мол мен ҳам сенга ўхшаган сеҳргардирман. Сеҳримни ошкор қилсам тил тортмай ўлиб қоларман... Ҳаётим чироғи сўниш олдидан, иншоолло, бу сирни сенга айтаман, албатта, айтаман. Бўтам, тур энди, дорини тайёрлашга киришамиз, лекин асосий унсурини бари бир айтолмайман. Қисман хабардор қилишим мумкин. Шундай қилиб, Акротий, мана бу суюқликка, яъни асосий элементга етти хил гулнинг баргидан, пок ниётли кишининг нафасидан, чақалоқнинг қувончидан, эгизак туққан аёлнинг сутидан, тонгда тушган шудрингнинг томчисидан, тоғ оҳусининг кўз ёшидан, севишганларнинг ширин охидан оз-оздан қўшилади...

— Чақалоқнинг қувончини қўл билан ушлаб бўлмайди-ку? — деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Бунинг сирини ҳам кейинроқ айтаман.

Ўша кечаси ўн уч ифвогарга устозим тайёрлаган Ноёб доридан уч томчидан ичирдим. Орадан уч кун ўтгач, эрталаб идорага борсам, яна навбатдаги мўъжиза юз берибди. Собиқ ифвогарлар адолатли бошлиғим Нарӣ Берининг хонасида қатор тизилишиб, уят иш қилиб қўйган ёш боладек бошларини солинтириб туришибди. Ранги-рўйлари бир аҳволда. Бир хиллари безгак тутаётгандек дағ-дағ қалтираб ҳам қўйишяпти. Бошлиғим овоз чиқариб қўлидаги хатни ўқий бошлади:

«СОБИҚ ИҒВОГАРЛАРНИНГ ҚАСАМИ»

Узимизни ифвогар деб атагани тилимиз бормаяпти. Лекин иқрор бўлиб айтамузки, ўша 347 имзосиз хатни ёзган ҳам, фуқарони уч ой давомида энка-тинкасини чиқариб юборган ҳам ўзимиз бўламуз. Ғоят жирканч аҳволга тушиб қолганимизни профессор Дар Даража, профессор Акрот Акротийлар тайёрлаган Ноёб доридан уч томчидан ичгач сезиб қолдик. Лаънат бўлсин оғули ўтмишимизга! Юрагимиз кир, ичимиз тўла аччиқ дуд экан. Биз собиқ ифвогарлар, қасам ичиб айтамузки, энди дунёда қанча яхшилик бўлса ҳаммасини олқишлаб яшаймуз. Биз сувдан қуруқ чиқмоқчи эмасмуз. Жиноятимизга лойиқ жазо беришингизни сўраймуз».

Тадбиркор бошлиғим Нарӣ Бери ифвогарларга чора кўриш масаласини яқка ўзи ҳал қилишга ботинолмаи, кундуз соат иккига комитетнинг шошилинич мажлисини

чақирди. Узоқ фикр олишувдан сўнг ниҳоят қарорга қуйидаги сўзлар ёзилди:

Собиқ иғвогарларнинг ўз айбига иқрорлиги инобатга олинсин;

Жазо тариқасида:

- а) уч йил давомида қовун ейиш тақиқлаб қўйилсин;
- б) ҳар бир иғвогарнинг юзига қоракуя суртилсин; то ўзлари заҳарлаган қалблардаги ғубор кўтарилмагунча ушбу қоракуя ҳеч артиб ташланмасин.

XXX БОБ

ЭСИЗ, ЭСИЗ, ҚУЛОҚЛАР!

Г у Ла холамнинг вайрон бўлай-вайрон бўлай деб турган кулбасида аҳилгина оила ташкил қилиб олди. Устозим, Му Ти, хонадон эгаси, хуллас, тўрттовимиз яшаймиз. Одам боласи ҳамиша кимнингдир меҳрига, кимнингдир эркаловчи бир оғиз сўзига муҳтож бўлиб яшаркан. Тўрттовимиз ҳам меҳрга, муҳаббатга ташна, ёлғизлик балосидан қочгани жой тополмай юрган бандалар эканмиз. Буни биз кечқурунги суҳбатлар пайтида пайқаб қолдик. Суҳбатимиз кўпинча устозимнинг яккаю ёлғиз қизи Гул Нор келинойим, шахримиз фуқароси бошига ёғилаётган офатни эртароқ даф қилиш, лабораторияда тайёрланаётган Ноёб дориларнинг таъсир қуввати ҳақида борарди. Гу Ла холамнинг пешонасига фарзанд битмаган экан. Қаранг, ҳалигача ҳовлисида на бирор марта карнай чалинибди, на бирор марта ёр-ёр овози эшитилибди. Юраги тўла армон эмиш. Гу Лихон иккимиз ўртамиздаги муҳаббат можаросидан хабар топгач, оғзи қулоғида, севиниб кетди. Худо хоҳласа, ўзим бош бўламан, деб катта тўйга тайёргарлик ҳам кўра бошлади. Биласиз-ку, икки жойда ишлайман. Ойнинг охирига бориб нақ бир чамадон пул оламан-у, шундоқлигича холажонимга келтириб бераман. Аёл зотининг қўлига пул тушса, магазиндан чиқмас экан. Холажоним ҳам кунбўйи дўкондан дўконга ўтиб, келин-куёвларга, яъни Гу Лихон иккимизга сарупо танлайди. Уёғини суриштирсангиз, бўлажак келинингиз билан ҳам алоқамиз яхши бўлиб кетган. Йигит кишининг шуҳрати қиз бола-

нинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўяди дейиларди. Рост экан. Сўнгги икки ой ичида Ҳандалак шаҳрида обрўйим шунақа ошиб кетдики, ишонсангиз, ўнлаб қизлар номимга хат ёзиб, турмуш қурмаган бўлсангиз яхшиси мени танлай қолинг, дея ёлвора бошлашди. Йўқ, кулманг, рост айтяпман. Мана шунақанги хатдан чўнтагимда ўнтаси турибди.

Уша Сехргар Иблис билан тарих музейида мушталашганимиздан сўнг бир ойгача Гу Лихонни кўролмадим. Меҳр кўзда деганлари рост экан. Аста-секин кўнглим совуб келаётган эди, уни ишхонамиз олдида кўриб қолдим. Бир марта кўрган бўлсам, ўлай агар, бу гапларни сизга айтиб ўтирмаган бўлардим. Эрталаб ҳам ўтаверди, кечқурун ҳам ўтаверди. Баъзан тўхтаб, мен ишлаб ўтирган хонанинг деразасига ўгринча нигоҳ ҳам ташлаб олади денг. Бир кун тушликдан қайтиб, идорамиз олдидаги узун скамейкада шунчаки ҳордиқ чиқариб ўтирган эдим, чиройли сумкачасини елкасига осиб олган кўйи олдимдан ўта туриб, худди мени тасодифан кўриб қолгандай бир аҳволга тушди-да, кўзларини катта-катта очиб, бир оз тикилиб тургач:

— Мирзолар бошлиғига салом,— деб қўйди.

— Салом,— дедим мен ҳам бепарвогина.

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? — сўради яна.

— Тишимни кавлаб ўтирибман,— дедим. Чиндан ҳам тишимни кавлаётган эдим.

— Ёнингизга ўтирсам майлими?

— Скамейка ҳукуматники. Хоҳлаган одам ўтириши мумкин.

— Сиз шу ерда ишлайсизми? Вой, бибоси бирам чиройли эканки!

Қарасам, қизгинанинг мен билан суҳбатлашгиси, аллақандай бир гапни айтгиси бор. Ҳа, қўлга тушдинг-ку, деб ўйладим-да, ўзимни бепарволикка солавердим. Саволига совуққина қилиб ё ҳа, ё йўқ деб қўяман. Ўзим ҳеч нарса сўрамайман. Гўё суҳбати энсамни қотираётгандек бурнимни хунук жийриб ҳам турибман.

— Касал бўлибсиз деб эшитдим? — деб сўрайди яна.

— Ҳа, бир-икки чучкуриб олдик.

— Энди тузукмисиз ахир?

— Отдекман.

— Анув олифта ҳақидаги гапингиз... чиндан ҳам Сехргар Иблис экан у. Учрашдик дегунча бармо-

гингни сўраман дейди. Сўрса шишиб кетади денг. Упаман деб бир-икки хархаша қилувди, юзларимга яра тошиб кетди. Бир марта қўлтивидан олмақчи бўлувдим, кўнглингизга ёмон гап келмасин, катта идорадан келганман дегани учун шундай қилувдим, ишонасизми, вужуди йўқ экан. Э, тавба, ранг бор, шакл бор, ўзи эса йўқдек экан. Қийим-бошлари нимага осилиб турганига ҳалигача ҳайронман. Шунақа қўрқдим, шунақа қўрқиб кетдимки, касал бўлиб ётиб қолдим. Мундай бориб, аҳвол сўрай ҳам демадингиз.

— Мендан бошқа яна ўттизта аҳвол сўрайдиганингиз бор эди шекилли?

— Вой, ўша гапимга ишонганмидингиз?

— Хўп, хайр,— дедим ўрнимдан туриб.

Гу Лихоннинг хайрлашгиси йўқ экан. Идорангизга кириб кетай, телефонингизнинг номерини ёзиб оламан, дея ортимдан эргашди. Идора давлатники, хоҳлаган одам кириши мумкин, деб қўйдим. Сочини калта кесдириб, лабини бўяб олган чиройли қизлардан бири чой дамлаб келтирган эди:

— Бу ким,— деб сўради лаблари пир-пир учиб.

— Ёрдамчиларимдан биттаси,— деб қўйдим.

— Чиройли экан.

— Яна тўрттаси бор.

— Ҳаммаси ҳам шунақа чиройлими?

— Хунукларни биз ишга олмаймиз.

Сўхбатимиз ана шу ерга етганда таққа тўхтади. Гу Лихоннинг чиройли қошлари ғалати чимирилиб, бурун катаклари кенгайди. Энтика бошлади. Озор беришни тўхтатсам бўларди, лекин биласиз-ку, жони дилим ҳазил. Ҳазил қилмаган куним яхши ухлай олмайман. Фото-витрина ташкил қилмоқчи бўлиб идорамиздаги ўн бир қизнинг олтию тўққиз ҳажмли суратини олдириб қўйган эдим. Тортмадан олиб, Гу Лихоннинг олдига ташладим.

— Бу нима?! — ранг-кути ўчиб сўради қизгина.

— Суратлар.

— Қанақа суратлар?

— Қизларники.

— Қанақа қизларники деяпман?

— Биласизми,— дедим худди хижолат бўлаётгандек қўзларимни олиб қочиб,— биласизми... келганингиз яхши бўлди. Бир кишининг маслаҳатига муҳтож бўлиб турувдим. Шу қизларнинг ҳаммаси менга

турмушга чиқиш учун муҳаббат изҳор қилиб суратларини бериб юборишибди. Бир йўла ўн бир қизга уйланомайман-ку, тўғрими?.. Қайси бирини танлашга эса бошим қотиб турувди. Гу Лихон, жон синглим, ўзингиз ёрдамлашиб юборинг. Сиз қайсисини десангиз, ўшанга уйланишга розиман. Бугундан қолмай, жавоб беришим зарур экан. Хўп вақтида келдингизда, худо хоҳласа ўзингиз ёр-ёр айтиб, гўшангага ҳам ўзингиз олиб кирасиз...

— Уйланмоқчимисиз?! — секин ўрнидан тура бошлади Гу Лихон.

— Ҳа, уйланмоқчиман.

— Танлаб берайми?

Тезроқ бўлинг, телефонда бўлса ҳам жавобини айтишим керак.

— Энг чиройлигидан бўлсинми?

— Ҳа, энг чиройлигидан.

Гу Ли қалтироқ қўллари билан суратларни тахлаб, қоғозга ўради-да, мана сенга чиройлиси, дея афтимга шунақанги урдик, ўн бир сурат ўн бир томонга пириллаб учиб кетди.

Хўнграб йиғлаб юборди. Йиғлаганча чиқиб кета бошлади. Орқасидан югурдим. Қани энди, тўхта деганимга кўнса, қани энди, ҳазиллашдим, деганимга ишонса! Йўқ, қиз боланинг қалбидек нозиги бўлмас экан. Уша куни кечгача йиғлади. Мен ҳам кечгача ётоқхонасида ўтиравердим. Бир коса шўрва ҳамма нарсани ҳал қилди. Йиғлаётганида бекор ўтириб зерикканимдан кострюлькасига шўрва солиб қўювдим. Пишириб олиб келдим. Ҳиқиллаб-ҳиқиллаб бир-икки хўплади-да:

— Ҳазилингиз қурсин,— дея мийиғида билинар-билинемас кулиб қўйди.

— Энди тўйгача ҳечам ҳазил қилмайман,— дедим мен ҳам юмшаганидан хурсанд бўлиб.

Уша кундан буён орамиз яхши. Уч-тўрт кун кўришмасак, типирчилаб қоламиз. Киноларга ҳам тез-тез борадиган бўлдик. Охирги марта борганимизда мен унинг чап томонида ўтирган эдим. Унг қўлим билан шамолда қолган варракдек дир-дир қалтираб турган тиззасини оҳиста силамоқчи бўлувдим:

— Уятсиз! — деб қўйди.

Устозим иккимизнинг ишларимиз бўлса, ҳай-ҳай, шунақанги авж олиб кетдики, агар шу суръат давом этса, баҳоргача Сеҳргар Иблисни бутунлай маҳв этиб,

у заҳарлаган қалбларнинг ҳаммасини поклаб олишимиз ҳеч гап эмасга ўхшаб қолди. Омонсиз олишувимиз бир дақиқа бўлса ҳам тўхтамасди. Улими яқинлашаётганини сезган Сеҳргар Иблис гоҳ у маҳаллада, гоҳ бу мавзеда ҳунар кўрсатмоқда эди.

Бир куни эрталаб устозим билан бозорга қовун харид қилгани кетаётгандик, якшанба куни эди шекилли, ҳа-ҳа, ойнинг учинчи якшанбаси эди, кутилмаганда кўчаларда, магазинларда, хўжалик моллари дўконларида, чакана-улгуржи савдо қилувчи базаларда ур-йиқит бошланиб кетди. Биров инқиллаб шкаф кўтарган, бошқаси гилам орқалаган, учинчиси бир той читни кўтаришга қурби келмай, судраб кетаётган, тўртинчиси икки қўлтиғида икки мис самовар, қаёққа юришни билмай, калтак еган қуёндек кўча ўртасида гаранг туриб қолган...

— Оббо Иблис-эй,— деди устозим уф тортиб,— оббо лаънати-ей, бу кеча яна ухламабди. Одамларни молпараст қилиб қўйганга ўхшайди.

— Молпараст бўлса ёмонми? — деб сўрадим жўртага.

— Ёмон,— яна уҳ тортиб бош чайқади устозим,— молпарастлик ҳатто ифвогарликдан ҳам ёмон. Бу микроб қалбига тушган одамнинг кўзи оч бўлиб қолади. Бугун чўнтагидаги пулга харажат қилади. Эртага иложи қолмагач, ё ўғирлик қилади, ё порахўрликка берилади. Нарсалар кўзига яна ҳам чиройлироқ бўлиб кўринаверади. Мени ол, мени олсанг, бахтли бўласан, деб ўзига чорлайверади. Ҳали айтганимдек, пули етмаса, ёмон йўлга такрор ва такрор кираверади. Ўғирлик, таъмагирлик асосий машғулоти бўлиб қолади. Жиноят шилимшиқ қуртдай танасига маҳкам ёпишиб олади. Ҳа, бўтам, молпарастлик микроби хавфли микроб. Энг хунуги шундаки, мен бу касалликка қарши ҳали дори ишлаб улгурмаган эдим... Ҳе, қайта қолайлик, қовунхўрликни бошқа вақтда қилармиз. Лабораторияга бориб, бирон нарса ўйлаб топмасак бўлмайди шекилли.

Лабораторияда уч кечаю уч кундуз ўтирдик. Молпарастлик очкўзликдан келиб чиқадими, ёки очкўзлик молпарастликка сабаб бўладими — мана шунинг формуласини тополмай роса хуноб бўлдик. Охири, очкўзлик, мақтанчоқлик, шухратпарастлик — молпарастлик деган хулосага келдиг-у, ана шунинг микробини ўлдирувчи дори тайёрлашга киришдик. Ўзингиздан қолар гап йўқ, дори ҳам бамисоли дамланган паловдек бир

гап Дам товоғини эртароқ кўтарсангиз гуруч етилмай қолганидек, шишанинг тиқинини ҳам эртароқ олсангиз дори ҳам оби-тобига етмай қолиши мумкин. Яна уч-тўрт кун муддат бор эди. Шу фурсатдан фойдаланиб, ўшаёққа, у районнинг номини сизга айтмайман, номи сиз яшаб турган районга ҳам, бизнинг районга ҳам жуда ўхшаб кетади. Кейинчалик бирон ишқал чиқса, ёқамдан олиб, ҳали сен бизнинг боболаримизни молпарастликда айблайдиган бўлдингми, деб лунжимга тушириб қолмаслигингиз учун шундай қиялман... Ўшаёққа бориб, молпарастлик балосига гирифтор бўлганларнинг сўнгги аҳволини кузатиб қайтмоқчи бўлдим. Бир маҳаллар моллари тирбанд бўлиб ётган магазинлар энди шип-шийдам. Қишлоқча қилиб айтадиган бўлсак, сичқонлар ҳасса таянса бўладиган бўлиб қолибди. Бир хил дўконларнинг пештахтаю эшик, деразаларигача кўчириб кетишибди.

Хонадонларда гурур тўла суҳбатлар:

— Хайрият, улгуриб қолдим, — деяпти бир аёл.

— Нима олдингиз, қўшни? — сўраяпти бошқаси.

— Етти юзта пиёла, айланай.

— Вой, бор-йўғи шуми?

— Нега энди бор-йўғи шу бўларкан. Ундай деманг, қўшнижон. Бир юзу йигирмата чойнак, олти юзта тақсимча, тўқсонта патнис, ўн тўртта мис самовар, еттита қозон, худо хоҳласа, тўй қилсак, ҳаммаси ўзимдан чиқадиган бўлди. Ўзларинг-чи, қўшнижон?

— Биласиз-ку, чолим ўлгур худо урган ландовур.

— Вой, қуруқ қолдиларингми?

— Қуруқ деса ҳам бўлади.

— Вой шўрим. Одамларга қайси юз билан кўринасиз энди? Нимангиз билан мақтанасиз?

— Борига шукур қиладиганга ўхшаймиз, овсинжон. Ландовур чолим олти гилам, етмишта дастурхон, икки юз метр пардалик тўр, учта бешик, еттита сумак, тўқсонта чўян обдаста олишга аранг улгурибди. Ландовур-да, ландовур бўлмаса эртароқ навбатга турмасмиди. Обдастани бошимга ураманми, десам, таҳоратимга сув иситиб бериб юрарсан, дейди-я! Ландовур бўлгандан кейин шунақа экан-да... Эшитдингизми?

— Нимани эшитаман?

— Бўтакўз хоним бор эди-ку, ҳалиги эрининг қулогини тишлаб олган аёл-чи?

— Э, эсладим, прокурорнинг хотиними?

— Ҳа-ҳа, ўша. Лекин эрини жуда бошлабди-да. Бир

амаллаб кўндириб, эски шаҳардаги мебель дўконини таг-туғи билан сотиб олишибди.

— Йўғ-э!

— Вой қўшнижон, ишонмайсиз-а, ўз кўзим билан кўриб қолдим. Магазиннинг орқасидаги ҳовлисига кўчиб бориб олиб, маза қилиб яшашяпти. Бирам мебеларки, нақ етти машина чиқади-я.

— Қандай бахтли аёл-а!

— Менам шуни айтяпман-да, қўшни. Олти юзта пиёлам бор, деб бу дунёдан шундай ўтиб кетиш одамга алам қиларкан. Кишиларда қўша-қўша машиналар, қўша-қўша олтин тақинчоқлар, сандиқ-сандиқ кийимликлар... Йўқ, бу кеча мен ҳам чолимнинг қулоғини тишлайман, гапимга кўнмаса, тишлаб узиб оламан.

Сухбат шу ерга етганда ташқарига чиқиб кетдим. Борди-ю, қулоқ тишлаш орқали молпараст аёллар молпарастлик нафсини қондирадиган бўлса, бу усул молпараст эркакларга ҳам маъқул келиб қолса-чи? Унда хотинларнинг қулоғини тишлашга ўтади, шундайми? Кейин-чи, кейин уёғи расво бўлади! Бир ҳафта ўтар-ўтмас эркак хотиннинг, хотини эрининг қулоғини узиб олиб, ер юзида қулоқсиз район юзага келади... Мен мана шундан кўрқиб кетганимдан аёллар сухбатини чала ташлаб, лабораторияга қараб югурдим. Гарчи дори меъёрига етмаган бўлса ҳам ўша кечадан қолдирмай, эмлашни бошлаб юбордим. Ва ҳар галгидек бу сафар ҳам, баъзи бир дилсиёҳликларни ҳисобга олмаганда, натижаси чакки бўлмади. Бир ҳафта ўтар-ўтмас район территориясида аҳолидаги ортиқча молларни сотиб оладиган еттита магазин ташкил бўлганини эшитдим.

Диққат қилган бўлсангиз, дори меъёрига етмаган бўлса ҳам, баъзи бир дилсиёҳликни ҳисобга олмаганда, деган гапларни айтиб юбордим. Буларни гапнинг совути учун айтганим йўқ. Орадан беш-ўн кун ўтгач, ўша районга бориб келган комиссия аъзолари ўз актларида номаълум сабабга кўра бир кечада юзга яқин эркак ва хотиннинг қулоғи ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолибди, деган ваҳимали сўзларни ҳам қайд қилиб келишди. Баъзи бир дилсиёҳлик деганда мен мана бу қулоқсиз бўлиб қолганларнинг аянчли аҳволини назарда тутган эдим. Эсиз, эсиз қулоқлар, дейман ўзимга-ўзим, ҳаммасига мен айбдорман...

СЕВГИЛИМНИ КИМ ЎҒИРЛАДИ?

У йга сал ғалатироқ бўлиб қайтдим. Хурсандманми, хафаманми, ўзим ҳам билмайман денг. Дилимнинг бир чеккасида шодиёналик, чароғонлик, бошқа чеккасида қоп-қора кўланка бордек. Ўзи мен кўпинча шунақа бўламан. Юрагимнинг ярми кулиб турса, ярми йиғлаб тургандек бўлаверади... Аслида-ку, Ширин қовунлар мамлакатига келганимдан буён бунақанги зўр тантана, бунақанги ҳурматни кўрмаган эдим-а. Икки хил сарқит балосидан қутулгани учун мен номини тилга олмаган район фуқароси шу балоларни даф қилганимизга атаб мен билан устозим шарафига катта сайил уюштироқчи бўлган, маъмурият хурсандчилик билан розилик берган экан. Буни мен ўтган ҳафта эшитувдим-у, ҳазил қилишаётган бўлса керак деб ўйловдим. Рост экан. Эрталаб устозим икковимизга махсус ясатилган машина жўнатишибди. Қайсарликда бу дунёда устозимга тенг келадигани йўқ. Дабдабани, мақтанчоқликни, беҳуда шов-шувларни жиним суймайди, мени тинч қўйинглар, бўлмаса яна тавбахонага қайтиб кетаман, қайтага ишлаш учун ўша ер қулайроқ эди, ана, керак бўлса, Акромийни олиб бораверинглар, деб лаборатория эшигини беркитиб олди.

Махсус ясатилган машинада бир ўзимни олиб кетишди. Сайлгоҳга шаҳар стадиони танланган экан. Дарвозага яқинлашишимиз билан ўн тўртта карнай бчрданига чалиниб, еру кўкни зириллатиб юборди. Машинадан сакраб тушмоқчи бўлувдим, стадионни айланиб чиқамиз, сизни бир кўришга муштоқ бўлган минглаб ихлосмандларингиз бор, ўшаларни хафа қилиш ярамайди, деб қўйишмади. Очиқ машинага турғизиб қўйишди. Ох, ўша пайтдаги қийқириқлар, машинага ёғилаётган даста-даста анвойи гуллар... Шу дақиқаларда ёнимда Гу Лихоним бўлармиди! Қаерда у, нега кўринмаяпти? Лоақал мақтанчоқ ўртоғим Ҳошим ҳам йўғ-а. Ойижоним, укаларим, қани энди шу ерда бўлсаларинг-у, Акромийнинг кўксига тўлқин ураётган қувончларини, денгиздек чайқалаётган севинчларини биргаликда баҳам кўрсаларингиз... Гулдасталарга кўмилиб кетган эканман, орасидан мени аранг топиб олиб, махсус тайёрланган ёғоч супага олиб чиқишди. Митинг қилишмоқчи экан. Қатор микрофонлар сув-

дан тумшуғини чиқарган¹ ўрдаклардек мен томонга бўйнини чўзиб турибди денг: Нотиқлар бирин-кетин сўзга чиқиб, минг хил ҳикматнинг тилсимотини очган устозим Дар Даража ва унинг ғоят истеъдодли шоғирди сифатида мени тилга олишиб шаънимизга мақтовлар ёғдира бошладилар. Шоирларни ҳам таклиф қилишган экан. Галма-галдан бўйнини чўзиб турган микрофонлар ёнига кела бошладилар:

— *Иблис билан жанг қилиб,
Аҳволини танг қилиб,
Қалбимизни поклаган
Дар Даража бор бўлсин!*

— дея шеър ўқий бошлади Шарқий Шимолий деган бир шоир, қарсак босилишини бир оз кутиб турди-да, яна келган жойидан бошлаб юборди:

— *Дар Даража номи бор,
Ҳовлисида томи бор.
Шараф тўла жоми бор,
Шундай устоз бор бўлсин!*

*Атала суюқ бўлар,
Ўрмонда айиқ бўлар,
Денгизда қайиқ бўлар,
Дар Даража бор бўлсин!*

Бу шоирнинг исми нега сал ғалатироқ, деб сўрадим ўзим қатори ёғоч супага кўтарилган ёшгина бир йигитдан. Шеърлари пойма-пой бўлади, эҳтимол шунинг учундир, дея шивирлаб қўйди йигит. Энг охирида Така-Тум деган шоир микрофон ёнига келди.

— *Бурнида сеҳр бордир,
Қалбида меҳр бордир,
Кўзида қаҳр бордир,
Омон бўлсин Акромий!*

*Минг бир ҳидни билади,
Айтганини қилади,
Яхшиликни тилади,
Омон бўлсин Акромий!*

*Иблисга ҳужум қилди,
Овозини жим қилди.
Ҳам ўзини гум қилди,
Омон бўлсин Акромий!*

*Молпарастлик балоси
Бор экан-ку, давоси.
Софланди юрт ҳавоси,
Омон бўлсин Акромий!..*

Биласиз-ку, мақтовларга унча ҳушим йўқроқ. Ҳошим бўлса бошқа гап — ҳозир бир қоп семирган бўларди. Мен камтаргина бўлиб, уялинқираганнамо қимти-нибгина ўтиравердим. Шеърхонликдан сўнг мукофотлаш маросими бошланди. Устозимга биринчи даражали, менга эса учинчи даражали Катта Қовун мукофоти берилиб, беш йил давомида текинга қовун ейишимиз, йил фаслининг исталган палласида, кўнгимиз тусаган қовунни сўраб олишимиз мумкинлиги эълон қилинди. Худди мана шу пайтда, катта стадионда гулдурас қарсақлар чалинаётган бир дақиқада, даҳшатли довул кўтарилди-ю, чанг-тўзон билан келиб, сайлгоҳга дадасининг ортидан эргашиб келган баъзи болаларни қуюнга ўраб осмонга олиб чиқиб кета бошлади. Гап нимадалигини англаб етмасимиздан шунақанги ёмғир уриб бердики, бамисоли стадион устидан катта дарё шовуллаб қуйилаётгандек бўлди. Саросимада қолган одамлар ўзларини дуч келган тарафга ура бошладилар. Така-Тум деган шоир икковимиз ўзимизни тахтадан ясалган супа остига олдик. Бир маҳал чиқсак, ё раббий, сайлгоҳда ҳеч ким қолмабди. Ҳар жой-ҳар жойда пайдо бўлган кўлоблар юзида нотиқларнинг нутқи ёзилган қоғозлар, болалар ташлаб қочган елим қўғирчоқлар сузиб юрибди. Сехргар Иблисининг бунақа қилиқлари борлигини илгари ҳеч кўрмаган эдим. Дилим вайрон бўлди-ю, шалолатиб сув кечиб стадиондан чиқиб кетдим.

Хуллас, ҳали айтганимдек, уйга юрагимнинг ярми кулиб, ярми йиғлаган бир ҳолатда қайтдим. Гу Ла холам билан Му Ти сергўшт паловни дамлаб, келишимни кутиб ўтиришган экан. Гулзор ўртасидаги каравотга ёнбошлаб, сен же, мен же қилишиб, ошни туширдик, кетидан қовун сўйдик.

— Энди бошланг, — деди Му Ти идиш товоқларни ювиб қайтгач.

— Нимани бошлайман? — дедим ўзимни билмасликка солиб.

— Вой, ҳар куни нимани бошлайман дейсиз-а!

— Билмаганимдан кейин сўрайман-да.

— Эртакни бошланг, деяпман.

— Кеча айтувдим-ку.
— Айтганингиз йўқ.
— Айтганман.
— Ундай деманг йиғлаб юбораман, кейин юпатолмай қийналасиз.

— Эртагим тамом бўлган.

— Елғон, мингта эртагим бор, ойижонинг муддатини ўтаб келгунча бемалол етади, дегансиз. Бошланг, Ойижонимни соғиниб турибман, йиғлаб юбораман...

— Қовуннинг ичига тушиб кетганимни айтиб берайми?

— Уни айтгансиз.

— Эшак китоб ўқиб ақлли бўлганини бошлайман бўлмаса.

— Вой, униям юз марталаб айтгансиз.

— Иблис ҳақида айтаман.

— Топиб олганингиз эшак билан иблис экан-да? Ойижон, ойижоним...

Му Ти жуда шайтон қиз-да. Ёш боланинг кўз ёшига тоқат қилолмаслигимни билиб олган. Айтганини қилмасам, йиғлашга тушади. Ҳеч юпатиб бўлмайди. Нима бало, ичида эртакни ютиб юборадиган аппарат борми дейман, на кундузи тинчлик беради, на кечаси. Айтмасам бўлмайди шекилли. Эҳтимол, мен тўқиб-чатиб айтadиган эртақлар интизор қалбига ором берар, ахир менинг ўзим ҳам қариндошларимни соғиниб, зор-интизор юрибман-ку...

— Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подшо бўлган экан. Минг гектар келадиган катта боғи бўлиб, дунёдаги барча гўзал гуллардан экиб, таърифлаб бўлмайдиган даражада чиройли ошён яратган экан. Жаҳонда қанча қуш бўлса, ҳаммасидан намуна келтириб, боғида парваришлар экан. Унинг хотини Малика фақат қуш гўшти ер экан. Кунлардан бир кун сўйилиш навбати кичкинагига бир сайроқи қушга келибди. Қас-соб пичоғини қайраб бораётган экан, қушча тилга кириб, э, шаҳаншоҳ, дея ёлборибди, биз қушлар аслида Маликага емиш учун бу ерга келтирилганмиз. Қушчилар бизни яхши парвариш қилишди. Мен сиздан мингдан-минг розиман. Фақат сўйилишим олдидан рухсат берсангиз, бориб Ватанимни бир кўриб келсам. Бу гапни эшитиб, подшо ҳайрон қолибди. Наҳотки, қушча учун мен яратган боғдан кўра ҳам гўзалроқ Ватан бўлса, деб ўйлабди-ю, қушчага жавоб бериб, орқасидан бошқа бир учқурроқ қушни жўнатибди. Орқасидан бор-чи, унинг

Ватани мен яратган гулзордан чиройлироқмикан, агар чиройли бўлса, ундан намуна олайлик, деб тайинлабди. Қушча бир кун учибди, икки кун учибди, ниҳоят, етти кун деганда жазирама бир саҳрою биёбонга етибди. Қуриб ётган чангалзорлар орасида шохларини чақмоқ уриб синдирган қари тут дарахти бор экан. Қушча дарахтнинг ўргимчаклар ин қурган ифлос қавагига кириб, оҳ, менинг азиз Ватаним, оҳ онажонимнинг нигоҳи тушган қадрдон қавакчам, оҳ, отамнинг овозини эшитган кулбам, оҳ, укаларим билан чирқиллашиб катта бўлган ҳовлим, сени кўрдим, энди ўлсам армоним йўқ, деб тинмай думалар эмиш. Кулбаси билан йиғлай-йиғлай хайрлашибди-да, яна подшонинг ҳузурига парвоз қилибди...

Пойлоқчи қуш бўлган воқеани оқизмай-томизмай шаҳаншоҳга сўзлаб берибди. Шунда шаҳаншоҳ бир оз ўйланиб турибди-да, ҳар бир кишига, ҳар бир жонзотга бировнинг гулзоридан ўзининг чангалзори афзал кўри-наркан-да, қавакдеккина бўлса ҳам, ҳар бирининг ўз Ватани бўлиши керак экан-да, дебди...

— Кейин нима бўлибди? — сўради Му Ти эртагим тугаши билан.

— Уёғини билмайман,— деб қўйдим ўйга толиб. Нега десангиз, ўзим ҳам шу пайтда Сойбошини эслаб кетган эдим.

— Қушчани сўйишибдими?

— Билмайман.

— Мен Малика бўлганимда қушчага жавоб бериб юборардим.

— Унга ачинапсанми?

— Жудаям.

— Менга-чи?

— Вой, сизга нега жавоб берар эканман.

— Ахир, менинг ҳам олисларда қолиб кетган Ватаним бор.

— Сизга ҳечам ҳам жавоб бермаймиз. Ойижоним келгунча ёнимда бўласиз. Сиз кетсангиз, ҳамма мени хўрлаб қўяди. Акаси сеҳргар эди, деб калака қилишадди. Йўқ, ҳечам кетмайсиз. Сиз сеҳргар ҳам эмассиз, тўғрими?

— Сеҳргарман.

— Елғон, ҳечам сеҳргар эмассиз яхшисиз. Ҳамма акалардан ҳам меҳрибонроқсиз...

Кўча эшикни кимдир от келдисига дўпиллатиб қолди. Устозим бугун келмайман, лабораторияда ту-

наб қоламан, деган, бу ким бўлди экан? Шиддат билан қоқаётгандан жиддийроқ бир гап борга ўхшайди. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да. Эшикни очмасдан туриб, ким у, деб сўраган эдим, участка соқчисиман, деган жавоб қайтди. Эшикни очиб улгурмасимдан:

— Профессор Акром Акримий бўласизми? — деб сўради ҳалиги овоз.

— Худди ўзиман, — деб қўйдим.

Сиздек ҳурматли одамни бевақт безовта қилганим учун қайта-қайта узр сўрайман, деб гап бошлади тунги меҳмон. Гапига қараганда, бундан тўрт кун аввал, кеч пайтида ҳамширалар ётоқхонасидан мен Гу Лихонимни эргаштириб, тўғрироғи, қўлтиқлаб олиб чиқиб кетган эканман. Чиқиб кетишим билан қишлоқдан қизнинг ота-оналари келибди. Дугоналари сабр қилиб турунглар, қизларингиз ҳозир келиб қолади, дейишибди. Қиз кечасигача қайтмабди. Эртасига отонаси касалхонага борган экан, фарзандлари у ерда ҳам йўқ эмиш. Эҳтимол, тунги поездга ўтириб, бизни кўргани қишлоққа кетгандир деб ўйлаб, ўша ёққа ҳам бориб келишибди. Йўқ эмиш. Ота-она ташвишга тушиб, бугун эрталаб соқчиликка мурожаат қилган экан. Мен қасам ичмадим-у, лекин ичгандан ҳам баттарроқ қилиб Гу Лихонни беш кундан буён кўрганим йўқ, ётоқхонасига ҳам бормадим, дедим. Милиционер мендек ҳурматли йигитнинг гапига албатта ишонаётганлигини ва менинг тоифамдаги кишилар ҳамиша рост сўзлашимизни билдириб, менга, яъни профессор Акримийга малол келмаса, участка идорасига бир минутгагина бориб келишимни илтимос қилди. Бу гапларни у шундай одоб ва назокат билан айтдики, хўб дейишдан ўзга иложим қолмади.

Участка идорасида талайгина эркагу хотинлар ўтиришган экан. Мен бу ерда биринчи дафъа бўлажак қайнатаму қайнонам билан ҳам кўришиб олдим. Иккиси ҳам жуда ёш, қайнотам мендан кўра ҳам, қайнонам қизи Гу Лихондан ҳам кўҳлироқ кўринади. Аммо икковлари ҳам менга еб юборгудек бир алпозда тикилишдики, товонларимгача музлаб кетгандек бўлди. Ҳай-ҳай, эрта-индин куёв бўламан деб турган йигитга бундай қараш уят-а, дейдиган одам йўқ. Соқчи бурчакда қимтинибгина ўтирган қизлардан бирини турғизиб:

— Бу ўртоқни танийсизми? — деб бармоғи билан мени кўрсатди.

Қулоғимга чақалоқнинг шапалоғидек ойбалдоқ та-

қиб юрадиган бу қизни эслагандек бўлдим. Гу Лихонга қўшни хонада яшар эди шекилли.

— Ҳа,— дея келинчақлардек ийманибгина деди қиз.

— Ким экан?

— Профессор Акрот Акротий бўладилар.

— Биринчи марта қаерда кўргансиз?

— Дугонам Гу Лининг хонасида.

— Тез-тез бориб турармиди?

— Ҳа.

— Охирги марта қачон кўргансиз?

— Айтдим-ку.

— Яна айтинг.

— Айтдим-ку, чоршанба куни эди, деб. Бу киши бордилар-да, дугонам билан бирпас чақчақлашиб ўтиришгач, сўнг қўлтиқлашиб чиқиб кетишди.

Соқчи бошқа қизни турғизди. Бунисиниям танигандек бўлдим. Дугонаси нима бўлса, ўша гапларни такрорлади. Сўнг ўша дақиқаларда профессорнинг қўлларида бир даста янги узилган гул бор эди, дея қўшимча қилиб қўйди.

Ана холос, буёғи неча пулдан тушди энди, тавба, э тавба! Қани, ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, менинг ўрнимда мана шу ҳолатга тушиб қолсангиз, ўзингизни қандай тутар эдингиз? Сеҳрли Қалпоқчани бошга кийиб, хайр-маъзурни насия қилиб, жуфтақни ростлаб қолармидингиз ёки йигит кишига қочиш ярашмайди, мардонавор туриб ҳақиқатни ҳимоя қилмоқ керак, деб охирги дақиқагача олишган бўлармидингиз? Агар йигит бўлсангиз, сўнггисини танлардингиз, шундай эмасми?

— Шаҳарда Сеҳргар Иблис кезиб юрганидан хабарингиз борми? — сўрадим соқчидан.

— Буни ҳамма билади,— деб қўйди участка бошлиғи.

— Сеҳргар Иблис билан олишаётганимни эшитган-дирсиз?

— Эшитганмиз, бугун сизга мукофот ҳам беришди.

— Сеҳргар кун сайин қиёфасини ўзгартириб турибди.

— Бундан ҳам хабаримиз бор. Ҳар жой-ҳар жойга яширинча камера қўйиб, биз ҳам кузатамиз ўша маҳлуқни.

— Сеҳргар Иблис мендан ўч олиш ниятида қиёфамга кириб, севган қизимни йўлдан оздириб кетган бўлса, нега унинг изига тушиш, орқасидан қувиш ўр-

нига вақтни ўтказиб мен билан ади-бади айтишиб ўтирибсиз?

Соқчи йигит афтидан мендан бунақанги жавоб чиқшини кутмаган экан. Бошига тўқмоқ урилгандек додираб қолди. Гоҳ менга қарайди, гоҳ хижолат ичида ўтирганларга тикилади. Бўлажак қайнонам билан қайнотам бўлса, Сехргар Иблиснинг номини эшитишлари билан хўрсинишга тушишди. Қалбларидаги ваҳимани кўтариш учун далда берадиган сўзлар айтишим керак деб ўйлаб, шу кечадан қолдирмай, қизларингни топиб бераман, дея эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетдим. Ўзим ҳам шу пайтда хийла додирётган эдим. Ахир менга ҳам осон эмас эди-да, шундай эмасми?

Нима бўлганда ҳам устозим ҳузурига бориб маслаҳат олишим даркор. Оёқни қўлга олиб, лабораторияга югурдим. Устозим ишлайдиган хонанинг чироқлари ёниқлиги кўчадан ҳам кўриниб турарди. Хонанинг эшиклари, негадир, ланг очиқ. Ҳовлиқиб ичкари кирдим. Устозим эски диванда чўзилиб ётган экан. Ориқ қўллари шалвираб осилиб тушган, кўзлари олайиб, тепасига тортиб кетган, қулоғимни кўксига босган эдим... йўқ, йўқ... айтолмайман...

— Бобожон! — дея бақириб пастга, қоровуллар олдига қараб югурдим.

XXXII БОБ

ТУҲМАТ

Қоровуллар олдига отилиб тушдим-у, шумхабарни кетказгач, яна югуриб изимга қайтдим. Устозимнинг ориқ қўллари ҳамон дивандан пастга осилиб ётарди. Кўксига олиб қўймоқчи бўлган эдим, пастда, қўли осилган жойда бир варақғижимланган қоғоз ётганини кўриб қолдим. Юрагим бир нарсани сизди-ю, шошапиша ўқий бошладим.

«Азиз ҳамшаҳарлар!

Ҳаммангизни бир хилда севардим. Сизларга орзу қилганим даражада яхшилик қилишга улгурмадим. Алвидо! Ҳамма меросимни суюкли шогирдим Акромийга васият қиламан. Акромий, пўлат сандиқлардаги ноёб дориларга ҳушёр бўл. Ал...»

Бечора устозим сўнгги сўзини охиригача ёзолмабди. дориларга ҳушёр бўл, дебди. Нега энди энг сўнгги сўзи

шу бўлди экан? Демак, бунда бир сир бор. Одамлар тўпланмасдан уларни кўздан холироқ жойга олишим керак. Югуриб ертўлага тушдим. Чиндан ҳам икки пўлат сандиқ шу ерда экан. Ертўла ичида фақат устозим икковимиз биладиган яна бир ертўла бор. У шундай сиру синоат билан ишланганки, ичига Сеҳргар Иблис ҳам киролмайди. Пўлат сандиқларни ўша ерга беркитиб чиқдим. Қайтиб чиқсам, аллақачон одамлар тўпланиб бўлишибди. Устозимнинг осилган қўллари кўксига қўйиб, оқ доқа билан иягини боғлаб, олайиб қолган кўзлари ўрнига уч тийинликдан иккита сариқ чақа ҳам босишибди.

Кейин... кейин ана шундай пайтда нималар қилиниши зарур бўлса, ўшаларни бажара бошладилар. «Тез ёрдам» чақирилди, эртасига экспертиза бошланди, индига кўмиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Кетидан бошқа расм-русумлар ҳам бажарилди. Кейин... кейин мен, мана, иш столимда юм-юм йиғлаб ўтирибман.

— Йиғини бас қилинг! — деди ичкаридан чиқиб келган адолатли бошлигим Нарӣ Бери.

— Юрагим куйиб кетяпти, — дейман бош чайқаб.

— Йиғлаш билан қайтиб келганда, йиғлай-йиғлай ота-онамни тирилтириб олардим... Нима ўқияпсиз?

— Нима бўларди, хат-да.

— Хатлигини кўриб турибман, қанақа хатлар?

— Иблис яна ишқал чиқарганга ўхшайди.

— Ҳаммамизни ўлдириб қутулади шекилли бу Иблисингиз.

— Энди порахўрликни авж олдирибди.

— Порахўрлик?!

— Ҳа.

— Яна гумонсирашлар, яна тергов...

Шундай деб, адолатли бошлигим тоқати бутунлай тугаган одамдай уҳ тортиб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Туринг, сизни Бо Дом район прокуратурасидан сўрашяпти.

— Мени-я! — дедим капалагим учиб. — Нима ишлари бор экан?

— Бир келиб-кетсин дейишяпти.

Бошқа илож йўқ. Қонуншунос органлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Улар билан бўладиган ҳазилнинг таги албатта зил бўлади. Нега чақиришди экан, дея ўйлай бошладим, йўл-йўлакай, нега менинг ўзимга

эмас, бошлиғимга қўнғироқ қилишди? Ёки Гу Лихонга боғлиқ бирон гап чиқиб қолдимикан? Соқчилик ахтраётган эди, сиз аралашманг, ўзимиз шуғулланамиз, дейишган эди-ку?

Прокуратура идораси бир қаватли кўримсизгина бинога жойлашган экан. Йўлакчалари ҳам тор, қоронғи, эшигига чарм қопланган экан, мушук таталаган бўлса керак, титилиб кетибди. Ҳандалак шаҳридаги ҳамма идораларда бўлгани каби бу ерда ҳам қабулхона секретари қўғирчоқдеккина қиз бола экан ва шу кеча-кундузда кўпчилик идораларда расм бўлганидек мени совуққина қарши олди.

— Прокурор чақиртирган экан,— дея келганимни маълум қилдим.

— Фамилиянгиз? — афтимга қарамай сўради «Қўғирчоқ».

— Акром Акромий...

«Қўғирчоқ», афтидан ичида пружинаси бўлса керак, дик этиб ўрнидан туриб кетди:

— Вой, профессор Акром Акромий сиз бўласизми? Мен сизни чол киши бўлсангиз керак деб ўйлаб юрардим... Қаранг-а, сизни кутяптилар. Йўқ, тўхтанг, бир нарсасиз сўрасам майлими?

— Сўрай қолинг.

— Сиз ҳақиқатан ҳам шунақамисиз?

— Қанақа эканман?

— Бурнингизнинг ичида ҳидларни анализ қиладиган завод борми? Ҳамма қизлар шунақа дейишяпти.

— Завод эмас лаборатория бор,— деб ичкари кириб кетдим ва тўсатдан ҳангу манг бўлиб қолдим...

Прокурорлик курсида менга ҳам, қисман сизга ҳам аввалдан таниш бўлган «Ҳалоллик ва ростгўйлик тажриба институти»нинг ҳуқуқшунослик факультетида муаллимлик қиладиган, бир кампир набирасини ўқишга олиб келганда, келтирган пулингиз оз, конкурс шартига тўғри келмайди, дея йиғлатиб чиқариб юборган киши, ҳа, ҳа, худди ўша Оқ Сочли ўтирарди. Тавба, порага келган пулни тарозида тортиб оладиган одам қандай қилиб прокурор бўлиб қолди экан? Бошимдан ана шундай фикрлар ўтаётганда миям ловиллаб куйган бўлса ажаб ҳам эмас. Нега десангиз, аввал пешонамдан, сўнг бурнимдан тер чиқиб кетди.

— Нега серрайиб турибсиз? — қўрс бир оҳангда сўради Оқ Сочли.

— Нима қилай бўлмаса? Ўйинга тушиб берайми? —

дея мен ҳам кўрс жавоб қайтардим. Тўғри-да, у прокурор бўлса, мен ҳам кичкина одам эмасман, профессор деган унвоним бор обрўли ташкилотнинг масъул котибиман!

— Хўш, эшитаман?

— Чақиртирган экансиз.

Участка соқчиси текширув ўтказиб, қизни Акром Акромиёв ўғирлаган, деган хулосага келибди. Лабораториядаги баъзи ходимларнинг ёзишича ва текширув пайтида берган гувоҳликларга қараганда, профессор Дар Даражани мен бўғиб ўлдирган эмишман.

— Ёлгон! — қичқириб юбордим.

— Бу ер шовқин соладиган жой эмас, — таҳдид оҳангида деди Оқ Сочли.

— Тухмат бу!

— Тухматлигини исботлаб берсангиз... икковимизга ҳам яхши бўлар эди.

— Қани, ўша хатни менга кўрсатинг-чи.

— Ҳаққим йўқ.

— Хўп, ким ёзганлигини айтинг бўлмаса.

— Айтолмайман. Шаҳар қонунлар мажмуасининг бир юзу ўн тўртинчи моддасига биноан тергов тугагунча сизни ҳибсага олишга мажбурман. Акром Акромиёв, сиз ҳибсага олиндингиз.

— Нима?!

— Сержант Да Ғал, — дея мурожаат қилди ҳалидан буён бир чеккада икковимизнинг суҳбатимизни кузатиб ўтирган йигитчага. — Акромиёвни еттинчи хонага олиб бординг.

Бу қанақаси бўлди-а? Қизни мен ўғирламаганимни ҳамма билади-ку, ўзим ҳам биламан-ку. Бориб-бориб мен меҳрибон устозимни бўғаманми? Тухмат бу, бўҳтон бу! Қип-қизил ёлгон бу!!

— Ўзинг порахўрсан! — дея қичқирдим Оқ Сочлига қараб.

— Олиб чиқинг! — деди прокурор худди бошини узиб ташланг дегандек бир оҳангда.

Нахотки бекордан-бекорга қамалиб кетаверсам, буюк ишларни амалга ошираётганимни ҳисобга олишмас экан-да! Тухматчи ҳақ-у, рост сўзлаганим учун мен ноҳақ эканман-да! Йўқ, анча-мунчага мен ҳам таслим бўладиганлардан эмасман. Қўлтигимдан шошилиб Сеҳрли Қалпоқчамни олиб бошимга кийдим.

— Олиб чиқинг деяшман! — ўшқириб такрорлади Оқ Сочли.

— Йўқ бўлиб қолди-ку, кимни олиб чиқаман? — ранг-қутти ўчиб деди Да Ғал.

— Лапашанг, қочириб юборган бўлсанг ўзингни қамайман. Икковлари бирин-кетин кўчага югуриб чиқиб кетишди. Қўғирчоқ қиз прокурорга қайноққина чой дамлаб кирган экан. Бостириб-бостириб икки пиёласини ичдим-да, сўнг мен ҳам ташқарига чиқа бошладим. Уёқ-буёқни бир ўйлаб, ҳозирги аҳволимни баҳолаб олишим керак эди.

— Тўғри қилдимми? — сўрадим Қалпоқчамдан.

— Жуда тўғри қилдинг, — деган овоз келди пешонам тарафдан.

— Мен қочоқ бўлиб қолдим-ку?

— Бошқа иложинг йўқ эди.

— Буюк ишларни амалга оширмоқчи эдим.

— Энди ўзим ёрдамчинг бўламан.

— Кўп нарсага ақлим етмайди ахир?

— Маслаҳат мендан бўлади.

— Рост айтяпсанми?

— Ёлғончини ёмон кўраман.

— Энг аввал севгилим Гу Лихонни ахтариб топсак бўларди.

— Куюнма, бежавотир жойда яшаяпти у.

— Уни ким олиб қочганини биласанми?

— Севгилингни Сеҳргар Иблис беркитган.

— Хотин қилиб олган бўлса-я!

— Ташвишланма, Иблисда вужуд йўқ. Эрлик қилолмайди у. Сендан ўч олиш учун қилди бу ишни.

— Бари бир аввал севгилимни кутқарсак бўларди.

— Қутқарсак, унга андармон бўлиб, буюк ишлардан чалғиб қоласан. Устозингнинг васиятларини бажармаган бўласан.

— Демак, аввал шаҳар фуқароси қалбини поклаб олишимиз зарур экан-да?

— Устозинг тайёрлаб кетган Ноёб дориларнинг кучи кетиб қолиши ҳам мумкинлигини унутма.

— Ишни нимадан бошлай бўлмаса?

— Овқатланишдан.

— Қалпоқчам, азизим, кел, пешонангдан бир ўпай.

— Қўй, сўлагинг оқиб, тагин попугимни кир қилиб қўймасин.

Донишманд ўртоғим Ҳошимнинг бир маҳаллар айтган гапи тўғри экан — қорин тўқ бўлса, мия яхши ишларкан. Буни мен шаҳардаги энг гўзал ресторанга бориб, қозон бошида ўтириб олиб, қовурилган жўжалар-

дан, димлаб пиширилган гўштлардан, ичига ёнғоқ мағзи солиб тайёрланган тухум дўлмалардан тўйиб-тўйиб еб олганимдан ва бегимсуйди қовунидан ярим палласини пок-покиза тушириб олганимдан кейин билдим.

«Комитет»га қайтиб, тортмадаги порахўрлар хусусида ёзилган актлару ахборотномаларни бир бошдан ўқиб, Ҳандалак шахрида ўн еттита ашаддий порахўр давру даврон сураётганлигини аниқлаб, турар жойларигача белгилаб олдим-да, устозимнинг Ноёб дорилари беркитилган ертўлага қараб жўнадим. Сиз нима десангиз деяверинг-ку, лекин устозим чиндан ҳам буюк олим, буюк инсон эди. Бунинг устига, яширмай қўяқолай сеҳргарликдан ҳам унча-мунча хабардор эди шекилли. Ер юзида тўқсон етти йил яшаб, шундан саксон йилини инсониятнинг руҳи ва қалбини поклайдиган мўъжизакор дорилар яратишга бағишлаганига мен ертўладаги пўлат сандиқчаларни очиб кўргандан кейин яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Иллатларнинг деярли ҳаммасини қайта-қайта таҳлил қилиб, бирининг иккинчисига қиладиган таъсирини ўрганиб, шу иллатлар микробини ташийдиган зарраларни парчалай оладиган дорилар тайёрлаб, Ёмонликни Яхшилик албатта енгади, дея ўзининг буюк хулосасини ҳам ёзиб кетган экан. Билмадим, устозим бир вақт келиб, дорилар менга ўхшаган чаласавод шогирдлар қўлига тушиб қолиши мумкинлигини башорат қилган эканми, уларни қай йўсинда қўллаш ҳақида кўрсатмалар ҳам ёзибди. Масалан, қизғанчиқ, кўзи оч одамга қарши ишлатиладиган дорини қорни тўқ, уйи молу мулкка лиммо-лим тўлган пайтда берилгани маъқул, деб таъкидлайди. Шунда қизғанчиқнинг қорнидаги овқат захар бўлиб туюларкан-у, уйдаги текинга тўпланган молу мулк бамисоли аждарҳоларга айланиб, ютаман дея қўрқита бераркан.

— Зўр-а! — деб сўрайман бошимда турган Қалпоқчамдан.

— Қойил! — деб қўяди Қалпоқчам ҳам тан бериб.

— Шундай одам ўлиб кетди-я.

— Ўз ажални билан ўлгани йўқ, Сеҳргар Иблис уни бўғиб қўйди.

— Сен билармидинг? — андак бўлмаса қичқириб юбораёздим.

— Афсуски кейин хабардор бўлдим.

— Демак, бари бир Ёмонлик Яхшиликдан устун келибди-да?

— Жанг қурбонсиз бўлмайди, Акромий,— насиҳат қилишга ўтди Қалпоқчам.— Устозинг қурбон бўлди, лекин сен борсан, мен борман, қалби гўзалликка лим-мо-лим тўлган минглаб одамлар бор. Биргалашиб ўша Иблисни албатта маҳв этамиз. Энди тезроқ бўл, оладиганингни ол-да, ертўлани тарк эт. Бўлмаса, бу ерни ҳам Сеҳргар Иблисга фош қилиб қўясан.

Х Х Х I I I Б О Б

Ж А З О

У еттита ашадий порахўрни ажратиб олдим дедим-у, уларнинг кирдикорларини сизга батафсил сўзлаб ўтирмадим. Шикоятлар сиёҳ билан эмас, бамисоли кўз ёши билан битилгандек. Ҳар битта сўз ўрнида аждарҳо домига дуч келган одамнинг кўзлари мўлтираб тургандек. Уша шикоятларни ўқиётганимда, ишонсангиз, порахўрлар менга ҳам аждарҳо бўлиб кўринаверади. Текширув комиссияси қайд қилган актларда шунақанги рақамлар келтирилганки, ҳай-ҳай, юрагингиз орқага тортиб кетай дейди. Юрагингиз орқасига тортиб кетмаслиги учун уларни айтмай қўя қолдим.

— Порахўрлик микробларини парчалайдиган Ноёб дориларни ичириб бўлгач, қоида бўйича натижасини уч кундан сўнг билишим керак эди. Уч кунгача бекор ўтираманми дедим-да, Сеҳргар Иблис ҳамласи туфайли қалби ва руҳида қувлик, шубҳа, гумонсираш, ёлғончилик, чақимчилик сингари микроблар эндигина бола-лай бошлаган кишиларни аниқлаб, устоз васият қилган сеҳрли дорилардан уларга ҳам ичириб юбордим. Банияти шифо бўлсин, савоби устозимга тегсин, деган гапларни ҳам айтиб қўйдим. Бу машғулотимга берилиб кетиб, андак бўлмаса даволаётганим порахўрларни паққос унутиб юбораёзибман. Тахминан бир ҳафтадан сўнг бекатда автобус кутиб турган эдим, одамларнинг шивир-шивири, ваҳимали гаплари қулоғимга чалиниб қолди.

— Эшитдингизми, — дейди биттаси.

— Нимани эшитаман? — дейди бошқаси.

— Жуда хунук бўпти-да.

— Очиқроқ айтинг ахир.

— Прокурор қўшнимиз бор эди-ку?

— Оқ Сочлими?

— Ҳа, баракалла. Ана ўшанинг пешонасига, терисининг остига ҳеч ўчириб бўлмайдиган қилиб босма ҳарфлар билан «ПОРАХЎР» дея сеҳрли ёзув битиб кетишган эмиш.

— Совунлаб ювиб ташламабди-да?

— Совун билан ҳам, ишқор билан ҳам ҳўб ишқалаб ювишибди. Қаранг, қанча кўп ювишса, ҳалиги ҳарфлар шунча кўп ярақлармиш. Сеҳрли экан-да.

— Чатоқ бўпти-ку!

— Йўқ, мен сизга бошқа нарсани айтмоқчийдим. Ўша прокурорнинг икки қўли сонларига ёпишиб қолган эмиш.

— Ёлгонни ҳам қотириб ташлайсиз-да.

— Эрталаб ўз кўзим билан кўрдим.

Автобус келиб, суҳбат бўлиниб қолди. Шу дақиқадан бошлаб менинг бир ташвишимга ўн ташвиш қўшилди. Тавба, мен ичирган сеҳрли дориларнинг хосияти бошқачароқ эди шекилли? Еки мендан бошқа яна бир сеҳргар яширинча иш олиб боряптимикиан? Нима бўлганда ҳам ҳамма ишимни йиғиштириб қўйиб, ўшалардан хабар олишга қарор қилдим. Ун еттовининг ҳам уйига кириб чиқдим. Тўғри, юз фоиз тўғри! Ҳаммаларининг ҳам пешоналарида «ПОРАХЎР» деган сеҳрли ёзув, икки қўли сонларига ёпишган! Бирининг уйига «Тез ёрдам» кепти, бошқасиникида хонаки табиб аллақандай дори тайёрлапти, учинчисиникига дуохон домла чўкка тушиб олиб дам соляпти. Биттаси қўй сўйиб, маҳаллага худойи оши ҳам тортибди. Барчасининг уйида мотам, бола-чақаси ташвишда.... Лекин ўзиям ғалати бўпти-да. «ПОРАХЎР» деган ёзув, шахтёрларнинг ер остига тушганда пешонасига тақиб оладиган чироғи бор-ку, бамисоли ана ўшанга ўхшаб ёниб турибди денг. Ва яна, уф, энди буёғини қай тил билан баён қилсам экан, лекин айтмасдан ҳам иложим йўқ-да... ва яна икки тирсак икки биқингаю кафтлар сонга ёпишиб қолганини айтмайсизми! Одам боласининг қўллари қўл ҳолида турганда чиройли экан, танага ёпишганда жуда хунук кўринаркан...

Бирон хатога йўл қўйдим шекилли деб ўйлаб, ус-тозим қолдириб кетган ёзишмаларни яна бир кўздан кечириб чиқишга қарор қилиб, ертўлага жўнадим. Йўқ, ҳаммаси тўғри экан. Ёзишмалар орасидаги мана бу хатога кўзим тушиб қолди.

ТАВСИЯНОМА

Ушбу шишачадаги дори порахўрлик касалига мубтало бўлганларга ичирилади. Агар дорини қабул қилган шахснинг қонида порахўрлик микроблари йўқ бўлса, ҳеч қандай белги бермайди. Агар порахўрлик микроблари тўқималарга аллақчон сингиб улгурган бўлса, уч-тўрт кун ўтгач, ул шахснинг пешонасида «ПОРА-ХҲР» деган сеҳрли ёзув пайдо бўлиб, бора-бора пора олган қўллари сонларига ёпишиб қолади.

— Доволашнинг иккинчи босқичи қўйдагидан иборат: қон ва руҳи порахўрлик микроби билан заҳарланган шахс ўз пешонасидаги ёзувни кўриб, жирканч ўтмишидан ҳазар қилса, тавба тазарру бошласа, унда қутгичанинг ўнг тарафида турган доридан яна бир томчидан берилади. Пешонадаги ёзув аста-секин йўқолиб, қўллар яна ўз ҳолига қайта бошлайди.

Эслатма: сўнги дори бемор ўз қилмишига иқрор бўлганидан кейин берилади.

Хайрият, хатога йўл қўймаган эканман, дея ўзимга ўзим тасалли бердим. Қўшимча ташвиш ортганидан хафа бўлиб, ҳаммасини бир йўла тайёрлаб қўя қолмайдими, босқичли бўлишига бало бормиди, дея устозимдан андак хафа бўлдим. Аммо бошлаган ишни охирига етказиш керак. Марҳум устозим шундай деб васият қилган.

Сеҳрли Қалпоқчам ёрдамида йўл-йўлакай доктор қиёфасига кириб, бошимдан Қалпоқчамни олиб, кўзга кўринадиган бўлиб ҳам олдим-да, Оқ Сочлининг ҳузурига кирдим. Қилган жиноятига иқрор қилдирмоқчи эдим.

— Ҳм-м-м-м,— деди бир оз ўйланиб тургач,— докторман денг?

— Ҳа, докторман,— деб қўйдим.

— Гуноҳимга иқрор бўлсам, тузалиб қоламанми?

— Пешонангиздаги лаънат тамғаси ўз-ўзидан йўқолади.

— Борди-ю, ҳеч қандай гуноҳим йўқ бўлса-чи?

— Унда пешонангиздаги анави ялтираб турган лаънат тамғаси бўлмас эди. Қўлингиз ҳам сонингизга ёпишмаган бўларди.

— Хўш, ҳурматли доктор, агар билсангиз айтингни, менинг жиноятим нимадан иборат экан?

— Текширув комиссиясининг акти билан таништиришдими?

- Танишганман. Бошдан-оёқ тухмат.
- Гувоҳларнинг кўргазмаси-чи?
- Бўхтон деяпман-ку, нима, қулоғингиз оғирроқ-ми дейман.
- Комиссия уйингиздан ўн бир кило олтин топган, тўғрими?
- Буниси тўғри.
- Қаердан олгансиз?
- Топиб олганман дедим-ку.
- Кўчада ётганмикан?
- Йўқ. Ариқнинг ичига ташлаб кетишган экан.
- Прокурор бўлмасингиздан олдин институтда ишлардингиз шекилли?
- Ҳа.
- Ҳуқуқшунослик факультетидами?
- Ҳа, деяпман-ку, анқов терговчига ўхшаб ҳадеб савол бераверар экансиз-да. Доктор бўлсангиз, докторлигингизни қилинг.
- Ўқишга кирувчилардан пора олармидингиз?
- Йўқ.
- Мен ўз кўзим билан кўрганман.
- Тухмат қиялпсиз.
- Бир кампирни пули камлиги сабабли йиғлатиб чиқаргансиз.
- Елғон.
- Демак, айбингизга иқдор бўлмайсизми?
- Айбим йўқ деяпман, қанақа одамсиз ўзи.

Кўриб турибсиз, савдолашиб ўтиришга ўрин қолмади. Ўртоғим Ҳошим бўлганда, бу кунингдан баттар бўл, дея ер тепинган бўларди. Мен маданиятли йигит бўлганим сабабли, афсус, энди ўзингизга жабр бўлади-да, деб қўя қолдим. Оқ Сочли кирганиндаёқ доктор эмас, терговчи эканлигини дарров сезганман, сендақадан кўпини кўрганман, деб пешонасидаги ёзувни кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек, бошини баландроқ кўтариб менга бир чақчайиб қўйди...

Эсингизда бўлса керак, тавбахонадан қутулиб келганимдан сўнг, ишга киришим учун справка сўраб, бир идорага борувдим. Савдолаша-савдолаша ярим машинанинг пулига аранг кўндирдим, дегандим. Ўша бечора ҳам порахўрлар рўйхатига тушиб қолган экан. Иқдор бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш мақсадида уйига жўнадим. Шўринг қурғурнинг аҳволи жуда чатоқ. Шунақанги озби кетибдики, юзида узун бурнидан бошқа нарса қолмабди. Оқ Сочлига қараганда орият-

лироқ экан. Пешонасидаги сеҳрли ёзувни беркитиш мақсадида белбоғ билан танғиб олибди. Ҳузурига судья қиёфасида кирган эдим. Гапни чўзиб ўтирмасдан савол-жавобни бошлаб қўя қолдим.

— Пешонангиздаги лаънат тамғасини олиб ташлашимни истайсизми?

— Буни докторлар ҳам эплаёлмаяпти,— ух тортиб деди Дўнгпешона.

— Мен олиб ташлайман, ҳукмни ўқиб берсам тамом, ёзув ўз-ўзидан ўчади-қолади.

— Ҳукмни текинга ўқийсизми?

— Йўқ, албатта.

— Хўш, қанча сўрайсиз?

— Фақат, рост гапни айтсангиз бас, сўрайдиганим шу.

— Мен ҳамиша рост сўзлаб келганман.

— Идорада ишлаганингизда справка сотганмисиз?

— Ҳеч қачон.

— Акром Акромий деган йигит справка сўраб келгани эсингиздами?

— Унақа йигитни умримда кўрган эмасман.

— Рост гапиряпсизми?

— Худо урсин агар, рост гапим шу.

Бундан ҳам иш чиқара олмадим, ўзи порахўрлар таърифлаб бўлмайдиган даражада қайсар ҳам бўларкан. Қаранг, яхшилик қиламан деб жонимни жабборга беряпман-у, ҳа майли, қани, маҳалла комитетининг раисиникига борай-чи, деб ўйладим, чол киши эмасми, эҳтимол, ичирган сеҳрли дорим яхши таъсир қилиб, айбига иқрор бўлиб ўтиргандир. Чол киши қўлсиз яшай олмайди. Виласиз-ку, киши кексайганда мишиғи кўпроқ оқадиган бўлиб қолади. Қўллари сонига ёпишиб ётган бўлса, унинг мишиғини ким ҳам артиб кўярди.

Раисиникига қадам босишим билан ўзимнинг асли ҳолимга, Акром Акромий қиёфамга яна қайтиб олдим.

— Ассалому алайкум,— деб овоз бердим ёнгина-сига ўтираётди.

— Ваалайкум...— деди раис нурсиз кўзларини мўлтиллади.

— Қалай, тузукмисиз, отахон? Белнинг оғриғи босилдими?

— Бел-ку бир нави-я, лекин қўл чатоқ бўлиб қолди, болам.

— Нима бўлди ўзи?

— Сонимга ёпишиб қолса-я!
— Пешонангизда галати ёзув борми?
— Сенга ҳам кўриняптими?
— Шамчироқдек ёниб турибди, отахон.
— Қариганимда шунақа тухматга қолиб ўтирибман, болам. Комиссия текшириб, номимни ёмонга чиқариб, назаримда пешонамдаги ёзувни ўшалар ёпиштириб кетганга ўхшайди. Тавба, справкани текинга берасан, деб қийин-қистовга олишади-я. Текинга берилган справканинг хосияти бўлмайди, деб шунча айтсам ҳам тушулмади. Справка қанча қимматга берилса, унинг қадри ҳам шунча баланд бўлади, болам. Яна справкага келдингми? Хўш, қанча олиб келдинг?

— Пулим йўқ, отахон.

— Бўлмаса, яна белимни уқалаб қўясан.

— Анов куни уқаловдим-ку?

— Яна уқалайсан. Бу гал қўлимниям қўшиб уқалайсан. Бирам зирқираб оғрияптики. Кечалари ухлаёлмаяпман. Туришим ҳам қийин бўп қолди. Ўрнимни хўл қилиб қўйяпман. Нега серрайиб турибсан? Бошла, яхши уқаласанг, справканинг зўридан бераман.

— Демак, справкангизни бари бир текинга бермас экансиз-да?

— Текинга мушук офтобга чиқмайди, болам.

— Агар, ҳақ олмасдан битта справка берсангиз, пешонангиздаги ёзувни ўчириб, қўлларингизни сонингиздан ажратиб кетаман.

— Сеҳргар бўп қолдингми?

— Ҳа, шунақа бўп қолганман.

— Қани, аввал сеҳрингни бир кўрсат-чи, бўлмаса.

— Йўқ, аввал справка берасиз.

— Айтдим-ку, болам, текинга мушук офтобга чиқмайди, деб.

— Бермайсизми?

— Кўп пачакилашаверма, кампиримни чақираман, бошингга таёқ билан туширади.

Таёқ егандан кўра емаган яхши, буни ўзим ҳам биламан. Лекин амакини шу аҳволда ташлаб кетиш ҳам одобдан эмас-да.

— Охирги сўзингизни айтинг,— дедим ўрнимдан тураётиб.

— Йўқол кўзимдан!

Назаримда амаки хайрлашувга бошқа сўз тополмади шекилли. Тамом, ўла-ўлгунча пешонасидаги ёзув шамчироқдек парпираб ёнаверади энди. Виждони шол

бўлмаганда-ку, ёзувга кўзи тушиб, уятдан юраги ёрилиб ўларди-я! Демак, дея устозимга ўхшаб кўрган майда-чуйда воқеаларимдан катта хулоса чиқара бошладим, Сеҳргар Иблис энг аввал бу шўринг қурғурнинг виждонини булғаб қўйган экан. Лекин шу заҳотиёқ бу хулосамни ўзим инкор қилдим. Эҳтимол, бошқалари аллақачон ўз қилмишларига иқрор бўлиб ўтиришгандир...

Х Х Х И V Б О Б

ЖАЗО ДАВОМ ЭТАДИ

И нститутимизнинг директори Шар Манда Ширин қовунлар мамлакатадаги энг катта порахўр деб таърифланган эди. Кулманг, мен буни ичимдан тўқиб чиқараётганим йўқ. Текширув комиссиясининг актларида шундай деб қайд қилинган. Энг каттаси бўлгани сабаб, сеҳрли дорининг энг кўпини ҳам ўшанга ичириб юбуровдим. Уйига кираётганимда, тавба қилдим-эй, ҳар қалай раҳбарларнинг салобати босар экан-да, оёқларим қалтираб, олдинга юриш ўрнига, орқамга тисарилиб кетавердим. Қарасам, бўлмайдиган. Қалпоқчамни кийиб, кўзга кўринмайдиган бўлиб олдим. Ичкари кирсам... эҳ-ҳе, ишлар зўр, Шар Мандани гўлани ўрагандек оқ чойшабга ўраб, хона ўртасига ётқизиб қўйишибди. Пешонасидаги сеҳрли ёзув шунақа ёрқин ёняптики, қоронғи хонани чароғон қилиб турибди. Аввалига анчагача ҳайрон бўлиб турдим. Нега десангиз, Ширин қовунлар мамлакатига келганимдан буён бошига салла ўраган муллаларни ҳеч кўрмаган эдим. Ҳаммаси Сойбоши мамлакатада қолиб кетган, деб юрардим. Бу ерда ҳам бор, қирилиб битмаган экан. Тўрт мулла чўкка тушиб олиб, бешиктерватдек тебранишиб, мен билмаган дуоларни ўқиб, директоримнинг пешонасига дам солишяпти. Биттаси: «Ё саттор, ё ғаффор, суф!» деб суфласа, иккинчиси: «Ё куллий, ё ҳуллий, куф!» дейди-да, яна дуо ўқишга киришиб кетади денг. Шар Манда қайси биринг кўп ўқисанг, пулни ҳам мўлроқ оласан, деб тайинлаб қўйган бўлса керак, муллалар ўртасида чинакам мусобақа бормоқда эди. Тўрттовиям кўзини юмиб олган. Бир хилда чайқалишиб, гоҳо бошларини бошларига уриштириб ҳам олишяпти:

- Ё саттор, ё ғаффор, суф!
- Ё куллий, ё хуллий, куф!

Жазаваси тутиб қолди шекилли, битта мулла ўр-нидан туриб, ўйинга тушиб кетди. Кўзларининг соқ-қаси қутурган итникидек ирғиб чиққан, оғзидан кўпик-лар ҳам сачраяпти. Бошқа бир мулланинг қорни ҳам темирчиларнинг дамидек катта экан, ичи ҳавога тў-лами дейман, ҳар пуфлаганда ҳатто деразаларнинг пардасигача пир-пиратиб юборяпти:

- Ку-ф-ф-ф-ф-ф-ф-ф-ф-ф!!!

Назаримда муллаларнинг орасида Сеҳргар Иблис ҳам ўтирганга ўхшайди. Нега десангиз, хонада одам боласи тоқат қилолмайдиган даражада бадбўй ҳид бор ва яна муллаларнинг қироати авжига чиққанда, гоҳо:

- Ҳа-ҳа-ҳа,

- Ҳе-ҳе-ҳе,

— Ҳи-ҳи-ҳи! — деган менга, фақат менгагина та-ниш бўлган овозлар ҳам эшитилаётгандек.

Муллаларнинг товуши ўти ўчиб қолган мотордек аста-секин пасайиб бориб, сўнг таққа тўхтади. Ўзла-ри эса, қалай қойил қилдикми, дегандек бир-бирларига қараб олишди. Қорни катта мулла дам чиқаравериб терлаб кетган экан, ёнидан ҳошиясига ипакли попук тақилган рўмолчасини чиқариб, юзларини артаркан, шилқ этказиб, мишигини ҳам қоқиб олди. Ўйинга тушган мулла ўтириб сув ича бошлади.

— Худо хоҳласа,— дея энтика-энтика гап бошлади қорни катта мулла,— худо хоҳласа, пешонангиздаги лаънати ёзув бир ҳафтага қолар-қолмас даф бўлади. Кеча айтувдим-ку, инсу жинс тегибди, деб. Бу кеча ту-шимда ҳам аён бўлди. Бошингизга бир қора қарға қў-ниб олиб, пешонангизни чўқиётган эмиш. Лекин жа-ноблари, еттита мазорга еттита қўй сўйишни унутма-синлар.

— Кеча учтасини сўйдирдим,— деб қўйди Шар Манда.

— Баракалло, еттита масчитга еттита жойнамоз жўнатсинлар.

— Пирим,— дея мурожаат қилди Шар Манда,— жойнамозларни ўзингиздан бериб юбора қолсам.

— Баайни муддао бўлур эди,— шерикларига ўг-ринча назар ташлаб олди қорни катта мулла, сўнг калта қўлларини баланд кўтариб фотиҳа ўқий бош-лади,— илоё омин, шаҳримизнинг энг обрўли, энг мар-табали, энг сахий фуқароси Шар Мандани ўзинг паю-

ҳингда асрагин. Ногаҳоний бошига ёғилган фалокатни ўзинг даф қилгин. Сахий қўллари яна ўз ўрнига қайтсин, пешоналаридаги шайтоннинг кўзидек ярқираб турган анави бемаъни ёзув тезда даф бўлсин, облоҳу акбар!

— Облоҳу акбар,

— Облоҳу акбар!— дейишиб қолган муллалар ҳам юзларини силаб олишди.

Икки чинни косада лиммо-лим сув турган эди. Муллалардан бири ундан қандай фойдаланишни тушунтира бошлади. Шар Манда биринчи косадаги сувдан ҳар куни уч ҳўпландан ичиб, ичаётганда, банияти шифо деб қўйиши керак экан. Иккинчи косадаги сув билан то адо бўлгунча пешонасини ювиб туриши ва сонига ёпишган қўлларини тез-тез намлаб қўйиши зарур экан, ана шундай қилинса, худо хоҳласа, бир ҳафтага бормай, сен кўр, мен кўр бўлиб кетар экан.

— Иншоолло!— деб қўйишди дуохонлар баробарига.

Чўнтақларига пул тушиб, қўлларига тугун теккач, муллалар жўнаб кетишди. Навбат энди менга келгандир деб, суҳбатга чоғланаётган эдим, йўқ, яна бўлмади. Эшикдан ёши саксонда десамми, тўқсонда десамми, ишқилиб нечадалигини ҳеч билиб бўлмайдиган бир кампир бисмилло дея кириб кела бошлади. Шунчалик қарибдики, бели бошини кўтаролмай, ергача эгилиб қопти. Назаримда юриб эмас, эмаклаб кириб келаётгандек эди. Бошлаб кирган аёллардан бири остига юмшоқ кўрпача ёзиб, орқасига парёстиқ қўйиб берди.

— Илоё омин,— кампир ҳам фотиҳа ўқиди,— қадам етди, бало етмасин! Вой, Шар Манда, нима бўлди сенга?

— Кўргилик экан, буви,— хўрсиниб деди Шар Манда.

— Пешонангга чироқ осиб олибсанми?

— Чироқ эмас, ёзув.

— Қани, ўқи-чи, болам. Менам бир эшитай-чи, нима деб ёзишибди?

— Тилим бормаиди, бувижон.

— Ҳа, майли, ўқимасанг ўқимай қўя қол. Ҳаммасини эшитдим. Қўлинг ҳам танингга ёпишиб қолган эмиш. Инсу жинсларнинг иши бу. Вой тавба, уч-тўрт кундан буён тушлар кўраман-а. Бир алвасти сени миниб олиб, кўчаларда чоптириб юрган эмиш... Худо хоҳлаб, пирлар мададқору азиз-авлиёлар қўллаб юборса, ҳам-

масини даф қиламиз. Фақат дилингдан парвардигорнинг номини қўймасанг бўлгани.

Холажоним бажармоқчи бўлган юмушнинг номи «кўчириқ» деб аталадими ёки «алас-алас» деб юритиладими, ростини айтсам, билмас эканман. Синчиклаб кузата бошладим. Кампирнинг амри фармони билан уйнинг етти бурчагига етти шам ёқилди. Ҳазрати Баҳовуддин пирымга етти танга атаб олиб қўйилди. Эски латга ёқилиб, алангасини кампир холамиз директорнинг боши узра силкита бошлади ва тўхтамай ғалати бир оҳангда жавраб ҳам турди:

— *Алас-алас,*
Эски палас.
Алас-алас,
Чўпга ихлос.
Алас-алас,
Жинмисан?
Алас-алас
Инсмисан?
Алас-алас,
Қора девлар,
Алас-алас,
Сариқ девлар,
Алас-алас
Даф бўлинг.
Алас-алас
Хап бўлинг.
Су-ф-ф-ф...

Кампир холамизнинг оғзида тиши йўқ экан. Қаттиқ суфлаб юборган эди, тупуги чиқиб, директоримизнинг пешонасида парпираб ёниб турган сеҳрли ёзувга тегса бўладими. Бир хаёлим артиб қўяй ҳам дедим-у, ўзимни фош қилиб қўйишдан қўрқдим.

— Қора қўй сўйилганми? — тўсатдан эсига тушиб қолди шекилли дағдаға билан сўради, кампир холамиз, — тездан терисини олиб келинглар, совуб қолади. Вой, уйинг куймагурлар, тез деяпман!

Ердамлашиб турган аёллар қора қўйнинг ҳозиргина шилиб олинган, ҳали совуб ҳам улгурмаган терисини судраб киришди. Шар Мандани ўшанга ўраб, кампир холам қўлига етти хил дарахтнинг новдасини олди-да, енгил-елпи ура бошлади:

— *Кўчириқ қилдим,*
Учириқ қилдим.

Қочириқ қилдим,
Қоч, қора девлар!
Қоч-қоч деяпман,
Кўч-кўч деяпман.
Уч-уч деяпман
Қоч, сариқ девлар!

Алвастимисан,
Кўр, хастамисан,
Е қасдданмисан,
Чиқ-чиқ, чиқ тезроқ!
Дард берди худо,
Уқилди дуо,
Бўлди мустажо,
Чиқ-чиқ-чиқ, тезроқ!

Директоримизнинг аъзои баданига ин қурган инсу жинсу деву париларни қувиб чиқариш маросими нақ бир соатга чўзилиб кетди. Билмадим, шу фурсат ичида инсу жинслар у кишининг вужудини тарк этдими, йўқми, лекин қора қўчқорнинг терисини кўтарганларида пешонасидаги «ПОРАХЎР» деган сеҳрли ёзув яна ҳам чарақлаб, сонларига ёпишган қўллари яна ҳам чуқурроқ ботибди. Ҳечқиси йўқ, деди кампир холам, ўрнидан тураётиб, қора қўчқорнинг қони, худо хоҳласа, ўзини кўрсатади.

Муллаларга ўхшаб холамиз ҳам даволашнинг қолган қисмини яратган эгамнинг ўзига ҳавола қилди. Эгам хоҳласа, деди, етти кундан кейин қўлларинг ёзилиб, пешонангдаги ёзувни малоикалар ўчириб ташлайди.

Сўйилган қўйнинг гўшти, ёғини катта дастурхонга тугиб, кампир холамга бериб юборишгач, ниҳоят, эски латта ва куйган шам ҳиди анқиб турган хонада Шарманда икковимиз ёлғиз қолдик.

— Ассалому алайкум,— дедим кабинетига кирганимдақанги қилиб қўлимни кўксимга қўйиб.

— Нима?!— Директорим овоз қаёқдан келяпти экан дея уёқ-буёғига аланглаб қўйди.— Кимсан? Қаердан гапиряпсан?

«Кимсан?» деганидаёқ яна адойи тамом бўлдим. Ўзиям директоримизнинг салоҳияти зўр-да. Етган жойида ҳам отни ҳуркитаман дейди-я! Бошлиқ-бошлиқ экан-да, бари бир довдираб қолдим. Акротий, дегани чўчиб;

— Мен профессор Дар Даража бўламан, — деб юборибман денг.

— Дар Даража?! — Шар Манданинг кўзлари олакула бўлиб кетди. — Ахир у ўлган эди-ку?

— Мен унинг арвоҳи бўламан.

— Арвоҳ?!

— Ҳа, арвоҳиман.

— Тавба, овозинг ўхшамаяпти-ку?

— Ўлганимдан кейин қабрда ётганда шамоллаб овозим шунақа бўп қолди.

— Э, тавба, қанақа кунларга қолдим ўзи! Ҳой, ким бор?

— Чақирмай кўя қол, эшикни ичидан беркитиб қўйганман, ҳеч ким киролмайди. Қўрқма, сенга яхшилик қилгани келдим. Шартимга кўнсанг, пешонангдаги анави лаънат тамғасини ўчириб кетаман.

— Оббо, ҳамкасаба-ей, бу ёзувни ҳали сиз ёзганмидингиз? Аммо тирик бўлганингизда таъзирингизни бериб кўярдим-да. Ҳа майли, бўлари бўлди энди... Хўш, қанақа шарт қўймоқчисиз, айтинг, ҳаммасига розиман. Кўчага чиқолмай қолдим, ҳамкасаба.

— Ширин қовунлар мамлакатига энг катта порахўр эканлигингни тан олиб, тавба қилишинг керак.

— Мен-а?!

— Ҳа, сен.

— Тухмат қияпсан, арвоҳ!

— Пешонангдаги ёзув қора қилмишингни тасдиқлаб турибди-ку!

— Уни жинлар ёзган.

— Йўқ, мен ёзганман.

— Сен?!

— Ҳа, мен.

— Аблаҳ, ўлмаганингда сени ўзим бўғиб ўлдирган бўлардим.

— Қўлинг йўқ-ку, сонларингга ёпишиб ётибди-ку?

— Бари бир сени ўлдирардим.

— Шундай қилиб, порахўрлигингни бўйнингга олмайсанми?

— Мен ҳеч қачон порахўр бўлган эмасман, худога шукур, диёнатимни юганим йўқ.

— Бўлмаса, сенга бошқа бир шарт қўяман. Қўлинг да Акром Акромий деган йигитча ишлайдими?

— Бўлса бордир. Унақа мишиқилар институтда тўлиб ётибди.

— Ўша мишиқи тавбахонадан қутулиб келиб, ўз

ўрнимга тиклаб қўйинг, деб ёлборганда йигирма минг гишт қўйдиргансан, тўғрими?

— Ҳа, ўша йигитча ҳозир қўлимга тушганда уни ҳам сенга қўшиб бўлдим.

— Нега?

— Гиштнинг лойини яхши пишитмаган экан. Ус-талар девор ураётганда ярми уқаланиб кетибди.

— Ишқилиб, қўйиб берганмиди, ахир?

— Ҳа деяпман-ку, арвоҳ!

— Ҳозир ўша йигитча иморат солмоқчи. Сен ҳам бориб унга йигирма минг гишт қўйиб берасан.

— Мен-а, институтнинг шавкатли директори-я? Ахир, бу мен учун бориб турган ҳақорат-ку, хўрлик-ку.

— Акротий учун ҳақорат эмасмиди?

— Им-м...

— Профессор Дор Бознинг сенга иши тушганмиди?

— Менга ҳамманинг иши тушиб туради.

— Ҳа профессордан бирор нарса таъма қилган-мисан?

— Ҳозир бунинг нима аҳамияти бор?

— Дор Бозга бир йил давомида набирангни кўт-лигини ювдиргансан, тўғрими?

— Ҳа, ўз ихтиёри билан ювган.

— Сен ҳам ўз ихтиёринг билан бориб, профессор набирасининг кўт-лигини бир йил ювасан.

— Бу ғирт аҳмоқлик-ку, бориб турган хўрлик-ку, арвоҳ, эсинг жойидами?

— Профессор учун хўрлик эмасмиди?

— Им-м...

Шар Манда ўн уч марта «Им-м»лаб олгандан кейин, суҳбатни тўхтатдим. Ҳамонки ўз қилмишига, айбига иқрор эмас экан, муллаю дуохонларга пешонасига пуф-латиб ётаверсин, дедим-да, эшигини қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетдим. Шундай қилиб десангиз, «Комитет» аниқлаган ўн етти порахўрдан еттитаеси бориб турган қайсар экан. Айбига иқрор бўлмади. Пешонасидаги «ПОРАХЎР» деган ёзув абадул-абад қолиб кетди.

Х Х Х V Б О Б

УЙҚУСИЗЛИК

Бирор ишга қаттиқ берилиб кетганинда куннинг ўтгани билан ишинг бўлмай қоларкан. Ҳафта-нинг етти кунни бир-бирига чаплашиб кетганидек, фасл-

лар кетидан фасллар келаётганини ҳам пайкамай қоларкансан. Қаранг, қувди-қувди, қочди-қочдилар билан бўлиб, ёзнинг келганини ҳам билмай қолибман. Умуман, Ҳандалак шаҳрида умрим тез кечаётганга ўхшайди. Келганимга неча ёзу неча қиш бўлди, бунинг ҳам ҳисобини унутиб юборганман. Хуллас, яна ёз келиб, пишиқчилик бошланиб, бозор расталарига ҳандалагу қовун-тарвузлар уюлиб кетибди. Қовун-тарвузларини айтмай қўя қолай, улар ҳақида сизга кўп гапирганман. Тарвузлари эса ҳай-ҳай, биттасини сўйсангиз, бутун маҳаллага етади. Баъзан шунақанги катталари ҳам учрайдики, этини қиртишлаб олиб, ичини машинага гараж қилса бўлади. Ҳандалаклари эса, вой-бўй, шунақанги хили кўпки, уч юздан ортиқ десам ишонаверинг. Қишда пишадиган навини ҳам яратишган. Гупиллаб қор ёғиб ётишига қарамай полизларда ҳандалаклар пишиб, оламини хушбўй ҳидга тўлдириб туради. Айниқса, дарахтнинг устида пишадиган хили жуда ғалати бўларкан. Аввалига мен бу нокнинг каттаси бўлса керак, деб ўйладим. Ўшанда шаҳар ташқарисидаги бир ошнамникига меҳмонга борувдим. Уй эгасидан рухсат олиб, биттасини сўйиб кўрсам, йўқ, ҳандалак экан. Бай-бай-бай, шунақа ширинки, тилни ёраман дейди...

Оқпишар ўриклари, тилларанг узумлари, тоғ оҳузининг кўзидек қоп-қора оличаларию ҳар биттаси ёнғокдек бўлиб пишадиган гилослар. Кўчаларнинг икки тарафига қатор экилган беҳию нокларни айтмайсизми! Мени олмайсанми дегандек йил бўйи сарғайиб ётишди. Анжирларни бу ерда гўшти ширин бўлсин деб кўпинча молларга беришаркан. Олжўрию ғайнолилари шунақанги серҳосилки, ярмини компоту шинни қилишга улгуриб, қолганини ариқларга оқизиб юборишади денг. Ҳатто аёллар уришиб қолса, бир-бирини, «худоё олжўринг мевани кўп қилиб, йиғиштиролмай қийналиб ўлгин», ёки «худоё молинг анжир емай таъзиригини берсин», деб қарғашар экан. Борингки, Ҳандалак афсоналарда таърифланган жаннатнинг ўзгинаси эди. Эсон-омон ўз мамлакатимга қайтиб борсам, ўртоқларимга, жаннатни ўз кўзим билан кўрдим, дея мақтанаман деб кўнглимнинг бир чеккасига тугиб ҳам қўйганман.

Сеҳргар Иблис пайдо бўлди-ю, ҳамма нарса издан чиқди. Ҳатто дарахтлар ҳам мева тугмай қўйди. Ҳозир бозорлардан ҳам фэйз кетган. Деҳқонлар энди бу

ерга мева сотгани эмас, харид қилгани келишади. Қўпинча сўраганини тополмай, қопчигини қуруқ қўлтиқлаб қайтади. Шундай бўлса ҳам, бугун мен қовунга роса тўйдим. Бир миришкорнинг ҳосилини машинадан туширишга ёрдамлашиб юборувдим, ёрилганидан иккитасини қўлтиғимга қистириб, яхши йигит экансиз, ош бўлсин, дея елкамга ҳам қоқиб қўйди. Бирини еб, иккинчисини жудолик туфайли диллари вайрон бўлиб ўтирган Гу Ла холам билан Му Ти синглимга совға қиламан дея хиёбондан ўтиб бораётган эдим, кутилмаганда нариги тарафдан бурқсиб сасиётган хидни сезиб қолдим. Гап нимадалигини англаб етмасимдан, ўша, томондан мункиллаган бир чол чиқиб кела бошлади. Сеҳргар Иблис дедим-у, юрагим шув этиб кетди. Қалпоқчамни бошимга кийишга улгурмадим. Энди ҳожати ҳам йўқ. Негаки, у аллақачон мени кўриб бўлди. Эски калишини шалоплатиб, мени мўлжалга олиб келмоқда эди.

Шунақа қариб, озиб-тўзиб кетибдики, игна ютган итдек бўлиб қолибди. Бел букчайган, елка туртиб чиққан, жағларидан эт қочиб, ияк осилган, пешонадаги тириш кўпайиб, эски махси қоплангандек бир ҳолга келган. Агар Иблис бўлмай оддий бир одам бўлганда, ўлай агар, қўлтиғидан олиб, уйигача кузатиб қўйган бўлардим. Қўлимдаги қовунни скамейкага қўйиб, ҳар эҳтимолга қарши, тайёр бўлиб турдим. Ҳассаси билан тушириб қолиши ҳам ҳеч гапмас эди-да, тўғрими?

— Ҳа, йигитча, қаёқдан келяптилар? — илондек-вишиллаган овоз чиқарди.

— Бозордан, — деб қўйдим.

— Қовун олибдилар-да?

— Ҳа, қовун олдик.

— Биттасини аллақачон қоринларига жойлаб ҳам олганга ўхшайдилар.

— Шунақа бўлди.

— Мени танияптиларми?

— Сеҳргар Иблиссан, қиёфангни яна ўзгартирибсан, аблаҳ!

— Ҳай-ҳай, кексаларни ҳақорат қилиш яхши эмас. Кўриб турибсан, бир оёғим гўрда, бир оёғим ерда бўлиб қолди.

— Икковиям гўрда бўладиган кун яқин.

— Қўй, ундай дема, бўталоғим. Аслида мен сейинг олдингга яхши ният билан кетаётган эдим. Бир неча кундан бери ахтараман, нима бало, сен ҳам сеҳргар-

мисан дейман, гоҳ кўзга кўринасан, гоҳ яна йўқ бўлиб қоласан. Ҳа, бўталоғим, кўриб турганингдек, қариб қолдим. Сеҳримнинг ҳам таъсири унчалик бўлмапти. Устозинг икковингга бас келолмайдиганга ўхшайман, сеҳргарликда мендан зўрроқ экансизлар. Тайёрлаётган дориларинг сеҳримнинг кучини кесиб қўяпти.

— Ақл ҳаммавақт сеҳрдан устун келган,— деб қўйдим.

— Гап қўшмай тур, бўталоғим. Адашиб кетяпман. Ана, адашиб ҳам кетдим шекилли. Ўзи хотира ҳам сал чатоқроқ бўлиб қолган... Мен сенинг олдингга ярашайлик деб келдим.

— Ярашайлик?!

— Ҳа, ке энди ярашиб қўя қолайлик.

— Устозимни бўғиб ўлдирган маккор иблис билан-а?

— Устозингни мен бўғганим йўқ, ўзи ўлиб қолди. Умуман, биз иблислар қотилликни қаттиқ қоралаймиз. Одамлар қалбида ёмонликни авж олдириб яшашимиз учун яхши шароит яратамиз-у, лекин қотиллик қилмаймиз. Устозингни мен бўғмадим. Ишхонасига кирсам, эски диванда чўзилиб ётган экан. Дармоним қуриб қолган эди, қонидан озгина ичай деб бармоғини сўрган эдим... ўз-ўзидан ухлаб қолди.

— Демак, ўлдиргансан!

— Ғалати йигит экансан-да, айтяпман-ку, мен чиқиб кетаётганда ҳали тирик эди.

Шу пайтда ўзим ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Қаршимдан ёвуз душманим турганини била туриб, у билан ади-бади айтишиб ўтирибман-а. Ундан кўра устига шартта ташланиб, бўғиб қўя қолганим яхши эмасмикин, деб ўйладим-у, тезгина бу фикримдан қайтдим. Ахир, унда вужуд йўқ, бўғганимда қуруқ ҳавони бўғаманми? Уни устозим айтганидек, жисмонан эмас, руҳан ўлдириш керак.

Иблис илондек вишиллаб яна гапира бошлади. Ярашсак, менга севгилим Гу Лихонни қайтариб берар экан. Бунинг эвазига мен Ҳандалак шахрини унинг ихтиёрига бериб, ташқарига чиқиб кетишим ёки у сеҳрлаган одамларга Ноёб дори ичиришни тўхтатишим даркор экан. Кишиларнинг қалби ва руҳида сарқитларни авж олдириб, қариганида ҳузур-ҳаловатда яшамоқчи экан. Мени хиёнат йўлига бошламоқчимисан, дедим қалтираб. Шундай қаттиқ хаяжонландимки,

уёғига гапиролмай қолдим. Бўлмаса, дея яна вишил-лашга тушди Иблис, шаҳарни қоқ иккига бўлиб оламиз. Янги шаҳар қисми сенга-ю, эскиси менга бўла қолсин. Сен ҳам ўз билганингча, мен ҳам хоҳлаганимча яшайверамиз. Шунда сенга, ҳозир айтганимдек, иккита яхшилик қиламан.

— Сендан яхшилик ҳам чиқадими?

— Чиқади. Номинг қотилга чиққан, шундайми?

— Қани, гапиравер-чи.

— Шу туфайли қочоқ бўлиб юрибсан, тўғрими?

— Бу тухматни ҳам сен ўйлаб чиқаргансан.

— Албатта, мен ўйлаб чиқарганман-да. Бўлмаса ким деб ўйловдинг? Шартимга кўнсанг, тухматдан қутулиб олишингга ёрдамлашиб юбораман. Биргалашиб, «Сарқитларга қарши кураш комитети»ни тугатиб, идорасига ўт қўямиз-да, ана ундан кейин шаҳарнинг ўзимизнинг чекимизга тушган қисмида ялло қилиб яшайверамиз.

— Иблис, — қатъий бир оҳангда дедим, — сен дунёдаги барча разолатдан ташкил бўлган Ёмонлик рамзисан, шундайми?

— Худди шундай, — қўлидаги ҳассасини дўқиллатиб ерга урди Иблис.

— Мен сенга қарши курашяпман, тўғрими?

— Тўппа-тўғри, — яна ҳассасининг дўқиллаган овози эшитилди.

— Демак, мен Яхшилик рамзиман. Тарих фанидан озгина хабаринг бўлса, қани айт-чи, ўтмишда Яхшилик Ёмонлик билан ҳеч ярашганми? Икковларининг шартнома тузганини бирон китобда ўқиганмисан? Билиб қўй, Яхшилик Ёмонликка қарши ҳамиша жанг қилган...

— Лекин ҳеч қачон енгган ҳам эмас, — иблисона бир оҳангда кулиб қўйди Сеҳргар.

— Энди энгиладиган вақтинг келди. Қара, ҳаммаёқда гўзаллик гуллари очилляпти. Яхшилик аскарлари қўлларига қилич олиб, сафга тизилляптилар. Разолат қўшинини қириб ташлаймиз энди. Сен беркинадиган қора қалблар покланиб, яшашинг учун жой тополмай қоласан, ўласан энди!

— Ярашмайсанми? — тескари ўгирилиб сўради Иблис.

— Ҳеч қачон!

— Шартномага қўл қўймайман дегин? Шошмай тур, ҳали булбулигўё бўлиб сайрашни сенга кўрсатиб қўяман!

Сеҳргар Иблис чўнтагидан халтача олиб, энгашиб ерга бир ҳовуч кукун тўкди-да, гугурт чақиб юборди. Шунча вақтлардан буён у билан олишиб, сеҳрини қандай амалга оширишини ҳеч кўрмаган эдим. Одам боласи ҳар қанча ҳушёр бўлмасин, унинг ожиз томонлари ҳам бўлар экан-да. Югуриб бориб, оловланиб келётган кукунни тепкилаб ташлаш ўрнига, қани, қандай ёнар экан, ёганда ичидан нима чиқар экан, деб кузатиб ўтирибман-а! Кукун пов этиб бир ёнди-ю, тўсатдан тутунга айланиб бурқсий бошлади. Кўз юмиб-очгунча бутун хиёбонни аччиқ дуд қоплаб кетди. Қизиқ, ўзи аччиғ-у, ширингина таъми борга ўхшайди. Тутун орасида Сеҳргар Иблиснинг ўзи ҳам эриб кетгандек йўқ бўлиб қолди.

Қовунни қўлтиқлаб, уйга жўнадим. Аччиқ дуд менадан олдин уйга етиб келган, боринги, бутун маҳалла, бутун шаҳар кўкиш туман ичида қолгандек эди. Одамлар буни сезмас, қайтага кайфлари чоғ, бир хиллари хиргойи қилиб, ашула ҳам айтишарди.

Уша кечаси шаҳарда ҳеч ким ухламади, барчаси кайфу сафога берилди. Кимдир ичкилик ичипти, кимдир бақириб ашула айтипти, кимдир қўлларини лайлак-лайлак қилиб силкитиб ўйинга тушяпти. Эртасига ҳам, индинига ҳам боринги, бир ҳафта ўтса ҳамки, ҳеч бир зот кўз юммади. Қоронғи тушиши билан уйқусираган, алланарсаларни гапириб сандироклаган одамлар кўчаларни тўлдириб юборарди. Бир хил корхоналарда иш таққа тўхтади. Тўхтамаган корхоналарнинг ҳам унумдорлиги пасайиб, сифат деган нарса қолмади. «Сарқитларга қарши кураш комитети» шаҳар маъмурияти билан маслаҳатлашиб, тадбир устига тадбир белгиларди. Дорихоналардаги уйқу дорилари текинга тарқатилди. Аксига юриб, уйқу дорилари уйқусизликни даф қилиш ўрнига авж олдириб юборди. Бир киши уйқусираб бошқа одамнинг уйига кириб борибди-да, қозондаги овқатини пок-покиза тушириб, хотини солиб қўйган ўринда ухламоқчи бўлибди. Уй эгаси бундай қараса, ўрнида бир барзанги ётган эмиш. Қимсан, нега менинг ўрнимда ётибсан, деса барзанги, мен туш кўряпман, дермиш. Туш кўраётган бўлсанг, нега ўз хотининг билан эмас, менинг хотиним билан ётибсан деса, оғзини кап-кап очиб, эснаб, туш кўргандан кейин сенинг хотининг билан ётдим нимаю ўзимнинг хотиним билан ётдим нима, бари бир эмасми, дермиш.

Жажжи синглим Му Ти мактабдан ҳам хунук хабарлар келтира бошлади. Битта муаллим уйқусираб ҳамма ўқувчиларнинг кундалигига икки баҳо қўйибдида, сўнг бўрни гарч-гурч қилиб чайнай бошлабди. Уқувчилар нега ундай қиялсиз, дейишса, бу қанд-ку, сизлар ҳам еяберинглар, ширингина экан, дермиш. Директор билан илмий бўлим мудираси ўқувчиларга, саф тортинглар, деб буюрибдида, қўлтиқлашиб чиқиб, бир-бирларига суяниб, тек қотиб қолишибди...

Уйқусизлик ҳамманинг хотирасини издан чиқариб қўйган эди. Шаҳар маъмурияти ҳам довдираб қолганга ўхшайди. Нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Гоҳ карнайчиларни тўплаб, гумбурлатиб карнай чалдираб, гоҳ ҳамма атала қилиб ичсин, ором беради, дея фармон чиқарар эди. «Комитет» аъзолари ҳам, адолатли бошлигим Нарӣ Бери ҳам адоӣи тамом бўлишди. Бир хили идорани топиб келолмас, топиб келгани қайтаётганда адашиб, бутунлай бошқа маҳаллага ўтиб кетар эди.

Шаҳарнинг яккаю ёлғиз ҳукмдори Сеҳргар Иблисининг ўзи бўлиб қолди. Унинг мазах аралаш қаҳрли кулгиси энди ҳамма жойдан эшитилиб турарди. Бамисоли, хўш, Яхшилиқ тимсоли бўлган йигитча, аҳволинг қалай энди, деб сўраётгандек. Ўзим ҳам шу даражада шошиб, довдираб қолган эдимки, ишни нимадан бошлашни билмасдим. Устозимдан мерос қолган темир сандиқни ўн уч кун титкилаб, бари бир ухлатадиган дори борлигини аниқлай олмадим. Ўн тўртинчи марта титкилаётган эдим:

— Овсар экансан, — дея овоз бериб қолди бошимда турган Қалпоқчам.

— Нега ундай дейсан, азизим, — дедим хафа бўлгандай бир оҳангда.

— Устозингдан фақат битта сандиқ мерос қолганми?

— Йўқ, иккита эди.

— Нега унисини ҳам очиб кўрмайсан?

Қаранг, иккинчи сандиқни биринчи сандиқнинг остига кўмиб юборганим эсимдан чиқиб кетган экан. Шошганда лаббай топилмас деб шуни айтсалар керакда! Сеҳргар Иблис билан олиб борилаётган жангда олишув кучайиб, сўнгги босқичга кўтарилганда унинг сеҳрини даф қилиш учун қайси доридан, қай йўсинда фойдаланишни донишманд устозим ёзиб кетган экан. Сандиқдаги икки юзга яқин нейлон халтачаларда кукун дорилар турибди. Ҳар бирининг устида дорининг

номи, қўлланиш усуллари битилган ёрлиқ ҳам ёпиштирилган. «Ухлатадиган» деб номланган халтачани олдим-да, 0,7 грамми тутатилса, бутун шаҳарни ухлата олади, деган ёзувни йўл-йўлакай ўқиб, ташқарига отилдим. Уша пайтда шошганимданми, гугурт тополмай қийналганимни кўрсангиз. Кундуз соат учларга борганда бир амаллаб ўт ёқдим-у, аланга устига халтачадаги Ноёб кукуннинг ҳаммасини тўқдим. Пайдо бўлган ачқимтир дуднинг чиндан ҳам сеҳрли қуввати бор экан. Бир зумда шаҳар устини тумандек қоплади-ю, тентираб юрган одамларни жой-жойида ухлатди-қўйди.

Ўзим ҳам уйқусизликдан роса қийналиб юрган эдим. Йўқ, Иблисинг сеҳри туфайли эмас, Қалпоқчам афсун ўқиб, мени сеҳр таъсир қилмайдиган қилиб қўйган. Уйқусизлигимнинг сабаби одамларнинг аҳволига ачиниб, виждон азобидан қийналганимдан эди. Хуллас, роса уйқусираган эдим, Гу Ла холамнинг ичкари уйига кириб олиб, рошпа-роса икки кечаю икки кундуз гумбурлатиб хуррак отибман денг. Варанглаб чалинган карнай овозидан уйғониб кетдим. Кўзимни йириб-йиртиб кўчага чиқсам... э, хайрият-эй, ҳаёт ўз изига тушиб олибди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Биров ишга кетяпти, биров қайтапти, кимдир ўрилчасини етаклаб боғчага ошиқапти.

Орадан етти кун ўтгач, сизга ҳам, менга ҳам таниш бўлган шаҳар стадионида катта тантана бўлиб ўтди. Фуқаро бошига ёғилган офат пайтида жонбозлик ва алоҳида қаҳрамонлик кўрсатгани учун «Комитет»нинг барча аъзоларига мақтов қоғозлари, адолатли бошлиғи Нарн Берига эса иккинчи даражали Катта қовун мукофоти топширилди. Мени эса ҳеч ким эсламади.

Х Х Х V I Б О Б

СЕҲРГАР ИБЛИСНИНГ ДИПЛОМ УЎИРЛАГАНИ

Тўғри, ўша куни мени ҳеч ким эсламади. Лекин хафа бўлганим йўқ. Аслини олганда мен бу турган-битгани машаққатдан иборат бўлган гоҳ қайғули, гоҳ қувончли бўлаётган ишларимни иккинчи даражали Катта қовун мукофотини олиш учун қилаётганим йўқ. Виждон азобидан қутулиш, асирликда ётган севгилимни қутқариш, устозимнинг васиятларини ўрнига қўйиш ниятида бажаряпман. Устозим орзулари ушал-

май оламдан кўз юмди. Ўша кишининг руҳини шод этмоқ учун Ҳандалакда сўнгги иллат қолгунча енг шимариб олишишим шарт. Уёғини суриштирсангиз... ҳа, майли, сиз суриштирманг-у, мен гап халтамни очмай қўя қолай.

Эсингизда бўлса керак, ҳикоямнинг бошроғида «Инсон» институтида бешта лаборатория ишлаб туради, шулардан бири «Олимлар» лабораторияси, деб айтган эдим. Кейинчалик ўша ердаги ходимлар билан қалин ўртоқ бўлиб кетганман, умр инсонга уни сўнгги дақиқагача ҳимоя қилиш шарти билан берилади, деган ҳикматни ўшалардан эшитганман. Ишлари гумбур эди. Мусобақада ғолиб чиқиб, икки бора пул мукофоти ҳам олишган.

Сеҳргар Иблис пайдо бўлиши билан заҳарлашни мана шу ердан бошлаган экан. Аввалги директоримизни бошига тухмат ёғдириб, аста-секин жиноятга ҳам ўргатиб, ишдан олдирибди. Кейин бировга айтсангиз ишонмайдиган фожиалар юз бераверибди. Сеҳргарнинг ўзи олим қиёфасига кириб олибди-да, бу ерда бирмунча муддат директорлик ҳам қилибди. Лавозимга ўтириши билан шумлигини бошлаб, туни билан ухламай, ўзи кўпинча сеҳрини тунда амалга оширади, профессору доценту, боринги, барча олимларнинг унвони, илмий даражаси ёзилган дипломларини ўғирлаб, ҳеч ким тополмайдиган жойга беркиттирибди. Олимларнинг қалбидаги унвонпарастлик чўғини пуфлаб аланга олдириб:

— Ҳа-ҳа-ҳа.

— Ҳе-ҳе-ҳе.

— Ҳи-ҳи-ҳи, — деб кулиб ҳам қўйибди. Бу ишларни у яхши самаралар бераётган илмий ишларга халақит бериш учун қилган экан. Ва тез кунда ниятига ҳам етибди. Шунақанги катта жанжал бошланибдики, ўз устиларида тажриба ўтказилаётган кишилар қўрқиб кетиб, тажрибаларинг бошингдан қолсин-эй, дея кўрпатушагини кўтариб, уй-уйларига жўнаб кетибдилар. Бир хонадан:

— Менинг унвонимни сен ўғирлагансан!

— Йўқ, сен меникини ўғирлаганга ўхшайсан.

— Уйимга пистириб кираётганингни хотиним кўрибди.

— Дипломим келган кунни ҳамма табриклаганда сен тиржайиб турувдинг, — деган овозлар эшитилармиш. Бошқа бир эшиги қия очиқ турган кабинетдан эса:

— Диссертациянгни бировга ёздиргансан, тўнка!

— Узинг-чи, раҳбарингнинг уйига совга ташийвериб абжаинг чиқиб кетди-ку, эски арава!

— Энди ҳаммамиз тенг бўлдик.

— Сен билан тенг бўлгунча, ўлганим яхши,— деган йўгон-ингичка овозлар қулоққа чалиниб қолармиш. Учинчи бир хонада бўлса:

— Энди унвонсиз қандай яшайман?

— Ичим куйиб кетяпти, оғайни!

— Нақ ўттиз йил уриниб, зўрға олувдим-а!

— Дадам ўлмаганда ҳам бошқа гап эди. Ҳаммасини ўша тўғриларди.

— Қайнотам яна битта диплом топиб бермаса, қизини талоқ қиламан,— мазмунидаги оқ-воҳлар эшитилармиш.

Илмий ходимларни ишни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, жанжаллашишга тушиб кетганини кўрган Сеҳргар Иблис танаисига сизмай семириб:

— Ҳа-ҳа-ҳа.

— Ҳе-ҳе-ҳе.

— Ҳя-ҳя-ҳя,— дея қотиб-қотиб кулар эмиш.

Олимлардан бири қушёрроқ экан. Азизлар, дебди, бу аҳволда бир-биримизни еб тугатадиганга ўхшаймиз. Ундан кўра, юқорига илтимос қилиб хат ёзайлик. Келиб, унвонимизни тиклаб беришсин. Таклиф оқиллона бўлгани сабаб, ҳаммалари маъқуллашибди, биргалашиб қуйидаги хатни ёзишибди:

«ИЛТИМОСНОМА

«Сарқитларга қарши кураш шаҳар комитети»га!

Эшитишимизча, Сеҳргар Иблис заҳарлаган барча шахсларга ёрдам қўлингизни чўзаяётган эмишсиз. Биз ҳам ёрдамингизга муҳтож бўлиб қолдик. Аллақандай мўъжиза юз бериб, бир кечада барчамизнинг унвон, илмий даражамиз қайд қилинган диплом ва шу дипломлар берилганлиги ҳақида турли ташкилотларда сақланаётган ҳужжатлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолди. Юқоридаги ташкилотларга хат ёзсак, сизга ҳеч қачон диплом ҳам, илмий даража ҳам берилган эмас, деган мазмунда жавоблар келмоқда. Институтимизнинг директори энди ҳамманг тенг бўлдинг. Ҳамонки мақсадинг ишлаш бўлса, енгни шимариб ишлайвермайсанми, деб бизни ҳақорат қилди. Унвонсиз, илмий даражасиз қандай ишлаймиз!

*Зудлик билан ёрдам беришларингизни сўраймиз.
Унвонидан айрилган бир группа олимлар».*

«Акт № 246

Биз тубанда имзо чекувчилар, «Сарқитларга қарши кураш шаҳар комитети»нинг вакиллариديمиз. Бинобарин, қуйидагиларни қайд қиламиз. «Олимлар» лабораториясига келиб текширув ўтказдик. Ходимларнинг қалбини Сехргар захарлаб қўйгани шундоққина кўриниб турибди. Буни биз илмий ишлар таққа тўхтаб, олимлар бир-бирининг устидан бўхтон ёзаётганлигидан билиб қолдик. Инсон умрини узайтириш ўрнига ўзлари бир-бирларининг умрига завола бўлмақдалар. Йўқолган унвон ва илмий даражалар тиклангунча ишлаб туришларини маслаҳат берган эдик, ўн бир олим бир овоздан илмий даражасиз, унвонсиз ишлайдиган ахлоқ йўқ, деб туриб олишди.

Хулоса: Сехргар Иблис барчаларининг қалби ва руҳидаги унвонпарастлик туйғусини авж олдириб юборган. Шаҳар дорихоналарида унвонпарастлик касалини даволай оладиган дорилардан қолган бўлса бу ерга кўпроқ жўнатилишини сўраймиз.

*Ур Бон,
Қур Бон,
Ос Мон».*

...Бу воқеалар устозим иккимиз тавбахонадалигимизда юз берган экан. Сехргар Иблис ниятига етгач, яъни жанжаллашаётганларнинг қалбидаги инсоф ва адолат туйғусини ҳам йиғиштириб олиб, нейлон халтачага солиб, институт остонаси остига кўмибди-да, ўз ўрнига анув кун таърифлаб берганим Шар Мандани директорликка кўтариб, кўздан ғойиб бўлибди. Тавбахонадан қайтган кезларимда Шар Мадага дуч келиб, қанчалик қийнаганимни сизга айтиб берганман. Агар йўлим тушиб «Комитет»га бориб қолмаганимда, аъзолар куйиб-пишиб мажлис қилиб, лабораториядан тушган навбатдаги шикоятни муҳокама қилаётганлари устидан чиқмаганимда мен бу воқеаларни сизга ипидан-игнасигача сўзлаб ўтирмаган бўлардим...

Қалпоқчамни кийиб, кўзга кўринмас бўлиб олган эмасманми, мажлиснинг боришини кузатиб, бир чеккада жимгина ўтиравердим. Ую хаёлларга берилиб, андак

мудраб ҳам қолган эканман, бир маҳал бундай қарасам, муҳокама тугалланай деб қолибди.

— Қамаш керак,— деяпти биттаси.

— Унвонпарастлик... жиноят эмас,— деяпти бошқаси.

— Буни маънавий жиноят деб таърифлашимиз керак,— деяпти учинчиси.

Жанжални тинчитиб, илмий ишларни яна авж олдириб юбориш комитет бошлиғи Нари Берининг ўзига юкланди. Ишим бошимдан ошиб ётибди, деганига ҳам қарашмади. Бунақанги қалтис пайтда ўзингиз аралашмасангиз бўлмайди, бир-бирларини нобуд қилиб қўйишлари мумкин, дейишди. Ҳар қалай, кўпчилик экан-да, бошлиғим йўқ деёлмади. Бир хаёлим бошимдан Қалпоқчамни олиб, ўзимни кўрсатиб, қўя қолинг, ўзим тинчитиб келаман, дегим ҳам келди-ю, лекин, ҳа, қочоқ, нега қонун органларига чап бериб юрибсан, дея тутиб беришлари ҳам мумкин эди-да. Шундан қўрқиб фикримдан қайтдим. Собиқ бошлиғимнинг машинасида бўш ўрин бор экан, ёнига ўтириб олдим.

Нима десангиз денг-ку, лекин менинг адолатли бошлиғим ғоят ишчан, ғоят ташкилотчи одам. Бир вақт келиб, мен ҳам раҳбар бўлиб қолсам, тажрибасидан фойдаланаман, дея неча бор кўнглимдан ўтказганман. Институтимиз директори пешонасига «Порахўр» деган сеҳрли ёзув ёзилиб, кўчага чиқолмай қолгандан буён бу даргоҳ раҳбарсиз эди. Нари Бери шуни ҳисобга олдимки, майда-чуйда раҳбарлар билан пачакилашиб ўтирмай, шикоят ёзганларни тўплаб:

— Нега ишламаяпсизлар? — деб дўқ-пўписа қилди.

— Унвонсиз ишлаб бўларканми? — аввалги гапларини такрорлашди ходимлар.

— Ҳамма ишляпти-ку?

— Биз ҳамма эмасмиз!

— Мақсад нима ўзи?

— Илмий даражамиз қайтарилсин!

— Илмий даражани қайтариш учун аттестация ўтказамиз бўлмаса.

— Икки дунёда ҳам рози эмасмиз.

— Нега рози эмассиз?

— Кўпларимиз қариб қолганмиз. Қаллада рўзғор ташвишидан бошқа ҳеч нарса қолмаган.

— Қариган бўлсангиз унвоннинг нима кераги бор?

— Эҳтимол, қабр тошимизга ёздириш учун керакдир.

- Фақат шунинг учунми?
 - Йўқ, албатта.
 - Нимага бўлмаса?
 - Қайси биримиз қайси биримиздан зўрроқ, устунроқ эканлигимизни билиб туриш учун.
 - Зўрлигингизни ишда, амалда кўрсатсангиз бўлмайdimи?
 - Бўлмайди.
 - Нега?
 - Ҳали айтдик-ку, қариб, ишга ярамайдиган бўлиб қолганмиз. Яроқсизлигимизни илмий даражаларимизу унвонларимиз беркитиб туради.
 - Унда бир хилларингизни ишдан бўшатишга тўғри келади.
 - Бўшатиб бўлмасиз. Устингиздан ёзавериб, онадан янги туғма қилиб ташлаймиз.
 - Мени-я?!
 - Йўқ, бўшатмоқчи бўлганни.
 - Хўш, сиз нега қўл кўтараяпсиз?
 - Профессорлик дипломинг йўқолган эмас, менинг сандиғимда турибди, кўнглимни хушласанг қайтариб бераман, деб бир йил давомида менга набирасининг кўтлигини юндириб хўрлади.
 - Қайтариб бердим, ахир?
 - Кўтликни чала ювар экансан, дазмол босишни билмас экансан, деб бермади.
- Бир вақт келиб, Ҳандалак шаҳри тарихи ёзилаётганда ўн учинчи июль, кундуз соат 3 да яна бир мўъжиза юз берди, бу мўъжиза профессор Ақром Ақромийнинг ажойиб ва ғаройиб бурни туфайли бўлди, дея қайд қилишларини жуда-жуда ҳам истар эдим. Агар шундай қилинмаса, тарихий ҳақиқат бузилган бўлади. Нарг Бери илмий ходимлар билан даҳанаки жанг қилаётганда, кутилмаганда, димоғимга ғалати-ғалати ҳидлар урила бошлади. Шу вақтгача бунақанги ҳидни ҳеч туймаган эдим. Хушбўй, ёқимли ва яна ипакдек майинлиги ҳам бордек. Айтувдим-ку, ҳар қандай ҳид ҳам бурнимга кўринмас ип боғлаб, қаердан таралаётган бўлса, ўша ерга судраб кетаверади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Институт дарвозаси ёнида хом гиштдан тикланган бир зина бор эди. Ушанинг қавагидан нейлон халтача топиб олдим. Сеҳргар Иблис ходимлар қалбидан сидириб олган инсоф туйғусини мана шу ерга беркитган экан.

Хазина топган гадейдек севиниб кетдим. Шошилиб халтачаларни олдим-да, даҳанаки жанг кетаётган хонага кириб, боғичини ечиб, бир-икки силкитдим. Билмадим, инсоф илмий ходимларнинг огзидан кирдимми, ҳар қалай, яна бир мўъжиза юз берди. Ходимлар худди шоколад ўғирлаб қўлга тушган ёш боладек бир-бирларига хижолатомуз тикилиб қолишди.

— Ростини айтсам, шу пайтда ўзимдан ўзим уялиб кетдим, — дея гап бошлади бирови.

Бурним худди ремонтдан чиққан машинадек яна равон ишлаб қолди. Қаердандир қора туш билан чирий бошлаган қоғознинг аралаш ҳиди келаверди. Бурнимга боғланган кўринмас ип ҳовлидаги чинор остига етаклаб кетди. Қаранг, Сеҳргар Иблис бу ерга дипломларни кўмган экан. Кейинчалик кавлаб олиб яна бир ишқал чиқараман, деб ният қилган эканми, шунақанги авайлаб кўмибдики, асти кўяверасиз.

Ўртадаги узун стол устида қадрдон дипломлари тўсатдан пайдо бўлиб қолганлигини кўрган ходимлар анча маҳал елка қисишиб, ҳангу манг бўлиб туришди. Сўнг аста-секин ўзларига келиб, қўлларига олишиб, бири ўлиб, бири кўзига суртиб, бошқаси бағрига босиб, энтика бошладилар.

— Раҳмат сизга, — деди профессорлардан бири Нарн Берига қўл узатиб.

— Офарин! — деди бошқаси.

— Раҳбар деган мана бунақа бўпти! — деган овозлар ҳам эшитила бошлади.

Ўз ташаккурларини баён қилишнинг бошқача йўлини топа олмадилар шекилли, Нарн Берини қўлларидан кўтариб, осмонга ета бошладилар. Илмий ишларимизга ривож берганингиз учун, инсон умрини узайтиришга йўл очганингиз учун, деган овозлар институт дарвозасидан чиқиб кетганимдан кейин ҳам анчагача эшитилиб турди.

Кейинги сафар борганимда «Олийлар» лабораториясидаги ишлар яна аввалгидек авжланиб кетганини кўриб, ўзимда йўқ севиниб, омон бўлгур бурнимни қайта-қайта силаб қўйдим.

У Л И М Т У Ш А Г И Д А

Бошга ташвиш тушганда ётти ёт бегоналар ҳам ака-укалардек иноқлашиб, бора-бора бир-бирига суянадиган, кўрмаса туролмайдиган бўлиб қоларкан. Биз ҳам шунақа бўлдик. Бўлмаса мен қаёқдаю, Му Ти қаёқдаю Гу Ла холам қаёқда эди. Сеҳргар Иблиснинг шаҳар бошига офатлар ёғдириши бир-биримизга яқинлаштирган бўлса, ҳаммамиз учун қадрдон бўлган устозим Дар Даражанинг дунёдан кўз юмиши бизни пайвандлаб қўйди. Энди қувончимиз ҳам, гаму ташвишимиз ҳам ўртада. Менинг андак хафа бўлганимни кўрса Гу Ла холам туни билан ухлаёлмайди. Му Тини кўчада битта-яримта бола йирлатгудек бўлса, қулоғидан чўзмагунча менинг ҳам кўнглим жойинга тушмайди. Бамисоли бир ариқдан сув ичиб, бир ҳаводан баҳра олиб, бир қуёшдан нур эмиб ўсаётган дарахтларга ўхшайман. Шамол келса, тенгдан чайқаламиз, қуёш чиқса бир хилда қарсақ чаламиз. Прокурор қамамоқчи бўлганда қочиб келган куним холажоним билан сийғлим, тўғри қилибсиз, устозни сиз ўлдирганингиз йўқ, Гу Лихонни ҳам олиб қочган эмассиз, қаққиқат юзидаги қора нарда олиб ташлангунча, беркиниб юрганингиз маъқул, дейишиб, қандай қилсам қўлга тушмаслигим қаққида талайгина маслаҳатлар ҳам беришди.

Менинг ҳам салкам сеҳргар эканлигимни аллақачон билиб олишган. Мендек қаҳрамон билан (Иблис билан олишаётганим учун шундай дейишса керак-да) бир уйда яшаётганларидан пинҳона фахрланиб, худо хоҳласа, бизнинг ҳам номимиз тарихга кириб қолса ажаб эмас, дейишиб бир-бирларига кўз қисиб қўйганларини неча бор кузатганман.

Борингки, иноққина яшаб турибмиз. Бора-бора устозимнинг вафоти туфайли қалбимизга огир тош бўлиб чўккан гусса ҳам кўтарилиб, уйимизда ҳазил-мутоиба, қаҳқаҳаю кийқириб кулишлар ҳам пайдо бўлиб қолди. Лекин ҳар бир нарсанинг ҳам вақти-соати бўларкан-да. Кўриб турибсиз, Сеҳргар Иблисни бутунлай маҳв этишга қурбим етмаяпти. Севгилимни ахтариб эртақлардаги қаҳрамонларга ўхшаб йўлга чиқай десам, ўзингиз ҳам неча бор эшитдингиз, Сеҳрли Қалпоқчам руҳсат бермаяпти. «Йўқ, бугун йўлга чиқасан, — деб қолди кутилмаганда бошимда турган Қалпоқчам, — севгилингнинг

ҳаёти хавф остида. Уни тезроқ қутқаришинг зарур». Ҷазимнинг ҳам юрагим бир нарсани сезаётгандек кечадан буён бетоқат эдим. Ҳатто шу кечаси ғалати-ғалати тушлар ҳам кўриб чиқувдим.

— Бугун ўзинг тўқиган эртакнинг қаҳрамони бўласан,— яна гап қўшди Қалпоқчам,— ҳозир тарих музейига борасан-да, ичкари залда осиглиқ турган пўлат совутни устинга кийиб, ўша ердаги қилич билан қалқонни ҳам оласан. Сўнг циркка ўтиб, энг учқур отлардан бирини танлайсан, йўлга равона бўласан.

— Бу жуда қизиқ-ку? — дедим ҳайрон бўлиб.— Битта-яримта машинани кира қила қолсак бўлмайди-ми?

— Бўлмайди,— эътироз билдирди Қалпоқчам,— севгилинг сени эртаклардаги қаҳрамонлар қиёфасида кутяпти.

Ҳамонки севгилимнинг орзуси шу экан, бажо келтиришим шарт. Совут кийиш экан-ку, елкангда тоғни кўтариб борасан десалар ҳам рози бўлардим. Фақат уни саломат кўрсам, тонгда очилган атиргулдек тиниқ юзига бир нигоҳ ташласам, Акримий деган ёқимли куйдек ёқимли овозини эшитсам бас!

Шаҳардан чиқаётганимда кун пешиндан оққан эди. Вақтлироқ чиқсам ҳам бўларди-ю, лаънати совут билан дубулгани кийишни билмас эканман. Кўп вақтим шунга кетиб қолди. Майда-чуйда пўлат ҳалқачалардан тўқилган шим, устига ту누ка қопланган баданд пошнали этик, занглаган қилич, мис қалқон, борингки елкамдаги юк нақ етти пудча келарди. Етти пуд юк билан отга миниш қийин бўларкан. Унг оёғимни кўтарсам, чап оёғим ерга кириб кетаётгандек бўлаверади. Демак, дейман ўзимга-ўзим, эртакдаги қаҳрамонларга ҳам осон бўлмаган экан. Ишқилиб йўлда битта-яримта дев учраб қолмаса бўлгани. Борди-ю учраб қолса... ҳа майли, уёғи яна бир гап бўлар.

Ҳар нарсага қизиқаверадиган эрмакталаб болалар шаҳар чеккасигача ҳурмату эъзоз билан кузатиб қўйишди. Циркда бугун янги томоша бўлса керак, йўқ, кинога сурат олишяпти, отни ўғирлаб кетаётган бўлмасин, қара, афтини беркитиб олибди. Амаки, найзангизни бир ушлаб кўрай, деган гапларни ҳам айтиб боришаверди. Борингки, шаҳардан чиққунимча нақ пешин бўлди-да.

Катта йўл тўсатдан учга бўлинди. Кўчаларнинг бошланишига, автоинспекторларнинг иши бўлса керак, темир тахтачалар осилган. Бир тахтачада «Борса кел-

мас» деб, иккинчисида «Борса келар» деб, учинчисида «Эҳтиёт бўл, йўлда ремонт кетяпти» деб ёзиб қўйилган. Демак, мен чиндан ҳам эртақ қаҳрамонига айланибман, деган фикр ўтди бошимдан. Эртақ бўлса эртақдирда, дедим-да, худди ўша қаҳрамонларга ўхшаб, энг хатарлисини — «Борса келмас»ни танладим. Уёғига яна бир гап бўлар, дея тасалли бердим ўзимга.

Ёзининг қоқ ўртаси эмасми, қуёш шунақанги қиздириб бердики, бамисоли олов ёқилган тандирнинг ичида қолгандек бўлдим. Эрталаб кўк чойни кўп ичган эканман, тер демагани шариллаб қуйилиб берди. Мишиғимнинг оққанини айтмайсизми. Рўмолчамни олиб, артиб олай десам, чўнтак лаънати совутнинг остида қолиб кетган экан. Худди шу пайтда ўчакишгандек елкамда, куракларим остида чумолими, бургами ўрмалай бошлади. Бирон жойингиз қичишса-ю, уни қаший олмасангиз, бунақанги қўлнинг нима кераги бор! Бирон киши ҳозир елкамни қашиб қўйганда, ўлай агар, остимдаги отни совға қилган бўлардим. Ҳеч бўлмаганда, мишиғимни артиб қўйишганда ҳам майли эди. Битта-яримтаск билан жангга киришиб қолсам, ҳў йигитча, мен билан олишгунча аввал мишиғингни артиб ол, дея камситиши мумкин эди-да, шундай эмасми?

Қарши томондан сертупроқ йўлни чангитиб бир отлик кела бошлади! Бошида мис қалқону қўлтиғида найза. Дадил бўл, Акромий, найзангни ўнг қўлга ол, қиличинг чап ёнингга, дея шивирлаб отнинг бошини тортдим. Суворий қиёфасида келаётган ёвуз душман Сехргар Иблиснинг айнан ўзи бўлиши ҳам мумкин. Кўз юмиб-очгунча остидаги отни эшакка айлантириб, ўзи ёш бола қиёфасига кириб олди. Демак, ўша! Оббо лаънати-ей, қувлигини қаранг, бир сонияда ҳаммасини ўзгартириб юборди-я. Чучварани хом санабсан, Иблис!

— Тўхта, — дея ҳайқирдим эртақлардаги қаҳрамонларга ўхшаб. Шундай кучли овоз чиқардимки, атрофдаги дарахтларнинг шохлари силкиниб кетгандек бўлди, — тўхта, аблаҳ!

— Мен сизга нима қилдим, амаки? — йиғламсираган бир оҳангда сўради Иблис. Устомонлигини қаранг, йиғламсираб мени чалғитмоқчи бўляпти.

— Бу сафар ҳалол жанг қиламиз, — дея наъра тортдим яна, — танла: қиличбозликми ё найзабозликми?

— Ундай деманг, амаки, қўрқиб кетяпман.

— Энди алдай олмайсан мени, малъун! Найзангни тезроқ қўлга ол!

— Найза эмас, амаки, балиқ овлайдиган калтак бу. Учига тўр боғлаб, сойнинг ичкарироғига ташлайдиган калтак.

— Елғон!

— Жон амаки, мени ўтказиб юборинг. Дарсдан кечга қоламан. Она тилидан уй вазифасини қилганим йўқ эди. Бригадиримизга айтсам, майли, бора қол, деди. Жон амаки, ўлай агар, қўрқиб кетяпман.

— Қалқонингни қўлингга ол, ўзингни ҳимоя қил. Ҳалол туриб олишамиз.

— Бошимдаги қалқон эмас, сомон шляпа бу. Ойим офтобдан сақлайди деб эрталаб бошимга кийгизиб кўювди. Ҳар нарса бўлай, ўғирлаганим йўқ. Дадамники.

Эшак оғзини осмонга қилиб ҳанграб юборди. Ниманингдир бошланишига ишора бўлса керак. Бола қиёфасига кириб чалғитаётган Сеҳргар Иблис ҳозир менга ташланиб қолиши ҳам мумкин. Йўқ, олдин мен ҳамла қилишим керак. Найзани ўнг қўлтиғимга қисиб, чап қўлимдаги мис қалқон билан юзимни тўсдим-у, этигимнинг темир пошналари билан бедовнинг биқинига ниқтадим... Қизиқ воқеа юз берди. Ўлай агар, жуда галати бўлди! От икки одим ўнгга, икки одим чапга ташлаб, «Андижон полкаси»га ўхшаш бир куйга мослаб ўйинга туша бошлади. Гоҳ орқа, гоҳ олдинги оёқларини кўтариб, галати-галати қилиқлар ҳам қиляпти. Ўйинчи отни танлаб олган эканман! Жангга кириш ўрнига, кўрсатаётган ҳунарини қаранг! Эсизгина, қулай фурсатни қўлдан бой бериб қўйдим-а. От ҳунарини кўрсатиб бўлгунча душман қараб турармиди. Эшагини чоптириб, кўздан йўқ бўлди-қўйди...

Яна йўлга тушдим. Лекин негадир баҳри-диллим очилиб бораётганини сезиб турардим. Йўлнинг икки томони кетгунча полиз, ўнгда қовун, чапда тарвуз пайкаллари. Гоҳо йўл сабзи, пиёз сингари резаворлар гуркираб ўсаётган пайкаллар орасидан ўтиб қолади. Помидор тераётган, бақлажон узаётган болаларга дуч келиб қоламан. Кечки салқин туша бошлади. Тоғ томондан енгил-енгил эпкини ҳам эсгандек бўлди. Эпкини ўзининг кўринмас қанотларида тоғ гуллари атрини олиб келиб, атрофга пуркаётганга ўхшайди. Хушбўй ҳидлар руҳимни эркалаб, қалбимга қувонч қуя бошладилар. Ашула айтгим келиб қолди...

Ҳандалак шаҳрида шунча яшаб, унинг атрофида қалин ўрмонзорлар борлигини билмаган эканман.

Қуёшнинг юзига тун ўзининг қоп-қора пардасини ёпаётган паллада ўрмонзор ичига кириб бормоқда эдим. Қуё юмиб-очгунча шунақанги қуюқ қоронғилик тушдики, назаримда тубсиз чуқурликка тушиб кетгандек бўлдим. На ер кўринади, на осмон. Хайрият, от жонивор ўзи йўл топиб кетаверар экан. Сал ўтмасдан беҳисоб қушларнинг чағир-чуғури тиниб, мен номини билмайдиган аллақаандай ёввойи ҳайвонлар ўкириб, қоронғилик қаърини ваҳимали шовқинга тўлдириб юборишди. Тахминан ярим кечасигача шу аҳволда йўл босдим...

Бир пайт остимдаги бедов юришдан тўхтаб, кишнаб юборди. Мудрай бошлаган эканман, кўзларим ярақлаб очилиб кетгандек бўлди. Бедов дир-дир қалтирамоқда эди. Юрагим уриб кетди. Урмасдан ҳам иложи йўқ экан, нега десангиз икки томонимда иккитадан тўртта йиртқич тишларини такиллашиб, ириллашиб турарди. Буларнинг бўри эканлигини дарров англадим. Тоғли йигит эмасманми, бу йиртқичнинг кўзлари тунда олтингугуртнинг алангасига ўхшаб кўм-кўк ёнишини илгари кўп кўрганман. Одам қаттиқ кўрққанда ё адоғи тамом бўлади, ё ўн баробар кучайиб кетади. Мен кучайиб кетдим. Бир қўлда қилич, бир қўлда найза, устимда совут, хўш, нега кучаймас эканман? Отга ташланадиган бўлса, унинг товонигача ҳалқали ёпқин ўраб тушган. Қилични суғуриб, хиёл эгилиб, ириллаб турган махлуқлардан бирининг бошига туширдим. Ё бўйни узилди, ё мияси тарвуз паласидек иккига бўлиниб кетди. Ишқилиб, ерга бир нарса думалаб тушгандай бўлди-да. Ўлдирганим, афтидан, тўданинг бошлиғи экан, қаранг, ҳатто йиртқичлар ҳам бошлиқ бўлмаса, журъатсиз бўлиб қолар экан. Ириллаша-ириллаша қоронғилик қаърига сингиб кетишди. Бир ҳаёлим ўлкамининг терисини шилиб, синглим Му Тиға қундузли пальто тиктириб берай деб ҳам ўйладим-у, лекин кейин отга минолмай шу ерда қолиб кетишдан кўрқдим.

Тонготар пайтида ўрмондан чиқиб олдим. Кимсасиз дашту яйдоқ биёбон бошланди. Қовуннинг ичига жойлашган кичкина бир мамлакатга шунақанги поёнсиз чўлнинг нима кераги бор экан. Худонинг ўйламасдан иш тутганига ҳам баъзан хафа бўлиб кетасан-да. Хўп, чўлни-ку эрмак учун яратиб қўйибди, ҳар жой-ҳар жойига бир туп-ярим туп дарахтми, ёки қўққайган бир иморатми тиклаб қўйса асакаси кетмас эди-ку. Бир кечаю бир кундуз сувсиз, очу наҳор йўл босдим. Хайриятки, Сехрли Қалпоқчам ўнгга, чапга, энди тўғ-

рига юрасан, дея йўл кўрсатиб боряпти. Бўлмаса худди қуюнга дуч келган хасдек бир жойда айланаверишим ҳам ҳеч гап эмас эди. Босган йўлим унча олис эмас эди шекилли. Ҳали айтдим-ку, отнинг ўйинчисини танлаган эканман деб, на қамчи уриб бўлади, на биқинига ниқтаб. Ундай қилсангиз ҳам, бундай қилсангиз ҳам бари бир ўйинга тушади. Отдан туш,— шивирлади бир пайт Қалпоқчам, ахтараётган темир қасринг оёгинг-остида. Ванди бўлган севгилинг мана шу ерда.

Буёғи бамисоли эртақлардаги каби бўлди. Оғзи хашак билан беркитилган гишт зинадан паства тушдим. Пешонам темир эшикка урилди. Қалпоқчам афсун ўқиган эди, катта бир залда пайдо бўлиб қолдим. Залнинг айланаси катта-кичик темир эшиклар. Яна афсун ўқилгач, эшиклардан бири очилиб, ўзимни олтиндан ясалгандек ярақлаб турган танобий хонада кўрдим. Хонанинг қирқ бурчагига қирқта шам ёқилган. Дево­ларига шайтонларнингми, жину алвастиларнингми сурати ишланган. Бирининг бошида шох, бошқаси қип­ялағоч, сал-сариг сочи товонига тушиб турибди. Тўр­даги шамшод ёғочидан ишланган қуббали сўричадан кушбўй ҳид таралгандек бўлди.

— Гу Лихон,— дея қичқириб юбордим.

— Акромий,— деган ожизгина овоз эшитилди.

Тўрт ҳатлаб бориб, севгилим устидаги оқ шоҳи чой­шабни отиб ташладим. Мен ишқида ёниб юрган Гу Ли исмли қиздан ич-ичига ботиб кетган мунчоқдек иккита кўз, ангишвонадек кичкина бурунча, тириш билан қоп­ланган пешона қолибди. Шунақа озибдики, чақалоқ­дек кичкина бўлиб қолибди!

— Бу сизмисиз, Гу Лихон?

— Ўзимман, Акромий.

— Кўзларимга ишонмайман.

— Сизни худди шу қиёфада келишингизни орзу қилган эдим. Халоскор қўлларингизда қиличу қалқон, забардаст елкангизда пўлат совут, омон бўлгур бошингизда дубулға, қаранг, бирам ярашибдики, шунақа ярашибдики! Бошқача қиёфада келсангиз, ҳар нарсa бўлай, танимас эдим... Мени Иблис алдади. Сизнинг қиёфангизда келиб, бошимни айлантирди... Ўша куни, вой худойим-эй, майли, Акромий келсалар муҳаббатла­рини қабул қилай, тўйга ҳам розилик берай, ўзлари­ниям роса қийнаб юбордим, деб ўтирувдим. Вой ху­дойим-эй, бирам алдандимки!.. Тўйга рози бўлсангиз, майли, тўй олдидан бир айлантириб келай, деди-я. Вой

худойим, овозиям худди сизникига ўхшарди... Келганимдан буён ҳар куни бармоғимни сўради. Қаранг, ҳаммаси шишиб кетди.

— Куйинманг, — дея кўнглини кўтардим севгилимнинг, — тирик қопсиз, менга мана шунинг ўзи кифоя.

— Йўқ, АкромиЙ, энди мен узоқ яшамайман. Таннимда бир томчи қоним қолмаган. Ҳаммасини Иблис сўриб олди. Хайрият, ўлимим олдидан сизни кўрдим. Энди армоним йўқ... Мабодо... мабодо бир гап бўлса, мени қишлоғимиздаги... мозорда бир туп мажнунтол бор, ўшанинг остига қўйинглар... Кейин ҳар замонда ўзингиз хабар олиб туринг. Гул олиб келинг. Қизилидан бўлсин, саригини хушламайман. Айрилиқ, жудолик рамзи у... Сиздан ажралишни ҳечам истамайман, ҳечам! Сизни севардим, қаттиқ севардим. Биласиз-ку қиз бола дарров хўп демайди... Совутингиз бирам ярашибдики.

Қилич ҳам ўзингизникими?

— Йўқ, музейдан олдим.

— Келинг, мени бир ўпинг.

— Қўйинг, одам уялади, — дедим чиндан ҳам уялиб.

— АкромиЙ...

Гу Лихоннинг кичкина боши бир томонга оғиб тушди. Ўзидан кетиб қолди шекилли. Оқ шоҳи чойшабга ўрадими-да, шошилиб ташқарига олиб чиқдим. Ҳа, шошилишим керак, Сеҳргар Иблис ҳам келиб қолиши мумкин. Бир амаллаб отга ўнгардим у яна йўлга равона бўлдим.

XXXVIII БОБ

ШУҲРАТ МАЙИ

АкромиЙ, укагинам, руҳсат берсанг, энди сенга сенлаб гапираман. Сизлаганда аллақандай бегоналик сезилиб тураркан. Аслида биринчи кўрганимдаёқ яхши кўриб қолган эдим. Яхши кўрмасам ишга олармидим. Жон ука, ўзингни кўрсат. Маслаҳатлашиб оладиган гапимиз бор. Сенда кўздан йўқ бўлиб қоладиган сеҳр борлигини, бурнингнинг ҳид олиш қуввати зўрлигини аллақачон пайқаганман. Лекин ҳеч кимга айтган эмасман. Профессор Дар Даража тайёрлаб кетган Ноёб дорилар калити ҳам сендалигини фақат менинг ўзим биламан. Жон ука, ўзингни кўрсат.

Пайқагандирсиз, бу гапларни менинг собиқ бошлигим Нарн Бери айтапти. Суҳбат, агар шуни суҳбат деб аташ мумкин бўлса, Гу Ла холамнинг ҳовлисидаги катта сўрида кечаяпти. Холам ичкарида чой дамлаш билан овора. Мен сўрининг шундоққина чеккасида оёқларимни ликиллатиб ўтирибман. Адолатли бошлигим мен ўтирган тарафга эмас, бутунлай бошқа томонга қараб гапиряпти. Негаки мени кўрмайди. Қалпоқчамни кийиб олганман. Ҳойнаҳой, қаршимда бўлса керак, деб тахмин билан сўзлаяпти. Қани, яна бир нафас тинглай-чи, гапнинг оқаваси қаерга бориб тўхтаркан.

— Майли, укагинам, ўзингни кўрсатмасанг ҳам, гапларимга диққат билан қулоқ сол. Кечадан бошлаб сенинг ҳақингдаги қидирув бекор қилинди. Мана, Бо Дом район прокуратурасидан берилган ҳужжат, ўзинг чой ичиб ўтирган пиёланинг остига бостириб қўйяпман, кўриб тургандирсан. Бу расмий ҳужжатда, асосли далиллар бўлмагани сабабли профессор Акром Акримий устидан қўзғатилган жиноий иш тўхтатилсин, дейилган. Уёғини суриштирсанг, сени қамаш ҳақидаги ордерга имзо чеккан Оқ Сочлининг ўзи сал анақароқ экан. Пешонасидаги «Порахўр» деган сеҳрли ёзувни ўчириолмай, шу қолда одамларга кўринишга уялиб, уйда кучала еган итдек букчайиб ётибди. Жон укам, кел, ўзингни кўрсата қол. Маслаҳатли гап билан келдим. Биламан, мenden хафасан. Хафа бўлишга ҳаққинг ҳам бор эди. Сеҳргар Иблис заҳарлаган одамларни, аслида, сен даволадинг-у, мукофотини мен олавердим. Уша пайтда кўзим кўр, қулоғим кар экан. Акримийнинг сеҳргарлиги унга энг катта мукофот-ку, деб ўйлабман. Хатойимни бўйнимга олиб келдим. Укагинам, мени кечир, кечирдингми?

Аввалги куни Ҳандалак шаҳар маъмуриятининг катта залида мажлис бўлди. Комитетимизнинг ишини чидаб бўлмас даражада қониқарсиз деб топишди. Бир ой муҳлат берилди. Шу фурсат ичида Иблисни йўқ қилиб ташламасак, комитетни тарқатиб, мени ишдан ҳайдайдиган бўлишди. Укагинам, аҳволим ночор. Катта бошимни кичкина қилиб, ёлвориб келдим. Бугундан эътиборан, «Комитет»га ўзинг раиссан. Мен ёрдамчинг бўла қолай. Эрталаб маъмурият буйруқ чиқарди. Мана ўша қоғоз, буниям пиёланг остига бостириб қўйяпман. Бас, ўзингни кўрсатақол. Яқингинамда ўтирганга ўхшайсан. Пиёлангдаги чой тез-тез тугаб, яна тўлиб қолаётганини кўриб турибман. Билиб қўй, агар ишдан кет-

сам, оч қолган бола-чақамнинг гуноҳи бўйнингда бўлади.

Ўз боласини ўртага қўйгандан кейин ишонмай бўладими. Дадам ҳам гапига бировни ишонтира олмаса, ҳой ўртоқ, бешта болам бор-а, деб қўярди.

Бошимдан қалпоқчамни олдим.

— Укагинам,— адолатли бошлиғим... агар келтирган қоғози қалбаки бўлмаса, демак, энди адолатли ёрдамчим бўлади-да... қулочини кенг ёзиб ўрнидан турди.

Ачомлашиб кўришдик.

— Ишқилиб мендан хафа эмасмисан? — деди уч минут чамаси бағрига босиб, юз-кўзларимдан тўйгунча ўпиб бўлгач.

— Хафа эмасман,— дедим пешонамда қолган тупук юқини рўмолчам билан арта туриб.

— Атир маҳалласидаги аёллар модапарастлик касалига дучор бўлиб, эрларини ўлдириб қўяёзганда, ўшанда ҳам ўзинг даволагансан, тўғрими?

— Тўғри.

— Тол Дол кўчасидаги эркаклар рашк касалига мубтало бўлиб, хотинларини дўппослаётганда ҳаммадан олдин сен етиб борувдинг.

— Бунисиям тўғри.

— Шак Шуп номли мактабдаги қизлар чақимчиликка берилиб бир-бирларининг сочини юлаётганда...

— Бунда ҳам Сеҳргар Иблисининг қўли бор эди.

— Йўқ, камтарлик қилма, укагинам. Сеҳргар Иблис билан сен олишгансан. Жангтоҳда сен туриб бердинг-ку, аммо мукофотларни менга беришаверган. Мана ўша мукофотлар, халтага солиб олиб келдим. Ўзингга насиб қилган бўлсин. Ўзи Иблис аралашгандан буён ҳаётимиз шунақа бўп қолди. Меҳнат қилган бир чеккада қолиб, қўл қовуштириб турганларга қўша-қўша мукофот беришаверади. Холанга айт, халтачани сандиққа солиб қўйсин.

— Менга мукофот керак эмас,— дедим қўлимни қишлоғимиздаги одобли йигитларга ўхшаб кўксимга қўйиб

— Чин кўнгилдан айтяпсанми?

— Чин кўнгилдан.

— Раҳмат, укагинам. Ўзим ҳам шундай деб айтарсан дея ўйлаган эдим. Раҳмат! Аслида сенинг бурнинг билан сеҳринг энг катта мукофотинг. Менда эса болачақа кўп. Ҳеч бўлмаса шуларни тақиб чиқсам, гўштни навбатсиз оламан-ку... Қани, кетдик бўлмаса.

То Нарн Бери ўтирадиган катта хонага кириб, юмшоқ креслога чўкканимча ҳам унинг гапига гоҳ ишондим, гоҳ ишонмадим. Фақат уёқ-буёқдан таниш-билишларим телефон қилиб қутлай бошлаганларидан кейингина унча-мунча дадиллик пайдо бўлди. Қизлар ҳам ачиқ-ачиқ чой дамлаб келишяпти. Раисбол деганлари шу бўлса керак-да! Аввал мен билан елкамга туртиб гаплашадиган ҳамкасбларим ҳам энди хонамга сал тортиниброқ киришяпти. Қаранг-а, дейман ўзимга-ўзим, омад келса шунақа бўларкан-да. Бўлмаса, куни кеча бу дунёда йўқдек эдим. Эгилиб салом беришлару қўл қовуштириб туришларини қаранг! Амалдорлик курсисининг сеҳри борга ўхшайди. Бўлмаса чойлар бунақа аччиғу табассумлар бунақанги ёқимли бўлмади. Йўқ, курсининг сеҳри борлиги аниқ. Ўтиришим билан, назаримда, ақлим ҳам кўпайиб кетгандек бўлди. Салобату салоҳиятим ошганга ўхшайди. Буни мен ташқарига чиқиб кираётганимда ходимларнинг деворга қапишиб қолаётганидан сезиб қолдим. Ҳа, бу мамлакатда амалдорлик курсиларининг сеҳри бўларкан. Ақлингга ақл, журъатингга журъат қўшиб бераркан. Қани энди, шу сеҳрли курсилардан биттасини Сойбоши мамлакатига ҳам олиб кетсам. Бир умр мазза қилиб яшардим-да...

Ўзим ҳам ишчангина йигит эмасманми, дарҳол туншаётган шикоят арзномаларни қайтадан кўриб чиқиб, ходимларимга иш тақсимлай бошладим. Энг муҳими, азиз ўртоқлар, дедим, шахримиз фуқароси қалбини ёмонликни қабул қилмайдиган даража поклаб олишимиз даркор. Бунинг учун биринчидан, деб давом этдим, Иблиснинг назари тушган кишилар вужудидаги зарарли микробларни батамом тугатишимиз зарур. Шунн унутмангки, Сеҳргар Иблис қора юраклардан, нопок қалблардан қувват олиб турибди. Агар биз устозим васият қилиб кетган Яхшилик ва Эзгулик дориси билан барчани эмлаб, қалбларидаги шоён туйғуларини мавж урдирсак, ана ундан кейин бу дунёда Иблис беркинадиган пана жой қолмайди. Уни қандай ушлашни эса, азиз ўртоқлар, кейинги суҳбатимда айтиб бераман.

Нутқ сўзлаётган пайтимда ўзим ҳам нақ булбулигўё бўлиб кетдим-да. Бир соату ўн минут гапирибман-у, бирортаси чурқ этмаса-я!

— Хўш, чора кўрилмаган яна нечта шикоят қолди? — деб сўрадим адолатли ёрдамчимдан.

— Еттита,— шошилиб деди Нарн Бери.

— Еттовини тугатсак шаҳар бутунлай покланган бўладими?

— Агар сеҳрли ёрдамнинг аямасанг...

Шикоят унинг изидан бориб кўрилган чора-тадбирларни талабчан бир раҳбар сифатида қайта-қайта суриштирдим, чуқурроқ ўргандим. Биласиз-ку, чора кўрилди, тадбир белгиланди, деб кўпинча ёпди-ёпди қилиб кетадиган совуққон ходимлар ҳам учраб туради. Айниқса, Иблис аралашаётган шу кунларда ундан баттарроғи ҳам бўлиши мумкин. Худди шундай бўлди ҳам. Шикоятлардан бирини ўқий туриб, унинг мана бундай яқунига кўзим тушиб қолди:

АКТ № 246

Биз ким, тубанда қўл қўйиб, акт тузувчилар, «Комитет» аъзоларидирмиз. Бинобарин қуйидагиларни қайд қиламиз: «Инсон» институти ёзувчилар лабораториясидан тушган шикоятни текширгани бориб, синчиклаб ўргангач, шундай хулосага келдик. Лабораторияда ўн бир ёзувчи адабиётнинг инсон умрини узайтиришдаги хизматини ўрганиш билан машғул. Эшикларнинг тепасига «Маънавияти бой одамнинг умри ҳам узоқ бўлади», «Эстетик завқ одамни ёшартиради», «Санъат асари руҳий оламни ёритадиган чироқдир» сингари ҳикматли сўзларни ҳам ёзиб қўйишган. Аввалига иш-жуда силлиқ кетган. Ёзувчилар ўзаро аҳил, меҳрибон бўлишган. Бир-бирининг истеъдодига тан бериб, маъмурият томонидан бериладиган йиллик мукофотлар ва Шухрат майини қобилиятларига яраша адолат билан тақсимлашган. Сеҳргар Иблис бу ерда ҳам кўриниш бергану Инсоф чирогини пуфлаб ўчириб кетган. Сен ўзи аслида ёзувчи эмассан, деган эртасига ишга келиб Думбул Думбулий ҳамкасбига. Эски шаҳарга бориб косибчилик қилсанг яхши бўларди. Сен-чи, сен ўзингни ёзувчиман деб юрибсанми, дея секин ўрнидан турган Дарроз Дарозий, кеча битта асарингни ўқувдим, маъзава ичгандек ҳалигача кўнглим айниятти. Бу йилги мукофот меники, деган шоир Шарқий Шимолий, бутун олам мени олқишляпти. Эҳтимол қарғаётгандир,— жавоб қайтарган шоир Така-Тум,— аслида бу бемаза сатрларинг учун сени калтаклаш керак эди. Худо хоҳласа, Шухрат майи билан Катта қовун мукофотини ўзим оламан.

— Ўтган йил олувдинг-ку?

— Бу йил яна оламан.

— Аввалги йили ҳам сеники бўлвди? Инсофинг йўқ экан.

— Хўш, ўша сен айтган нарса ҳозир қайси биримизда бор? — мазмундаги гаплар ҳам кўпайиб кетди. Уша пайтда шаҳар омборхонасидан икки юз литрлик ёғоч бочкада Шухрат майи ва бир талай Катта қовун мукофоти келтирилган экан. Ёзувчи ва шоирлар бу меники бўлади, деб бочканинг устига ҳаммалари чиқиб олишибди. Мукофот солинган халтача қўлдан-қўлга ўтавериб титилиб кетибди. Бир йилдан буён аҳвол шу экан.

Хулоса: Сехргар Иблис барчаларини шухратпарастилик касалига мубтало қилиб кетган. Зудлик билан чора кўрилишини сўраймиз.

Комиссия аъзолари:

Ур Бон,
Қур Бон,
Ос Мон.

Актни ўқиб бўлгач, роса хафа бўлдим. Нега деса-нгиз мен шоирларни ҳам, ёзувчиларни ҳам жони-дилимдан яхши кўраддим. Китобларни ўқиб, мазза қилардим. Ўртоғим Ҳошим ҳам уларни беқад севарди. Шухрат-парастилик касалига дучор бўлишган бўлса, энди уёғи нима бўлади, китоб ёзиш ўрнига бочкани думалатиб, халтани талатиб юришаверадим! Оббо Сехргар Иблис-эй, бориб-бориб менинг энг севган кишиларимга ҳамла қилдингми! Йўқ, ҳали шошмай тур!..

— Шаҳар омборида Камтарлик майи борми? — сўрадим адолатли ёрдамчимдан.

— Сиз сўрасангиз йўқ дейишмайди, — тушунтирди Нарн Берн.

Яширмайман, устозим васият қилиб кетган Ноёб доридан ҳали анчагина бор. Бир-икки томчи ичирсам бу касаллик ҳам кўз юмиб-очгунча даф бўлиши мумкин. Аммо уларни эҳтиёт қиляпман. Келажак авлодга ҳам оз-оздан қолдириш ниятим бор. Шаҳар омборхонасидан юз литрлик ёғоч бочкани тўлдириб Камтарлик майдан олдим-да, ёрдамчим икковимиз касаллик авж олган жойга етиб бордик. Актда ёзганларича бор экан. Шухрат майи тўлдирилган бочкани ҳамон думалатиб юришибди. Думбул Думбулий паҳлавоннамо киши экан, бошқаларини уриб, калтаклаб, халтадаги Катта қовун мукофотининг ҳаммасини бир ўзи кўксига тиқиб олибди, ярақлаб турибди.

— Сизга кўплик қилмайдими? — деб сўрадим.

— Яна шунча бўлса ҳам озлик қиларди, — жавоб қайтарди Думбул Думбулий.

— Адолат билан тақсимласаларинг яхши бўларди.

— Сиз айтган нарса бу ерда ҳеч қачон бўлган эмас.

— Нега ундай дейсиз?

— Лабораториянинг аввалги мудирини расво одам эди.

— Тушунтириброқ айтинг, — дея раҳбарларга хос бир важоҳат билан ўшқириб қўйдим. Тўғри-да, қаршиларида турган йигит «Комитет» раиси эканлигини билиб қўйишсин.

— Тушунтириброқ айтсам, ўртоқ «Комитет» раиси, лабораториямиз аввалги мудирининг елкасида қичима касали бор эди. Маъмурият томонидан юбориладиган Шухрат майини ким елкасини қашиб қўйса, ўшанга берарди. Ҳатто елка қашиш бўйича конкурс ҳам ўтказиб турарди. Бир марта конкурсда мен ҳам ғолиб чиқдим. Лекин бари бир бермади. Нега бермайсан, десам, онам ўлганда нега фотиҳага бермадинг, дейди... Уни ўтган ҳафта ишдан олиб, ўрнига ўзим мудир бўлиб олдим.

— Собиқ мудир қаерда ҳозир?

— Кеча ўлди.

— Ўлди?!

— Ҳа. Раҳбарликдан кетгандан кўра ўлганим яхши деб, ўзини осиб қўйибди.

Бир хаёлим «Комитет» раиси сифатидаги чекланмаган ҳуқуқимдан фойдаланиб, Думбул Думбулийни ишдан олиб, янги мудир тайинлай ҳам дедим-у, лекин фикримдан тезгина қайтдим. Кўриниб турибдики, ҳаммасининг ҳам қалби ва руҳини Сехргар Иблис аллақачон заҳарлаб бўлган. Униси бўлди нимаю буниси бўлди нима. Бари бир Шухрат талашиб, бочкани думалатишаверади. Барчасини давра столи атрофига ўтказиб, Камтарлик майидан бир қадаҳдан қуйиб бердим.

— Бу нима ўзи? — сал хавотирга тушиб сўради Шарқий Шимолий.

— Ичсангиз... обрўйингиз ошади, — деб тушунтирмакчи бўлдим.

Шарқий Шимолий бир-икки ҳўплам ютди-ю, учинчи ҳўпланини оғзига олиб, лунжини анча маҳалгача ари чақиб олгандек шишириб турди-да, сўнг худди этикдўзларга ўхшаб:

— П-уф-ф-ф! — дея ёнбошига пуркаб ташлади.

— Нега ундай қилдингиз?

— Аччиқроқ экан.

— Мен ҳам ичолмаяпман, — шундай деб шоир Така-Тум ҳам қўлидаги қадаҳни дўқ этказиб стол устига қўйди.

Ана шундан сўнг Камтарлик майи тўлдирилган қадаҳлар кетма-кет дўқиллаб стол устига тушаверди. Қутилмаганда стол остиданми, дераза тарафданми, ишқилиб жуда яқин жойдан.

— Хаҳ-хаҳ-хаҳ,

— Ҳи-ҳи-ҳи,

— Ҳе-ҳе-ҳе! — деган қаҳрли кулги овози эшитилди.

Этларим жимирлаб кетди. Демак, Сеҳргар Иблис шу ўртада. Менинг устимдан куляпти у. Хўш, йигитча, аҳволинг қалай энди, деб сўраяпти. Уларнинг қалбига энди киролмайсан, у ерда абадул-абад ўзим яшайман, деяпти...

Давра столи атрофидагиларни шундайлигича қолдириб, йўл-йўлакай Қалпоқчамни кийдим-да, устозимнинг дорихонасига югурдим. Шухратпарастлик касалини даф қиладиган Ноёб дориларни, ҳали айтдим-ку, келажак авлод учун эҳтиёт қиляпман, деб. Улар мени кечирар. Энди ишлатмасам бўлмайди шекилли. Ўша кунёқ гулобга қўшиб, ҳаммаларига бир қултумдан ичириб юбордим. Эртасига хабар олгани келсам, таъсири бўлмабди. Яна ичирдим. Индинисига келган эдим, э тавба, нима бўляпти ўзи?.. Қалбларида аллақачон Камтарлик туйғулари мавж уриб, енг шимариб китоб ёзишга тушиб кетишгандир, эҳтимол битта-яримтасини менга ҳам бағишлаб юборишар, дея ширин орзулар ҳам қилган эдим. Қаёқда, иш чапчасига айланиб кетибди.

— Йўқ, Шухрат абадул-абад меники бўлади!

— Сеники етарли-ку?

— Бари бир камлик қиляпти.

— Меҳнатни биз қилиб, Шухрат сеники бўларканда, — деган овозлар энди кўча томондан ҳам баралла эшитилиб турибди. Мукофот тўла халта ҳамон талаш, бочка ўртада, думалатиб юришибди. Гоҳ еттовлари, учтасига Ноёб дори яхши таъсир қилган экан, мен қолдириб кетган Камтарлик майдан оз-оздан ичишиб, дунёнинг ишларини қаранг, деяётгандек мийиғларида кулишиб ўтирибди... Нима деяётган эдим, ҳа, гоҳ еттовлари бараварига бочка устига чиқиб олишади, гоҳ бир-бирларини итариб, ерга қулаб тушишади... Ноёб дори соб бўлган. Камтарлик майини ичира олмаяпман, уф,

энди нима қилдим? Наҳотки Иблис бу олишувда мендан устун келаётган бўлса?

«Комитет»нинг шошилинич мажлисини чақирдим. Муҳокама қила-қила, ниҳоят Ноёб дорининг шухратпарастликни даф қила оладиган янга нави топилгунча уларга тегмаслик ва «Езувчилар» лабораторияси чор атрофига: «Эҳтиёт бўлинг, хавфли зона, юқумли касал бор!» деб тахтачалар осиб қўйишга қарор қилдик.

Х Х Х I X Б О Б

МАҚТАНЧОҚНИНГ ҚОНИДА

МАҒЗАВАНИНГ ҲИДИ БОР

Эрталаб идорада адолатли ёрдамчим билан галдаги ишларимиз хусусида фикрлашиб ўтирган эдик, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бир воқеа юз бериб қолди. Кўзларимизга ишонмай, анграйиб қолдик. Нари Бери қўрқиб кетди шекилли, кўкрагини кенг очиб, кўксига туфлашга тушди. Кексагина бир одам елкасига давангирдай йигитни миндирибди. Йигитнинг устига ёшгина жувон чиқиб олган. Энг тепада олти-етти ёшлардаги бола. Қариянинг қўлида ичига беш-ўн китоб, бир кунлик овқат, икки литрлик термос бемалол жой бўладиган портфель, йигитнинг қўлида магнитофон, аёл ихчамгина чарм сумкасини силкитиб турибди. Болакай уч гилдиракли велосипедчани осилтириб олган. Тавба, цирк томошаси бошланади шекилли, деб турган эдим:

— Сарқитларга қарши курашадиган идора шу ерми? — деб сўраб қолди қария.

— Шу ер, — деб қўйдим.

— Профессор Акром Акромий сиз бўласизми?

— Мен бўламан.

— Айтинг, мана бу текинхўрлар елкамдан тушишин, — деди қария энтикиб. — Сизга айтадиган арзи-додим бор.

— Тушмаймиз, — баробарига оёқларини силкитиб қолишди тепадагилар, — эрталабки прогулка тугагани йўқ ҳали.

— Ана, кўрдингизми! — хўрсиниб деди қария. — Ҳар куни аҳвол шу. Мен буларни боқишим, кийинтиришим, ўйнатгани ҳам олиб чиқишим керак. Ўлсам ўлиб бўлдим!

— Ота бўлганингдан кейин мажбурсан, — дўриллаган овоз билан деди йигит.

— Шикоят қилган қайнотани жиним суймайди,— фикрини баён қилди жувон.

— Гапни бас қилсаларинг-чи,— оёқларини силки-тиб қўйди болакай.

Анчагача гап нимадалигини англай олмадим. Лекин бу дунёда поёнига етиб бўлмайдиган ҳеч нарса йўқ. Сал ўтмасдан ҳамма нарса аён бўлди-қўйди. Қария профессор экан, дарс бераркан. Елкасидагилар ўғли, келини, набираси бўлиб, миниб олганларига сал кам бир йил бўпти. Ишламас эмиш. Овқатни ётиб олиб ейишармиш.

— Эй, мияси айниган чол, битта биз эмас, бошқалар ҳам шунақа, нега улар индамайди-ю, сен инқиллайверасан, нима, топган пулингни нариги дунёга олиб кетмоқчимисан,— дея луқма ташлаб қўйди йигит.

Жаҳлим чиқиб кетди:

— Қани туш, ҳамманг,— дея ер тепиндим.

— Бақирма,— деб қўйди йигит.

— Мўйловинг бир қарич бўп қопти-ю, ҳалигача отангнинг елкасига миниб юргани уялмайсанми?

— Мўйловга тил теккизма, биқинингдан дарча очиб қўяман.

— Сиз-чи, келинойи,— дея аёлга мурожаат қилдим,— сиз нега миниб олдингиз, уят эмасми?

— Вой, нимаси уят экан?

— Ҳар қалай чол кишини...

— Ҳечам-да, мен чолни минганим йўқ, эримни миниб турибман.

— Бари бир уят-да.

— Вой тавба, бунинг нимаси уят экан? Маҳалламиздаги ҳамма келинлар эрини миниб юрибди-ку. Тавба, тағинам мен инсофли эканман, бошқа аёлларга ўхшаб устиларига тўқимми ёки эгарми урганим йўқ.

— Ҳали эрини эгарлаб миниб юрганлар ҳам борми?

— Вой, эрларини миниб, ким ўзарга пойга ўйнаётган аёллар ҳақида эшитмадингизми?

— Тавба! — деб ёқамни ушлаб қўйдим. Ва шу заҳотиёқ бутун вужудим зирқираб кетганини ҳис қилдим. Сехргар Иблиснинг иши бу! Бўлмаса, одам одам боласини миниб, пойга ўйнайдими? Шўринг қургур эркаклар, аёлини елкасига миндириб олиб, магазинга деса, магазинга, тўйга деса, тўйга, чарларга деса, чарларга югуравериб қийналиб кетишгандир. Қизиқ, Иблиснинг бу қилғилигини нима деб таърифласа бўларкин? Номинима унинг, дангасаликми, текинхўрликми, ўзидан

бошқани ҳурмат қилмаслиқми, Ноёб дорининг қайси хилидан ишлатсам бўларкин?

Бир фикрга келолмадим.

Қарасам қария бели толиб, баттарроқ инқиллай бошлади. Ёрдам бериш учун албатта уйингизга бораман, турар жойингизни маълум қилиб кетинг, дея кўнглини кўтариб, кузатиб қўйишдан бошқа иложим қолмаган эди.

— Кетдик, — деди йигит оёғи билан қариянинг биқнига ниқтаб, — мени чойхонага ташлаб ўтарсиз.

— Йўқ, — деди хотини чиройли бошини чайқаб, — аввал мен модалар уйига кириб ўтишим керак.

— Уф-ф! — хафа бўлиб деди болакай, — Велосипед пойғасидан кечга қоляшман ахир.

Адолатли ёрдамчимнинг айтишича қария яшаб турган Шаф Тол районидан дангасалик ва мақтанчоқлик касали бошланаётгани ҳақида уч-тўрт марта шикоят тушган, комиссия бориб текшириб, актлар тузиб, баъзи бир тадбирларни белгилаб ҳам келган экан. Демак, деёл афсуслана-афсуслана давом этди Нарӣ Бери, фойдасиз бўлмаган экан-да. Тезроқ олдини олмасак, касаллик авж олиб, бошқаларга ҳам юқини мумкин. Хусусан, мен хотинимнинг миннати ҳечам истамайман, елкам-да қитигим бор.

— Бўлмаса районга ўзингиз бориб келасиз, — дея гални бўлдим.

— Мен-а?! — кўрқиб кетгандай бўлди Нарӣ Бери.

— Ҳа, сиз!

— Ахир, Сеҳргар Иблиснинг иши-ку бу. Мен унинг олдида ожизман.

— Ҳеч бўлмаса шароитни ўрганиб қайтасиз.

— Унда бир-иккита ёрдамчи оламан. Ўзим кўрқаман.

— Ихтиёрингиз.

Нарӣ Бери ўринбосарларим орасида энг садоқатлиси. Ишни ҳам яхши билади. Ташкилотчилигини айтмайсизми, йўқни бор қилади деб шунақаларга айтишса керак. Жиндек бетайинлигини, яъни эрталаб Нарӣю пешиндан кейин Бери бўлиб қолишини ҳисобга олмаганда, умуман яхши раҳбарлардан. Болажонлигини айтмайсизми? Уйига ўйинчоқми ёки болаларига бирон тансиқ егуликми кўтариб бормаса, ухлай олмас эмиш. Чеварликдан хабари бор. Чақалоқларига ўзи кийим-бош тикади. Гоҳо ишхонамиздаги аёлларга ўғил-қизларининг ажойиб феъл-атвори, қилиқлари, айтган

ақлли гаплари хусусида сўзлаб, кунни кеч қилади. Баъзан ўғилларидан бирини ишхонага кўтариб келиб қолади. Боғчадан кечга қолган эмиш. Диванга ўтқазиб ўйинчоқларга кўмиб ташлайди-да, ҳар замонда бошини кўтариб:

— Дингирингдан ўргилай,— деб қўяди.

Уч кун деганда текширув ишларини тугаллаб қайтди. Ранги бир аҳволда. Ухламаган бўлса керак, кўзлари ҳам ич-ичига ботиб кетибди.

— Расво,— деди бир қўлтиқ қоғозни столим устига ташлаб.

— Нимаси расво? — деб сўрадим қоғозларни нари суриб.

— Шаф Тол районини айтяпман.

— Уша ёққа бориб келганингизни мен ҳам билиб турибман. Гапиринг!

— Гапиролмайман, укам.

— Нима бало, Иблисинг ўзига дуч келиб қолдингизми дейман.

— Қайтага дуч келсаму ўша Иблисинг теримни шилиб олса бунчалик эзилмаган бўлардим. Одамларга ачиниб кетяпман, укам. Ҳаммасини дангасаю мақтанчоқ қилиб қўйибди.

— Нега энди Иблис меники бўларкан?

— Уни сен яратгансан-да. Ҳа, майли, бир-биримизни айблайдиган пайт эмас. Хулас, ўша Иблисинг аввал бир кўчани, кетидан уч-тўрт квартални захарлабди. Кишилар дангасалигу мақтанчоқликдан ҳузур қиладиган даражага бориб қолишибди. Кўчада тизза бўйи чанг, ахлат, оҳ-оҳ, озодалигини қаранг, деб мақтанишади. Дарахтлар сувсизликдан қурий бошлаган. Оҳ-оҳ, гуркираб ўсишини қаранг, дейишади. Эркаклар маишатгаю аёллар ўйин-кулгига берилиб кетибди. Оҳ-оҳ, ишчанлигимизни қаранг, дейишади. Гапираверайми?

— Тезроқ бўлинг.

— Сеҳргар Иблис мактабларга ҳам тумшуғини суқибди. Ўқувчилар дарс тайёрламай қўйган. Кундаликлар думини гажак қилиб турган «2»ларга тўлиб кетибди. Битта қизалоқдан, нега ҳеч бўлмаса биронта ҳам уч олмадинг, деб сўрасак, вой амаки, учдан икки яхши, иккитасини қўшса тўрт бўлади, дейди. Муаллимлар ҳам шунақа иш ёқмас бўлиб қолибдики, синфга кирганда нуқул ухлаб ўтиришармиш. У хонадаги хуррак бу хонага бемалол эшитилиб тураркан. Ўйинқароқлик ҳам

авж олибди. Битта мактабда муаллимлардан аёллар ва эркеклар футбол командаси тузилиб, аёллар эркеклар дарвозасига ўн саккизта тўп урибди. Бўлмаган гап, дейишибди эркеклар, ҳеч қачон аёл эркекнинг дарвозасига тўп урган эмас. Кўзбўямачилик қилдиларинг... Шунга қарамасдан, бу мактаб йил охирига бориб, ўзлаштириш 160, давомат 200 фоиз бўлди, деб ахборот берибди. Елгон, дея хулоса ёздик биз. Негаки, бир бола мактабга бир кунда икки марта бормаиди. Мақтанчоқлик ҳам эви билан-да!.. Укам, мабодо уйқинг келиб қолгани йўқми?

— Нима? — дедим ҳушёр тортиб.

— Кўзларинг юмилиб кетяпти, — деди-да, Нариде Бери негадир кулиб қўйди.

— Мен... келтирган фактларингизни чайнаб ҳазм қилаётувдим, — дея ўзимни оқлаган бўлдим. Нега деса-сангиз чиндан ҳам шу пайтда уйқу элита бошлаган эди.

— Давом этаверайми?

— Қулоғим сизда.

— Йўқ, яхшиси укагинам, мана бу актлару мана бу газеталар билан ўзинг танишиб чиқа қол. Айтган бошқаю кўз билан кўрган бошқа, шундай эмасми? Мана, районда чиқадиган газетадан бир дастасини олиб келдим. Мақтанчоқлик касали афтидан газетадан бошланганга ўхшайди.

— Йўғ-э! — деб қўйдим ишонқирамай.

— Ма, ўқи, ёки ўзим ўқиб берайми?

Газеталарнинг ҳаммасини ўқиб чиқишга тоқатим етмади. Масала равшан. Сехргар Иблис ўша атрофнинг ягона ҳокими бўлиб олиб, билганини қилибди. Мақтанчоқликнинг бундан юқори босқичи бўлмаса керак. Шартта ўрнимдан туриб, Қалпоқчамни бошимга кийдим-да, оёқни қўлга олиб, заҳарланган даҳага югурдим. Яхши биламанки, дангасанинг қонидан ачиган зардобнинг, мақтанчоқликдан кир совун кўпигининг ҳиди келади. Буни мен, гўринг тўла нур бўлғур, устозимнинг лабораториясида ишлаб юрган пайтларимда қайта-қайта текшириб кўрганман. Лекин иккови қўшилганда қанақа ҳид беришини синовдан ўтказмаган эканман. Шаф Тол даҳасига бориб ана шуни бир аниқлаб, шунга лойиқ дори ишлатиш ниятида, ҳозир айтганимдек, оёқни қўлга олиб жадал бораётган эдим, тўсатдан... Иблис билан бўладиган учрашувларимиз ҳаминша тўсатдан бўлади ўзи, ҳа-ҳа, тўсатдан йўл чеккасидаги шохларини синган қари чинор ортидан менга, фақат менгагина

таниш бўлган кўланса ҳид анқиб қолди. Иблис шу ерда, деб ўйладим-у, бошимдан Қалпоқчамни олиб, Қалпоқчам борлигини унга ҳеч қачон сездирмаганман, чинорни айланиб ўтдим. Наша чекиб, ёки кўкнори капалаб маст бўлиб олгач, хаёл отига миниб, чайқалиб ўтирадиган қари бангиларни ҳеч кўрганмисиз, Иблисни мен худди шу аҳволда учратдим. Пешонасидаги тириш яна ҳам қуюқлашибди. Юзидаги эт энди бутунлай тугаб, жағ суяклари паққос очилиб қопти. Кўзларини юмган кўйи чайқалиб, хиргойи қиялпти:

*Сарқитлардан жамулжам бўлган Иблисман,
Қаҳрли, кўзи қонга тўлган Иблисман.
Гўзаллик боғини пайҳон этиб бу дам,
Яхшилик гулини юлиб отган Иблисман.*

Ҳали унча яқинига ҳам борганим йўқ эди. Хирқойисини тўхтатиб, бир кўзини хиёл очди-да:

— Акротиймисан? — деб сўради илондек вишил-лаб.

— Ушаман, — деб қўйдим.

— Тагин нега келдинг? — Иблис инқиллаб ўрнидан тура бошлади. Хайрият, тугабди. Бутунлай тугабди, деган фикр ўтди бошимдан. — Икковимиз қўл қўйган шартномага кўра бу атроф менга теккан эди-ку? Бу ерда ўзимга чиройли макон қуриб олувдим. Қара, анави қарта ўйнаб ўтирган сўлақмондай йигитларни, ҳаммасини дангаса қилиб қўйганман. Анави мақтанчоқларни кўряпсанми, булар ҳам менинг аскарларим энди. Тегма уларга, шартномани бузсанг, кўзингни ўйиб оламан.

— Қанақа шартнома? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Анови қуни қўл қўювдинг-ку?

— Қўл қўйганим йўқ.

— Қўйгансан.

— Қўйганим йўқ деяшман! — аста-секин устига бос-тириб бора бошладим. Иблис вишиллаб тисарилишга тушди. Шу пайтда қўллари қалтираб, жағлари оч бўри-ниқидек тақиллаб кетди:

— Бу районни менга бермайсанми?

— Йўқ!

— Билиб қўй, яна севгилингни олиб қочиб кетаман.

— Энди олиб қочолмайсан.

— Устингдан ананим уюштираман.

— Ушанингдан ҳам қўрқмайман.

— Фуқарони сенга қарши қилиб қўяман.

— Ҳозир бўғаман сени! — жаҳл билан устига ташланган эдим, худди сувга сакраган бақадек қорним билан ерга тушдим. Иблис яна йўқ бўлиб қолди. Хайрият, атрофда ҳеч ким кўринмайди. Бўлмаса сувсиз ерда чўмилаётганимни кўриб, устимдан роса кулишган бўлармиди. Турасолиб устозимнинг сандиқлари беркитилган ертўлага югурдим. Раҳматли дангасалик билан мақтанчоқлик қўшилганда пайдо бўладиган касалликни даволайдиган томизғи, тутатқи дорилардан бошқаларга қараганда мўлроқ тайёрлаб кетган экан. Томизғисига тегмадим-у, тутатқисини олиб, заҳарланган мавзе устидан уч кун тутатдим. Тўртинчи куни натижасини текширгани бориб, энг аввал елкасига уч дангасани миндириб келган қариянинг эшигини қоқмоқчи бўлудим, тўсатдан эшиги шарақлаб очилиб кетди. Қўлида анови кунги кўрганым катта портфель, қариянинг ўзи чиқиб келаётган экан.

— Елкангиздан... ўғлингиз қани? — деб сўрабман дег, ассалому алайкум дейишнинг ўрнига.

— Ишга кетган, — деб қўйди қария.

— Келинингиз-чи?

— Ҳовли супурыпти.

— Набирангиз қаерда?

— Мен тургунча боғчасига кетиб қопти.

— Узингизга йўл бўлсин?

— Профессор Ақром Ақромийга раҳмат айтгани борапман.

Бир хаёлим ўша профессор Ақром Ақромий менинг ўзим бўламан, дейин ҳам дедим-у, йигит кишининг камтар бўлгани яхши деб ўйлаб, индамай қўя қолдим.

Х Л Б О Б

ТҲЙГА, ТҲЙГА, ТҲЙГА!

Б олагимда бахт ҳам, бахтсизлик ҳам қўшалоқ бўлади, деган гапни кўп эшитардим-у, ўша пайтда болалик қилиб мазмунига яхши тушунмас эканман. Борди-ю тушунганимда ҳам нима қилардим, тўғри эмасми? Бахт билан бахтсизликнинг фарқига бормаганиндан кейин тўйиб қовун единг нимаю қулоғингнинг тагига шапалоқ единг нима, унисиниям, бунисиниям бир тўйиб ухласанг, унутасан-қўясан. Кечирасиз, бошқа

ёққа ўтлаб кетдим шекилли. Аслида мен сизга қоронғи тунларим ортда қолиб, чарақлаган кунларим бошланаётганлигини айтмоқчи эдим. Ҳеч жаҳонда йигит томонга қиз тарафдан совчи келганини эшитганмисиз? Ўзим ҳам эшитмаган эдим. Бугун эрталаб менга совчи келди. Йўқ, кулманг, рост айтяпман. Яна кимдан денг, севган қизим Гу Лидан, Гу Лидан! Гу Лидан!!! Хафа бўлманг, буни мен бутун дунё эшитсин деб атайлаб такрорляпман. Яхшиси ҳаммасини бир бошдан бошлай қолай. Уёғини суриштирсангиз, бу қувончимни сизга айтмай кимга ҳам айтардим.

Воқеанинг бисмиллоси эрталаб Гу Ла холам оёғимдан тортқилаб уйғотишидан бошланди. Виласиз, уйқум қурғур қаттиқ. Гоҳо қулоғимнинг остида гумбурлатиб замбарак отишса ҳам уйғонмайдиган одатим бор. Бу гал ҳам шунақа бўлди шекилли. Гу Ла холам оёғимдан тортиб водопроводнинг тагига судраб кетаётганида уйғондим.

— Қаёққа оборяпсиз? — дедим кўзимни очиб.

— Сувга пишмоқчиман,— деди холам нафаси қислиб,— вой, болагинам-эй, уйқинг бирам қаттиққи, уч соатдан буён овора бўламан-а! Тур, тезроқ ювин. Худо хоҳласа, бахтинг кулиб боққанга ўхшайди.

— Нима бўлди ўзи?

— Аввал ювин, кейин айтаман. Ювиқсиз одамга айтиладиган гап эмас, тез бўл!

Кўз юмиб-очгунча бет-қўлимни ювиб, каравотга чордана қурдим. Кеча кечқурун Гу Лихоннинг ота-оналари бизникига вакил жўнатишибди. Бугун холажоним ҳеч ёққа кетмай турсин экан. Қизнинг ота-оналари келиб, мен билан Гу Лихон хусусида гаплашиб олмоқчи эканлар. Қизлари, тегсам ўша мени Сеҳргар Иблис чангалидан қутқарган паҳлавон йигитга тегаман, бўлмаса бу дунёдан тоқ ўтаман, деб совчиларни қайтарётган эмиш. Умуман, соғлиғи ҳам яхши эмас эмиш. Меҳрибон ота-она яккаю ёлғиз қизларининг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳам, майли, тақдири қўшилган бўлса, ўша йигитга бера қолайлик, дейишибди. Биз тарафдан совчи бормаётганлиги сабаб тоқатлари тоқ бўлиб, ўзлари келишга қарор қилишибди.

— Керак эмас,— дедим ҳовлиқиб ўрнимдан туриб.

— Нега ундай дейсан, тайлоғим,— ҳайрон бўлди холажоним,— ё кўнглинг совуб қолдими?

— Холажон, ўлсам ҳам ўшани дейман. Фақат уларни овора қилмайлик. Совчиликка ўзингиз бора қолинг.

Холажоним мийиғида кулиб, бошини сарақ-сарақ қилди.

— Ұша шаддод қиз сени роса қийнаган, тўғрими?

— Тўғри, холажон.

— Кечалари оҳ чекиб, тўлганиб чиқардинг.

— Бунисиям рост.

— Болагинам, энди навбат бизга келди. Қизи борнинг... йўғ-э, ўғли борнинг нози бор деганларидек, дарров хўп демаймиз. Қиз бола... йўқ, йигит киши дарров кўна қолмаслиғи керак, ўзини сипо тутиши зарур. Ҳалиб турган экан, бир марта борганимиздаёқ хўп дея қолишди, дейишса, қизнинг... йўқ, йигитнинг шаънига ёмон бўлади... Қўрқма, тўйни худо хоҳласа, албатта қиламиз. Лекин, жон болам, кичкина лавозимда эмассан. Мавқеимизни ҳам ушлаб туришимиз даркор. Тўйгача мен нима десам, шуни қиласан. Энди тур, болам, бозорга бориб, ул-бул олиб кел. Тағин дастурхони қуруқ экан, деб устимиздан кулиб кетишмасин.

Бегона юртда бошингни силаган аёл онангдан ҳам азиз бўлиб қоларкан. Холажоним ҳам шундай. Гапини икки қилолмайман. Тўрва-халтани кўтариб бозорга жўнадим. Юким оғир бўлиб қолса, қайтаётганда кўтарашиб келар, дея синглим Му Тини ҳам эргаштириб олдим. Ташқарига чиқишимиз билан Му Тининг саволлар халтасининг оғзи очилиб кетди:

— Ака, энди тўй бўладими?

— Албатта бўлади.

— Тўйда менга янги кийимлар олиб берасизми?

— Хоҳлаганингча.

— Ака, тўй куни мен қаерда ўтираман?

— Келинойингнинг ёнида.

— Келинойим чиройлими?

— Жуда ҳам.

— У мени уришмайдими?

— Хечам.

— Тўйдан кейин келинойим мен билан ётадими?

— Имомимизнинг ўртамизда ётади.

— Эртаси айтиб берадими?

— Айтиб берса керак.

— Ака, тўйимизга Гул Саф деган қиз бор-ку, ўшани айтмайми. Акасига келин олишганда мени айтмаган. Ундан кейин Ола Кўз деган бола бор-ку, ўшаниям айтмайми. Кўчага чиқдим дегунча мушук бўлиб миёвлаб, мени кўрқитади. Ака?

— Нима дейсан?

— Тўйдан кейин келинойим чақалоқ туғиб берадимми?

— Шунақа бўлса керак.

— Иккита туғадими, ё битта туғадими?

— Қайдам.

— Айтинг, иккита туғсин. Биттаси қиз, биттаси ўғил бўлсин. Қизини сочига лента тақиб, ўзим ўйнатиб юраман, хўпми?

— Хўп.

— Ака, тўйдан кейин келинойимни олиб ўзингизнинг мамлакатингизга кетиб қолмайсизми?

— Кетмайман.

— Қетсангиз-чи?

— Кетсам сен билан Гу Ла холамниям олиб кетаман.

— Ракетада учамизми?

— Шунақа бўлса керак.

— Ракета газ чиқарадимми?

— Қайдам.

— Мен газнинг ҳидини жуда ёмон кўраман. Кўзимдан ёш оқиб кетаверади. Ака, кўз ёши қаёқдан пайдо бўлади?

— Кўп гапиргандан...

Му Ти яна икки юзу элликта савол бериши ҳам мумкин эди-ю, бозорга етиб қолдик-да. Қайтаётганда савол бермасин деб атайлаб йигирма метрча олдинда келдим. Келсак... совчилар аллақачон ташриф буюришган экан. Бир-биримизни дарров танидик. Қизлари йўқолиб қолганда соқчилик идорасида, Гу Лини Иблис беркитган жойдан қутқариб келган куним ҳовлиларида учрашган эдик. Ғалати бўлиб кетдим. Оёқларим каловланиб қолди. Хайрият, ўзимни йўқотмадим. Бўлажак куёв қайинотаси билан қайнонасига қандай салом берса, мен ҳам ана шундай қилдим-да, ичкарига ўтиб кетдим.

Одам боласи жуда ғалати бўлар экан. Узи ҳақидаги гапни ўзи йўқ пайтида қандай айтилишини билгиси келаверар экан. Бунинг устига, ўзингиз яхши биласиз, Қалпоқчам қўлга теккандан буён гап пойламасам туролмайдиган бўлиб қолганман. Кўзга кўринмайдиган бўлиб олиб, секин ёнларига чиқдим. Мунозара поёнига етай деб қопти. Яна бир неча дақиқадан сўнг битим ҳам тузилса ажаб эмас. Гап навбати холажонимга кепти:

— Энди... бир нарса дейишимиз жуда қийин,— деяпти холам қошларини чимириб, кампирларга хос

бир таманно билан,— ўғлим катта лавозимга кўтарилиб кетгандан буён, ҳой сингил, ишонасизми, ҳар қизлардан совчи келяптики, отаси министру онаси боғчага мудир эмиш. Худонинг берган куни аҳвол шу. Баъзи кунлари совчилардан қочиб, эшикни беркитиб, томга чиқиб ётибмиз... Яна-тагин ўзи билади... Биттаси денг, ҳой синглим, ё тавба, данғиллама иморат, енгил машина, книжкада пулимиз бор, ҳаммаси куёвга аталган, дейди-я. Қанақа замонларга қолдик ўзи! Яна-тагин ўғлимнинг ўзи билади...

Энди гап навбати бўлажак қайнонамга тегди:

— Опоқижон, ундай деманг, бошингизга урасизми, ўша бетайин қизларнинг молу дунёсини. Йигит кишининг моли ерда, худо ўзига берсин. Машойиҳлар, тенги чиқса бир коса сув билан сўратиб бер, деган эканлар. Худога шукур, биз ҳам элдан кам эмасмиз. Қизимизни ҳам яхши биласиз. Икки йил уйингизда квартир бўп турган. Нима қилайликки, қалбида муҳаббат гули гунчалаб қопти. Ҳой опоқижон, ўғлингизнинг ҳам қизимда кўнгли бор. Кўнгли бўлмаса, Сеҳргар Иблиснинг маконига бориб, уч кечаю уч кундуз қиличбозлик қилармиди. Хўп дея қолинг, хўп демасангиз, остонангизда ётиб оламан.

— Шундай дейсиз-у, сингилжон, ҳали биз тўйга тайёр эмасмиз-да,— луқма ташлаб қўйди холажоним.

— Худо хоҳласа, сизларни ҳечам уринтирмаймиз,— қасам ичгандай бир оҳангда деди бўлажак қайнонам.

— Ҳали... куёвнинг сарполари ҳам тайёр эмас.

— Ўзимиз қиламиз, деяпман-ку!

— Бари бир қизга ҳам ул-бул нарса олишга тўғри келади.

— Ҳеч нарса керак эмас. Икки сандиқ қилиб ўзим тайёрлаб қўйганман.

— Тўй жўнатишга ҳали-бери қурбимиз келмайдими деб қўрқаман.

— Вой опоқижон-эй, ҳалидан буён нима деяпман. Ҳаммасини ўзимиз қиламиз. Худога шукур, куёвингиз илғор қовунчи. Утган йили мукофотга ўттиз икки тонна қовун олдик. Пули нақд-иккита тўйга етади-я! Ҳой, дадаси, гапирсангиз-чи!

— Бари бир сенга етказиб гапиролмайман,— деб қўйди бўлажак қайнотам. Умуман у ҳам менга ўхшаб жуда камгап одам экан. Келганидан буён дастурхоннинг попугини ўйнаб, бошини ҳам қилиб ўтирибди.

Уятчанлигини айтмайсизми, худди менинг ўзгинам-а. Куёв билан қайнотанинг тупроғини бир жойдан олади деганлари шу бўлса керак-да.

Холажоним, бари бир ён бермай туриб олди. Шошилиш ярамайди, буни умр савдоси дейдилар, қариндош-уруғлар билан биз ҳам бир маслаҳатлашиб кўрайлик, деган жавобни қилди. Қариндош-уруғ эмиш, бу дунёда унинг учинчи синфда ўқийдиган Му Тидан бошқа яна кими бор экан, ҳеч ақлим етмай қолди. Эртасига ҳам, индинига ҳам жавоб шунга яқинроқ бўлаверди. Юрагим тарс ёрилиб кетай деди-да. Худди беркинмачоқ ўйнаётган болаларга ўхшаймиз. Қаерга яширинганини биламиз-у, аммо ўйин шартини бузмаслик учун, атайлаб топа олмаётгандек бўлиб кўринамиз. Бир ой деганда холажоним андак юмшаб, майли ёшлар бир учрашсин, юлдузи юлдузига тўғри келса, тақдирдан қочиб бўлармиди, деди.

Қизиқ, учрашув белгиланган куни аллақандай беҳаловат бўла бошладим. Кўришиб юрган бўлсак, қиз аллақачон розилик бериб, ширинликка интилган чақалоқдек ўзи менга талпинаётган бўлса, нега энди бу юрак қурғур темирчининг босқонидек гурсиллаб уриб қолди экан. Учрашувимиз руҳий беморлар шифохонасининг орқасидаги катта гулзорда бўлиши керак эди. Узоқ кутмадим. Гулзор чеккасига енгил машина келиб тўхтади. Икки аёл бирин-кетин тушди-да, бирови оппоқ шоҳиларга ўралиб, бамисоли сув париларига ўхшаб кўринаётгани мен томонга юра бошлади. Бу севгилим эди! Зим-зиё тунда тўсатдан чарақлаб офтоб чиқиб, атроф қандай ёришиб кетса, ҳозир ҳам шундай бўлди. Олам чароғон нурларга лиммо-лим тўлиб кетди. Нурлар ичида оппоқ бўлиб очилган атиргул сузиб келмоқда эди. Ўзи билан дунёдаги барча гулларнинг маст қилувчи хушбўй атрини олиб келаётгандек.

— Акромий!

— Гу Лихон.

Бир-биримизга тикилишиб қолдик. Бирдан оғзимизнинг тағоби қочиб, жилмайишга ўтдик. Бунақанги пайтда навбатдаги қадам қанақа бўлишини билмас эканман. Югуриб бориб, қўлдан ушлашим керакмиди, ишқилиб, билмас эканман-да. Баттароқ илжая бошладим. Қизнинг гул-гул яшнаб турган юзига аллақандай соя қўнгандай бўлди. Узун кичриклари пирпирганини кўрдим. Бодом қовоқлари осилиб туша бошлади. Бошини эгиб олди.

— Мен розиман,— дедим нима дейишимни билмай,— майли, уйлансам уйлана қолай.

— Кимга?! — қиз бошини кескин кўтарди.

— Кимга бўлади, сизга-да.

— Вой, менга нега уйланар экансиз?

— Ахир ўзингиз совчи юборибсиз-ку. Ота-оналарингиз, холаю тогаларингиз... роса қатнашди.

Севгилимнинг қоп-қора кўзларида алланарса чақнагандай бўлди. Юзидаги ҳалиги кўланка тугунчага айланди, садафдек оппоқ тишларининг бир-бирига урилганини эшитдим.

— Ҳеч қандай совчи юборган эмасман.

— Юборгансиз. Ўзингиз учрашувга менадан розилик сўрабсиз-ку?

— Ҳечам-да,— Гу Лихоннинг гилосдек чиройли лаблари хунук тортилди. Кўзида гулга қўнган шудрингдек йилтираб ёш томчиси кўринди — Ўзим ишлайдиган касалхонага ўтиб кетаётган эдим. Нарн туринг, кечга қоляпман.

— Гу Лихон!

— Нарн туринг деяпман!!

Шундай деди-да, ёнгинамдан ўтиб, тушиб келган машинаси хў нарида турган экан, бориб ўтириб олди. Ҳазил қилаётган бўлса керак деб ўйлаган эдим, чинга ўхшайди. Машина жўнаб кетди. Атрофни қоронғилик қоплагандек бир дақиқа чамаси ҳеч нарсани кўролмади қолдим. Ишни бузиб қўйганга ўхшайман. Ҳа-ҳа, дея машинам турган томонга қараб телбаларча югура бошладим. Сенсиз дунём қоронғи бўлади, сен менинг қуёшимсан!

Ҳайрият, шофёрим воқеани кузатиб турган экан.

— Уларнинг... машинаси қаёққа кетганини билдингми? — дедим энтикиб.

— Билдим.

— Қувсак ета оламизми?

— Бўлмасам-чи.

Аллақачон шаҳар ташқарисига чиқиб олишибди. Йўлнинг кенгроқ жойидан қувиб ўтди-у, машинамизни кўндаланг қилиб, олдини тўсди. Ҳали шошганимдан севгилимга аталган бир қучоқ гулни машинамда қолдириб кетган эканман. Ўшани олиб, олдиларига тушиб бордим. Ёнида ўтирганлардан уялмадим ҳам. Гу Лихон, ҳазил қиламан деб, қовуи тушириб қўйдим шекилли, биласиз-ку, шунақа одатим бор. Агар мени мана шу машинанинг ғилдираклари остида ўлишимни истама-

сангиз, бир минутга тушинг, узримни айтай, дея ёлвордим. Енида ўтирган аёл эсликкина экан, секин туртиб:

— Тушақол,— дея шивирлади.

Машинадан тушаётганда яна олам чарақлаб кетди. Осмондаги қушчалар қўшиқ бошлаб юборгандек бўлди. Бутун дала сакраб ўйинга тушаётгандек. Ҳазилингиз қурсин, дея шивирлади қулоғимга. Қулоғим ловуллаб ёниб кетди. Эгилиб оёғини ўпмоқчи бўлувдим, сочимдан тортиб, уят бўлади, деб қўйди. Мен ё бор эдим, ё йўқ эдим. У пардек энгил эди, мен Рустамдек паҳлавон эдим. Уят, номус ер қаърига кириб кетганди. Икки қўлимга кўтариб олиб, гир-гир айланар эдим. Осмон айланарди, ер айланарди... Биз ё бор эдик, ё йўқ эдик. Бахт деб аталмиш илоҳий бир тўлқин ичида эриб кетган эдик.

— Гу Лихон!

— Акромий!

— Розимисиз?

— Розиман, Акромий...

Эртасига томонлар яна бетараф жойда учрашиб, тўй кунини белгилашди. Йигирма саккизинчи август, эсингиздан чиқмасин, йигирма саккизинчи деяпман! Эй, вот-вот карнайчилар, йиғлоқи сурнайчилар, така-тум ногорачилар, барча-барчангизни таклиф қиламан. Акромийникига тўйга, тўйга, тўйга!!!

Эй, жажжи синглим Му Ти, атлас кўйлак сеники! Эй, холажоним, дока рўмол сизга. Эй, дўстларим, нимаики топган бўлсам, ҳаммаси сизга. Тўйга, тўйга, тўйга!!!

Х Л И Б О Б

ИБЛИС ҚЎЛГА ТУШДИ

И кки кун бўлдики, Қалпоқчам йўқ бўлиб қолган. Юрагим тўла ғашлик, ваҳима. Худди, ёвуз душман олдида қуролсиз қолган аскардек ожиз сезяпман ўзимни. Наҳотки бутунлай кетиб қолган бўлса, наҳотки буюк ишларимни яқунлаётганимда ёнимда туришни истамаган бўлса! Ахир унинг сўнги ёрдамига жуда, жуда ҳам муҳтож эдим-ку! Қалпоқчам бўлмаса, бурним яхши ишламаса, устозим Ноёб дориларни васият қилиб кетмаса, мен ким эдим, эшакка қийшиқ миниб, уйма-уй газета тарқатиб юрган шунчаки бир йиғитча эдим, шундай эмасми? Ақлимнинг ўн чандон кўпайиб

кетиши ҳам, катта мартабага эришиб, кетма-кет қаҳрамонликлар кўрсатиб, бегона мамлакатда доврўқ тарастишим ҳам шулар туфайли эмасмиди?

Икки кундан буён юрагимга қил сиғмайди. Қовогим айрон халтадек осилиб кетган. Қизик, идорадаги ходимларнинг кайфияти раҳбарнинг ранг-рўйига қараб белги-ланаркан. Аввалги куни беҳад хурсанд эдим. Ҳаммалари шод, хуррам, ҳузуримга турли юмушлар билан кириб чиқаётган сочи калта қирқилган қизларнинг юзида табассум, лабида кулги, адолатли ёрдамчим Нари Бери бўлса, кунбўйи оёқларини ликиллатиб, аллақандай куйни хиргойи қилиб ўтирувди. Бугун бўлса, барчасининг бетида маъюслик ўрмалаб юргандек, бир-икки марта кулмоқчи бўлиб ҳаракат қилувдим, хунук тиржайган бўлсам керак, чой олиб кирган қиз тезгина юзини тескари ўгириб олди. Ичида, ҳув важоҳатинг қурсин, деган бўлса ҳам ажаб эмас.

Тушликка чиқмоқчи бўлиб турувдим, хонамнинг эшиги овозсиз очилиб ёпилди-ю, «Акримий», деган овоз эшитилди. Юрагим ҳаприқиб кетди. Ширингина энтикиб олдим. Қалпоқчам қайтиб келган эди!

— Қаерларда юрибсан? — дедим худди тартибсизлик қилган ўғлини урушган отадек бир оҳангда.— Бунақанги одатинг йўқ эди-ку?

— Сенинг фойдангни кўзлаб юрибман.

— Фойдангни кўзлаб юрибман?!

— Бўлмаса-чи! Айтмабмидим, раҳбарликка ярамайсан деб. Айтганим келди. Кунбўйи бошинг мажлисдан чиқмайди. Мақтанганинг мақтанган. Бугун радиодан гапирасан, эртага телевизорга чиқасан. Нима, газеталарнинг сендан бошқа иши йўқми? Ҳаммаёқни сура-тинг босиб кетибди-ку.

— Ўзлари қўйицимаяпти-да.

— Мақтанчоқ бўл, эви билан бўл-да.

— Мақтангим келса нима қилай, ахир,— ўзимни оқлай бошладим,— одам, масалан, елкаси қичиганда қашийёлмай туролмайди-ку!

— Сенга хушхабар келтирдим... Душманинг ўлим тўшагида ётибди.

— Иблисми?

— Мени бошингга кий-да, дарҳол ўша ёққа жўна.

— Ўзинг бошлаб борасанми?. Йўл кўрсатасанми?

— Йўқ, бу гал бурнингдан фойдаланасан. Ишламасдан занглаб ҳам кетди шекилли.

Ростдан ҳам анчадан бери бурнимдан фойдаланмай

қўйган эдим. Қадрдон Қалпоқчам ҳақ гапни айтганлигини ташқарига чиққанда билдим. Ҳид олиш қуввати жуда пасайиб кетибди. Ҳавони симирсам, ҳидлар аралаш-қуралаш бўлиб кетяпти. Болалигимда, қудуқдан ҳар куни сув тортиб туриш керак, бўлмаса суви қуриб қолади, деганларини эшитувдим. Бу гапни бурнимга ҳам алоқадорлигини ўша пайтда пайқамаган эканман. Сал қолибди-я, бурнимни ишдан чиқариб қўйишимга. Саратоннинг қайноқ ҳавосини ўттиз марта қайта-қайта симирганимдан кейин, хайрият, ҳид танлайдиган кўз илғамас машиначалар ишлаб кетди шекилли. Шаҳарнинг кунботар томонидан менга, фақат менинг ўзимгагина таниш бўлган қўланса ҳид анқий бошлади. Оўнг бу ҳид ип бўлиб бурнимга боғланди-ю, судраб кетди.

Шаҳардан чиқаверишда арақдан бўшаган шишалар сақланадиган омборхона бор экан. Узиям нақ бир гектарча келади денг. Шишаларни шунақанги уйиб ташлашибдики, тепасига унча-мунча альпинистлар ҳам чиқа олмайди, десам ишонаверинг. Сеҳргар Иблис шу ерда экан! Салқин бир жойга эски палосни тўшаб, устида чўзилиб ётибди. Игна ютган итдек ҳар замонда инг, инг дея овоз ҳам чиқаряпти.

— Яқинига бора кўрма,— шивирлади бошимда турган Қалпоқчам,— ўзингни сездириб қўясан.

— Хўш, нима қилай бўлмаса,— деб шивирладим мен ҳам.

— Ўзинг ҳам ақлингни ишлат-да! — жеркиб бергандек бўлди Қалпоқчам.

Умуман, унинг феъли бугун сал айниброқ турибди. Аслида сўнгги саволим ўринсиз бўлди. Бунақанги пайтда нима қилишим кераклигини ўзим ҳам билардим-ку. Устозимнинг сандиғи сақланаётган ертўлага қараб югурдим. Ҳаммаси ёзиглик экан. Шошмаётган бўлсангиз ўша ёзувни сизга ҳам ўқиб беришим мумкин.

«СЎНГГИ БОСҚИЧ ДОРИЛАРИ

Бу босқичда шаҳар фуқароси қалбидаги Яхшилик туйғулари авж олдирилиб, Ёмонлик микробини қабул қилмайдиган даражада кучайтирилади. Ушбу Ноёб дори таркибида дунёдаги барча Яхшилик, барча Гўзаллик, барча Нафислик, барча Ерқинлик жамлангандирким, Ёмонликнинг ҳар қандай зарраларини эритиб юборгусидир. Халтачадаги кукуннинг тенг ярми тута-

тилсин. Шаҳар фуқароси икки кун давомида унинг дудидан нафас олиб турсин...»

Халтачани олдим-у, дарҳол ишхонамга югурдим. Нима бўлганда ҳам «Комитет» раисиман. Тобеларим билан маслаҳатлашиб олмоғим даркор. Фуқарони икки кун дуд ичида ушлаб туришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун махсус руҳсат олиш керак. Раисман-у, лекин ҳокими мутлақ эмасман. Фавқулодда мажлис чақирдик. Иблис қиёфасини ўзгартириб орамизга кириб олиши ҳам мумкин эди. Ходимларимни остонадан якка-якка ўтказиб, ҳар бирини ҳидлаб қўрдим. Эшикни ичидан кулфлаб, ёнига пойлоқчи тайинладим. Кенгашимиз ғоят махфий ўтиши, Иблисга қарши сўнгги ҳамла тайёрланаётганлиги сир тугилиши даркор эди. Иблис ҳам анойи эмас. Гарчи ўлим тўшагида ётган бўлса-да, тайёрлигимиздан хабар топса, у ҳам ҳаракатга тушиб қолиши мумкин. Ахир, ҳатто илон ҳам ўлими олдидан вужудидаги сўнгги заҳарни пуркашга ҳаракат қиладику!

Кукунни тутатишни фуқаронинг дам олиш кунларида, шанба билан якшанбада ўтказадиган бўлдик. Бу фикр ўзимдан чиқди. Ўзиям ўша пайтда жуда ақлли бўлиб кетувдим-да. Соқчи ёрдамчимга икки кун давомида ҳеч кимни шаҳардан ташқарига чиқармайсиз, деб топшириқ бердим. Хайрли ишнинг якунида кўпинча бошлиқлар иштироки зарурлигини билардим. Қишлоғимизда чўчқахона қурилганда унинг лентасини қирқишга колхоз раисини топиб келганларини эслаб қолдим. Гарчи мен ҳозир Ширин қовунлар мамлакатида иш кўраётган бўлсам-да, раҳбарлар кўнглини овлаш ҳамма жойда бир хил натижа берса керак, деб ўйлиб, шаҳар маъмуриятининг бошлиғи Нор Вонни сўнгги гугуртни чақишга таклиф қилдим. Илтимосим бажонидил қабул қилинди. Кукунни тутатиш учун шаҳарнинг қоқ ўртасидаги текис бир майдон танланган эди. Уша ерга фақат икковимиз бордик.

— Ишқилиб... портлаб кетмайдими, — чўчиброқ сўради Нор Вон.

— Портламайди, — дея далда бериб қўйдим.

Бошлиқ бир оз иккиданиб турди-да, гугурт чақиб юборди. Тарашадан чиққан олов устига Ноёб кукузни ўзим себдим. Бир-биримизга қараб маъноли жилмайишиб олдик.

— Ҳиди ёқимли экан, — деб қўйди Нор Вон.

Чиндан ҳам, тонг пайтида гулзорга кирганингизда қийгос очилган гуллар орасидан анвойи ҳидлар уфуради-ку, бамисоли ана шунга ўхшаб кетди. Ўзим ҳам тўйиб-тўйиб нафас ола бошадим. Ер бағирлаб бораётган тутун бир нафасда шаҳар юзини қоплаб кетди. Бамисоли ойдин кеча-ю, ипакдек майин, инсон меҳридек илиқ, шудринг томчисидан тоза, қуёш нуридек ёрқин бир ҳолат пайдо бўлгандек. Гоҳо кўкиш, гоҳ сарғиш тўлқин ураётган туманлик шаҳар устида икки кун сузиб юрди.

— Оҳ-оҳ, бу ёқимли ҳид қаердан келди экан!

— Қўшни, ҳавода асалнинг таъми борми?

— Дунёдаги барча хушбўй атирни шахримиз бошидан қуйишаётганга ўхшайди.

— Кимгадир яхшилик қилгим келяпти.

— Қўшни, бир маҳал сизни ранжитувдим, мени кечиринг,— мазмунидаги суҳбатлар ҳам қулоғимга чалқиб турибди.

Устозим иккимиз бошлаган буюк иш буюк натижа билан тугалланаётганини ўз кўзим билан кўриб турардим. Ўзимда йўқ шодман. Ишонсангиз, олам менга торлик қилаётгандек. Энг баланд тепаликка чиқиб: «Ҳандалак шаҳридаги оғайнилар, Сарқитлардан бутунлай халос бўлдингиз. Энди эркин яшайсиз, умрингиз ҳам узок бўлади», дея ҳайқиргим келарди. Аниқроғи, аллақачон ҳайқира бошлаган ҳам эканман.

— Ўпкангни бос,— маслаҳат берди Қалпоқчам,— ҳайқирингга ҳали эрта.

— Нега эрта бўларкан? Асосий ишни бажариб бўлдим, қўй, энди бир-икки кун яйраб олай.

— Иблис-чи?

— У энди ўлади, эҳтимол аллақачон ўлгандир ҳам.

— Акромий, азизим, чучварани хом санама. У ҳали вери ўлмайди. Куч йиғяпти. Оёққа турса, яна бошингга фалокатлар ёғдиради. Уни зудлик билан ушлаш керак.

— Ахир унда вужуд йўқ-ку, қандай қилиб ушлайман, нима билан ушлайман?

— Ақлингни ишлат.

— Э, меҳрибон Қалпоқчам, тўртинчи синф даражасида маълумоти бор одамнинг ақли ҳамма нарсага ҳам етавермайди.

— Профессорлик унвонинг бер-ку?

— Унвонга тил теккизма, жон ўртоқ,— дея жерқиб бердим.

— Иблисни уйқусида ушлаш керак, қаерда ухла-
шини мен аниқладим.

— Ростданми?

— Онасининг қорнида ухларкан.

— Шишанинг ичидами?

— Икки кечаю икки кундуз кузатдим. Кунбўйи қаёқлардадир санқиб юради-да, кечга томон арақдан бўшаган шишалар омборхонасига бориб, кўздан йўқ бўлиб қолади. Аввалги куни бир бақалоқ шишанинг ичига кириб кетаётганини кўриб қолдим. Бугун эрталаб эса бошқа бир шишанинг ичидан чиқиб келаётганини кузатдим...

— Бўлди! — дея ўрнимдан туриб кетдим. — Буёғига «Комитет» раиси сифатида ўзимнинг ҳам ақлим етади. Қалпоқчам, азизим, кел яна бир ачомлашайлик.

Демак, дея мулоҳаза юрита бошладим, идорамга қайтиб, юмшоқ креслога ўтириб олтиб, шишанинг ичида ухлар экан-да. Ундан одам боласи чидай олмайдиган қўланса ҳид келарди, демак, бу ҳид айниган арақ билан ивиган сарқитли қоннинг қоришмасидан пайдо бўлаётган экан-да. Ана кашфиёт-у, мана кашфиёт! Уни энди қўлга туширса бўлади. Бурним яна иш беради. Лекин тўхта, дея пешонамни ушлаб бир оз ўйланиб қолдим. Шаҳардаги шишаларнинг ҳисоби йўқ. Қайси бирини ҳидлаб чиқаман уларнинг. Борди-ю, барча шишаларни тугатиб, битта ё иккитасинигина қолдирсам-чи? Ҳа, ҳа, шундай қиламан, худди шундай!

Яна махфий кенгаш чақирдим. Бошқа иложим йўқ эди. Бошлиқ сифатида, мана бундай қилинглр, дея буйруқ чиқариб кўя қолсам ҳам бўларди-ю... лекин масалан, ўртоғим Ҳошимга ўхшаган пала-партиш иш тутадиган йигитлар бўлса шундай қилиши ҳеч гап эмас эди... лекин мен анча пухта бўлиб қолганман. Кенгашнинг яхши томонидан бири шуки, масалан, бирон ишнинг пачавасини чиқариб қўйсанг, айбни кенгаш қатнашчиларига тўнкаб тураверасан...

— Демак, арақдан бўшаган шишаларни гум қилиш керак экан-да? — савол берди кенгаш қатнашчиларидан бири.

— Худди шундай, — деб қўйдим.

— Бўшамаганларини-чи? — деб сўради бошқаси.

— Уларниям!

— Ширинликлар қуйилган шишаларни нима қиламиз?

— Уларга тегилмасин, ичидан бадбўй ҳид чиқармайди улар.

Ичилмаган шунча арақни тўкиб, шишаларни синдирсак, унинг зарарини ким тўлайди, деган савол ҳам тушди. Комитет ўз бўйнига олади, дея ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлдим-у, лекин ўйлаб қарасам, масаланинг нозикроқ томони йўқ эмас экан. Нор Вонга қўнғироқ қилиб, ундан рухсат олишга тўғри келди. Энди шаҳардаги шунча шишани қандай йиғиб олиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Кенгаш чақирганим яхши бўлган экан. Бирин-кетин фойдали таклифларни ўртага ташлайвердилар. Мен бу мамлакатга келмасимдан олдин мана шу шаҳарда шиша йиғиш бўйича бот-бот конкурслар ўтказилиб тураркан. Бир юзу бешинчи мактабнинг ўқувчилари уч йил давомида конкурс ғолиби деган шарафли номга муяссар бўлишибди. Ҳатто улар ўша пайтларда бўш шишаларнигина эмас, арақнинг ярми ичилган шишаларни ҳам эгасининг қўлидан тортиб олиб ном чиқаришган экан.

Бир кечаю бир кундуз давом эттириш шарти билан умумшаҳар конкурси эълон қилинди. Манфаатдорликни ҳам йўлга қўйдик. Қайси мактаб ёки қайси бола шишани кўп йиғса, ўша мактаб ёки болага бир йил давомида текинга қовун ейиш ҳуқуқи бериладиган бўлди. Маъмурият бошлиғи Нор Вон, барча магазин ва омборхоналар эшиги данг очилиб қўйилсин, шишани беркитган одам уч йилдан беш йилгача маъмурий жазога тортилади, деган кўрсатма ҳам бериб юборди. Умуман, бу ишга болаларни жалб қилиб яхши қилган эканман. Натижаси кутганимдан ҳам аъло бўлди. Ҳалиги номини эслатиб ўтганим мактаб ўқувчилари чиндан ҳам бало экан. Ишга шунақанги муҳаббат билан киришдиларки, арақ юқи шишалар уёқда турсин, ҳатто шаҳарда ўн тўртта кашанда бор экан, ўшаларнинг қўлидаги нос шишаларгача йиғиштириб кетишибди.

Шаҳарнинг ташқарисида 21 та экскаватор тинмай ер қазиб турарди. Бир кечаю бир кундузда ишни якунлагандек бўлди. Арақ ҳинди келиб турган шиша уруғи борки, ер қазига кириб кетади... Шаҳарнинг тўрт даҳасига арақ ҳинди уфутлиб турган тўртта йиғирма литрлик шиша қўйишга бўйруқ бердим ва ўша бўйруқда ҳар шиша яқинига яширинча суратга оладиган телекамералар қўйилсин, ҳар бир камера ёнида махсус пойлоқчилар турсин, пойлоқчилар рақия сифали мен билан алоқада бўлиб, рухсатимиз билер ҳаракат қилтирмасин, дея кўрсатиб ҳам ўтдик. Сохтар Ибнис тунаш учун шу шишалардан биринга албатта яқинлашави, дея қат-

тиқ ишонар эдим. Лекин гап нимадалигини ҳеч ким билмасди. «Комитет» раиси жинни бўлиб қолганга ўхшайди, бўлмаса бунақанги пойма-пой буйруқлар беравермаган бўларди, деб ўйлаётганлар ҳам йўқ эмасди.

Ниҳоят элётар пайтида ўзим пойлоқчилик қилиб турган, бўш шишалар сақланадиган шаҳар омборхонаси ҳовлисини менга, фақат менинг ўзимгагина таниш бўлган қўланса ҳид қоплаб кетди. Сеҳргар Иблис пайдо бўлди. Ҳа-ҳа, худди ўшанинг ўзи! Одамнинг раҳми келадиган даражада мункайиб қолибди. Назаримда юриб эмас, илондек судралиб келмоқда эди. Упка ҳам ишдан чиққанга ўхшайди. Хир-хир қилиб йўталиб ҳам турибди. Ҳовли ўртасида тўхтаб, худди уйини ўғри уриб кетган одамдек ҳайрат ва ваҳима ичида анча маҳал анграйиб турди. Ич-ичига ботиб кетган елкалари кўтарилиб тушаётгани шундоққина кўриниб турарди. Ҳовли ўртасига қўйганим йигирма литрлик шишага яқинлашиб, оғзини ҳидлаб кўрди. Бир эмас, бир неча бор ҳидлади. Ҳар ҳидлаганда, ҳалиги эшак ўзи нам қилган жойни ўзи ҳидлаб, тумшугини осмонга кўтариб бурнини жийиради-ю, ана ўшанга ўхшаш қилиқлар қила бошлади. Кейин шошилиб, шишанинг ичига кириб кетди.

— Оғзини беркит! — шивирлади бошимда турган Қалпоқчам.

Ҳар эҳтимолга қарши резинка тиқин олиб юрган эдим. Жон ҳолатда ташланиб, шишанинг оғзини беркитдим. Резинка устидан елим тўкиб, тунука қопқоқ босдим. Ана шундан кейингина шишанинг ичига кўз ташлашга ботина олдим... Ё раббий, мен ҳозиргина кўриб турган қиёфа энди йўқ эди! Устозим лабораториясида шиша портлаганда биринчи дафъа кўрганим — қора соқоли ўсиб кўксига тушган, тарвуздек дум-думалоқ қорни ирғиб чиққан, қовурғалари орасидан ичакчавоғи кўмкўк бўлиб турган олакўз, катта бурун, йилтироқ пешонали махлуқ яна кўз ўнгимда намоён бўлди. Оташкуракдек ориқ қўллари билан аллақандай ҳаракатлар қиляпти. Чиллаширникидек ингичка оёқлари тепиняпти. Бир нарсалар деб бақираётганга ҳам ўхшайди, шишанинг оғзидаги елим аллақачон қотган бўлса керак, овозини эшитолмаяпман.

— Қалпоқчам, — дея энтикиб кетдим, — ке, пешонангдан охирги марта ўпай!

— Йўқ, энди сенинг пешонангдан мен ўнаман! — деб қўйди қадрдоним. — Дунёдаги барча Разолат, барча

Емонлик рамзи бўлмиш Сеҳргар Иблисни сен қўлга туширдинг. Онасининг қорнига киритиб юбординг. Яхшилик Емонлик устидан, мана, ғалаба қилди! Қадрдонимсан! Сени ўзим ўпаман!

XLII БОБ

МЕНГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙГАНЛАРИ

«К омитет» идорасига одамлар эрталабданоқ тўлқин-тўлқин бўлиб ёпирилиб кела бошлади. Тунда бўлган воқеа аллақачон овоза бўлиб кетган, ҳатто шаҳар радиоси менинг рухсатимсиз эрталаб сўнгги ахборат программасида жиндек тушунтириш ҳам бериб ўтган экан. Туни билан мижжа қоққаним йўқ. Иблис қамалган шишани каттароқ яна бир шишанинг ичига солиб, унинг ҳам оғзига резинка тикиб, елимлаган эдим. Сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади, деганларидек, Иблисни қочириб юборишдан жуда кўрқардим. Қизиқ, шишалар ичига қанча беркитсам, Иблис шунча аниқроқ кўриняпти денг. Даҳшатли нигоҳини менга ханжардек тикиб ўтирибди. Қани энди, иложини топса-ю, чиқиб мени тилка-пора қилиб ташласа. Чиқолмайди энди. Негаки, ҳалигача ҳеч зот ўз онасининг қорнини ўзи ёриб чиққан эмас.

— Одамларга нима дей? — сўради адолатли ёрдамчим.

Уйқусираб турганим учун бирон фикр айтишдан ожиз эдим;

— Хўш, нима мақсадда келишибди ўзи?

— Оббо, укагинам-эй,— елкамга секингина уриб қўйди Нарн Бери,— наҳотки шуни ҳам тушунмайдиган бўлсанг. Аввало сени, ўзларининг жасур халоскорларини қутлашмоқчи. Сўнгга Порахўрлик, Таъмагирлик, Йғвогарлик, Манфаатпарастлик, Бюрократлик, Шуҳратпарастлик, Дангасалик, Мақтанчоқлик ... Ўзинг айтганингдек, ўн етти иллатдан ташкил топган Сеҳргар Иблисининг қиёфаси қандай бўлар экан, шуни бир кўрсак дейишяпти.

— Ўзингиз қандай маслаҳат берасиз?

— Менимча, ҳозирча Иблисни уларга кўрсатмай турганимиз маъқул.

— Нега?

— Афти жуда хунук экан. Бир хиллар қўрқиб, ўзидан кетиб қолиши мумкин.

— Ҳар қалай, одамларга бирор нарса дейишим керак-ку, ахир? Қаранг, эшик-деразаларни синдириб юборай деяпти.

— Бўлмаса, укагинам, ўзинг бирров чиқиб, кўришиш бера қол.

Уйқусираб турганим учун ҳар қандай маслаҳатни ҳам қабул қилишга тайёр эдим. Эшикдан чиқишнинг иложи бўлмади. Дераза рафига кўтарилиб, кўлимни кўксимга қўйиб, тўпланганларга эгилиб уч бора салом бердим. Ииқилиб тушсам, қўлма-қўл кўтариб кетишларидан кўрқиб, тезгина орқамга қайта қолдим. Ташаккур эшитишдан кўра ҳам муҳимроқ ишларим бор. Энди Иблисни нима қиламан, кўмамизми, куйдирамизми ёки сайроқи беданани тўрқовоққа солиб, дарахтга илиб қўйганларидек, катта шишани баландроқ жойга чиқариб, бепул томоша ташкил қиламизми? Ана шулар ҳақида ўйлардим. «Комитет» аъзоларини йиғишнинг иложи бўлмади. Эшик олдига тўпланган одамларни ёриб ўтишнинг имкони бўлмаяпти, деб баҳона қилишди. Тавба, топган гапларини қаранг. Қиргани кўрқяпмиз, деб ростини айтиб қўя қолишса бўлмасмикин.

Хайрият, шаҳар маъмуриятининг катта-кичик раҳбарлари ташриф буюриб қолишди. Ун беш чоғлича бор. Мени галма-галдан қучоқлаб, табриклаганларидан сўнг, шиша қўйилган хонага бошладим. Аввалига чўчинқираб туришди. Баъзи бирларининг лабига учуқ чиққанини ҳам бемалол кўриб турардим.

— Бай-бай-бай? — деди Нор Вон орқасига тисарилиб. — Афти ёмон хунук экан-э!

— Сарқитнинг юзи чиройли бўлади деб ўйлабминдингиз? — луқма ташлаб қўйди бошқаси.

Буларнинг келгани яхши бўлган экан. Мени қийнаётган саволга ўзлари жавоб топишди. Умуман, раҳбарларнинг мияси ўзларига тобе бўлган фуқароникига қараганда ҳам тез, ҳам яхши ишлайди. Буни мен кўн синаб кўрганман. Сеҳргар Иблисни ҳозирча куйдириш ҳам, кўмиш ҳам керак эмас. Иллатнинг афти нақадар хунук бўлишини фуқаро кўриб, ўзича хулоса чиқариб турсин учун шаҳарнинг қоқ ўртасига ойнадан уй қуриб, шиша ўшанинг ичига қўйилсин, деган оқилона таклиф киритишди. Орадан уч кун ўтгач, шиша айтилган жойга қўйилди ҳам. Менга бари бир тинчлик бўлмади. Шухрат юки оғир бўларкан, қийналиб кетдим. Мухбирлардан қочгани жой тополмай қолдим. Ҳатто чет элдан келганлари ҳам саволга тута бошладилар. Кўпинча ти-

лига тушунмайман. Таржимон ахтаришга тўғри келади. Охири бўлмади. Никоҳ тўйимизга тайёргарлик кўришим керак, деган баҳона билан бошимга Қалпоқчамни кийиб, кўздан ғойиб бўлдим.

Бу шаҳарда тўйлар ғоят катта дабдаба билан ўтади. Айниқса, менга ўхшаган обрўли йигитларникига меҳмон демагани ёғилиб кетиши турган гап. Сиз қанақалигингизни билмайман-у, лекин мен ўлик чиққанга ўхшаб совуқ ўтадиган тўйларни ёмон кўраман. Қўш карнайлар чалиниб, ноғоралар гумбирлаб турганига нима етсин! Гу Лихон иккимиз менга абадул-абад биркитилган машинада таклиф қоғозлари тарқатиб юрган эдик. Адолатли ёрдамчим Нарӣ Бери бошқа бир машинада қувиб ўтиб, йўлимни тўсди.

— Оббо, укагинам-эй,— дея машинасидан тушиб, қулочини кенг ёзганча мен томонга кела бошлади,— бу дунёда бормисан ўзи?

— Борга ўхшайманми? — деб мен ҳам машинамдан тушдим.

— Бундай бир идорага кириб ўтай ҳам демайсан-а?

— Мен отпускадеман-ку.

— Машинангга жавоб бер. Шофёрингга айт, келинболани олиб кетаверсин. Менинг машинамга ўтирамин.

— Тинчликми?

— Тинчликка-ку тинчлиг-а, лекин идорага бир кириб ўтмасанг бўлмайди. Оббо, укагинам-эй, худди сувга чўккан тошдек йўқ бўлиб кетдинг-а.

— Қайнотамникида эдим.

— Тўйдан олдин бориб олибсан-да?

— Қовун узишаётган экан. Беш-ўн кун қарашиб юбордим.

— Қани, кетдик. Оббо акангни укаси-ей, ажойиб кунлар келди-да. Сезяпсанми, шаҳарда ғубор деган нарса қолмади. Худди ўзинг тайинлаб кетганингдек қилдик.

Отпусकाга чиқишим олдидан Сеҳргар Иблис тарқатган заҳарли микроблардан уёқ-буёқда беркиниб қолгани бўлса, кейинчалик авж олиб кетмасин деган фикрга бориб, Ҳандалак шахрини кир совуннинг кўпиги аралашган хлорли сув билан уч кун давомида муттасил ювиб туриш ҳақида кўрсатма бериб кетган эдим. Топширигим яхши бажарилибди. Эрталаб шаҳарга қадам қўйгандаёқ буни сезган эдим. Кўчалар озода, ёғ томса ялагудек, эшик-деразалар ярақлайди. Дарахтларда ғубор йўқ. Хиёбондаги гуллар ҳар биттаси чинни кеса-

дай бўлиб очилиб ётибди. Одамларни айтмайсизми? Кайфият баланд, чехралар гулгун, бамисоли ҳар бирининг қалбида қуёш чиққандай.

— Айниқса, укагинам, сенга қўйиладиган ҳайкалнинг лойиҳаси роса катта мунозарага сабаб бўлди-да, тўхтамай гапириб боряпти Нарӣ Бери.

— Менга ҳайкал ҳам қўйишмоқчимӣ ҳали?

— Сеҳргар Иблисни ким қўлга туширса, ўшанга олтиндан ҳайкал қўйилади, деб эълон қилинувди-ку, эсингдан чиқдимӣ? Нор Вон бир сўзли раҳбарлардан. Иблис шишали уйга қўйилган куниёқ барча ҳайкалтарошларни тўплаб, кенгаш ўтказди. Мен ҳам иштирок этдим. Бири Ноёб дорини яратган профессор Дар Даражага қўйиш керак, деди. Бошқаси, ҳамма ишни Сеҳрли Қалпоқча ҳал қилди, тикланадиган ҳайкал ўшаники бўлиши зарур, деди. Биринчиси эътироз билдириб, сен ўзи Сеҳрли Қалпоқчани ҳеч кўрганмисан? Унинг қиёфасини қандай тиклайсан, деган гапни айтди. Учинчиси, оғайнилар, дея ҳаммасини ўтқизиб қўйди. Масалага адолат юзасидан қарайдиган бўлсак, ҳайкални профессор Акром Акротийнинг бурнига қўйиш керак. Кулманглар, бир шаҳарда фанга қилган хизматлари инобатга олиниб, итга ҳайкал қўйишган, бошқасида бақага! Хўш, ит билан бақага ҳайкал қўйилганда, нега энди бурунга қўйиш мумкин эмас... Ўзинг яхши биласан, укагинам, Нор Вон кенг фикрлайдиган одам. Қараса мунозара чўзилиб кетадиган. Яхшиси конкурс эълон қиламан, дея кенгашни якунлаб қўя қолди. Оҳ, укагинам, шунақанги салобатли ҳайкал қўйилдики...

— Аллақачон битдимӣ ҳам?

— Кеча устига оқ чойшаб ёпиб қўйдик.

— Қачон очмоқчисизлар?

— Бир томони шуни ҳам маслаҳатини қилайлик деб сени ахтариб юрибман. Ўзи тўйлариинг қачон?

— Йигирма саккизинчи августда.

— Бўлмаса йигирма еттида очамиз. Шу кун сенга маъқулми, ахир?

— Менга бари бир. Тўйга халақит бермаса бўлгани... Сеҳргар Иблисни нима қилдиларинг?

— Сенга қўйилган ҳайкалнинг остига ўттиз метр чуқур қазиб, ўша ерга кўмиб юбердик.

— Кўмаётганларингда тирикмиди?

— Қотирилган бақадек сурати қолган экан.

— Ҳайкал чиндан ҳам олтиндан бўладими?

— Йўқ, сариқ мисдан ишланади. Лекин устига ол-

тин суви югуртирилади.

Гап билан бўлиб «Комитет» га келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Келмасам ҳам бўлмас экан. Гарчи отпус-када бўлсам-да, мен имзо чекичим зарур бўлган қоғозлар уюлиб кетибди. Ҳамма идораларда бўлгани каби бизда ҳам бошлиқ имзо чекмагунча қоғозлар кучга кирмайди, ўлик бўлиб ётаверади. Кундуз соат учгача шулар билан машғул бўлдим. Бутуён хаёлим менга қўйилган ҳайкалда бўлиб қолди. Уша куни Сарқитлар тугаши муносабати билан умумшаҳар сайлини ҳам ўтказишмоқчи эканлар. Кунбўйи ҳайкал қанақа экан, сайл қандай ўтар экан, дея ўйлаб юрдим. Кейин негадир ўзимдан ўзим уяла бошладим. Худди биров қитиқлаётгандек, гашим ҳам келаётгандек. Бир хаёлим Қалпоқчамни бошимга кийиб, жуфтакни ростлаб қолай ҳам девдим-ку, лекин кўпчиликнинг юзига оёқ қўйиш одобдан эмас, деб бу фикримдан қайтдим.

Иигирма еттинчи куни тонготарда гумбурлаб чалинаётган карнай овозидан уйғониб кетдим. Бир эмас, ўнлаб карнайлар чалинмоқда эди. Ноғора, зарб билан ури-лаётган чилдирма овозлари ҳам қўшилиб кетяпти. Нонушта қилишга аранг улгурдим. Мени олиб кетиш учун бир йўла иккита машинани ясатиб жўнатишибди. Қизиқ, машинага чиқаётганимда иккиланишим янада кучая бошлади. Бунақанги тантаналарнинг нимага кераги бор эди, дея уф тортиб олдим. Гу Ла холам билан Му Ти ёнимда эди. Холам:

— Болагинам-эй, ҳеч бўлмаса шу бугун қовоғингни очиб ўтирсанг-чи,— дея уришиб берди.

Шаҳар қувонч ва шодлик тўлқини ичида чайқалар, қуёш ҳам одатдагидан мўлроқ, ёрқинроқ нур тўкмоқда эди. Одамлар ясанган, ҳаммасининг қўлида Яхшилик рамзи сифатида даста-даста гул, ҳатто қизалоқлар ҳам чаккасига гул қистириб олишибди. Бир икки жойда Сеҳргар Иблисинг суратига кўзим тушиб қолди. Нари Бери тўғри айтган экан — офтобда қуритилган бақанинг ўзгинаси! Сурат осилган тахтачанинг устида Х ҳарфига ўхшаш чизиқ тортиб қўйишибди. Нимага бундай қилишганига ҳеч тушунолмадим. Бундан кейинги воқеаларни таърифлашга ожизлик қилсам керак. Биласиз-ку, гапга жуда нўноқман. Бунинг устига сизга ҳикоя айтавериш, ширали сўзларимнинг ҳаммасини тугатиб бўлганман. Тўсатдан наша элитган бангидек гаранг бўлиб қолдим. Одамларнинг мени табриклаб, айтаётган олқишларини ё эшитяпман, ё эшитмаяпман. Фақат

уларга қараб маъносиз илжайганимни ҳис қиламан, холос. Ҳайкал атрофига одам сиғмай кетибди. Бутун шаҳар бўлмаса ҳам ҳар қалай ярми кўчиб чиққанга ўхшайди. Маъмурият раҳбарлари ҳам шу ерда экан. Қай бири ўпди, қай бири қучоқлаб, бағрига босди, буниям эслай олмайман. Гу Лихонга кўзим тушиб қолди. Онаси билан бирга келишибди. Уларнинг ҳам қўлида гулдаста, бошқаларга қўшилиб силкитишяпти. «Онаси» деган сўз тилимга келди-ю, негадир, ойижонимни эслаб кетдим. Оҳ, ҳозир шу ерда бўлармиди! Қайсар укаларим, тили ширин Муаттар синглим ёнгинамда туришса, қандай соз бўларди-я! Дадажоним-чи, мен бу ерда гулдасталарга кўмилиб, қувончдан маст бўлиб турган пайтимда у қоронғи хонанинг бир чеккасида маънос тортиб, мунғайибгина ўтиргандир! Лоақал мақтанчоқ ўртоғим Ҳошим бўлгандаям бир нави эди-я!

Ҳайкал устидан нурдек ёниб турган оқ чойшаб сидирилиб тушиб кетди. Энди уни сизга қандай таърифласам экан. Фотограф олиб келмабман, эсизгина, суратини олдирганимда, сизга ҳозир кўрсатган бўлардим... Устозим Дар Даражанинг бўйи мендан баландроқ, ёнгинасидаман, бир вужуддек қапишиб кетганмиз. Бошимда попукли қалпоқча. Юзим ҳандалакдек думдумалоқ, негов қовоқдек бурним кўксимга соя ташлаб турибди... Одам ўзининг ҳайкалинини ўзи кўрганда худди ўзининг мурдасини кўргандек ғалати бўп кетаркан. Яна гарансий бошладим.

Маъмурият бошлиғи Нор Воннинг сўзлари қулоғимга аранг кирапти. Анчагача нима тўғрисида сўзлаётганини ҳам англай олмай турдим. Фақат яқунловчи қисмигина эсимда қолди:

...— Шу муносабат билан буюраман: а) ушбу ҳайкал профессор Дар Даража, профессор Ақром Ақромий ва Яхшилик рамзи бўлмиш Сеҳрли Қалпоқчаларнинг ҳайкали деб қабул қилинсин; б) ҳайкал очилган ушбу кун, яъни йигирма еттинчи август Яхшилик Ёмонлик устидан голиб келган кун сифатида ҳар йили байрам қилинсин ва бу байрамнинг номи «Яхшилик байрами» деб аталсин; в) Сарқитларни тугатишда, Сеҳргар Иблисни қўлга туширишда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатгани ҳисобга олиниб, профессор Ақром Ақромийга умрбод текинга қовун ейиш ҳуқуқи берилсин. Қовун билан узлуксиз таъминлаб турниш мажбурияти шаҳар савдо идораси зиммасига юклатилсин; г) профессор Ақром Ақромий билан медицина ҳамшираси Гу Лихон-

ларнинг эртага ўтадиган никоҳ тўйлари харажати шаҳар маъмурияти ҳисобидан бўлсин ва уни тартибли ўтказиш маданият бўлими зиммасига юклатилсин...

Нор Вон нутқини охирига етказолмади. Оломон гуриллаб келиб, мени қўлига кўтарди-да, урра, деб осмонга ота бошлади. Охирги марта шунақанги қаттиқ отдики ва ўзим ҳам шунақанги юқорилаб кетдимки, назаримда бошим осмоннинг шифтига пақиллаб теккандек бўлди. Кейин ипи узилиб кетган варракдек саланглаб қайтиб туша бошладим. Битта-яримта юлдузга урилиб кетиб, оёғимни синдириб олмай, дея қўрқиб, кўзларимни чирт юмиб олган эдим. Бир кун тушдимми, икки кун тушдимми, эҳтимол, бир ой тушгандирман, ҳали айтдим-ку, наша элитган бангидек гаранг эдим деб. Кўзимни очсам, яқка ўзим чўзоққина бир хонада ётибман. Эрталабки пайт, қуёш эндигина кўтарилиб келаётган бўлса керак, хонанинг ичи ёрқин нурларга тўлиб кетибди. Эшик қия очилиб, тирқишидан севгилим Гу Лихонга ўхшаб кетадиган қиз қўрқа-писа мўралай бошлади.

Х L I I I Б О Б

ОНАЖОНИМ БАҒРИДА ЭРИБ КЕТДИМ

Кейин ҳалиги қиз менга қараб кела бошлади. Ҳамон чўчинқираб турибди. Ким бўлди экан, қаерга тушиб қолдим?

— Кечирасиз, — дедим бошимни кўтаришга ҳаракат қилиб. Лекин бошим оғир эди. Осмондан саланглаб тушаётганимда битта-яримта метеоритга уриб олган бўлсам керак, лўқиллаб оғриб ҳам турибди. — Кечирасиз, мен профессор Акром Акромий бўламан. Сиз кимсиз?

Қиз анграйиб қолди. Мен сўзларимни яна такрорладим.

— Тавба, почтачидан профессор чиққанини энди эшитишим, — шундай деб қизгина зипиллаганча чиқиб кетди.

Кейин... кейин, ҳў бирда икки йил ухлаб уйғонганимда хонамга катта-кичик докторлар ёпирилиб кирган эди-ку, худди ўшанга ўхшаш манзара такрорланди. Фақат ўшанда кирган докторларнинг елкасидаги халатлар бегимсуйди қовунининг пўстига ўхшаб йўл-йўл

эди, ҳозир эса ҳаммасиники оппоқ! Тавба, қаерга келиб қолдим экан?

— Хайрият, ўзингизга келибсиз,— деди докторлардан бири,— мени кўряпсизми?

— Кўраяпман.

— Танияпсизми?

— Ҳа.

— Кимга ўхшар эканман?

— Нарӣ Беринг хотинига ўхшаб кўриняпсиз,— дедим атайлаб. Нега десангиз унинг сўроқлари менга ҳечам ёқмаётган эди. Доктор бошини чайқаб, орқасига тисарилди. Бошқаси яқинроғимга келиб, ўнг қўлини кўтарди:

— Қўлимни кўряпсизми?

— Ҳа.

— Бармоқларимни-чи?

— Уларниям.

— Нечта экан?

— Юзтача бор,— деб бунисига ҳам қўрс жавоб қайтардим. Тўғри-да, қаршиларида «Комитет» раиси, Ҳандалак шаҳарининг қаҳрамони турганини билиб қўйишсин! Шартта ўрнимдан туриб, менинг машинамни чақириб беринглар, дея буйруқ ҳам бердим. Бир-бирларига маъноли қараб олишгач, бошларини ҳам қилганча, бирин-кетин чиқиб кета бошладилар.

— Лекин шундай бўлса ҳам,— дея қичқирдим орқаларидан,— барчангизни тўйга таклиф қиламан. Йигирма саккизинчи август, эсингиздан чиқмасин.

Худди шу пайтда менинг ақлим гоҳ етиб, гоҳ етмайдиган яна бир воқеа юз бера бошлади. Коридор тарафдан ойижонимникига ўхшаш овоз эшитилди. Қаранг, одам юз йил йўқ бўлиб кетса ҳам онаизорининг овозини дарров танир экан. «Кўзини очдими, гапирдимми», деётгани ва бошқа овознинг: «Сабр қилинг, ҳали алаҳсираб турибди, яна ўзидан кетиб қолиши мумкин», деётганини аниқ-равшан эшитиб турибман.

— Ойижон! — дея қичқириб юбордим.

— Боласиним, Ақромжоним,— эшик шарақлаб очилиб кетди. Ойижоним, ҳа, ойижонимнинг ўзгинаси! Кўзи тўда ёш, қучоғини кенг ёйиб кириб келмоқда. Бошим сал айланиб турганига ҳам қарамай, ўрнимдан туриб кетдим. Бир-биримизнинг қучоғимизга отилдик. Биласизми, одам боласининг бу дунёда кечирган энг бахтли, энг саодатли дақиқалари онасининг кўксига бош қўйганда бўларкан. Мен бахтли эдим! Ойижоним-

дан сигирнинг сути билан ўчоққа ёқилган таппининг ҳиди келиб турарди. Юзимни силаётган қўллари ҳамон дағал, жиққа ёшга тўлиб турган кўзларида қуёш порлаб турибди. Ойижоним эди бу! Онаизоримнинг ўзгинаси эди бу!

— Ет, болам, толиқиб қоласан! — деяпти.

— Ойижон, кўришганимиз яхши бўлди, — дейман энтиқиб, — сизсиз бари бир тўй менга татимас эди.

— Қўй, алжирама, жон болам.

— Рост айтяпман, ойижон. Йигирма саккизга тўй. Гу Лихонга уйланыпман. Бутун харажатни...

— Қўй, мени қўрқитма энди, ётақол, тойлоғим... ёнгинангда ўтираман, ҳечам кетмайман. Эшакнинг уетида ухлаб қолиб, жарга қулаб тушганингдан буён беҳуш ётибсан. Қирқ кун бўлди-я! Нақ юракларимни адо қилдинг, энди қўрқитма мени, ўзимнинг уйқучи ўғлим. Уйқуни бунча яхши кўрмасанг...

Эшик яна шарақлаб очилди. Остонанинг нариги томонида ҳовлиққан, энтиққан бир аҳволда укаларим Асқар, Акбарлар, булбулчадек сайраб юрадиган синглим Муаттар туришарди. Қирсақми дея иккиланишаётганга ўхшайди...

Кейин, йўқ, кейинги воқеаларни яна бир учрашганимизда сўзлаб бераман.

«ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИ»ДАГИ

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

«Сехрли қалпоқча»ни кийиб олган Ҳошимжон «Сариқ девни миниб дунёнинг ўттизга яқин мамлакатларини кезиб чиқди. Ундан кейин сафарга Орифжон, Ақромжон, Зафаржонлар отланишди. Эндиликда ёзувчи Худойберди Тўхтабоев яратган шўх, ҳозиржавоб, топқир, баъзан билиб-билмай ёлғон ҳам ишлатиб қўядиган ўнлаб ўзбек болалари меҳмон бўлмаган хонадонни фақат жумҳуриятимиздагина эмас, унинг чегарасидан ташқарида ҳам учратиш анча мушкул. Хўш, нима учун Ҳошимжонлару Ақрамжонлар ёш сўз санъати мухлиси билан учрашганлари заҳоти дўстлашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетадилар? Нима учун биз уларнинг айрим камчиликларини ҳам, гоҳо-гоҳо айтиб юборадиган ёлғонларини ҳам, баъзан болаларча айёрликларини ҳам кечириб юборамиз? Бу саволларга ёзувчининг ўнга яқин саргузашт романларини ўқиб, жавоб топамиз. Гап шундаки, Худойберди Тўхтабоевнинг қаҳрамонлари аввало самимийлиги билан бизни ўзига мафтун этади. Кўпинча унинг китобларини ўқиётганимизни унутиб қўямиз. Ақрамжон билан ўзимиздан-ўзимиз суҳбатлаша бошлаймиз. Чунки Ақромжоннинг кўп қилиқлари, одамларга берган баҳолари, турмушдаги мушкул вазиятлардан йўл топиб чиқиб кетишга уринишлари ўзимизни эслатади.

Халқимиз одамнинг яхши ёмонини аввало бола ажратишини таъкидлайди. Ҳатто ўзингизнинг қандай одам эканлигингизни билмоқчи бўлсангиз, боладан сўранг, деган нақл ҳам бор. Чунки бола табиатан ҳамisha ҳақиқатни айтишга мойил бўлади. Энг муҳими, у ўзининг баҳоси учун Сиздан амал, имтиёз, «эъзоз

талаб қилмайди. Катта одамлар аксари бирон манфатни кўзлаб тилёғламалик қилганларини билмай қолдилар. Бола эса она табиат каби соф, ҳалол ва мусаффордир. Шу сабабли у кўнглидаги гапни айтади, қўяди. Уйлаймизки, болалар ёзувчиси бўлишнинг қийинчилиги бир томонда ана шу билан белгиланади. Болалар учун асар ёзаётган адиб турмуш воқеаларини ўз қаҳрамони кўзи билан кўришдан ташқари, унинг руҳий оламини тушуниши, ҳис қилиши, қалбакиликдан юз ўгириб ижод қилиши лозим. Ёзувчи Худойберди Тўхтабоев «Ширин қовунлар мамлакати» ёки «Сеҳргарлар жанги» асаридаги Ақром Мадумаров саргузаштини унинг номидан ҳикоя қилар экан, ана шу ҳақиқатга содиқ қолди.

Ақром «Сеҳрли қалпоқча»даги Ҳошимжон билан бир синфда ўқигани, битта қишлоқда катта бўлгани учунми, феъл-атвори жиҳатдан унга ўхшаб кетади. У ўзини фаъзилатлари билан мақтанишни яхши кўради, аммо нуқсонларини айтишдан ҳам чўчимайди. Ёзувчи ўз қаҳрамони тилидан бир неча йиллар аввал маориф соҳасида йўл қўйилган, айрим жойларда ҳали ҳам давом этаётган хатоларни усталик билан баён этади. Хусусан, ўқувчиларнинг етуклик атестатидаги баҳолар уларнинг пахта майдонидаги меҳнатига қараб қўйилиши, мактаб маъмуриятининг эътибори ўқувчиларга билим беришга эмас, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга қаратилгани каби нуқсонлар очиқдан очиқ танқид қилинади. Романда ундан ҳам муҳимроқ камчиликларимизни кўраимиз. У ҳам бўлса, мактабларда она тили ва адабиёти фанидан берилаётган билимнинг ўта саёзлигида сезилади. Тўғри, Ақромнинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Жамилани «келинойим» дейишида бироз муболага бор. Аммо олий илмгоҳларда имтиҳон қабул қилувчилар айрим ўқишга кириш ҳавасини билдирганлар жавобда бунга ўхшаш воқеаларга гувоҳ бўлишларини ҳам унутмаслигимиз керак. Романда ўқиш-ўқитишдаги бу ҳолатнинг айниқса, ўқувчилар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатгани аччиқ ҳақиқатни айтиш орқали фош этилади. 10-синфни «муваффақият» билан тугаллаган Ақром Мадумаров пединститут билан мединститутнинг фарқига бормайди. Унинг фожиаси шундаки, у адабиёт фани бўйича эга бўлган билимини етарли деб ҳисоблайди.

Ақром Мадумаров далада яхши меҳнат қилганлиги

учун ўрта мактабни юқори баҳолар билан тамомлаб, ширин қовунлар мамлакатига сафар қилади. Асар бош қаҳрамонининг саргузаштларини баён қилиш орқали ёзувчининг асарни ёзишдан назарда тутган мақсади ҳам очилиб боради.

Акром Мадумаров билим жиҳатдан анчайин заиф ўқувчи экани китобхоннинг унга меҳр билан муносабатда бўлишига монеълик қилмайди. У ёзувчининг «Сариқ девнинг ўлими», «Беш болали йигитча» каби асарларидаги бош қаҳрамонларга асосий хусусияти жиҳатидан ўхшаб кетади. Жумладан, Акром Мадумаров одамларга яхшилик қилувчи, очиқ кўнгил, эзгу ниятли, инсонпарвар ўсмирдир. Аммо Акромдан ўз хусусиятлари билан адибнинг аввалги асарларидаги қаҳрамонлардан фарқ ҳам қилади. Айниқса, унинг «Ширин қовунлар мамлакати»даги иллатларни йўқ қилиш соҳасидаги фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир. У лаганбардорлик, мансабпарастлик, порахўрлик, лоқайдликларга қарши ўзи билмаган ҳолда вужудга келтириб қўйган Иблис рамзи тимсолида муросасиз курашга киришади. Ёзувчи Иблиснинг алоҳида бир разил шахс сифатида эмас, ёвузлик руҳи сифатида яратган. Иблис мунофиқ руҳ бўлгани учун истаган кишининг қиёфасини қабул қилиши, хоҳлаган одамнинг онгини заҳарлаши мумкин. Уни фақат Акромжоннинг ўзигина бадбўй ҳидидан таниб олади. Кўриниб турибдики, ёзувчи асарда илгари сурилган кўп масалаларни ҳал этишда рамзий тасвирдан кенг фойдаланишга ҳаракат қилади.

Одатда ижобий ёки салбий ҳолатлар саргузашт-фантастик романда кескин тасвирда ифодаланади. Таниш-билишчилик орқали фарзандини ўқишга киритмоқчи бўлган Шар Манда ҳеч қандай иккиланишсиз ўзини институт ходимларига қабул комиссия ишлари бўйича буйруқ беришга ҳуқуқли деб ҳисоблайди. Имтиҳон комиссиясининг бошлиғи Шар Мандага хизматини таклиф қилиш орқали ўз лавозимида абадий туриш учун васиқа ундиради. Ўқишга кириш конкурсига билимли ўқувчилар эмас, чамадонда пул олиб келувчилар иштирок этадилар: «Чамадондаги пулларни тарозига қўйишган эди, тош этишмай қолса бўладими, ўн тўрт курсида ўтирган ўн тўрт имтиҳончи ў-ўлаб ўрнидан туриб кетишди». Мана шундай разил тартиблар ҳукм сурган «Ширин қовунлар мамлакати»да Акром Мадумаров яратган Иблис

пайдо бўлгандан сўнг аҳвол янада оғирлашади. Ўз хизматини ҳалол бажараётган шахслар ишдан четлатилади. Олимлар ҳибсга олинади. Мунофиқ одамлар катта лавозимларга тайинланади. Бу қарама-қарши, мураккаб вазиятни тартибга солиш Ақром ва олим Дар Даражанинг қўлидан келарди холос. Ёзувчи Иблисга қарши курашнинг ҳаддан ташқари мушкул эканлигини ўз ўқувчисига етказмоқчи бўлади. Чунки Иблисни қўл билан ушлаш, жисмонан жазолаш мумкин эмас. У одамларнинг онгини поклаш, уларнинг қалбида эзгу тилакларни ҳосил қилиш натижасидагина йўқ бўлиши мумкин. Дар Даража томонидан кашф этилган дори-дармонлардан усталик билан фойдаланиш, одамлар орасида тушунтириш ишлари олиб бориш, эзгу ниятни амалга ошириш йўлида қийинчиликлардан қўрқмаслик Ақром Мадумаровга бу мушкул вазифани бажариш имконини беради.

Ростгўй ва ҳақиқатпарвар Ақром Мадумаров ширин қовунлар мамлакатаида дуч келган қийинчиликларни бафуржа сўзлаб беришдан эринмайди. Аммо масаланинг энг муҳим томони шундан иборатки, Ақром сеҳрли юртда бошидан кечирган бир қатор саргузашт эпизодларда иштирок этиш учун Ширин қовунлар мамлакатаига сафар қилишининг хожати ҳам йўқ эди. Чунки ёзувчи Ҳ. Тўхтабоев томонидан бўрттириб тасвирланган Ширин қовунлар мамлакатаидаги кўп воқеа-ҳодисалар асосини кейинги йилларда ҳаётимизда учраб турадиган бир қатор камчиликлар ташкил этади. Ёзувчи китобхонга муҳим ҳақиқатни етказмоқчи бўлади.

Разиллик иллатини ҳеч қандай дори-дармон, буйруқ, жазолаш орқали тузатиб бўлмайди. Бу иллатни одамлар онгини поклаш, эзгу хис-туйғулар ҳосил қилиш орқалигина йўқотиш мумкин. Бу ўринда ўз юртининг етуқ олими ҳисобланган Дар Даражанинг айтган гапларини эсга олиш мақсадга мувофиқдир: «Дунёда заҳарнинг тури кўп, бўтам,— дейди у ўз шогирдига,— Илондан, чаёндан, қора қуртдан олинадиган заҳарлар бўлади. Лекин булардан ўткирроғи иғвогарнинг иғвосида, тухматчининг тухматиди бўлади». Дар Даража раҳбарлигида Ақром Ақромий Иблисни жисмонан йўқ қилишга қийналади. Мамлакатдаги одамларнинг тушунчаларида ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлагач Иблис ўз-ўзидан ҳолдан кетади. Маънавий жиҳатдан ўлимга маҳкум этилганини ҳис қилади. Энди уни қўлга олиш ҳам, банди қилиш ҳам у қадар қийинчили...

Роман орқали ёзувчи ҳозирги кунда рўй бераётган камчиликларни ортиқча ваҳима қилмаган ҳолда оғирлик билан кўрсатаётгандек туюлади. Бу иллатларни йўқ қилиш ҳам ўзимизнинг қўлимизда. Бироз қийинчиликни, ўнғайсизликни бўйинга олиб ҳақиқатни ёқласак, орамиздаги Иблис кучдан кетади. Маълум бўладики, ёзувчи бу сафарги романида ҳаётий, ижтимоий масалаларга кўпроқ эътибор берган. Усмир Ақром Мадумаров орқали ўзимизнинг қандай одам эканлигимизни очиқроқ айтишга уринган.

Китобхон Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Беш болали йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Ширин қовунлар мамлақати» дан кейин ёзилган «Мунгли, кўзлар» романларини яхши билади. Номлари тилга олинган асарларининг қурилишидаги воқеалар тизмаси ўқувчида қониқиш ҳосил қилади. «Ширин қовунлар мамлақати» да бу изчиллик бироз етишмагандек туюлади. Баъзан бу «мамлакат» даги бир воқеа иккинчисига тамоман зид тасаввур ҳосил қилади. Автобусда бепул шарбат тутилса, ортиқча пул берилгани учун таксист ҳақоратга чидай олмай ўзини ўзи ўлдиришга тайёр турса-ю, олий илмгоҳларга чамадон-чамадон пул бериш билан қабул қилиш тартиби ҳукм сурса. Иблисга қарши кураш кетаётган бир шароитда расмиятчи, порахўр, амалпараст шахслар катта лавозимларга кўтарилсалар-у, уларнинг ўзлари иблисни йўқотиш бўйича тадбирлар белгиласалар. Бир қарашда романдаги бу зиддият ғайритабiiийдек кўринади. Аммо ҳаёт баъзан муайян тарихий шароитда ана шундай қарама-қаршилиқлар бир-бирини инкор этмаслигини тасдиқламоқда. Хусусан, ҳозирги кундаги мураккаблиқларга эътибор беринг. Бир томонда меҳр-оқибат, ҳалоллик, бировнинг ҳақиқага ҳиёнат қилмаслик ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Бундай эътиқодга ситқи дилдан амал қилаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Иккинчи томонда иккиюзламачилик, ҳиёнат, порахўрлик, манманлик, давом этмоқда. Демак, ёзувчи айрим пайтларда яхшилик билан ёмонлик ҳаддан ташқари яқин келиб қолиш ҳоллари рўй беришини ҳам ўз романида ифодалай олган. Яхши-ёмонни идрок ва ақл билан ажратишни эса ўзимизга ҳавола қилган.

Роман фантастик жанрда ёзилганлигига алоҳида эътибор бериш керак. Бадиий асар қайси жанрда битилганидан қатъий назар реал ҳаётни, турмуш ҳа-

қиқатини акс эттириши зарур. Роман воқеалари гарчи фантастик оламда юз бераётган, сюжети эртақлар асосида қурилган бўлса-да, биз унда бугунги ўзбек ҳаётининг баъзи бир томонлари тасвирланганини кўрамиз. Эртақлар оламида иблислар, сеҳрли қалпоқчалар, сеҳргар олимлар бўлиши табиий. Порахўрлар, ёлгончилар, амалпарастлар, мақтанчоқлар, дангаса ва текинхўрлар бугунги ҳаётимизнинг аянчли қабих томонларидир. Ёзувчининг санъати, маҳорати шундаки, ҳаёт олами билан реал ҳаёт воқеаларини бирлаштира олган. Китобхон хулоса чиқара олиши учун имконият яратган. Болани ҳаёл суришга ўргатиш керак, фантазияси кенг бола дунёни кенгроқ, чуқурроқ англайди, фантазия кишига ўзини англашни ҳам ўргатади. Жуда катта кашфиётлар, кўпинча фантастик мушоҳада асосида туғилади. Шунинг учун ҳам эртақларда фантастик ҳолатлар, фантастик образлар кўпроқ учрайди, эртақ эса асосан болалар учун, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш учун яратилади. Яна ҳам тўлиқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир халқнинг адабиёти эртақ ва афсоналардан туғилиб шу асосда ривожланиб борган. «Ширин қовун...»лар ҳам халқ эртақлари асосида яратилган асарлар қаторига киради. Асарнинг тезда оммалашиб ёш китобхонлар қалбини ром этиб олишининг сабаби ҳам унда халқ овози кучли эканлигидандир.

О м о н и л л о М а д а е в,
филология фанлари номзоди.

МУНДАРИЖА

Ширин қовунлар мамлакати

<i>I боб. Мен Акром қовунчи бўламан</i>	<i>4</i>
<i>II боб. Ойижоним бурнимни кесиб ташламоқчи бўлгани . . .</i>	<i>8</i>
<i>III боб. Шиша ичидаги жинлар</i>	<i>15</i>
<i>IV боб. Иштихонда оёғим осмондан келгани</i>	<i>21</i>
<i>V боб. Эшак — «Жигули» эмас</i>	<i>28</i>
<i>VI боб. Ҳандалак шаҳри</i>	<i>35</i>
<i>VII боб. Адолатли конкурслар</i>	<i>42</i>
<i>VIII боб. Темир одам билан қалла уриштирганим</i>	<i>51</i>
<i>IX боб. Профессор Дар Даража билан учрашдим</i>	<i>56</i>
<i>X боб. Умрни узайтирадиган институт</i>	<i>63</i>
<i>XI боб. «Сарқитлар қабристони»</i>	<i>72</i>
<i>XII боб. Чинакам кашфийёт</i>	<i>79</i>
<i>XIII боб. Ишқ дардига даво борми?</i>	<i>85</i>
<i>XIV боб. Жодугар қиз алдаб кетди</i>	<i>90</i>
<i>XV боб. Сеҳргар иблисининг дунёга келиши</i>	<i>95</i>

Сеҳргарлар жанги

<i>XVI боб. Икки йиллик уйқу</i>	<i>106</i>
<i>XVII боб. Матбуот конференцияси</i>	<i>112</i>
<i>XVIII боб. Тутинган синглим шумхабар келтирди</i>	<i>117</i>
<i>XIX боб. Му Тига атаб эргак тўқидим</i>	<i>122</i>
<i>XX боб. Роса қалтак едим</i>	<i>127</i>
<i>XXI боб. Ҳошимжоннинг сеҳрли қаллоқчаси ёрдамга келибди.</i>	<i>133</i>
<i>XXII боб. Қовунтоғ устида суратга тушдим</i>	<i>138</i>
<i>XXIII боб. Севгилимни ахтариб</i>	<i>145</i>
<i>XXIV боб. Бу бобнинг мазмуни ичидаси гаплардан маълум бўлади</i>	<i>151</i>
<i>XXV боб. Еруғ юз билан</i>	<i>158</i>

Сеҳргар иблис

XXVI боб. Иқрорнома	165
XXVII боб. Хиёбонда жуштлашув	170
XXVIII боб. Иғво оғуси	177
XXIX боб. Собиқ итвозгарлар қасами	182
XXX боб. Эсиз, эсиз қулоқлар!	189
XXXI боб. Севгилимни ким ўғирлади?	196
XXXII боб. Тухмат	203
XXXIII боб. Жазо	209
XXXIV боб. Жазо давом этади	215
XXXV боб. Уйқусизлик	221
XXXVI боб. Сеҳргар Иблиснинг диплом ўғирлагани	228
XXXVII боб. Улим тўшагида	235
XXXVIII боб. Шухрат майи	241
XXXIX боб. Мақтанчоқнинг қонида мағзаванинг ҳиди бор	249
XL боб. Тўйга, тўйга, тўйга!	255
XLI боб. Иблис қўлга тушди	262
XLII боб. Менга ҳайкал қўйганлари	270
XLIII боб. Онажоним бағрида эриб кетдим	276

Художественно-литературное издание

На узбекском языке

ХУДОЙБЕРДИ ТУХТАБАЕВ

**БОИ ВОЛШЕБНИКОВ ИЛИ В СТРАНЕ
СЛАДКИХ ДЫНЬ**

Роман

Ташкент, издательство «Чулпан» 1991

Редактор Х. Имонбердиев

Рассож Х. Зиёхонов

Расмлар ред. О. Муинов

Тех. ред. Е. Толочко

Корректор Р. Файзиев

ИБ № 0375

Восмахонага берилди 07. 12. 90. Босишга рухсат этилди 07. 05. 91.
Формат 84×108¹/₃₂. Восмахона қоғози №2. Мактаб гарнитураси.
Юқори босма. Шартли босма 15,12. Шартли кр.-оттиск. 15,54. Нашр
листи 14,75. Тиражи 75000. Заказ №25. Ваҳоси 2 с. 10 т.

«Чулпан» нашриёти, 700083. Тошкент шаҳри 83. «Правда» газетаси
кўчаси, 41. Ўзбекистон ССР матбуот давлат кўмитасининг Янгийул ки-
тоб фабрикасида босилди. Янгийул шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.

Т 98

Тўхтабоев, Худойберди.

Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги: (Саргузашт — фантастик роман).— Т.: Чўлпон, 1991.— 288 б.

Тухтабаев, Худойберди. Бой волшебников или в стране сладких дынь: Фантаст. роман.

Ўз 2